

31777
№ 2

РТ СТИВЕНСОН

ХАЗИНАЛАР

ОРОЛЫ

РОБЕРТ
СТИВЕНСОН

НЗИНГЛР
ОРОЛ

Роман

ТОШКЕНТ
«О'ЗВЕКИСТОН»
2013

УДК: 821.512.133-3

ББК 84(4Ингл)

С91

Ингл. фасад.

Асарни қайта ишлаб нашрға тайёрловчи
Иzzat АХМЕДОВ

*N₁ 31727
23,*

ISBN 978-9943-01-875-4

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2013

013/45

A 3178

СҮЗБОШИ

Бир неча асрлардан буён бутун дунёда машхур инглиз ёзувчиси, танқидчи, изблицист Роберт Луис Стивенсоннинг «Хазиналар ороли» романини барча бирдай севиб ўқиуди. Роберт Луис Стивенсон 1850 йили Эдинбургда мухандис оиласида туғилади. Мактабни тугатгач, Эдинбург университетининг хукукшунослик факультетига ўқишига киради. 1866 йилн Эдинбургда Томас Стивенсоннинг маблағи эвазига Шотландияда дехқонлар қўзғолонининг юз йиллиги га бағищланган «Петланд қўзғолони. 1666 йилнинг тарих сахифаларн» номли очерклар тўплами бор-йўғи юз нусхада чиқарилади. Етти йилдан сўнг бўлғуси ёш ёзувчининг «Йўллар» номин биринчи босма китоби нашрдан чиқади.

1873—1879 йиллар Францияда яшаб адабиётшуносликка оид эсселар ёза бошлайди. 1880 йилда «Дюнанинг уйида» қиссаси дунё юзини кўради. Кутимагандан Робертга ўика касалн ташхисини кўйишади. Щу боис даволаниш учун Швейцария, Франциянинг жануби ва Англиянинг Борнмут каби жойларига саёҳатга боришига мажбур бўлади.

1881 йили шотланд халки услуби асосида «Бадбахт Женет» хикояси чои этилди. Бу хикояда ўзининг қалб кечинмалари, түғёнлари сирларини очиб бернишга харакат қилади. Адиб бу асари билан фантастикани реал хаётга яқинроқ тасвирлашга муваффак бўлади.

1882 йили тўрт йил илгари Франциянинг тоғли Монистье қишлоғида ёзилган «Янги араб кечалари» хикоялар тўпламини чоп эттиради. Бу туркум икки, яъни «Ўз-ўзинн ўлдирғанлар» ва «Раджнинг олмослари» қисмларидан иборат бўлади. Орадан бир йил ўтиб, яъни 1883 йили Робертга катта шон-шұхрат келтирған «Хазиналар ороли» романи нашр этилди. Бу роман адабиётда

саргузашт-классик асар деб ном олади. Ёзувчи бу асари билан Д. Дефонинг «Робинзон Крузо» анъанасини давом эттиради. Р. Стивенсон ушбу асари орқали ўзининг ўткир сюжетли эпизодлари билан ўқувчини психологик ишонтиришга харакат қилади.

Адид бир муддат ҳам тиним билмай ижод қила бошлийди, саёхатларга чиқади. Шунинг маҳсули сифатида 1886 йили кетма-кет «Доктор Жакил ва жаноб Хайданинг кўркинчли тарихи», «Ўғирланган» романларини ёзади. 1887 – 1888 йилларда Р. Стивенсон оиласи билан Америкага боради. Шу икки йил мобайнида ёзувчи янги асарлари, «Туш кўриш» мақолалар китобини ва «Кора ўқ» романини ёзиб тугатади. 1889 йили «Хатолик» романини тутинган ўғли Ллойд Оскорн билан биргаликда ёзиб тугатишади. Соғлигини тиклаш ва янги-янги очерклар ёзпиш мақсадида онла аъзолари билан Тинч океани жанубига саёхатга йўл олишади. Улар Маркиз ороллари, Тумаоту, Тайти, Гавай, Микронезия ва Австралияда бўлишади. Бу саёхатлар Робертнинг бир оз бўлса-да соғлигини тиклашда ёрдам беради. Шунинг учун ҳам Р. Стивенсон Упол оролидан йигирма гектар ер сотиб олиб, уй қура бошлийди. Бу оролнинг мўътадил иклими ёзувчи соғлигининг анча яхшиланишига ёрдам беради.

1890 йилда «Жанубий денгизларда» йўл таассуротлари асарини ёзиб тугатади. Бир йилдан сўнг эса «Сатаниндаги шишалар» хикоялар тўплами, ундан кейин Ллойд Оскорн билан ҳаммуаллифликда «Ҳалокатга учраган кема» романи нашр этилади. 1893 йили «Ўғирланган» романининг давоми сифатида «Катриона» ва «Оролдан овоз» хикоялар тўплами нашр қилинади. 1894 йилда Ллойд Оскорн ҳаммуаллифлигига «Тўлкин» романини ёзиб тугатишади. Соғлиги тобора ёмонлашаётганига қарамай Р. Стивенсон «Уир Гермистон» номли романни устида ишлай бошлийди. Бирок ёзувчи бу асарини ёзиб тугатолмайди. Ушбу асар адид вафотидан икки йил ўтиб чоп этилади. Роберт Стивенсон 1894 йил Вайлименда оламдан ўтади. Роберт Стивенсон гарчи қисқа умр кўрган бўлсада, ундан жуда кўп асарлар мерос бўлиб колди. Адиднинг асарлари бир неча асрлар ўтса ҳамки, дунё ҳалқларининг кўпгина тилларига таржима қилиниб, китоб ҳолида чоп этиб келинмоқда. Шунинг ўзиёқ ёзувчи асарларининг умрбоқийлнгидан далолатdir.

Адибнинг бир қатор асарлари ўзбек тилига ҳам таржима қилинган. Жумладан, «Меросхўр», «Катриона», шунингдек «Хазиналар ороли» романларини ўзбек китобхонлари севиб мутолаа қилишади. Айниқса, «Хазиналар ороли» романи ўкувчилар қалбидан чукур ўрини эгаллаган. Бу асар асосида яратилган бадиий фильмни ҳам кўнчилик томоша қилган. Ушбу асар бадиий тўқима бўлмай, аслида романда тасвирланган саргузашт воқеалар хақиқат экани, яъни хаётда ростдан ҳам содир бўлгани кўпчиликка номаълум бўлса керак. Асарда тасвирланган бир оёкли қарокчи Жон Сильвер ва Жим Хоккинснинг гаройиб саргузаштлари айнан Карнб денгизидаги Пинос оролида рўй берган экан. Ёзувчи бу қаҳрамонларининг саргузаштларини шундай маҳорат билан тасвирлаган-ки, воқеаларнинг бир-бирига занжирдек боғланганлиги ўкувчини ўзига жалб қиласи. Шу боис ҳам ушбу асар жаҳоннинг бир неча тилларига қайта-қайта таржима қилинмоқда. Жумладан, 1973 йилда ўзбек тилига Ахмаджон Ёкубов томонидан ўтирилган.

«Хазиналар ороли»нинг янги нашри аввалги таржимадаги жузъий камчиликлар бартараф этилиб, қайта ишланган ҳолда босмага тайёрланди.

Иzzat АХМЕДОВ

БИРИНЧИ ҚИСМ

КЕКСА ДЕНГИЗ ҚАРОҚЧИСИ

I бөб

КЕКСА МОХИР ДЕНГИЗЧИ «АДМИРАЛ БЕНБОУ» ҚОВОҚХОНАСИДА

Сквайр¹ Трелони, доктор Ливси ва бошқа жентльменлар мендан Хазиналар Оролн ҳақида билгани барча нарсаларимни ёзишин илтимос қилищдн. Улар оролнинг географик жойлашишидан ташқари бутун воқеани бошидан-охиригача, хеч нимани яширмай хикоя қилиб беришмни исташарди. Бу оролнинг қаерда жойлашганини хозир кўрсатиш мумкин эмас, чунки у ерда биз ташиб улгурмаган хазина сақланади. Шундай қилиб, 17... йилда кўлимга қалам олиб, отамнинг «Адмирал Бенбоу»² қовоқхонасини ҳамда қуёшда қорайған юзи қилич изидан тиртиқ бўлиб қолган кекса денгизчининг ана шу қовоқхонага жойлашиб олган пайтларини кўз олдимга келтирдим.

Унинг оғир қадам ташлаб осто наизга етиб келгани, унга қарашли денгизчилар сандикчасини эса оркасидан замбилғалтакда келтиришгани худди кечагидай ёдимда. У новча, бақувват, йўғон гавдали киши эди. Унинг мойланган кокили мовий кафтанининг ёр босгани ёқаси устидан диккайиб чиқиб туради. Қўллари ғадир-будир, тирнокларн қоп-қора, кемтик юзи даги қилинч тилишндан ҳосил бўлган тиртиғи оқиштоб сурма рангда эди. Бу хотаниш кишининг ҳуштак чалиб, кўрфазимизга назар ташлагани ҳамда тўйсатдан бор овози билан қадимий матросча қўшиқни куйлагани ёдимда, кейинроқ у бу қўшиқни тез-тез айтадиган бўлди:

Ўлик сандигига ўн бешта одам.
Йо-хо-хо, бир шиша ром.

¹ Сквайр – Англиядаги дворянлар унвони.

² Бенбоу – XVII аср охирларида яшаган инглиз адмирали.

Унинг овози чолларни кидаи титрок лангарни кўтариши учун хизмат қиладиган чиғир овозидай тижилдок эди.

Ҳассаси ҳам оғир юк кўтарадиган чиғирга ўхшарди. У ана шу ҳассаси билан эшигимизни қоқди, отам остоңада пайдо бўлганида қўрслик билан бир бордок ром беришни талаб қилди.

Унга ром беришди, у бу ичимликнинг ниридаи ромни хўплаб-хўилаб, шошилмай, хузур қилиб ича бошлиди. Ичимликни қулт-қулт ютаркан, гоҳ қояларга, гоҳ ковоқхона лавхасига қаради.

— Қулай кўрфаз, — деди у ниҳоят. — Майхона учун жуда бои жойда. Одамлари қўими, оғайнин?

Отам, афсуски, одамлар оз, деган жавобни қилди.

— Хўш, нима бўйти! — деди денгизчи. — Бу... менга жуда маъкул. Жой оғайнин! — у орқасидан замбилғалтакни ғилдиратиб келаётган кишига қичкирди. — Бу ёққа олиб кел, сандиқни ичкарига олиб киришга ёрдамлашинб юбор... Бу ерда озгина истиқомат қиласман, деб давом этди сўзида. — Камсуқум бир одамман. Менга ром, чўчқа тўши, қўймок... хов анави денгизга чиқаётган кемалар кўринниб турган бурун бўлса бас... Исмимми? Майли, капитан деяверинглар... Эҳ-ха, нимага умидвор булиб турғанларнингин биллямсан! Мана!

У остоңага учтами-тўртта олтии тангани улоқтириди.

— Булар тамом бўлгандан кейин, хузурумга кириб айтишларинг мумкин, — деди у жиддийлик билан, сўнг отамга амирона назар ташлаб қўйди.

Чиндан ҳам унинг кийимлари кўримсиз, ганилари дағал бўлса-да, ҳар қалай оддий матросларга сира ўхшамасди. У бирорларининг ўзига бўйсунишига ўрганиб қолган штурман ёки шкинерга ўхшаб кетарди. Унинг муштига ярк беришини ёқтириши сезилиб туради. Замбилғалтакли киши бу иотаниш одам кечада эрталаб почта аравасида «Кирол Георг меҳмонхонаси»га келганини, ўша ерда денгиз яқинига жойлашган ҳамма қўнокхоналарни суриштирганини айтиб берди. Эҳтимол, капитан бизнинг ковоқхонамиз хақида яхши ганиларни эшитиб ва унинг четроқда жойлашганини билиб, бизникида истиқомат қилингига аҳд қилгандир. Ижара турувчи бу одам хақида билганларимизнинг бариси шу бўлди, холос.

У камгал одам эди. Кун бўйи кўрфаз соҳибида айланиб юрар ёки қўлида мис дурбини билан қояларга

чиқарди. Кечқурунлари эса умумий хонанинг бир бурчагида, олов ёнида ўтиарар ва ромга оз-моз сув аралаштириб ичарди. У бирор гапта солса жавоб бермас, гапирган кишига қаҳрли назар ташлаб күяр, бурни туманда қолган кеманинг сиренасидай хуштак чаларди. Кўп ўтмай биз хам, хўрандаларимиз хам уни ўз холига қўйдик. У ҳар куни сайдан қайтгач, йўлдан биронта дengизчининг ўтган- ўтмаганини сўради. Аввалига унга ўзига ўхшаган майхўр улфат етишмаётгандир, деб ўйладик. Кейинроқ эса унинг бунақа одамлардан ўзини олиб кочишга итилаётганини пайкаб қолдик. Борди-ю, биронта дengизчи Бристолга бора туриб йўлакай «Адмирал Бенбоу»да тўхтайдиган бўлса, капитан аввал эшик пардаси орқасидан мўралаб қаарди унга, шундан кейингина меҳмонхонага чиқарди. Ана шундай одамлар келиб қолганда у сичкондай пусиб, жимгиниа ўтиради.

Гап нимада эканлигини мен билардим, чунки капитан ўз ташвишини менга айтган эди. Кунларининг бирида у мени четга тортида ва «кўз-қулок бўлиб юр, агар бу атрофда бир оёқлик дengизчи пайдо бўлса, дархол менга хабар қил», деб тайинлади ва хизматим эвазига ҳар ойнинг биринчи кунида менга тўрттадан кумуш танга беришни ваъда қилди. Ойнинг бпринчи куни келганда ваъда қилинган маошни беришни сўраб унга мурожаат қилдим, у эса бурнини пишиллатиб, менга қаҳрли назар ташлаб кўйди. Бирок бир хафта ўтмай, бир ўйга келди шекили, менга тангаларни келтириб берди хамда «бир оёқли дengизчи»ни кўздан кочирмасликни қайта тайинлади.

Бир оёқли дengизчи мени, ҳатто, тушимда хам таъкиб қиладиган бўлди. Қаттиқ шамол уйимизнинг тўрт томонини ларзага келтирган, қудратли тўлқинлар кўрфазга ва коя тошларга ўкириб урилган бўронли тунларда у минг хил қиёфада, минг хил шайтону иблис тусида тушимга киради. Унинг оёғи гоҳ тиззасидан, гоҳ сонидан кесилган бўларди. Баъзида у танасидан ягона оёқ ўсиб чиккан қандайдир даҳшатли махлук сифатида кўринарди. У бир оёқ билан четан деворлар ва ариклардан сакраб ўтиб мени кувларди. Ҳар ойда оладиганим тўртта кумуш танга менга анча қимматга тушди; унинг эвазига ана шундай жирканч, қўрқинчли тушларни кўрдим.

Бир оёқли деигизчи мен учун қанчалик даҳшатли бўлмасни, лекин капитаннинг ўзидан ҳар қалай бошка-

ларга қараганда камрок күркардим. Баъзида у кечкүрунлари сув қўшиб шунчалик кўп ром ичардики, бошини сарак-сарак қилар, ана шундай иайтларда қовоқхонада узок ўтириб қолар, атрофдагиларга заррача эътибор бермай, ўзининг қадимий, беўхшов, чапанича денгизчилар қўшигини айтарди. Баъзан у хаммани ўз столига таклиф қилиб, бордок сўраб қоларди. Таклиф қилинганлар кўркувдан қалт-қалт титрашар, капитан эса уларни ё денгиз саргузаштлари хақидаги хикояларини эштишга, ё ўзи айтаётган қўшикка жўр бўлишга мажбур қиларди. «Йо-ҳо-ҳо, бир шиша ром» айтилганда уйимизнинг дөворлари ларзага келарди, чунки бу ерга келганлар унинг омонсиз ғазабидан кўркиб, бир-бирининг овозини босиб, баландроқ ашула айтишга интиларди, факат капитан улардан мамнун бўлса етарли эди, чунки бундай пайтларда унинг жазаваси тутиб кетарди: гоҳ столни муштлаб хамманинг жим бўлишини талаб қиларди; гоҳ бирор сўзини бўлиб, бирор савол берса ғазабга келарди; гоҳида эса, аксинча, бирорта одам савол билан мурожаат қилмаса ҳам жини баттар қўзириди, чунки бундай қилиш, капитаннинг фикрича, унинг гапларига эътиборсизлик билан қулок солишни билдиради. У қовоқхонадан бирорта одамни ташқарига чиқармасди — улфатлар ичилган вино-лардан мудраб, кария эса гандираклаганча аранг ўрнпга жўнаганидан кейингина тарқала оларди.

Лекин хаммасидан ҳам унинг хикоялари ваҳимали эди. Дорлар, тахта устидан юриш¹, довуллар, Драй Тортугас² хақидаги, қарокчиларнинг уялари ва уларнинг Испан денгизидаги³ жасоратлари тўғрисидаги хикоялари нихоятда даҳшатли бўларди.

Хикояларидан маълум бўлишича, у бутун умрини денгиздаги учига чиқкан ёвуздар орасида ўтказган. Икки гапнинг бирида унинг оғиздан чиқаётган куракда турмайдиган ҳақоратлар соддадил кишлоқ одамларинн ўзига гапириб берган жиноятлардан ҳам баттарроқ талvasага соларди.

¹ *Тахта устидан юриш* — жазо тури. Ўлимга ҳукм этилганларни бир уни денгиз узра чиқариб кўйилган, иккинчи уни михланмаган тахта устидан юришга мажбур қилинарди.

² *Драй Тортугас* — Флорида яқинидаги орол.

³ *Испан денгизи* — Караиб денгизи Жануби-шарқ қисмининг эски номи.

Отам доим қовоқхонани ёпишга түғри келади, чунки капитан хұрандаларни бездирыпти, деб таъқидларди. Бүнчалик хақоратларни эшитишга, уйига қайтаёттанды құрқувдан титраб-қақшашига кимнинг күзи учыб турибди! Бирок менинг назаримда, аксинча капитан биз учун омад келтирді. Түғри, бизга келувчилар ундаң құрқишаради, лекин бир күн ўтар-ўтмай яна шу ерии құмсашиади. У осойишта, зерикарлі турмушимизга аллақаңдаң кишига хуш ёқадыған ташвиш киришиб қўйганди. Ёшлар орасида эса капитанинг мухлислари хам пайдо бўлди, бундайлар унга очикдан-очик қойил қолишганини айтнишаради. «Денгизда суюги қотган чинакам мохир денгизчи!» — деб хитоб қилишаради улар.

Уларниң гапига Караганда, худди мана шу капитанга ўхшаган одамлар Англияни қудратли денгиз ҳукмронига айлантирган эмиш.

Лекин бошка томондан эса бу одам бизга чиндан хам зарар келтирарди. Ҳафта ортидан ҳафта, ой кетидан ой ўта бошлади, келгап пайтида бизга берган пулларни аллақачон тугаганди, бошка пул бермасди, отам ундан пул сўрашга журъат қилолмасди. Отам пулдан гап очгудай бўлса, капитан қаҳр билан пишиллай бошларди, бу пишиллаш эмас, балки бўкиришга ўхшаб кетарди; у отамга шундай ўқраядики, отам бечора қўрқанидан ташқарига отиласди. Ана шундай самарасиз уриннишлардан кейин уннинг ноchorликда бош чанглаб ўтирганини кўрардим. Ана шу қўрқувлар отамниң ажалидан беш күн бурун ўлишинга сабаб бўлганига шубҳам йўқ.

Капитан бизинкига келганды қандай кийинда бўлса, хозир хам ўшани кийиб юради, факат чорбозорчидан бир неча жуфт пайпок сотиб олди, холос. Шляпасининг бир чети осилиб, шалпайиб қолди; каттиқ шамол бўлганда у халакит берса хам, капитан уни ўшандайлигича кийиб юраверди. Эгнидаги каftашининг қанчалик жулдур эканлиги хам яхши эсимда, юкоридаги хонасида уни қанча ямаб-яқсамасин, барибир каftан увадага айланисб кеттанди.

У ҳеч қанақа мактуб ёзмасди, ҳеч қачон ҳеч кимдан мактуб хам олмасди. Кайфи ошиб қолмаса ҳеч ким билан гаплашмасди хам. Сандирини очганини хам ҳеч қайсимииз кўрганимиз йўқ.

Отам ўлим тўшагида ётган сўнгги кунларда факат бир марта капитанниң сўзиши қайтаришди.

Бир куни кечқурун бемор отамнинг ҳузурига доктор Ливси келди. У беморни кўриб, онам қўйған тушлик овқатни апил-тапил еб, чубук чекиш учун умумий хонага — пастга тушди ва ўзига от келтиришларини кутиб турди. От қишлоқда қолган эди, чунки кўхна «Бенбоу»да отхона йўқ эди.

Уни умумий хонага мен олиб кирдим. Олифта кийинги, бошнга кордай опиок нарик кўндирган, қора кўз, никоятда одобли докторнинг қовоқхонамизга келиб турувчи қўпол қишлоқдан келгандарга асло ўҳшамаслиги мени ҳайратда қолдиргани ҳали-ҳали ёдимда. Докторни ромдан кекириб, тирсакларини столга тираб ўтирган, важохатидан ит хуркадиган, ифлос, қовоги солик, бесўнақай қарокчи билан солиштирганда еру осмонча фарқ бор эди.

Бирдан капитан бўкириб ҳар доимги қўшигини айта бошлади:

Ўлик сандигига ўн бешта одам...
Йо-хо-хо, бир шиша ром!
Кадаҳ ол, ўлимга бошлар шайтон ҳам,
Йо-хо-хо, бир шиша ром.

Дастлаб «ўлик сандиги» юқорида, капитаннинг хонасида турган сандиқнинг ўзи деб ўйлардим. Қўрқинчли тушларимга бу сандик кўпинча қаршиимда бир оёкли денгизчи билан намоён бўларди. Бирок бора-бора бу қўшиқка кўннишиб кетдик, унга эътибор ҳам бермайдиган бўлиб қолдик. Ўша куни кечқурун қўшиқ фақат доктор Ливси учун янгилик эди. Фаҳмлашимча, қўшиқ унга ёқмади. У кекса боғбон Тейлор билан бод касалини даволашнинг янги усули хақидаги сухбатини давом эттиришдан олдин капитанга хўмрайиб қараб қўйди. Бу орада ўз қўшигини маҳлиё бўлиб қизишиб кетган капитан столга зарб билан мушт урди. Бу унинг осойишталик талаб қилувчи ишораси эди.

Овозлар тиниб, сув куйгандай жимлик чўқди; фақат доктор Ливсигина ҳар гап орасида чубугини тортиб, баланд овоз билан беғараз сухбатини давом эттираверди. Капитан унга қаҳрли назар ташлади ва яна столни муштлади. Кейин ундан ҳам баттарроқ ўқрайиб қаради, тўсатдан ўдағайлаб, хақоратли сўзларни айта бошлади:

- Хой, кема сахнидагилар, жим бўлинг!
- Менга гапиряпсизми, сэр? — сўради доктор.
- У фақат докторга гапирганини айтиб, яна сўқинди.

— Ундаң бўлса, сэр сизга бир гапни айтиб қўяй, — деди доктор: — агар мастволизингизни бас қилмасангиз, тез орада оламдаги битта энг ифлос одамдан халос қиласиз!

Канитан инхоятда ғазабга келди. У ўриидан сакраб турди, ёнидан буклама матросча пичогини чиқардида, унн очиб, деворга парчинлаб қўяман, деб докторга дағдага қила бошлади.

Доктор хатто кимирлаб ҳам қўймади. У оркасига қайрилмай, елкаси оша бошқалар ҳам эшитиши учун олдингидан сал баландрок овозда капитан билан гаплашишда давом этди. У хотиржамлик ва қатъият билан шундай деди:

— Агар пичогингизни хозирок чўнтағингизга солиб қўймасангиз, онт ичиб айтаманки, дастлабки саён суднимиз сессиясидан кейиншоқ ўзиғизни дорда қўрасиз.

Улар нигохи билан бир-бирини пармалай бошлади. Лекин кўп ўтмай канитан дош беролмади. У пичогини яширди, калтак еган итдай ғингшиб стулга ўтирди.

— Эндиликда, сэр, — давом этди доктор, — вилоятимда сиздай одамнинг борлиги менга маълум бўлгандан кейин, устингиздан кечаю қундуз каттиқ назорат ўрнатаман. Мен факат докторгина эмас, балки судьяман ҳам. Борди-ю, кулогимга арзимаган шикоят етиб борса ҳам, хозиргидек бирон одамга қўполллик килиб, озор берсангиз, сизни қамоққа олиб, бу ердан ҳайдаб юбориш учун каттиқ чоралар кўраман. Бошқа гапим йўқ.

Кўп ўтмай доктор Ливсига от келтиришда, у жўнаб кетди. Лекин капитан ўша оқшом попуги пасайиб қолди, бу ахвол бундан кейинги бир неча оқшомгача давом этди

II боб

КОРА ТОЗИ КЕЛИБ КЕТДИ

Орадан кўп ўтмай бизни инхоят капитандан халос қилган дастлабки сирли ходисалардан бири бўлиб ўтди. Лекин ундан халос бўлсак ҳам, кейинрок кўрарсиз, уннинг орттириб кетган ташвишларидан қутула олмадик.

Узок давом этган қора совуқли, довулли қаҳратони қиши кунларидан бири эди. Қиши бошланиши билан оқ бечора отамнинг баҳоргача яшаши гумон бўлиб қолди. Кундан-кунга касали оғирлаша бошлади. Қовоқхонани

бошқариш мен билан онамга қолди. Ишимиз бошимиздан ошиб ётгани учун меъдамизга теккан ижаракимиз билан ишимиз йўқ эди.

Изгирили январь тоиги эди. Кўрфаз кировдан оқариб кетганди. Жимирилаган майда тўлқинлар соҳил тошларини эркалаб юварди. Қуёш чиқиб ултурмаган, лекин тепаликларнинг чўққисини ва дengизнинг ичкари томонларини илк нурлари билан жилолантирган эди. Капитан одатдана гидан эртароқ уйғонди ва дengиз томон отланди. Унинг увадаси чиққан мовий кафтанининг кенгбар этаклари остида қиличи тебраниб борарди. Кўлтирида эса дурбин. Шляпасини бошининг орқарогига суріб олган. Оғзидан чиққан буғнинг тутундай ҳавога ўрлаши хамон ёдимда. Катта қоя орқасига ўтаётib жаҳл билан пишқирганини эшилдим, эҳтимол, доктор Ливси билан жиқиллашиб колганини ханузгача унута олмаган бўлса керак.

Онам тенада, отамнинг ёнида эди, мен эса капитаннинг қайтиб келишнiga ионушта хозирлардим. Бирдан эшик очилиб, ичкарига илгари ҳеч қачон мен кўрмаган нотаниш бир киши кириб келди.

Унинг юзи совукдан кўкариб кетганди. Чап қўлининг эса иккита бармоги йўқ. Белига қилич осиб олган бўлса ҳам, унинг қиёфаси ҳарбийларга хос эмас эди. Мен хоҳ бир оёкли, хоҳ икки оёғи бут бўлсин, ҳар бир дengизчини зидан синчиклаб кузатардим, лекин бу одам мени ҳайронликка солиб қўйди. Қиёфасидан дengизчига унча ўхшамаса-да, ҳархолда унинг дengизчи эканини иайқадим.

Мен ундан нима кераклигини сўраганимда, у ром талаб қилди. Унинг айтганини бажо келтириш учун ташкарига чиқиб кетаётсам, у столга ўтириб, мени яна ёнига чакириб қолди. Мен қўлимда сочиқ ушлаганимча тўхтаб колдим.

— Бу ёкка кел, ўғлим, — деди у. — Яқинроқ кел.

Мен яқин келдим.

— Анови стол ўртогим штурман Билли¹ учун тузалганими? — сўради у тиржайиб.

Мен ҳеч қанақа штурман Биллини танимаслигимни, стол бизда ижарада турувчи бир киши учун тузалганини, унн капитан деб атасимизни айтдим.

¹ Уильям исмининг қисқартирилгани.

— Майли, — деди у, — ўртоғим штурман Биллини қапитан деб аташ ҳам мүмкін. Бу ишга халал бермайды. Унинг юзида тиртіғи бор, ичиб олғандан кейин юмшоқ мұомала қиладиган одати бор. Штурманим Билли ана шұнака одам! Капитанингизниң ўнг юзида тиртіғи бор. Демек, ишлар жойида, түғрими? Ҳуллас, мен шу ерда, мана шу үйда ўртоғим Биллининг туриш-турмаслыгини билмокчынман.

Мен капитан саир қылғани чиқиб кетганини айтдым.

— Қаёққа, ўғлим? У қаёққа кетди?

Мен капитан ҳар күнн бориб қеладиган қояни курсатдым, ҳозир келиб қолса керак, дедим.

— Қачон қайтади?

Яна бир неча савол берганидан кейин охирида бундай деди:

— Шундан, оғайнім Билли менн күриб маст бўлгандай курсанд бўлади.

Бироқ ана шу сўзларни айтганида юзи ғамгин тусга кирганидан капитаннинг уни кўрганда унчалик курсанд бўлмаслигига ишондим. Лекин ўша захоти ўз-ўзимга буниң менга алоқаси йўқ, деб қўйдим. Бундан ташқари, бундай пайтларда бирор қарорга келиш ҳам анча қийин эди. Нотаниш кишин шу дамда қовоқхонанинг кўча эшигн олдида туарар ва сичқон пойлаган мушукдаи уй бурчагидан кўзини узмасди. Мен ташқарига чиқмоқчи бўлдим, аммо у мени ташқарига чикармади. Мен қулоқ солмадим, шунда бирдан унинг юзи шунчалик қаҳру ғазабдаи буришиб, оғиздан шунчалик ҳақорат ёғилдики, кўрқанимдан дархол орқага қайтилди. Қайтиш им биланоқ у мен билан илгаригидай, хушомадга ҳам, кинояга ҳам ўхшамаган охангда гаплаша бошлади, елкамга қоқиб, ажойиб бола эканлигимни, мени яхши кўриб қолганини айтди.

— Менинг ҳам ўғлим бор, — деди у, — ундан бир түннинг ҳам бошқача эмас, жуда ўхшайсан. У билан фахрланаман. Лекин ўғил болалар учун энг мухими — итоаткорлик. Шұнака, ўғлим, итоаткорлик. Агар Билли билан бирга сузганингда эди, сени иккى марта чақириб ўтирмасдим. Билли ҳам, у билан бирга сузганлар ҳам буйруқни иккى қылмасди сира... Ана, қўлтиғига дурбинини қисиб, штурманим Билли ҳам келиб қолди, худо уни ўз паноҳида сақласин! Юр, яна ичкарига кириб, эшик орқасига яширинайлик, ўғлим. Билли учун хушха-

бар хозирлайлик, Биллини хурсанд қилаілік, худо уни налохидა сақласин!

Шундай деди-ю, мени умумий хонашынг бурчагига сурғаб бориб, орқасыга яширди. Иккаламаизни ҳам ланг очық эшик түсінб тураади. Үзингиз тасаввур килиб күринг, нотаниш кишининг ўзи ҳам күркиб турғанини күрнеш мен учун ҳам күнгилсиз, ҳам оз-моз күркінчли эди. У Қиличининг сопиши бўшатиб, қинидан сал чикарди, анчагача томонига бир нарса тикилиб, уни ютишга уринаётган одамдай ютиниб турди.

Нихоят капитан хонага кирди, эшикни тарақлатиб ёпди, ҳеч қаёққа қарамай, тўғри ионушта қўйилган стол томон юрди.

— Билли! — деди нотаниш киши ўз овозига қатъяят ва дадиллик оҳанги беришга иштилиб.

Капитан пошнаси билан орқасыга ўғирилди ва биз билан юзма-юз бўлиб қолди. Юзи докадай оқариб, хатто бурни ҳам кўкариб кетди. У гўё алвасти ё шайтонга, ёки, агар бор бўлса, ундан ҳам хунукроқ нарсага дуч келиб қолган одам қиёфасыга тушиб қолди. Шуни эътироф этишим лозимки, унга раҳмим келиб кетди — у дарҳол қари, мункиллаган чолга ўхшаб қолди.

— Билли, нахотки мени танимаётган бўлсанг? Билли, нахотки қадрдан кемадош ўртоғингни танимасанг? — деди нотаниш киши.

Капитан ҳаво етишмаётгандай оғзини катта очди.

— Қора Този! — деди уnihоят.

— Худди ўзи, — деди нотаниш киши бир оз дадиллашиб. — Қора Този кемадош дўстини, «Адмирал Бенбоу» қовоқхонасида истикомат қилаётган Биллспини зиёрат килгани келди. Эх, Билли, Билли! Иккита бармоғимдан айрилганимдан бери қанча йиллар ўтиб кетди-ю! — хитоб килди у майиб қўлинни кўтариб.

— Майли, — деди капитан. — Изимга тушибсан, мана қаршингда турибман. Гапир, нега келдинг?

— Сени биламан, Билли, — деди Қора Този. — Сен хақсан, Билли. Мен жуда яхши кўриб қолган, анави яхши бола менга бир бордок ром келтиради. Биз эса бирга ўтирамиз, истасанг инчинг-киноясиз, тўғрима-тўғри, эски қадрданлардай гаплашамиз. Шундай эмасми?

Мен қўлимда шиша билан қайтиб кирганимда улар капитаннинг столида рўпарама-рўпара ўтиришарди.

Кора Този ёнламасига, эшикка яқинрок ўтирап, бир кўзи қадрдан дўстида бўлса, бир кўзи чекиниш йўли эшикда эди.

У менга чикиб кетишни, эшикни кия очиб қўйишни буюрди.

— Ўғлим, яна эшик тирқишидан мўралаб юргагин.

Мен уларнинг икковини ёлғиз колдириб, пештахта ёнига қайтдим.

Анча вақтгача қулок солдим, лекин ҳар қанча уринмай тушуниб бўлмайдиган ёнғир-ёнғирдан бошқа нарсани эшитмадим. Бора-бора овозлар баландроқ эшитила бошлади, нихоят капитаннинг оғзидан чиқсан бир неча сўзни, асосан хақоратни аниқ эшитдим.

Бир гал капитан:

— Йўқ, йўқ, йўқ! Гапирма бу ҳакда! Уқдингми? — деб бақирди.

Сўнг яна бақирди.

— Агар иш дорга бориб тақаладиган бўлса, майли, хамма осилсин.

Кейин тўсатдан хакорат сўзлари ёғилди, стол ва ўринидиклар полга гурсиллаб ағанади, ханжарлар шарақлади, кимдир оғриқдан додлаб юборди. дам ўтмай эшик томон жон-жаҳди билан қочаётган Коря Тозини кўрдим. Капитан уни кувлаб борарди. Уларнинг киличлари яланғочланганди. Коря Тозининг чап елкасидан кон окарди. Капитан эшик олдида қилич билан яна ҳамла қўлди, қочиб кетаётган рақибига яна битта энг даҳшатли, эҳтимол унинг бошини иккига бўлиб ташлайдиган зарба бермоқчи бўлди-ю, бироқ қилич «Адмирал Бенбоу»нинг катта лавҳасига илиниб колди. Лавҳанинг настида ромдаги ўша зарбанинг изи хозир ҳам бор.

Шу билан жанг тамом бўлди.

Кора Този йўлга чиқиб олгач, ярадор бўлишига карамай, киши хайрон коладиган даражада тезлик билан кочди, бир дақиқадан кейин тепалик орқасинда кўздан ғойиб бўлди. Капитан қаққайиб тик туарар ва лавҳага телбалардай боқарди. Кейин бир неча марта кўзини силаб, сўнг ичкарига кирди.

— Жим, — буюрди у, — ром келтир!

У шундай деди-ю, сал гандираклаб кетди ва қўли билан деворни ушлаб қолди.

Яраландингизми? — сўрадим мен.

— Ром! — тақрорлади у. — Бу ердан жұнашим керак.
Ром келтир! Ром!

Мен ром келтириш учун югурдым, лекин ниҳоятда хаяжонланғанимдан бордоқни синдириб қўйдим ва ёроч хумнинг жўмрагнни булғаб қўйдим. То ҳамма нарса-ни тартибга келтириб, бошқа бордоққа ром қўйганимча, тўсатдан залда бир нарса полга турсиллаб қулаганини эшилдим. Югуриб хонага кирсан, капитан ерда чўзилиб ётиби. Муштлашиш ва шовкин-суронни эшитиб ташвишга тушган онам менга ёрдамлашгани пастта югурибди. Икковимиз капитаннинг бошини кўтардик. У ҳаисираб-хансираб аранг нафас оларди. Кўзлари юмук, юзи кўкариб кетганди.

— Ё раббий! — хитоб қилди онам. — Қовоқхонамиз учун қандай шармандалик! Аксига олиб отанг ҳам касал ётиби!

Биз капитанга қандай ёрдам қилишни билмасдик. Нотаниш киши билан яккана-якка жангда ўладиган даражада яраланганига ишончимиз комил эди. Мен ром келтириб, оғзига қўйишга уриндим. Лекин унинг кучли жағлари маҳкам қисилган эди.


Бахтимизга эшик очилиб, бемор отамдан хабар олгани доктор Ливси кириб келди.

— Доктор, ёрдам беринг! — хитоб қилдик. — Нима қилсак экан? Қаери яраландийкин?

— Яраланган дейсизларми? — деди доктор. — Бўлмаган гал! У мен ёки сенга ўхшаб яраланмаган. Миясига қон қўйилган, холос. Нима ҳам қилардик! Уни огоҳлантиргандим... Хўш, миссис Хокинс, тепага, эрингизнинг ённга чиқа қолинг, иложи бўлса унга хеч нарса деманг. Мен эса, мутлок яшашга полойик бўлган бу одамни кутқаришга уриниб кўраман. Жим, жом олиб кел.

Мен жом келтирганимда доктор капитаннинг енгини шимариб, унинг катта, мушакдор қўлини яланғочлаб қўйганди. Қўлида талайгина татуировкаси ҳам бор экан. Елкасига яқинроқ жойда: «Баҳт учун», «Оқ йўл», «Билли Бонснинг орзулари рўёбга чиқсин» деган аник ёзувлар кўкариб туради.

Елкасида дорнинг сурати бўлиб, унда бир киши осилиб туради. Назаримда бу сурат жуда моҳирлик билан солинган эди.



— Башорат қилиб чизплган сурат, — деди доктор бармогини дор суратига теккизиб. — Энди, жаноби Билли Бонс, чиндан ҳам сизни шундай деб аташса, қонингизнинг рангини ҳам бир кўриб кўяйлик... Жим. — Менга мурожаат қилди у, — қондан қўркмайсанми?

— Йўқ, сэр, — дедим мен.

— Жуда соз, — деди доктор. — Бўлмаса жомни ушлаб тур.

У наштарни олиб, унинг кўк томшрини ёрди.

Кўзини очиб, бизга маъносиз назар ташлагунига қадар капитаннинг анча қони оқди. У докторни таниб, қоворини уйди. Кейин менга кўзи тушиб, тинчлангандай бўлди. Сўнг қизариб-бўзариб ўрнидан туришга уринди ва қичкирди:

— Қора Този қаерда?

— Елкангизда ўтиргандан бошқа бу ерда ҳеч қандай този йўқ, — деди доктор. — Сиз ромни кўп ичгансиз. Мана, мен айтгандай, миянгизга қон қўйилди. Мен бўлсам, истагимга зид ўлароқ, сизни ўлимдан қутқариб қолдим. Хўш, Мистер Бонс...

— Мен Бонс эмасман, — капитан унинг гапини бўлди.

— Ахамияти йўқ, — деди доктор. — Менинг бир Бонс исмли кароқчи танишим бор, мен сизга бу номни гапни кисқа қилиш учун бердим. Гапларимни яхшилаб уқиб олинг: бир бордоқ ром сизни ўлдирамайди, бироқ бир бордоқ ичганингиздан кейин яна ва яна ичгингиз келади. Бошимдаги парик ҳурмати онт ичиб айтаманки, агар ичишни ташламасангиз, тез орада албатта ўласиз. Тушундингизми? Инжилда айтилган жойга қараб кетаверасиз... Кани, ўрнингиздан туришга уриниб кўринг-чи. Тўшагингизга бориб олишингизга ёрдамлашаман.

Биз капитанни катта бир қийинчилик билан тепага олиб чиқиб, ўрнига ётқиздик. У дармонсизланиб ўзини ёстиқка ташлади. У гўё хушсиздай эди.

— Шуни унутмангки, — деди доктор, — сизга чин кўнглимдан айтаяпман: «ром» билан «ўлим» сўзи сиз учун бир хил маънони билдиради.

У қўлимдан ушлади-да, бемор отамнинг ҳузурига бошлиди.

— Ҳеч гап эмас, — деди у эшикни ёпишимиз биланоқ. — Анчагина қон олдим, энди кўп вактгача тинч юради. Бир хафтача ётади, бу унинг учун ҳам, сизлар учун

хам фойдали. Лекин иккинчи зарбани күтара олмаса керак.

III бөб

КОРА БЕЛГИ

Тушга яқни капитаннинг ҳузурнга кўлимда муздак ичимлик ва дори-дармон билан кирдим. Биз уни қандай ёткизган бўлсак худди ўшандай холатда, факат бошини кўтариброк ётарди. У кўзимга жуда дармонсиз, шу билан бирга ҳаяжонли кўринарди.

Жим, — деди у, — бу ерда факат сенгина бирор нарсага ярайсан. Сенга нисбатан сира ёмонлик қилмаганимни хам биласан. Ҳар ойда сенга тўрт пенсдан кумуш танга берип турдим. Дўстим, мана кўриб турибсан, касалман, сўққабош бир одамман. Менга бир бордоқ ром келтириб берасан-а, Жим, шундай эмасми?

Доктор... — деб гап бошлидим.

Лекин у жаҳли чиқиб, заиф овоз билан докторни хакорат килишга тушди.

Ҳамма докторлар — қуруклиқдаги қаламушлар, — деди у. — Бу ерлик докторларинг ким ўзи — денгизчиларнинг қалбини тушунармиди? Мен қуёш тандирдай қиздирадиган, Сарик Жек¹ туфайли одамлар тутдай тўкилаётган, зилзиласи қурукликни денгиз тўлкинларидай алғов-далров қилаётган мамлакатларда бўлганман. Бу жойлар ҳақида докторингиз нимани биларди? Мен факат ром билан тирик эдим, ха! Ром мен учун хам гўшт, хам сув, хам хотин, хам дўст бўлган. Агар ҳозир ром ичмасам, довул қирғоққа улоқтириб ташлаган, шалоғи чиқкан эски қайпкунинг ўзин бўламан-коламан. Ана унда сен хам, Жим, анови қаламуш доктор хам уволимга қоласизлар.

У яна сўқинишга тутиндиги.

Бармоқларимнинг қалтирашини кара, Жим, — деб сўзида давом этди у аянчли оҳангда. — Титроқни тўхтатниш кўлимдан келмайди. Бугун оғзимга бир томчи ҳам олганим йўқ. Анови доктор қии-қизил тентакнинг ўзи, ишонавер. Агар ром ичмасам, Жим, кўзимга ваҳимали нарсалар кўринаверади. Худо ҳақки, баъзиларини кўрдим ҳам!

¹ Сарик Жек — безгак.

Мен кекса Флинтни кўрдим, хов анови ерда, бурчакда орқасини ўгириб ўтирибди. Уни худди тирик одамдай аник кўрдим. Кўзимга вахимали нарсалар кўрина бошласа, йиртқиғчнинг ўзи бўламан-қоламан! — ахир, мен чапанича хаёт кечиришга одатланганман. Докторларингнинг ўзи бир бордок уни ўлдира олмайди, деб айтган. Жим, агар бир бордок ром келтирсанг бир гинея¹ бераман!

У шундай ялина бошладики, шундай безовта бўла бошладики, унинг тўполонини отам эшишиб қолмасин тагин деб кўркиб кетдим. Ўша куни отамнинг ахволи анча оғир бўлиб, мутлако осойишталикка ташна эди. Бунинг устига докторнинг бир бордок капитанга зиён килмайди деган гапи менга далда берарди.

Менга пулингиз керак эмас, — деб жавоб қилдим, чунки пора бераман дегани менга қаттиқ ботган эди. — Отамга қанча тўлашингиз лозим бўлса, ўшани бераверинг. Сизга бир бордок ром келтириб бераман, лекин бу охиргиси бўлади.

Мен бир бордок ром келтирдим. У бордокни юлқиб олди ва ромни сўнгти томчисигача колдирмай симириди.

Жуда соз бўлди-да! — деди у. — Мана күшдай енгил тортдим-қўйдим

Менга қара, дўстим, доктор тўшакда қанча ётишим лозимлигини айтганиди?

Энг ками бир хафта, — дедим мен, — ундан кам эмас.

Тоза худо урибди-ю! — кичкирди капитан. — Бир хафта-я! Агар бир хафта ётадиган бўлсам, улар менга қора белгини юборпшга улгуришади-ку. Бу одамлар қаердалигимни исказ топишди ахийри. Ўз бойлигини саклай олмаган исрофгарлар, дангасалар энди биронникига кўз олайтиришяпти. Ҳақиқий денгизчилар ҳам шунақа қиласми? Мана, мени олайлик: мен тежамли одамман, ҳеч қачон пулни бехуда совурмаганман, орттирганимни йўқотишни ҳам истамайман. Уларни яна боллайман. Мен уларни лақиллатиб, бу кўрфаздан жуфтакни ростлаб қоламан.

У аста ўрнидан туаркан, елкамни шундай қаттиқ ушладики, дод деб юборишимга озгина колди. Қундадай оғир оёқларини пастга тушириди. Унинг жўшқин гаплари аранг эшитилаётган овозга мос тушмасди.

¹ Гинея — инглиз тангаси (ўн сўмлик олтин).

Каравотга ўтириб олгандан кейин у анчагача бир оғиз хам сүз топа олмади ва нихоят шундай деди:

Бу доктор роса тинкамни куритди-да. Кулокларим шангиллаяпты. Етиб олнішімга ёрдамлашвор...

Бирок мен то унга құлнұмни чўзгуича, у ўзини яна қўрпага ташлади, анчагача индамай ётди.

Жим, — деди у нихоят, — бугун анати денгизчини кўрдингми?

Кора Тозиними? — сўрадим мен.

Ха, Кора Тозини, — деди у. — У жуда ёмон одам, унн бу ерга юборган одамлар ундан хам ёмон. Менга қара: агар бу ердан жўнаб кета олмасам, улар менга қора белгини юборишса, билгинки, улар сандигимни овлашади. Шунда отта мингии-да... — ахир, от миниши биласан-ку, шундай эмасми? — шунда отта миниб жон-жаҳдинг билан хайди... Энди менга барибир... Хеч бўлмаса ҳалиги лаънати доктор — каламушнинг олдига от қўйиб бор, унга айтти, барча матросларни, хамма маслаҳатчию судъяларни кема сахнига чакирсун, менинг меҳмонларимни, кекса Флинтнинг хамма тўдасини, қанчаси тирик колган бўлса, битта қўймай хаммасини «Адмирал Бенбоу» бортида ушлаб олишсин. Мен биринчи штурман эдим... ха, кекса Флинтнинг биринчи штурмани, ҳалиги жойнинг қаердалигини якка ўзим биламан. У Саваннада, худди ҳозиргидек менга ўхшаб ўлим тўшагида ётганида менга бергаи. Кўрдингми? То улар менга қора белги юбормагунча ёки яна Кора Тозини, ё бир оёклии денгизчини кўрмагуича хеч нарса килма. Жим, ҳаммасидан хам бир оёклидан жуда эхтиёт бўл!

Кора белги нима ўзи, капитан? — сўрадим мен.

Бу таклиғномадай нарса, оғайни. Улар юборишгanda сенга айтаман. Факат сен оғзингдан гуллаб юрмагин, тойчоғим Жим, чин ваъда бернб айтаман, ҳаммасини баъбаравар бўлашиб оламиз...

У пойма-пой гапира бошлади, овози тобора кучсизланаб борди. Унга дори бердим, дорини ёш боладай ичиб юборди.

Ҳали бирорта денгизчи унингчалик дорига бу қадар зор бўлмаган.

Кўп ўтмай у каттиқ уйқуга кетди, унн ёлғиз қолдириб чиқиб кетдим.

Агар ҳамма нарса ўз изнда кетаверганида нима килар эдим, билмадим. Эхтимол ҳамма нарсани докторга ай-

тиб берардим; чунки капитаннинг ўз сирини ошкора қилганидан афсусланиб, мени ўлдириб кўйиншидан ўларча кўркардим. Лекин ахвол бутунлай бошқача бўлиб чиқди. Кечкуунга бориб, бечора отам тўсатдан жон берди, бошқа хамма нарсани унутиб юбордик. Мен бошимизга тушган ғам, кўни-кўшниларнинг кириб-чиқиши, дағн маросимини ўтказиш ва қовоқхона ишлари билан шу қадар банд эдимки, капитан хақида ўйлашга хам, ундан кўркишга хам вактим бўлмади.

Эртаси куни эрталаб у хеч нарса бўлмагандай пастта тушди. Иштаҳаси бўлмаса-да, одатдаги вақтда овқатланди, кўрканим шуки, ҳар сафаридан кўпроқ ичди, чунки пештахта олдида туриб олиб ўзини сийлайверди. Ичаётганда шу қадар зарда билан пишқирадики, буни кўриб, ортиқча ичма дегани хеч кимнинг ҳадди сиғмади. Кечкуун отамини дағн килиш арафасида у одатдагидек масти эди. Ғам-ғуссага тўла уйимизда унинг бошвоги йўқ, чананича қўшиғини тинглаш анча жирканчли эди. Гарчи у жуда холдан тойган бўлса-да, ундан ўларча кўркардик. Унинг унини ўчириб кўядиган ягона одам доктор бўлиб, у анча йироқда эди; уни бу ердан бир неча миль йироқдаги бемор ҳузуринга чакиришган эди, у отамнинг вафотидан кейин хам уйимизга бирор марта келмади.

Мен капитаннинг дармонсизлигини айтдим. Чиндан хам у тузалиш ўрнига тобора заифлашиб борарди. У зинапоядан аранг чиқар, гандираклаганича зал орқали пештахта ёнига судралиб борарди. Баъзинда денгиз ҳавосидан нафас олиш учун ташқарига бошини чиқарар, лекин ўша захоти деворга тармашганича қоларди. У тик тепаликка чиқаётган одамдай оғир, калта-калта нафас оларди.

У мен билан ортиқ гаплашмай кўйди, якинда ўз сирини ошкора қилганини хам унугандай эди, лекин анча бедармон бўлишига қарамай, янада жizzаки, жахлдор бўлиб қолди. Ичаётганда киличини суғуриб, рўпарасига стол устига қўяр, бирок у ўз ўйларига хамда алаҳсираш билан кўзига кўринаётган нарсаларга берилиб кетганидан одамларни мутлақо пайқамасди.

Бир гал бизни хайратга солиб, қандайдир қишлоқча севги қўшиғини ҳуштак чалиб куйлай бошлади, эҳтимол, бу қўшиқни ёшлигига, денгиз сафарига жўнаш олдидан айтган бўлса керак.

Отамни жойынга күйганимизнинг эртаси куни, хавонинг қовоғи солик, туманли, кундузи соат учларда эшикдан чиқдим-у, останада тұхтадим. Қайғуга чұмиб, отам хақыда ўйлардим...

Тұсатдан йўлда секин-аста юриб келаётган одамга күзим тушди. Уннің күзи күр бўлса керак, йўлни ҳасаси билан тимирскилаб келарди. Күзи ва бурнини кўк кўзпана тўсиб туарди. Қарилдикданми қомати букилган, эгнидаги эски, увадаси чиққан қалиоқли матросча камзули уни янада кўримсиз, хунук кўрмаганманди. Умримда бунака кўркинчли одамни кўрмаганман. У қовоқхона якиннега келиб тўхтади ва бўшлиққа караб, баланд овозда, кироат билан димоғида шундай деди:

— Бирорта муруватли одам ўз ватани, Англияни қаҳрамонона химоя қилишда энг азиз нарсаси — кўзидан айрилган бечора кўр одамга (худо қирол Георгий кўлласин) хозир қаерда турганини айтиб беролмайдими?

— Ҳой саховатли одам, сиз «Адмирал Бенбоу» қовоқхонаси ёнида, Кора Тепа кўрфазида турибсиз, — дедим мен.

— Мен овоз эшитяпман, овоз бўлганда ҳам ёш одамнинг овозини, — тўнғиллади чол. — Яхши йигит, қўлингизни беринг, мени ана шу уйга етакланг!

Мен унга қўлимни узатдим, бу кўркинчли кўр маҳлук эса ширинсўзлик билан уни омбурдай маҳкам қисиб ушлади.

Мен қўркиб кетдим, кочмоқчи бўлдим. Лекин кўр мени ўзига тортди.

Хой бола, энди капитаннинг олдига етакла, — деди у.

— Сэр, — дедим мен, — ҳақ гап, кўркаман...

— Қўркасанми? — у захарханда қилди. — Шунақами! Қўркасанми? Ҳозироқ мени етаклаб кир, бўлмаса қўлингни сиидираман!

Сўнг қўлимни шундай қайирдикни, мен додлаб юбордим.

— Сэр, дедим мен, — ўзимни эмас, сизни ўйлаб кўржаман. Капитан илгарпигидақа эмас, у киличини яланғочлаб ўтирибди. Уннинг олдига бир жентльмен келган эди...

— Тезроқ юр! — у гапимни бўлди.

Ҳеч қачон бунақа қаҳрли, совуқ, жирканч овозни эшитмагандим. Бу овоз мени оғриқдан ҳам баттарроқ

кўрқитарди. Мен унга итоат қилиш лозимлигини тушундим, уни ром ичиб маст-аласт бўлиб ўтирган касал карокчимиз ҳузурига етакладим.

Кўр мени темирдаи бармоқлари билан маҳкам ушлаб олди. У бутун оғирлигини ташлаб мени эзар, мен эса оёқда аранг турардим.

Мени тўппа-тўғри унинг ёнига олиб кир, у мени кўриши биланоқ: «Билли, мана, дўстингиз келди», деб қичқирасан. Борди-ю қичқирмасанг, мана бундай қила-ман!

У қўлимии янада қаттикроқ қайнрдикни, хушнмдан кетаёздим. Мен бу кўр гадодан шундай кўрқдимки, капитан олдида даҳшатта тушишим хеч гап бўлмай қолди, залнинг эшигини очиб, титроқ товуш билан кўр буюрган гапларни қичқириб айтдим.

Бечора капитан кўзини катта очиб, дархол хушёр тортди. Унинг юзида кўркув эмас, балки ўлим изтироби бор эди. У ўрнидан турмоқчи бўлди, лекин туролмади, дармони етмади чамаси.

— Ҳечқиси йўқ, Билли, ўтиравер, қимирлама, — деди гадо. — Сени кўролмасам ҳам бармоқларингининг титраётганини сезиб турибман. Хизматни бажармаса бўлмайди. Ўнг қўлининг узат. Ҳой бола, унинг ўнг қўлини ўнг қўлимга тутқаз.

Икковимиз унга итоат қилдик. Кўр ҳасса ушлаган қўлидаги алланимани капитанинг кафтига қўйди, у эса дархол кафтини мушт қилиб тугди.

Иш битди, — деди кўр.

Шу гапни айтгандан кейин мени қўйиб юборди, тўсатдан дайди кўрларга хос чакконлик билан умумий хонадан кўчага чиқиб олди. Мен эса ҳамон узоқлашиб бораётган ҳасса овозига қулоқ солиб қимирламай турардим.

Капитан икковимиз то ўзимизга келгунча анча вакт ўтди. Мен унинг билагини қўйиб юбордим, у қўлини тортиб олди ва кафтига қаради.

Соат ўнда! — хитоб қилди у. — Олти соат колибди! Биз ҳали уларга кўрсатиб қўймиз!

У сакраб ўрнидан турди, бироқ шу заҳоти гандираклаб, томоғини ушлади. Бир оз ана шундай гандираклаб турди-да, кейин қандайдир ғалати овоз чиқариб, гурс этиб полга йиқилди.

Мен дархол унга ўзимни ташладим ва онамни чақиридим. Лекин вакт ўтган эди. Каинтан мияга қон қүйилишндан тұсатдан ўлиб қолғанди. Қызық: кейиннің иайтларда унга ачина бошлаган бўлсан ҳам, барига бир менга ёқинқирамасди, бирок унинг ўлиб ётганини кўриб йиғлаб юбордим. Мен кўп йиғладим, анча кўз ёши тўқдим. Бу кўз олдимда рўй берган иккинчи ўлим ҳамда ёш қалбимга янгигина кириб келган бирничи қайғу ва алам эди.

IV боб

МАТРОС СЛАДИФИ

Мен, албатта, билғанларимнинг хаммасини онамга айтиб бердим. Эҳтимол, бу ҳақда илгарирок айтсан бўлармиди. Биз жуда кийин, хавфли вазиятда қолдик.

Каинтандан кейин қоладиган пулларнинг бир кисми – агар унинг шуллари бўлса, – шубҳасиз бизга тегиши керак. Бирок унинг Қора Този, кўр гадо сингари ўртоқлари қўлга кирилган ўлжаларини марҳумнинг қарзи учун тўлашлари гумон эди. Капитанинг «отга миниб доктор Ливси хузурига бор» деган буйругини бажара олмадим: бутунлай химоясиз онамни ёлғиз ташлаб кетиш мумкин эмасди. Бу ҳақда ўйлаб ўтиришининг ҳам кераги йўқ. Бирок биз ортиқ уйда қола олмасдик: ўчоқдаги кўмир чўғлари темир панжарага тиқ этиб тушгудек бўлса ҳам сапчиб кетардик, хатто соатнинг чиқиллаши ҳам бизни ваҳимага соларди. Ҳамма ёқдан кимларнинг-дир оёқ товушлари эшлилаётгандай, кимдир уйимнзга яқинлашаётгандай бўлиб туюларди.

Полда жонсиз жасад ётгани ва қаердандир яқин ўртада айланиб юрган, хозир келиб қолиши мумкин бўлган жирканч кўр гадони ўйлаганимда соchlарим тикка бўлиб кетарди. Бир дақика ҳам сусткашлик қилиш мумкин эмас. Қандайдир бир қарорга келиш керак. Биз ёрдам сўраб яқирикдаги қишлоқка боришга аҳд қилдик. Айтилган сўз – отилган ўқ. Совук туман ичидаги ялангбош югура бошладик. Аллақачон қош корая бошлаганди.

Қишлоқ биз томондан кўринмасди, лекин у жуда яқин, биздан бир неча юз ярд¹ нарирокда, кўрғазнинг

¹ Ярд – Англияда 0,91 метрга teng узунлик ўлчови.

нариги сохилига жойлашган эди. Күр гадонинг қарама-карши томондан келиб, яна ўша томонга кетгани менга анча далда берарди. Гарчи баъзан тўхтаб-тўхтаб, қулоқ солиб юргурган бўлсак ҳам, кўн йўл босмадик. Ҳамма ёқдан одатдаги товушлар, тўлқинларнинг қирғоққа урилиши, ўрмондаги қарғанинг қафиллаши эшитиларди.

Қишлоқда аллақачон чироклар милтиллаб ёнарди, уларнинг эшик ва деразалардан кўзга ташланиб турган сарпиш шуъласи бизга тасалли берганини хеч качон унутмайман. Бирок биз олган ёрдам шу бўлди, холос. Қишлоқ ахлининг биронтаси ҳам, биз билан «Адмирал Бенбоу»га боришга рози бўлишмади.

Ўз ташвишимиш ҳақида қанча кўп ганирсак, улар шунчалик кўркиб ин-инларига кириб кетишарди. Ўша вактларда менга нотаниш бўлган қаинитан Флинтнинг номи қишлоқ ахлига машхур бўлиб, уларни даҳшатга соларди. Улардан баъзилари бир куни «Адмирал Бенбоу» яқинидаги далада ишлаётиб йўлда қандайдир шубҳали одамларни кўришганини айтишиди. Нотаниш кишилар уларга контрабандачиларга ўхшаб кўринган, шу важдан шоша-ниша уйларига келиб, эшикларини маҳкам беркитишиб олишганниш ўшанда. Кимдир кўрфазда Китт Уяси деб аталадиган люгерни¹ ҳам кўрибди. Шунинг учун капитаннинг дўстларини тилга олишининг ўзи ҳам уларни талвасага соларди, нариги томонда яшайдигай доктор Ливснинг хузурига боришга рози бўлган ботирлар чиқди-ю, лекин ковоқхонани кўриклиша иштирок этишга хеч ким бош кўшмади.

Кўркоқлик юқумли дейишади. Бироқ оқилона далиллар, аксинча, кишига ботирлик бағишлайди. Биз билан бирга кетишга бирорта одам ҳам унамагандан кейин онам етим колган ўғлига тегишли пулларни қўлдан чиқариш ниятида эмаслигини айтди.

— Кўрксанглар қўрқаверинглар, — деди онам. — Жим икковимиз қўрқоқлардан эмасмиз. Қайси йўлдан келган бўлсак, ўша йўлдан қалтамиз. Сиздай барваста, кенг елкали йигитларда чумчукчалик юрак бўлмагани уят! Жонимиз кетса ҳамки ўша сандиқни очамиз... Миссис Кроссли, барака топкур, конун бўйича бизга тегишли пулларни соглани сумкангизни бериб турсангиз.

¹ Люгер — кичикроқ елканли кема.

Мен онам билан кетаман деб айтдым, албатта, хамма бу ақлсизлик деб шовқин солди. Бирок эркаклардан би-рортаси ҳам бизни кузатиб қўнишга жазм қилмади. Улар ҳужум бўлиб қолган тақдирда иш бериб қолар, деб мен-га ўқланган тўйинчи беришди ва агар қароқчилар бизни қувладиган бўлсалар, кочиб кетишимиз учун отларни эгарлаб, шай қилиб туришга вавда беришди — уларнинг ёрдами шу билан чегараланди. Бир ёш йигит эса, қуролли мадад келтириш учун докторнинг ёнига от чонтириб кетди.

Хатарли йўлга отланганимиздан юрагим гурс-гурс тे-па бошлади. Оқшом анча совук эди. Тўлин ой чиқди. У уфқдан кўтарилиб, туман орасидан қизариб қўринди, дақика сайни равшанроқ нур тарата бошлади. Ҳадемай хамма ёқ қуидузгидаи ёришиб кетишига, қайтишимизда бизни пайқаш анча осон бўлиб қолишига ақлимиз етди. Шунинг учун янада тезроқ юра бошладик. Деворларни ёқалаб, шарпа чиқармай, яшириниб, зиппиллаганча бо-рардик, йўлда хеч қандай хавфли нарсага дуч келмай, никоят «Адмирал Бенбоу»га етиб келдик.

Уйга киргач, дархол эшикни тамбалаб қўйдим. Биз ўлик ётган, хувиллаган уйда, коронилик қаърида онир нафас олиб қакқайиб турадик. Кейин онам майхонадан шам келтирди, биз қўл ушлашиб умумий хонага кирдик. Капитан биз боя кетаётганимизда қандай ётган бўлса, худди ўшандай осмонга қараб, қўзларини катта очиб, бир кўлини ёзиб ётарди.

Дераза пардаларини тушир, Жим, — шивирлади онам. — Улар бизни деразадан кузатишлари мумкин... Энди, — деди онам пардаларни тушпрганимдан кейин, — сандиқнинг ка-литини топиш керак... Лекин кимининг юраги билан ёнини ковлаймиз...

У шу сўзларни айтаркан, бир оз йиғлаб ҳам олди.

Мен тиз чўқдим. Капитанинг қўли ёнида, полда бир томони қорага бўялган кичкинагина думалоқ коғоз ётарди. Бунинг қора белги эканлигига шубҳам қолмади. Уни қўлимга олдим, унинг бошқа томонига чиройли ва аниқ қилинб: «Сенга кеч соат ўнгача мухлат берамиз», деб ёзилганини кўрдим.

— Она, унга соат ўнгача мухлат берилган экан, — де-дим мен.

Шу пайт қадимий соатимиз занг ура бошлади. Тўсат-дан чалинган занг бизни сескантариб юборди. Шу билан

бирга хұрсанд ҳам қилди, چүнки соат әндигина олти бўлган эди.

Кани, Жим, деди онам, — қалитни қидир.

Мен капитаннинг чўнтакларини бирин-кетин ковлай бошладим. Бир неча чақа, ангишвона, ип, йўғонгина игна, бир учи тишланган, ўралган тамаки, сопи эгри пичок, чўнтак компаси, чакмоктош — унинг чўнтакларидан топганим шу бўлди, холос. Менга алам қилиб, хафа бўлиб кетдим.

Эҳтимол, бўйнига осиб олгандир? — деди онам.

Жирканиш туйғусини енгис, унинг кўйлаги ёқасини йиртдим. Чиндан ҳам, мен ҳозир ўз пичоги билан кесиб юборган, мосланган ипда қалит осилиб турарди. Ишининг ўнгидан келиши қалбимизда умид учқунини алангалатди, биз капитан узоқ вакт истиқомат қилган, келганидан бери сандиғи ўша ерда турган тепадаги тор хона томон шошилдик.

Кўрининишидан оддий матрос сандиғига ўхшарди у. Сандиқнинг қопқорига қизиган темир билан «Б» ҳарфи ёзиб қўйилганди. Бу сандиқ узоқ вакт оғир хизматни ўтагандай, бурчаклари урнинг ва синган эди.

— Қалитни бер, — деди онам.

Қулфнинг очилиши қийин бўлди, лекин онам уни очишга муваффақ бўлди ва дархол қопқорини кўтарди.

Димофимизга ўткир тамаки ҳамда қатрон хиди урилдиди. Энг аввало қўзимиз яп-янги, ҳафсала билан тозаланган, дазмолланган, жуда яхши, онамнинг айтишига караганда, бир марта ҳам кийилмаган костюмга тушди. Костюмни кўтариб, турли нарсалар уюмнини: квадрант¹, тунука кружка, бир неча бўлак тамаки, иккита чиройли тўппонча, кумуш ёмби, қадимий испан соати, унча қиммат бўлмаган, лекин хорижда ишланган бир неча тақинчок, мис гардишли иккита компас, Вест-Индиядан келтирилган беш-олтита ажойиб чиғаноқларни топдик. Кейинрок бундай бесаранжом, хавфли, жиноятларга тўла умр кўрган капитан бу чиғаноқларни нега олиб юрган экан, деб кўп ўйладим.

Бироқ кумуш ёмби ҳамда тақинчоқлардан бошқа пичноққа ярарли бирор нарса тополмадик, топган нарсаларимиз эса бизга керак эмасди. Сандиқнинг энг тубида

¹ Квадрант — самовий жисмлар баландлигини ўлчайдиган асбоб.

күпгина саёс денгиз соҳилларининг сертуз сувидан ранги ўнгиб кетган эскироқ, қайиқча устига ёпиладиган плаш бор эди. Онам сабрсизлик билан уни олиб ташлади, биз сандикдаги бошқа буюмларни: бир даста қоғозга ўхшаган, елимга ўралган пакетни, қўлга олганда жарангидан олтин солинганлиги билиниб турган бўз халтани ҳам кўрдик.

Ҳалол хотин эканлигимни бу босқинчиларга қўрсатиб Қўяман, — деди онам. — Мендан қанча қарз бўлса, ўшанча оламан, бир фартинг¹ ҳам ортиқ олмайман. Миссис Кросслининг сумкасини ушлаб тур!

Онам халтадан пул олиб, мен ушлаб турган халтага санаб ташлай бошлади. Бу анча вактимизни ўғирлайдиган қийин иш эди. Халтага ҳар хил мамлакатларда турлича зарб қилинган дублонлар, луидорлар, гинен, пиастрлар² ва бошқа менга таниш бўлмаган тангалар аралаш-куралаш қилиб солинган экан. Гинеялар оз эди, онам эса гинеядан бошқа пулни санашибни билмасди.

Капитан бизга бериши лозим бўлган пулнинг ярмисини санаб бўлганда, тўсатдан унинг қўлини маҳкам ушлаб олдим. Сокин қиши ҳавосида тараалаётган овоз баданимни музлатиб юборди, музлаган йўлда кўр гадо хассасининг дўқиллаши эшитиларди. Ҳасса овози тобора яқинлаша бошлади, биз дамимизии ичимизга ютиб қулок солдик. Кейин ковоқхонанинг эшиги каттиқ тарақлади, сўнг эшик тутқичи қимнрлади ва тамбағи жириллади — кўр ичкарига киришга интиларди. Ичкари ва ташқарида жимлик чўқди. Нихоят яна ҳассанинг дўқиллаши эшитилди. Ҳасса овози бизга битмас-туганмас севинч бағишлаб узоклаша борди ва кўп ўтмай тинди.

Ойи, — дедим, — ҳаммасини олаверинг, тезрок қочайлик.

Тамбаланган эшик кўрда шубҳа туғдиришига ишончим комил бўлиб, унинг бу ёққа бир тўда газандаларни бошлаб келишидан қўрқдим.

Харҳолда эшикни тамбалаб қўйганим жуда яхши бўлди-да! Буни ўша даҳшатли кўрни билган кишигини тушунади.

¹ *Фартинг* — майда инглиз чақаси.

² *Пиастр ва дублон* — кадимий испан тангалари. Луидор француз тангаси.

Бирок онам қанчалик күркмасин ўзига тегишли пулдан бир тийин ҳам ортиқ олишни истамасди, шунингдек, ўжарлик қилиб оз олишин ҳам хохламасди. У ҳали соат эндигина етти бўлганини, вақтимиз кўплигини ишсанда қиларди. У ўз хаққини яхши танир, уни ҳеч кимга бермасди. Онам қаердадир узокда, тепалик оркасидан чўзиб чалинган хуштак овозини эшигтганимизга қадар мен билан ўжарлик қилиб баҳслашди. Шунда биз тортишувни дархол бас қилдик.

Санашга ултурғанларимининг ҳаммасини оламан, — деди ўрипдан қўзғалиб.

— Мен эса ҳисобга тўғри бўлниши учун манавини ҳам оливоламан, — дедим елимга ўроғлик қоғоз бойламини кўтараркайман.

Бир дақиқадан кейин тими्रскиланиб пастга тушдик. Шам бўш сандик ёнида қолаверди. Мен эшикни очдим. Ташқарига чиқдик, фурсатни бой бермаслик лозим эди.

Туман тез тарқалмоқда эди. Ой тепаликларга кўз қамаштирадиган даражада нур сочарди. Факат уйдан эсон-омон чиқиб, нарирокка бориб олгунимизча бизни яшириб турай дегандек, пастқамликда ҳамда қовоқхона эшиги олдида бекарор туман пардаси сузарди. Лекин ярим йўлга борганда, тепалик этагига етганда барибир ой нури түшиб турган ердан ўтишимиз лозим эди.

Бунииг устига олисда шошилиб келаётган қадам товушларини эшишиб қолдик.

Орқамизга ўғирилиб, сакраб-сакраб яқинлашиб келаётган чироқقا кўзимиз тушди: кимдир қўлида чироқ кўтариб келарди.

— Болажоним, — деди тўсатдан онам, — пулларни олину юргурни. Ҳозир хунимдан кетадиганга ўхшайман...

«Икковимиз ҳам тамом бўлдик», — деб ўйладим. Кўшиларимизнииг кўркоқлигини қанчалик лаънатладим! Онам бечоранинг ҳалоллиги ва ҳаснслиги, илгариги давиллигию ҳозирги ожизлиги учун қанчалик аччиқландим!

Бахтимизга, аллақандай кўприк ёнидан ўтиб борардик. Онам гандираларди, мен унинг пастга — соҳилга тушиб олишига кўмаклашдим. У хўрсиниб, ўзини елкамга ташлади. Ўшанда менда қаердан куч пайдо бўлганини билмайман, онани кирюқ бўйлаб судрадим ва кўприк остига олиб кирдим. Бу ишни анча қўполлик билан килганимдан кўрқдим. Кўприк паст бўлганидан унинг та-

года факт эмаклаб юриш лозим эди. Мен ичкарироққа, пештоқ тагигача эмаклаб бордим, онам эса «мана-ман» деб күриниб қолди. Бу ер қовоқхонадан бир мунча нарида эди.

V бөб

КҮРНИНГ ЎЛИМИ

Синчковлигим күркүвдан хам күчли бўлиб чиқди. Жойимда тинчгина туролмадим. Кўпrik остидан секин сирғалиб чиқдим ва толзор орқасига яшириниб олдим. У ердан қовоқхонага борадигаи йўлни кафтдагидек аник кўриб турдим.

Кузатув жойимни эгаллашим биланоқ душманлар пайдо бўлишиди. Улар етти ё саккиз киши эди. Улар кавушларини каттиқ тартибсиз шапиллатишиб зудлик билан яқинлашиб келишарди. Кўлчироқ ушлаган киши ҳаммадан олдинда чопиб борарди. Унинг ортидан бир-бирининг кўлини ушлаб уч киши борарди. Туман бўлишига қарамай, икки кишининг ўртасида бораётган кўр гадо эканлигини шайқадим. Кейин унинг овозини эшишгач, ўзимнинг ҳақ эканлигимга ишондим.

— Эшик бузиб ташлансин! — кичкирди у.

— Хўп бўлади, сэр! — деди икки ёки учта киши барварига.

Улар «Адмирал Бенбоу» эшигига ҳужумга ташланиши; қўлчироқ кўтарган киши орқада борарди. Эшикниң олдига етишгач, тўхтаб колишди ва шивирлашиб, алланимани маслаҳатлаша бошлиди. Эшикниң очиқлигига уларни ажаблантирган бўлса керак. Кейин яна кўрниңг буйруви янгради. Унинг бетоқат, қаҳрли овози тобора шангиллаб, баланд эшитила бошлади.

— Уйга! Уйга! — деб бақирди у, ўртокларн сусткашлик килгани учун сўқди.

Тўрт ёки беш киши ичкарига кирди, икки киши эса даҳшатли кўр билан ташқарида қолди. Кейин бир неча дақиқалик сукунатдан сўнг ҳайратомуз кичкириқ эшишилди, кимдир ичкаридан!

Билли ўлиб ётибди! — деб бақирди.

Бироқ кўр уларни яна ивиришганликлари учун сўқди. Ҳамма ёинни қидиринглар, лаънати ялқовлар! Қолганлар тепага, сандиқ ёнига чиқсин! — буюрди у.

Улар кавушларини шапиллатиб, чирик зинадан юкорига қўтарнишди, дупур-дунурдан уй ларзага келди. Кейин яна ҳайратга тўла нидо янгради. Капитан хонасининг деразаси очилиб, пастта синган ойна парчалари жаранглаб тўкилди. Деразадан бир киши бошини чиқарди. Он нурида унинг боши ва елкалари яққол кўринниб турарди. У пастда, йўлда турган кўр гадога қичкирди:

— Хой Пью, биздан олдинроқ боплаб кетишибди! Кимдир сандикни роса титкилабди!

Анави жойида турибдими! — бўкирди кўр.

Пул шу ерда.

Жин урсни пулни! — қичкирди кўр. — Мен Флинтнинг қофозларини айтаямсан.

— Коюз кўринмаяпти, — деди ҳалиги киши.

— Хой пастдагилар, қаранглар-чи, ёнида эмасми кан? — яна қичкирди кўр.

Капитанинг жасадини тинтиш учун пастда қолган бошқа бир қароқчи қовоқхона эшиги ёнида пайдо бўлди.

Уни аллақачон тинтиб бўлишибди, — деди у, — бизга хеч нарса қолдиришмабди.

— Бизни шу ерликлар талашибди. Ҳалиги итвачча қилган буни! — бакирди Пью. — Унинг кўзларини ўшиб олмаганимдан пушаймоиман.. Одамлар бу ерда яқингинада бўлнишган. Ичкарига кирмоқчи бўлганимда эшик тамбалоенлик эди. Йигитлар, уларни кидиринглар! Ҳамма бурчакларни қараб чиқинглар...

— Тўғри, улар бу ёқка киришган. Ёниб турган шамни хам қолдириб кетишибди, — деди деразада турган одам.

Кидиринглар! Кидиринглар! Уйни афдар-тўнтар қилинглар! — такрорлади Пью хассасни дўкиллатиб.

Кўхна қовоқхонамизда даҳшатли афдар-тўнтар бошланди. Ҳамма ёқда оғир қадам товушлари эштилди. Пачақланган мебель парчалари сочилди, юкоридаги ва пастдаги эшиклар очилиб ёпилди, бу вахимали шовқинсурон яқинроқдаги қояларга хам акс-садо бериб гулдиради. Бироқ ҳаммаси натижасиз эди: одамлар бирин-кетин ташқарига чиқиб, бизни топиша олмаганилларини маълум кишлишарди.

Шу пайт узоқдан марҳумнинг пулларини санаётганимизда онам билан мени вахимага солган ўша ҳуштак овози эштилди. Бу сафар ҳуштак иккى марта чалинди. Аввал кўр ҳуштак ёрдамида ўз ўртокларини ҳужумга

даъват қилянти, деб ўйлагандим. Энди бўлса, хуштак теналикнинг қишлоқ томонга қараган ён бағридан келаётганини сезиб колдим, бу қарокчиларни хавф-хатардан огохлантириш ишораси эканини англадим.

— Бу Дэрк, деди улардан бири. — Эшитяпсизларми, у икки марта хуштак чалди. Йигитлар, қочишимиз керак.

— Нима? Қочишимиз керак?! — бакирди Пью. — Эҳ галварслар! Дэрк ҳамиша кўркок, тентак бўлган. Дэркка қулок солманглар. Улар шу яқин ўртада. Узокқа қочиб кетиша олмаган. Уларни топишингиз шарт. Қидиринглар, итваччалар! Қидиринглар! Бурчак-бурчакларгача яхшилаб қилинг! О, жии урсин! — хитоб қилди. — Кани энди, кўзим очик бўлса!

Бу бакиришлар қароқчиларни бир оз дадиллантириди. Улардан иккитаси истар-истамас, оёқларини аранг судраб дараҳтлар орасини, чакалакзорни изғий бошлиди. Назаримда, улар қидиришдан кўра кўирок қочишини ўйлашарди. Колганларни эса, йўлнинг ўртасида гангиг туришарди.

— Кўлимизга минг-минг пул кириб турибди-ю, аблаларга ўхшаб имиллайсизлар-а! Агар ўша қофозни тошиб олсаларинг, киролдан ҳам бой бўлиб кетасизлар! Бу қофоз шу ерда, тумшуғимизнинг тагида, сизлар эса ялқовлик қилиб, жуфтакни ростлашнинг пайидасиз! Орангизда Биллига кора белгини бериб келадиган бирорта ботир чиқмади. Шуни ҳам мен, кўр одам қилдим! Сизларнинг қасофатингизга бахтимдан жудо бўлаётирман! Кема бўлмасига тушнаб ялло қилишим лозим бўлгани холда қашшоқлиқда хушомад билан яшашим, бир бордок ром учун садака сўрашим керакми!

— Лекин дублонлар кўлимиизда-ку, — тўнғиллади улардан бири.

— Қофозни яшириб қўйишиган бўлишса керак, — деб қўшимча қилди бошқаси. — Пью, жазавага тушмагин-у, пулларни олавер.

Пью чиндан ҳам қутуриб кетганга ўхшарди. Босқинчиларнинг кейинги эътирози уни баттар ғазабга миндириди. У аламига ва жахлига чидамай уни эгри хассасини кўтариб, таваккал қилиб, ўртокларини савалай кетди.

Улар эса ўз навбатида бу ёвуз одамни сўкишар, унга таҳдид қилишарди. Улар хассани ушлаб олиб, унинг кўлидан тортиб олишга интилишарди.

Бу жанжал кутулиб кетишимизга имкон берди.

Улар муштлашиб, сўкишиб турганда тепалик орқасидан — кишлок томондан отлар туёғининг дупури эшитилди. Худди ўша пайтнинг ўзида, четан деворнинг нариги ёғида ўт чакнади, тўплонча овози варанглади. Бу охирги ишора эди. У хавф-хатар яқинлигини билдиради. Карокчилар хар томонга — бирни дengизга қараб, кўрфаз томонга, бошқалари тепалик ён бағридан юкорига интилиб тумтарақай кочишиди. Бир дақиқадан кейин йўл ўртасида факат Пьюнинг ўзи қолди. Уни ёлғиз қолдириб кетишиди, эҳтимол хавф-хатар вахимасида ёки сўkkани ҳамда ургани учун жўрттага ташлаб кетишган бўлсалар керак. У ёлғиз қолиб, хассасини жон-жаҳди билан ерга дўқиллатиб урди, кўлинин олдинга чўзиб, ўртоқларини ёрдамга чакирди, бироқ йўлдан бутунлай адашиб, дengиз томонга юриш ўrniga кишлокқа қараб чопиб кетди.

У мендан бир неча қадам наридан югуриб ўтди. Йиглеки овоз билан:

— Жонни, Қора Този, Дэрк... — деди ва бошқа номларни ҳам тилга олди. Қадрдон дўстларим, қари Пьюни ташлаб кетмассизлар! Қари Пьюни ёлғиз қўймассизлар!

Бу орада отларнинг дупури тобора яқинлаша бошлиди. Ойдинда беш-олти отлик элас-элас кўзга ташланди. Улар тепалик ён бағридан шиддат билан от қўйиб келишарди.

Шу пайт кўр ўзи ўйлаган томонга эмас, бошқа ёкка кетаётганини пайқаб қолди. У бакирганича йўл бўйидаги ариқ томон чопди, унга думалаб тушди. Лекин ўша захоти ўрнидан турди, қутурганича тармасиб, яна йўлга ўрмалаб чикди ва энг олдинда чопиб келаётган отнинг оёғи остида қолди.

Отлик уни куткариб қолмоқчи бўлди-ю, бироқ вакт ўттан эди. Кўрнинг жон аччинидаги фарёди тун пардасини йиртиб юборди. Отнинг тўрттала туёғи уни эзиб, мажаклаб ташлади. У ёнбошлаб йикилди, сўнг астагина чалқанчасига ағдарилди-да, қимир этмай қолди.

Мен иргиб ўрнимдан турдиму отликларни чакирдим. Отликлар юз берган бахтсиз ходисадан чўчиб, дархол тўхташиди. Уларни дарров танидим. Отликлар орқасида от чоптириб келаётган одам доктор Ливсиин айтиб келиш учун йўлга отланган бола эди. Қолганлар эса унга йўлда дуч келган божхона соқчилари экан. Йигитчанинг

уларни ёрдамга чақиришга ақли стібди. Кітт Уясидаги қандайдыр люгтер ҳақидағи мишишлар божхона назоратчысы мистер Даисса илгарироқ етиб борган экан. Кітт Уясига бориладиган йүл қовоқхонамыз ёндан үтарди. Данс үз отряди билан шу захотиәк ўша ёққа от күйганды. Ана шу бахтли тасодиғ туфайли онам иккимиз мұқаррар үлимдан қутулыб қолдик.

Пью тил тортмай ўлғанды. Онамниң қишлоққа әлтиб күплик. У ерда унга хүшбүй туз хидлатиши, юзінга совук сув селишди, онам күзини очди. Шунча хавф-хатар бошимизга тушишига қарамай, онам ўзига тегишли нулларни капитаннинг пулидан олиб қололмаганини айтиса борланы бошлади.

Бу орада божхона назоратчысы Данс үз отряди билан Кітт Уяси томон жүнади. Бирок соқчилар отдан тушиб, отларининг жиловидан ушлаганча, шистирмадан хавфсираб тенапалықдан аста-секин пастга тушишарди. Улар күр-фазга етиб келишганды кема лангар күтаришга улгурған зди. Данс кемадигиларга овоз қылды. Унга жавобан, агар қүрөшін билан меҳмон килинишни истасаң, ойдидан коронирик жойға қоч, деб маслаҳат берган овоз янгради. Ўша захоти елкаси ёндан ўқ визиллаб үтди.

Күн үтмай кема бурунни айланиб үтди-да, күздан ройиб бўлди.

Мистер Данс, ўзи эътироф қилишича, сохилда турганда ўзини «сувдан улоқтириб ташланган баликдай» хис қилибди. У денгизга куттер¹ жүнатиш учун дархол Б... га одам юборди.

Лекин бу харакатларнинг ҳаммаси бехуда, — деди у. Улар қочиб кетиши, қувиб етишининг пложи йўқ. Мен Пью жаноблари миясиннинг пачагини чиқарганимдан ҳам бехад хурсандман.

Мен унга аллақачон күр ҳақида ганириб бергандим.

Улар билан бирга «Адмирал Бенбоу»га қайтиб келгандим. Ҳаммаёкни шундай остин-устун қилиб ташлашган здики, уни тасвир этишга тил ожизлик қиларди. Босқинчилар мен билан онамни излаб, хатто девордаги соатни ҳам улоқтириб ташлашибди. Гарчи улар капитанга қарашли пул солинган халта билан кассамиздаги бир неча кумуш тангадан бошқа ҳеч нарсани олиб кетишмаган бўлса-да, касод бўлганимиз кундай равшан зди.

¹ Куттер — бир устуни кема.

Мистер Данс анчагача хеч нарсага түшүнмади.

Улар пулни олиб кетди деяпсанми?

Хокинс, менга дурустроқ тушунтиргин, уларга бундан бошқа яна нима керак? Улар яна қандайдир бошқа пулларни ҳам ахтаришгани?

— Йүк, сәр, пул эмас, — дедим мен. — Улар қидирган нарса мана бу ерда — чүнтагимда. Ростини айтсам, шу нарсаны хавфсизрок бир жойга қўйиб қўйишни истардим.

— Тўғри айтдинг, болакай, тўғри, — деди у. Хохласанг менга бериб қўяқол.

— Буни доктор Ливсига берсаммикан, деб ўйловдим... — дедим.

Жуда тўғри! — деб гапимни бўлди у. — Жуда тўғри! Доктор Ливси — жентльмен ҳамда судья. Ўзим ҳам бўлиб ўтган воқеани маълум қилиш учун унинг ёки сквайрнинг ҳузурига боришим керак. Ахир, Пью ўлди-ку. Бу ҳақда заррача бўлсин афсусланмайман, лекин шундай одамлар ҳам топиладики, бутун айбни менга — кирол божхонаси назоратчисига тўнкашади. Сенга бир гап айтами, Хокинс? Юр мен билан. Хўп десанг, ўзим билан бирга олиб кетаман.

Мен унга миннатдорлик билдиридим, биз отлар турган қишлоққа қараб юрдик. То онам билан хайрлашгунимча ҳамма отига миниб олган эди.

— Доггер, — деди мистер Данс, — отинг анча яхши. Йигитчани орқангта мингашиб ол.

Доггернинг орқасига мингашиб, унинг белидан ушлашим биланоқ назоратчи йўлга тушишга буйруқ берди, отряд доктор Ливси уйига борадиган йўлдан отларни йўрттириб кетди.

VI боб

КАПИТАНИНИГ ҚОФОЗЛАРИ

Биз шитоб билан йўл босдик, ниҳоят доктор Ливсининг уйи олдида тўхтадик. Уйнинг киравериши копкоронги эди.

Мистер Данс менга отдан тушиб, эшикни тақиллатишини буюрди. Доггер ерга тушишим осон бўлиши учун узангани тутди. Эшикни тақиллатгандим, хизматкор аёл чиқди.

— Доктор Ливси уйдамилар? — сўрадим.

— Йўқ, — деди у. Чошгоҳда келгандилар, хозир тушлик овқатини егани ҳамда оқшомни сквайр билан ўтказгани чорбоққа кетдилар. — Ундан бўлса, ўша ёққа борамиз, — деди мистер Данс. Чорбоғ яқинигинада экан. Мен отга ҳам мингашмай, Доггерниңг узангисини ушлаб, от билан ёнма-ён чопиб боравердим.

Боғ дарвозаси кўринди.

Баргиз, ой нурига чўмилган узун хиёбон атрофи қадимий боғ билан қуршалган, узокдан оқариб турган уйга олиб бораради. Мистер Данс отдан тушиб, мени уйга олиб кирди.

Бизин дархол ичкарига қўйиб юборишди. Хизматкор бизни гилам тўшалган узун иўлак орқали хўжайнининг хонасига олиб кирди. Ҳонанинг ичига китоб шкафлари қўйилганди. Ҳар бир шкафининг устида биттадан хайкалча турибди. Сквайр билан доктор Ливси ловиллаб ёнаётган олов олдида чекиб ўтиришарди.

Мен сквайрини буичалик яқиндан курмагандим. У бўйи олти фут келадиган новча, барваста киши бўлиб, юзлари кенгина, қаҳрли, дағаллашган ҳамда узок жаҳонгашталиқда шамолдан буёдой ранг тус олган эди.

Унииг қаҳрли эмас, балки димоғдор, жizzакилигини билдириб турувчи қон-кора қошлари ўйнаб турарди.

— Кираверинг, мистер Данс, — деди у викор ва илтифот билан. — Салом!

— Салом, Данс! — деди доктор ва бош иргади. — Салом, дўстим Жим! Қандай шамоллар учирди?

Божхона назоратчиси кўлларини ёнига килиб вуз турди ва ўрганган сабоини айтотгандан бошимизга тушган саргузаштларни сўзлаб берди. У хикоя қилаётганда бу иккала жентльменининг бир-бирига қанчалик маъниодор караб қўйганини қўрганингизда эди! Улар шу қадар берниб қулоқ солишдики, ҳатто чекишини ҳам бас қилишди. Онам кечаси яна ўйниизга қайтиб келганини эшитишгана доктор Ливси шаниллатиб сонига урди, сквайр эса «баракалла» деб кичкириб юборди ва узун чубуғини камин панжарасига уриб олиб синдириб қўйди. Мистер Трелони (агар эсингизда бўлса, уни шундай деб аташарди) аллақачон креслодан туриб кетган, хона ичидаги бошлаган эди, доктор эса ганини дурустрок эшитиш учун бошидан уна сенилган парнгини ҳам олиб қўйганди. Уни париксиз, қоп-кора соchlарни калта килиб олинган қиёфада кўринти жуда ғалати эди.

Нихоят мистер Данс ўз хикоясини тугатди.

Мистер Данс, — деди сквайр, — сиз олижаноб одамсиз. Ёвуздарнинг энг қонхўридан бирини ўлдириш билан жасурлик кўрсатибсиз. Бунақаларни суваракни эзгандай эзинб ташлаш керак! Назаримда Хокинс хам аича уддабуронга ўҳшайди. Хокинс, анави қўнғирокни жиринглатвор, мистер Данс пиво ичиши керак.

Демак, улар ахтарган нарса сенда экан-да, Жим? — деди доктор.

Мана ўша нарса, — дедим ва елимга ўроғлиқ халтани унга узатдим.

Доктор халтанинг ҳамма ёғига кўз югуртиб чиқди. Кўринишидан уни очишга жуда ошиқмоқда эди. Лекин у ўзини босиб, халтани хотиржамлик билан чўнтағига солди.

— Сквайр, — деди у. — Данс иивони ичиб бўлгач, ўзининг хизмат бурчини адо этишга қайтади. Жим Хокинс эса менинида ётиб қолади. Агар изн берсангиз, унга муздеккина паштет келтиришларини илтимос қиласман.

Бўлмасам-чи, худди шундай килинг, Ливси! — деди сквайр. — Хокинс бугун каттароқ мукофотга лойик иш қилди.

Олдимдаги кичик столлардан бирига кантар паштетидан мўлгина кўйишиди. Мен бўридай оч эдим, шу важдан зўр иштаха билан овқатландим. Бу орада Данс яна анчагина мактоб сўзларини эшишиб чиқиб кетди.

— Хўш, сквайр, — деди доктор.

— Хўш, доктор, — деди сквайр.

Гапимиз бир жойдан чиқди! — деб кулди доктор Ливси. Анави Флинт ҳакида эшигтан бўлсангиз керак?

Флинт ҳакида эшиганимни дейсизми? — хитоб қилди сквайр. — Флинт ҳакида эшигтан-эшигмаганимни сўраб ўтирибсизми? У шу вактгача денгизда сузган қароқчиларнинг энг қонхўрн бўлган. Қора Соқол унинг олдида гўдакдай бир гап. Испанлар¹ ундан шундай қўркишардини сэр, эътироф қиласманки, баъзида инглиз бўлганимдан фахрланиб кетардим. Бир куни Тринидад яқинида узокдан унинг елканларининг учини кўриб қолдим, лекин капит-

¹ XVIII асрда Англия Испания ва Франция билан. XVII асрда эса Голландия билан хам уруш олиб борган.

Шу сабабли романдаги айрим қаҳрамонларнинг испанлар, французлар ва голландиялкларга адовати бўлган.

нимиз қўркиб, ўша захотиёк орқага — Порт-оф-Спейнга¹ кайтди.

У хакда шу ерда, Англияда эшитганман, — деди доктор. — Бироқ гап шундаки, унинг пули бўлганми-йўқми?

Пулми? — қичкириб юборди сквайр. — Данс нималар деганини эшитмадингизми ахир? Пул бўлмаса, анови ёвуздар нимани ахтаришган? Уларга пулдан бошқа нима керак? Пулдан бошқа яна нимагаям ўз жонларини таҳлика остида колдиради улар?

— Улар ўз хаётларини нима учун таҳлика остида колдиришга мажбур бўлишганини кўп вакт ўтмай биламиз, — жавоб берди доктор. — Сиз шундай қизишиб кетяпсизки, менга гап бермаяпсиз. Мен бир нарсанни аниқлаб олмокчиман: чўнтағимда Флинт яширган хазиналарни топишга ёрдам берадиган калит бор деб айтайлик. Бу хазина анча каттамикан?

Катта хам гапми, сэр! — қичкирди сквайр. — Менга қаранг. Чиндан хам сиз айтган калит кўлимиизда бўлса, мен дарҳол Бристоль докларида ўзимизга мос келадиган кемани тайёрлаб, ўзим билан бирга сизни хамда Хокинсни олиб, қидиришга бир йил кетса ҳамки, ўша хазинани қўлга киритишга жўнайман!

— Жуда соз, — деди доктор. — Ундаи бўлса, агар Жим розилик берса, келинг, халтани очайлик. Шундай дея у халтани столга қўйди.

Халта ип билан маҳкам қилиб тикилган экан. Доктор ўз асбоблари солинган қутини олди ва жарроҳлик пичоги билан ипларни кесди. Халта ичиди иккита нарса: дафтар ва мухланган конверт бор экан.

— Олдин дафтарни кўздан кечирайлик, — таклиф килди доктор.

У меҳрибонлик билан мени ёнинг чақирди, мен сирни очиша иштирок этиш учун овқатланиб ўтирган жойимдан турдим. Доктор дафтарни варактай бошлади. Сквайр билан мен унинг елкаси оша қизиқиш билан кузата бошладик.

Дафтарнинг биринчи бетида хар хил нарсалар чизилган эди. Булар бекорчиликда эрмак учун, қаламини синаб кўриш учун чизилган нарсаларга ўхшарди. Бироқ бу ерда капитан ўз қўлига татуировка қилган: «Билли Бонснинг

¹ Порт-оф-Спейн — Карабиб дengизидаги Тринидад оролининг пойтахти.

орзулари рүёбга чиқсин» ва яна шунга ўхшаш: Мистер У. Бонс, штурман», «Бас энди ром ичиши», «Палм-Ки¹ яқинида ўзига тегишли ҳамма нарсаны олди» каби илгариги ёзувлар ҳам бор эди. Факат бир сўздан иборат, тушуниб бўлмайдиган бошка ёзувлар ҳам кўп эди. Мени «ўзига тегишли нарса»ни олган кишининг кимлиги, унга тааллукли бўлган нарсанинг нима экани қизиттириб қолди. Эҳтимол куракка санчилган пичоқдир?

— Хўш, бу сахифадан кўп нарса биллиб бўлмайди, — деди доктор Ливси.

Кейинги ўн-ўн икки сахифа ғалати хисоб-китоблардан иборат эди. Бухгалтерия дафтарлари дагидек бир сахифанинг бир чеккасига кун, ой ёзилган бўлса, иккичи томонида пулларнинг жамлангани ёзилганди. Бирок ўртасида эса уқдиришлар ўрнида ҳар хил аломатлар бор эди. Масалан, 1745 йилнинг июнида етмиш фунт стерлинг белгиланган, бу пулнинг қаёқдан келганини тушунтириш ўрнига, олтига белги қўйилган эди. Аҳён-аҳёнда жойнинг номи ҳам кўрсатиб қўйилларди, масалан: «Каракас рўпарасида» ёки фақат кенглик ва узунлик кўрсатиб қўйилганди, «62* 17 « 20», 19» 2* 40».

Ёзувлар йигирма йилдан буён олиб бориларкан. Кирим суммалари йириклишиб бораверди. Энг охирида, беш ёки олтита като хисоблаб, яна устидан ўчирилган ёзуvdан кейин «Бонсинг улуши» деб ёзиб қўйилганди.

— Мен хеч нарса тушунолмаяпман, — деди доктор Ливси.

Ҳаммаси кундай равшан-ку! — деди сквайр. — Карши мизда ўша разил итнинг даромад дафтари турибди. Манави белгилар чўктириб юборилган кемалар, талангандар шахарлар номи ўрнида ишлатилган. Рақамлар эса, бу котилнинг умумий ўлжадан олган улушкини билдиради. Аникликдан кўркмаган жойларида айрим уктиришларни берган. Масалан, «Каракас рўпарасида». Бу — Каракас рўпарасида қандайдир бир бахтсиз кема талангандегани. Бу кемада сузган бечора дengizchilar эса маржон коялар орасида аллақачонлар чириб битишган.

— Тўғри! — деди доктор. — Жаҳонгашта саёҳатчи бўлнишда ҳам гап кўши экан-а! Жуда тўғри! Мартабаси улуглашган сари улуси ҳам кўпайиб борган.

¹ Палм-Ки — Флорида соҳиллари яқинидаги орол.

Дафтарда топ-тоза бетларга ёзилган бъязи жойларнинг номидан хамда муомалада кўп ишлатиладиган инглиз, испан ва француз пулларини ўтказиш учун фойдаланиладиган жадвалдан бошка хеч нарса йўқ эди.

Тежамли одам экан! — деди доктор. — Уни хисобда алдаб бўлмайди.

Энди мана бунисида нима борлигини кўрайликич, — деди сквайр.

Конвертнинг бир неча жойига муҳр босилган эди. Муҳр хизматини узук бажарган эҳтимол, мен капитаннинг чўнтағидан топиб олган узукдир бу. Доктор эҳтиёткорлик билан муҳрланган жойин очди, столга жойлашгач кенглиги ва узунлиги, сохил яқинида денгизнинг чукурлиги қўрсатилган, тепаликлари, кўрфазлари ва бурунларининг номи ёзилган кандайдир бир оролнинг харитаси тушди. Умуман бу нотаниш оролга хавф-хатарсиз яқилилашиб, лангар ташлаш учун хамма зарур нарсалар бор эди.

Оролниг узунлиги тўккиз, эни беш миль экан. У қоматини ростлаб турган семиз аждаҳога ўхшарди. Биз бўрондан яхшигина сақланадиган иккита гаванин ва орол ўртасида «Кузатув Дурбини» деб номланувчи тепаликни хам кўрдик.

Харитага кейинроқ киритилган анча қўшимчалар хам бор экан. Кизил сиёҳ билан чизилган учта хоч аломати кўзга яққолроқ ташланди — уларнинг иккитаси оролниг шимолий қисмида, биттаси жануби-ғарб қисмида эди. Кейинги хоч аломати ёнига ўша кизил сиёҳда майда, чиройли қилиб, капитаннинг ажи-бужи хатига ўхшамаган ёзува:

«Хазинанинг асосий қисми шу ерда», деб ёзиб қўйилганди.

Хаританинг орқа томонида эса ўша дастхат билан уқтиришлар ёзилганди. Улар қуйидагилар:

«Кузатув Дурбини елкасидаги баланд дараҳт, йўналиши шимолига шимолидан эса шимоли шарққа.

Скелет Оролидан шарқи-жануб, кейин яна шарққа бурилинади.

Ўн фут.

Кумуш ём билар шимолдаги ўрада. Уни шарқий тепаликнинг ён бағридан, юзингни ўша ёққа ўгирсанг, ўн саржин жануброқдаги қора қоядан топасан. Куролларни

шарққа қараб юрілса, Шимолий буруннинг чеккасидаги тепалигидан осонгина топиш мүмкін. Шимол томонга өзар әлемдегі көңілдегі өзарынан да жағдай менде болады.

Д.Ф.»

Тамом. Бу ёзувлар менга мутлоқ тушунарлы бўлмади. Улар жуда қисқа бўлишига қарамай, сквайр билан Ливсини бехад хурсанд килиб юборди.

Ливси, — деди сквайр. — Бу арзимас ишингизни дархол ташланг. Эртага Бристолга жўнайман. Уч хафтадан кейин... йўқ, икки хафтадан кейин... йўқ, ўн кундан кейин энг яхши кемамиз, бутун Англия бўйича энг сараланган гурухимиз бўлади, сэр. Хокинс юнга бўлиб боради... Сиз эса, Ливси, кема врачи бўласиз. Мен — адмирал. Редрут, Жойс, Хантерларни ўзимиз билан бирга оламиз. Мувофик шамол бизни кўп ўтмай оролга элтиб қўяди. У ердаги ҳазинани ҳеч бир қийинчиликсиз топиб оламиз. Тангаларнимиз шу қадар кўп бўладики, у овқатимизга ҳам етади, тангада чўмилсак ҳам, уни сувга сочсак ҳам бўлаверади...

Трелони, — деди доктор, — бўйти, сиз билан бирга борганим бўлсин. Жим икковимиз ишончинингизни оқлашимизга кафилман. Бирок бир одам бор, унга ишонишдан ҳадиксирайман.

Ким зкан у?! — деди сквайр. — Кани ўша нтваччанинг исмини айтинг-чи, сэр!

Бу сиз, — деди доктор, — чунки сир саклашни билмайсиз. Бу қофозларни факат бизгина билмаймиз. Бугун кечкурун қовоқхонани яксон қилган босқинчилар анчайин сувдан тоймас ҳалқ, кемада колган қароқчилар ҳам, бундан ташқари, дадил айта оламанки, якин атрофимизда изғиб юрганлари ҳам ҳазинага эга бўлиш учун қўлларидан келганича ҳаракат қилишади. Қирғоқдан сузиб кетгунимизга қадар ёлғиз юрмаслигимиз лозим. Мен йўлга тушгунимизга қадар шу ерда Жим билан бирга қоламан. Сиз Жойс билан Хантерни олиб, Бристолга жўнанг. Энг муҳими, қўлимиздаги топилма ҳақида ҳеч кимга лом-мим демаслигимиз керак.

Ливси, — деди сквайр, — сиз ҳар доим ҳақсиз. Мен миқ этмай юраман.

ИККИНЧИ ҚИСМ

КЕМА ОШПАЗИ

VII бөб

БРИСТОЛГА КЕТЯПМАН

Сафарга хозирлик куришга сквайр айттандан кўра кўпроқ вакт кетди. Умуман, дастлабки режаларимизни ўзгартиришга тўғри келди. Аввало, доктор Ливснинг мендан ажралмаслик ҳақидаги истаги амалга ошмади: у ўзи йўқлигига бизнинг жойларда ўринига ишлаб турадиган врачни излаб, Лондонга жўнашга мажбур бўлди. Сквайрнинг Бристолдаги ишлари бошндан ошиб ётганди. Мен эса аспир сингари сирлн ороллар ҳамда денгиз саргузаштлари ҳақида ўй суриб, чорбоғда, кекса бош овчининг назорати остида яшай бошладим. Мен ҳарита устида бир неча соатлаб ўтирганимдан, уни ёдлаб олдим. Уй сохиби хонасидағи ўт ёпида ўтирган еримда хаёлан оролга турли томондан сузиб борарадим. Ушинг ҳар бир қаричини текширас, Кузатув Дурбини деб номланган баланд тепаликка минг марталаб чикардим, у ердан ажойиб, ҳамиша ўзгариб турадиган манзарани томоша қиласардим. Баъзида оролда ваҳший одамлар тўлиб кетар, биз улардан ўзимизни химоя қиласардик. Баъзида эса, оролда йиরткич хайвонлар пайдо бўлиб қолар, биз эса улардан қочардик. Бироқ тасаввуримдаги ҳамма саргузаштлар ҳақиқатда бўлиб ўтган ғаройиб ва фожиали саргузаштлар олдида иш эшолмай колди.

Хафталар кетидан хафталар ўтаверди. Ниҳоят кунларнинг бирида мактуб олдик. Мактуб доктор Ливси номига келганди, бироқ устига: «Агар доктор Ливси қайтиб келмаган бўлса, мактубини Том Редрут ёки ёш Хокинс очсин», деб ёзиб қўйилганди.

Конвертни очиб ўқидик, тўғрироғи мен ўқидим, чунки бош овчи факат босма ҳарфларнингина ўқий оларкан. Мактубда тубандаги муҳим маълумотлар бор эди:

«Күнгөн лангар» мәдмөнхонаси. Бристоль, 17... йил,
1 март.

Азизим Ливси!

Чорбоғдамнисиз ёки Лондондамы – қаердалигинизни билмайман, шу важдан бир вақтнинг ўзида у ёкка хам, бу ёкка хам мактуб ёзяйман.

Кема сотиб олпиди хамда жиҳозланди. У денгизга чиқишга шай бўлиб, лангар ташлаб турибди. Кемамиздан яхширок кема борлигини тасаввур қилиш мумкин эмас. Уни гўдак бола хам бошқара олади. Сигими иккى юз тониа. Номи «Испанъола».

Уни топишга эски қадрдоним Блендли ёрдам қилди, у анча эпчил савдогар чиқиб қолди. Бу ёқимтой одам менга кора танили одамдай астойдил хизмат қилди. Хуллас, хазинамизни олиб келиш учун кетаётганимизни шинтиним биланоқ Бристолда хар бир одам ёрдам қўлинни чўзди...»

Редрут, – дедим мактубдан кўзимни олиб, – доктор Ливсига бу қилиқ мутлақо ёкмайди. Демак, сквайр оғзидан гуллаб қўйибди.

– Ким эътиборлироқ: сквайрми ё докторми? – тўйниллади овчи. – Нега энди аллақандай доктор Ливсига ёкини учун сквайр жим бўлиши керак экан?

Мен хар қандай изоҳдан воз кечиб, мактубни ўқишида давом этдим.

«Испанъола»ни Блендлиниң ўзи топди, унинг энчиллиги туфайли кема жуда арzonга тушди. Тўғри, Бристолда Блендлини кўргани кўзи йўқ одамлар хам бор. Бу мусичадан хам беозор одамни фойда ишлаб колиш учун куйиб-нишаётир, гўё «Испанъола» ўзиники-ю, уни менга уч баравар қимматига сотди, деб юзсизлик қилишдан хам тоймаёттандар бор. Бу фирт тухматнинг ўзи. Бирок ҳеч ким «Испанъола»нинг ажойиб кема эканлигини инкор кила олмайди.

Шундай қилиб, кемани осонгина қўлга киритдик. Тўғри, ишчинлар уни жуда имиллаб жиҳозлашайти, лекин вақти-соати билан хаммаси тапна-тахт бўлади. Гурухни саралаб олишда анча овора бўлдим.

Ерлик ваҳшийлар, қароқчилар ёки лаънати французлар учраб қолар деган эҳтимол билан йигирма чоғли одам ёлламоқчи бўлдим. Роза уриниб, ҳолдан тойиб, атиги олтига одам тоидим, кейинроқ тақдир менга кулиб

бокди, бу ишни дархол ўринплатадиган бир кишини учратыб қолдим.

Мен у билан портда тасодиған гаплашиб қолдим. Маълум бўлишича, у кекса денгизчи экан. Куруқликда яшаркан, майхонаси хам бор экан. Бристолдаги ҳамма денгизчилар билан таниш экан. Куруқликдаги хаёт унинг саломатлигига путур етказибди, у яна денгизга отланмокчи бўлиб, кема ошпазлиги касбини ахтараётган экан. Унинг айтишича, ўша куни эрталаб у денгизиниг шўртак хавосидан нафас олиш учун портга чиқкан экан.

Унинг денгизга бўлган мухаббати мени тўлқинлантириб юборди. Шу ерда бўлганингизда, шубҳасиз, сизни хам тўлқинлантириб юборарди. Унга раҳмиим келиб кетди, ўша захоти уни кемамизга ошпазлик қилишга таклиф қилдим. уни Дароз Жон Сильвер деб аташаркан. Унинг бир оёғи йўқ. Бирок бу чўлоқликни энг яхши тавсиянома деб хисоблайман, чунки у унутилмас Хок¹ бошчилигига ватан учун жанг қилиб оёғидан ажралган экан. Ливси, у нафака хам олмас экан. Кўрдингизми, қандай даҳшатли замонда яшамиз-а!

Сэр, мен ошиаз тоғдим деб ўйласам бутун бир гурухни хам топиб олган эканман.

Сильвернинг ёрдамида бир неча кун ичида тажрибали, суюғи денгизда қотган чишакам денгизчиларни ёллашга муваффак бўлдим. Қиёфалари ёқимсиз бўлса-да, юзларидан ҳаммалари сувдан тоймас ботир йигитлар эканлиги кўриниб турибди. Ана шундай гурухга эга эканмиз, бутун бир ҳарбий кема билан бемалол жанг қила оламиз.

Дароз Жон илгарн мен ёллаган беш-олти одамнинг баъзиларига жавоб бериб юборишни маслаҳат берди. У буларнинг чўчук сувларда сузадиган бесўнақайлар эканини, шундай хатарли сафарга жўнаётганда бундайлар билан алоқа боғлаш ярамаслигини бир зумда исбот қилиб берди.

Ўзимни жуда яхши хис қўлмоқдаман, буқадай еб, ходадай котиб ухляйман. Шундай бўлса-да, кекса денгизчиларим шипиль² атрофиин тўлдиримагунча кўнглим жойига тушмайди. Очик денгизга! Жин урсин хазинани! Хазина эмас, денгиз чорламоқда мени. Шундай қилиб,

¹ Эдвард Хок -- XVIII аср ўрталарида яшаган инглиз адмиралли.

² Шипиль — лангар аркони ўрладиган чиғир.

Ливси, тезрок етиб келнинг! Мени журмат қилсангиз бирор соатни ҳам қўлдан бой берманг.

Ёш Хокингга онаси билан хайрлашиб келиш учун жавоб беринг. Редрут уни кузатиб бориши мумкин. Кейин тезда бетўхтов Бристолга етиб келишсин.

Жон Трелони.

Post scriptum¹. Айтмоқчи, Блендлининг агар август ойига қадар қайтиб келмасак орқамиздан ёрдамга бошка кема юборишга ваъда қилганини, бизга яхшигина капитан топиб берганини маълум килиш ёдимдан кўтарилибди. Бу капитан ажойиб, лекин афсуски, ўларча ўжар одам экан. Дароз Жон бизга ўз ишининг пири бўлган Эрроу исемли штурманни топиб берди. Мен бўлсам, Ливси, сурнай чалишини котирадиган бошман топдим. Карабсизки, қадрдон «Испаньола»мизда ҳамма нарса чинакам ҳарбий кемадагидай бўлади.

Сильвернинг бадавлат одам эканлигини ёзиш эсимдан чиқибди. Олган маълумотларимга караганда, унинг банкда жорий ҳисоби, мўмайгина пули бор экан. Саёҳат вақтида майхонасини хотинига қолдириб кетади. Хотини ок ирқдан эмас. Сиз билан менга ўхшаган қари бўйдоқлар уни очик денгизга тортаётган нарса унинг саломатлигининг ёмонлиги эмас, балки хотини экан, деб гумон қиласак ҳам кечпирарли бир хол бу.

Ж.Т.

P.P.S. Хокинг ойиси ёнида бир кеча тунаб колиши ҳам мумкин.

Ж.Т.».

Бу мактуб мени қанчалик хаяжонга соганини тасаввур килиш кийин эмас. Мен севинганимдан ўзимни қаёқка кўйинши билмай қолдим. Фақат тўнғиллаш ва инжинишдан бошка нарсани билмайдиган кекса Том Редрутдан ичичимдан нафраланардим. Ёш овчилардан истаган киши унинг ўрнига жон-жон деб кетарди. Лекин сквайр Том Редрутнинг боришини истарди, сквайрнинг истаги эса хизматкорлари учун қонун эди. Кекса Редрутдан бошка ҳеч ким ҳатто тўнғиллашга ҳам журъат қилолмасди.

Эртаси куни эрталаб икковимиз пиёда «Адмирал Бенбоу»га жўнадик. Онамни соғ-саломат кўрдим. Унинг

¹ Post scriptum имзо чекилгандан кейин мактубга қўшимча. Ундан сўнг тиркаб қўйилган қўшимча ёзув «Post-post scriptum» дейилади.

кайфияти анча яхши эди. Капитанинг ўлими билан унинг кўнгилсензиклари хам тугаган эди. Сквайр ўз хисобидан уйимизни тузаттириб берди. Унинг буйруғи билан деворлар ва лавха қайта бўялди. У бизга унча-мунча жихозлар, пештахта орқасида онам қулайрок ўтириши учун ажойиб кресло ҳадя қилди. Онамга ёрдам бериш учун бир болани ёллади. Бу бола илгари мен бажарган ишларни қилиши керак эди.

Фақат қовоқхонада бегона болани кўрганимдагина кадрдан уйимдан узок муддатга жудо бўлишимни аник тушундим. Шу кунгача мен тарк этаётган уйим хақида эмас, балки мени олдинда кутаётган саргузаштлар хақидагина ўйлардим. Ўрнимни эгаллаган бесўнақай болани кўрганимда биринчи дафъа кўзларимга ёш келди. Уни инсофисизларча қийнаб, азобладим деб қўрқаман. У ўзининг янги жойига кўниkkанича йўқ эди, мен эса унинг озгина янглишганини кечирмасдим, хатога йўл кўйса ичиқоралик билан севинардим.

Тун ўтди, эртаси куни тушлик овқатдан кейин Редрут билан бирга яна йўлга чиқдик. Мен онам билан, туғилганимдан бери ёнида яшаганим кўрфаз билан, гарчи янгидан бўялган бўлса-да, севимли қадимий «Адмирал Бенбоу» билан хайрлашдим. Мана шу соҳилда тез-тез айланиб юрадиган канитанин, унинг учбурчак шляпасини, юзидағи қилич изини, мис дурбинни эсладим. Муюлишдан бурилдик, уйимиз кўринмай қолди.

«Кирол Георг меҳмонхонаси» олдида алоқа дилижонига ўтирганимизда аллақачон қош қорайнб қолганди. Мени Редрут ва яна қандайдир бир кекса, семиз жентльменнинг ўртасига тикиштириб ўтказиб қўйишди. Анча тез кетишимизга, туннинг совуклигига қарамай мен дархол ухлаб қолдим. Биз гоҳ тепага, гоҳ пастга тушиб кетиб борадик. Мен эса донг котиб ухлардим, барча бекатларни уйқуда ўтказибман. Бикинимга теккан зарбадан уйғониб кетдим. Қўзимни очдим. Биз шахар кўчасидаги катта бино олдида турардик. Аллақачон тонг отибди.

Қаердамиз? — сўрадим мен.

Бристолдамиз, — жавоб қилди Том. — Туш.

Мистер Трелони кемадаги ишларни кузатиб ўтириши учун докнинг ёнгинасидаги қўнокхонада яшарди. Бахтимга соҳил бўйлаб анча узоқ юриб бордик, турли хил катта-кичик хажмдаги кемалар, кема жихозлари, турли

миллатлар ёнидан ўтдик. Бир кемада кишилар ишлашар ва ашула айтишарди. Бошқасида эса матрослар пастдан қараганда ўргимчак инидай ингичка бўлиб кўринган арконларда бошним узра осилиб юришарди. Гарчи бутун умрим дengiz соҳилида ўтган бўлса-да, бунақа жойларни энді кўраётгандай анча хайратга тушдим. Катрон ва туз хиди мен учун янгилик эди. Мен океанинг нариги томонинг бориб келган кемаларни тумшувидаги ёғоч ўйинб ишланган ҳайкалларни томоша килдим. Қулоғига исирға тақсан, чакка соқолларни кўнғирок бўлниб ўсан, кокиллари мумланган, дengизчиларга хос бесунақай қадам ташлаётган кекса матросларга сукланниб бокдим. Улар соҳилда сандироклаб юришарди. Агар уларниң ўрнига киролларни ёки архиепископларни кўрсатишганда хам шунчалик хурсанд бўлмаган бўлардим.

Мен хам дengиз сафарига отланаман! Мен дengиз сафарига кемада, сурнай чаладиган боцман билан, кокилни, кўшиқ айтадиган матрослар билан жўнайман! Мен дengиз сафарига отланаман, ер остига кўмилган хазинани излаб топиш учун сирли оролга бораман.

Биз ниҳоят қайта қўноқхона ёнига келганимизда мана шу ширин хаёлларга чўмган эдим. Бизни сквайр Трелони кутиб олди. У эгнига мовий мундир кийиб олган эди. Одатда бунақа мундирларин дengиз офицерлари кийишади. У эшникдан оғзининг таноби қочиб чиқиб келди. У дengизчиларга астойдил тақлиб қилиб, тебраниб, лапанглаб юради.

Мана, сизлар хам етиб келдинглар! — деди у. — Доктор эса Лондондан кеча кечқурун келди. Жуда соз. Эндиликда бутун гурух жамулжам бўлди.

Сэр! Качон йўлга чиқамиз? — сўрадим мен.

Качон йўлга чиқамиз дейсанми? — қайтариб сўради у. — Эртага.

VIII боб

«КУЗАТУВ ДУРБИНИ» МАЙХОНАСИДА

Нонушта қилаётганимизда сквайр қўлимга «Кузатув Дурбини» майхонасидаги Жон Сильверга элтиб бериш учун мактуб тутқазди. Эшнгининг теисасига лавҳа ўрнига дурбин расми қўйилган кичкинагина майхонага дуч кел-

гуниннга қадар сохил бўйлаб бораверасан, деб уни қандай топнишмни уқтириди.

Мен кемалар ва матросларни яна кўриш имкониятига эга бўлганимдан севиниб, ўша захоти йўлга тушдим. Кема тўхтайдиган жойдаги тойлар ва соябон аравалар ёнида тикилишиб юрган одамлар тўдаси орасидан аранг ўтиб, ниҳоят майхонани топдим.

У мўъжазгина, анча шинам экан: лавҳаси яқинда бўялиби, деразаларида чироили қизил дарпардалар, ерга топ-тоза қум сепилган. Майхонадан иккита кўчага чиқилар экан. Ҳар иккала эшик ҳам ланг очик, тамаки тутунига тўлганинга қарамай пастак, кенг хона анча ёруф.

Столлар атрофида денгизчилар ўтиришибди. Улар ўзаро шунчалик шовқин кўтариб гаплашяптики, иҷкарига киришга юрагим дов бермади.

Ён томондаги хонадан бир киши чиқди. Бу Дароз Жон эканлигига дархол аклим етди. Унинг чап оёғи нақ сонидан кесилган эди. Чап қўлтиғида қўлтиқтаёғи бўлиб, хар қадамда күш сингари сакраб, уни эпчилик билан ишлатарди. У жуда новча, бақувват, юзлари япаски ва оплок бўлиб, ундан хурсандчилик ва ақлирасолик ёғилиб турарди. Кайфияти анча дурустга ўхшайди. У хуштак чалиб, столлар орасида у ёқдан-бу ёққа юрар, хазил-мутойиба қилас, бу ерга келувчилардан ўзига ёқиб қолганларининг елкасига кокар эди.

Очиғини айтсан, сквайрнинг Дароз Жон хақидаги мактубини ўқиганимдан кейин, кўхна «Адмирал Бенбоу»да узок вақт пойлаб юрганим бир оёкли денгизчи шу эмасмикан, деб даҳшатга тушиб, ўйлаб қолган эдим. Лекин бу одамнинг юзига бокишим биланок шубхаларим тумандай тарқалиб кетди. Мен капитани, Кора Тозини, кўр Пьюни кўрганман, денгиз қароқчиларининг афт-башараси қанакалигини биламан. Йўқ, бу башанг кийинган юмшоқ кўнгил майхона эгаси қароқчиларга заррача бўлсин ўхшамасди.

Мен ўзимни дадил тутиб остонадан хатладим-у, тўппаттўғри қўлтиқтаёғига суюниб, қандайдир бир киши билан сухбатлашашётган Сильвер томонга юрдим.

— Сэр, мистер Сильвер сиз бўласизми? — деб сўрадим мактубни узатаётib.

— Шундай, бўтам, — деди у. — Менинг исм-шарифим Сильвер. Сен ўзинг кимсан?

У сквайрниң мактубини күриб, назаримда ҳатто чүчіб тушгандай бўлди.

— О, — деди у қўлини менга узатиб. — Тушундим. Сен янги юнгамизсан. Сени кўрганимдан фоятда хурсандман.

У қўлимни кенг ва бақувват кафти ораспга олиб, маҳкам қисди.

Шу пайт хонанинг бурчагида ўтирган қандайдир киши бирдан ўрнидан сапчиб турди ва эшикка отилди. Эшик унинг ёнгинасида бўлгани учун бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Бирок унинг шошма-шошарлиги эътиборимни тортди, бир қарашдаёқ уни танидим. Бу қовохонамизга келган, уч ианжали, юзи шишинқираган ўша одам эди.

Хой, — деб қичкирдим, — ушланглар уни! У Қора Този! Қора Този!

— Унинг исми қанақалигига туураман! — бақирди Сильвер. — Лекин у ичгани учун ҳак тўламай кочиб колди. Гарри, юур, ушлаб кел уни.

Эшик ёнида ўтирганлардан бирн иргиб турди ва уни қува кетди.

— Адмирал Хокнинг ўзи бўлганида ҳам пул тўлашга мажбур қиласидим! — бақирди Сильвер.

Сўнг бирдан қўлимни кўйиб юбориб сўради:

— Исми нимайди? Қора... кейин нима? Қора нимайди?

— Този, сэр! — дедим. — Мистер Трелони қарокчилари миз хақида наҳотки индамаган бўлса? Қора Този ўшалар тўдасидан.

— Нима? — бўкирди Сильвер. — Менинг уйимда-я!.. Бен уни қувиб етишда Гаррига ёрдам бер... Бу ўша каламушлардан бири дегин?.. Хой Морган, сен у билан битта столда ўтирган эдинг шекилли. Бу ёққа кел-чи.

У Морган деб чақирган киши кекса, соч-соқоли оқарган, офтобдан қорайган одам бўлиб, оғзидаги тамакини чайнаганча итоаткорлик билан яқинлашди.

— Хўш, Морган, — Дароз чолдан катыйи сўради, — анови Қора... ҳах нимайди... Қора Тозини илгари сира учратганмидинг?

— Хеч қачон, сэр, — жавоб берди Морган ва таъзим қилди.

— Ҳатто исмини ҳам эшитмаганмисан?

— Эшитмаганман, сэр.

— Омадинг бор экан, Том Морган! — деди майхоначи. — Агар мана шунақа ярамаслар билан илашиб юра-

диган бўлсанг, маъхонадаи оёғингни узиб қўяман! У сен билан нима хақда сухбатлашди.

— Дурустроқ эслолмайман, сэр, — деди Морган.

— Елкангдаги нарсани калла деб юрибсанми? Ё бу аркои ўрайдиган чиниғим? — бақирди Дароз Жон. — Дурустроқ эслолмасмиш! Эҳтимол, ким билан гаплашганингни хам билмассан! Қани нима деган бўлса ҳаммасиннайтиб бер! Икковишг хам денгизда сузиш, кемалар, капитанлар ҳақида чулдирашиб ўтиргансан-а? Қани! Тезроқ гапири!

— Биз кишиларни кема тагига қандай тортишгани¹ ҳақида гаплашдик, — деди Морган.

— Кема тагига! Сенга хўп ярашадиган сухбат-а. Эх, сени қара-я! Қани, Том, жойингга ўтир, тентаквой...

Морган жойига бориб ўтиргандан кейин Сильвер яқин ошинасига гапириётгандай қулоғимга энгашди, уннинг бу килиғи менга хуш ёқди, секин шивирлади:

— Манави Том Морган жуда ҳалол лекин ўта тентак одам. Энди, — деди овозини баландлатиб, — эслашга уриниб кўрайлилк. Қора Този? Йўқ, бунака отин ҳеч қачон эшитмаганман. Уни шу якин ўртада кўрганга ўхшайман. У кўпинча... ха, эсладим... бу ерга бир кўр гадо билан кириб юради.

— Кўр биланми, тўғри-тўғри! — қичкириб юбордим. — Мен ўша кўрни хам танийман. Исеми Пью.

— Тўғри! — деди Сильвер бу сафар қаттиқ ҳаяжонланиб. Пью! Уни худди шундай деб чакиришарди. У кўринишидан анча айёрга ўшарди. Агар анави Қора Този қўлимгага тушса, капитан Трелони жуда мамнун бўлади. Бенинг оёклари чаққон. Бендан плдамроқ югурадиган денгизчи камдан-кам топилади. Йўқ, Бендан қочиб қутулолмайди. Бен истаган одамни қувиб етади...

Сильвер қўлтиқтаёнида ҳаккалар, столларни муштлар, шу қадар самимият билан разабланиб гапирадики, уннинг тўлиқ айбдор эмаслигига хатто Олд Бейлидаги² судья ҳамда Лондон полицияси хам ишонган бўлардин.

¹ Кема тагига тортиш — XVIII асрда инглиз флотидаги жазо турларидан бири. У денгизчиларни арконда кема тагига тортиш ҳақида гапирибдими? Майли, майли биз уннинг ўзини кема тагига тортамиз.

² Олд Бейли — Лондондаги суд.

«Кузатув Дурбини»да Қора Този билан бўлган учрашув олдинги шубхаларимни қайта тирилтирди, ошпазни синчилаб кузата бошладим. Лекин у мендан анча ақлли, топқир ва эпчил эди.

Нихоят Қора Тозининг оркасидан у юборган иккала киши ҳам кайтиб келди. Улар ўпкалари оғзиларига тикилиб, хансираганча Қора Тозининг оломон орасига уриб кетганини айтишди. Майхоначи уларни жаҳл билан шу қадар хақоратлай бошладикн. Дароз Жоннинг бутунлай айбордor эмаслигига тўлиқ ишонч, ҳосил қилдим.

Менга қара, Ҳокинс, — деди, — бу ҳодиса мен учун ёмон оқибат билан тугаши мумкин. Мен ҳакимда капитан Трелони нималарни ўйламайди? Бу лаънати голландиялик менинг уйимда, менинг ичимлигимни ичиб ўтирганди. Кейин сен келиб, бу одам кароқчилар тўдасидан деб айтдинг. Ҳар қалай мен унинг сендан кутулиб, шундоккина тумшӯнимнинг тагидан кочиб қолишига йўл қўйдим. Ҳокинс, мени капитан Трелони ҳузурида қўллаб-қувватлайсан-да энди! Сен ёш бўлсанг ҳам тентак эмассан. Сени лакиљатиб бўлмайди. Ха, худди шундай! Мен буни дархол фахмладим. Қўлтиқтаёғим билан ўша лаънати тозининг оркасидан қува олмаганимни капитанга ўқтиргин. Агар эски вактлардаги сингари эпчил денгизчи бўлганимда у қўлимдан кочиб кутулолмасди, уни кўз очиб-юмгунча сихдан ўтказардим, ҳозир бўлса...

Тўсатдан нафаси ичига тушиб кетди, бир нарсани эслагандай оғзи очнилиб қолди.

Пул-чи? — деб бақирди. — Уч бордоқга! Вой шайтонэй, ҳак тўламаганини бутунлай эсимдан чиқариб юборибман-а!

У ўриндиққа ўзини ташлаб, қах-қах уриб кула бошлади, то кўзидан ёш чиққунча ҳаҳолаб қулди. Унинг қах-қахаси шу қадар завқли эдик, мен ҳам ўзимни тутиб туролмадим, қах-қахадан бутун майхона ларзага келгунга қадар унга кўшилиб кула бошладим.

Ёшим бир жойга бориб қолган бўлса ҳам, шогирд боладай лакиљаб ўтирибман-а, — деди у нихоят юзи-даги намни артиб. — Ҳокинс, сен билан инок оғайнин бўладиганга ўхшаймиз. Ахир, мана ҳозир ҳам юнгадай соддалик қилиб қолавердим-ку... Лекин жўнаш керак: иш бор, йигитлар, иш бор. Уч бурчак шляпани кийиб, сен билан бирга капитан Трелони ҳузурига бораман, бўлган

вокеани унга гаппирб берамаш. Ахир, бу жиддий иш, тойчогим. Хокинс, бу сенга ҳам, менга ҳам обрў келтири-маслигини тан олиш керак. Йўқ, йўқ! Сенга ҳам, менга ҳам: иккенингизни ҳам боилаб ахмок қилди. Аммо-лекин, пулни тўламай роса лақиллатиб кетди-да ўзиям.

У яна астойдил хаҳолаб кула бошлади, гарчи қулишга арзийдиган хеч нарса бўлмаса-да, менинг ҳам яна бенхтнёр унинг қулгиснга қўшилдим.

Биз соҳил бўйлаб кетдик. Сильвер ажойиб сухбатдош чиқиб қолди. У ёнидан ўтиб кетаётганиниза ҳар бир кесма ҳақида батафсил маълумот берарди. Унинг қанақа жиҳози борлиги, қанча юк кўтариши, қайси мамлакатдан келганини айтарди. У портда нималар килинаётганини ту-шунтириб берарди. Баъзи кемадан юк туширишса, иккни-чисига юк ортишмоқда, ҳов аниавилари эса йўлга тушади, деб тушунтириди. У кемалар ва денгизчилар ҳақидаги қизиқарли хикояларни айтиб борарди. Гоҳ-гоҳ у ден-гизчилар ишлатадиган ҳар хил ибораларни қўллар, мен уларни дурустроқ тушуниб олишим учун бир неча марта тақрорларди. Мен денгиз сафарида Сильвердан яхшироқ ўртоқ ва ҳамроҳни тоини мумкин эмаслигига тушуна бошладим.

Нихоят қўноқхонага етиб келдик. Сквайр билан доктор Ливси ёғда ковурилган оқ нон бурдаларини чайнаб, пиво ичиб ўтиришарди.

Улар кемага чиқиб, уни қандай жиҳозлашаётганини кўрмоқчи бўлишди.

Дароз Жон майхонада бўлган воеанини ишидан-игнаси-гача жуда койиллатиб, ёлғон қўшмай айтиб берди.

— Ҳудди шундай бўлди, тўғрими, Хокинс? — деб сўраб қўяр дам-бадам.

Мен ҳар сафар унинг гапларини тўлиқ тасдиклардим.

Иккала жентльмен ҳам Қора Тозининг кочиб кетганини жуда ачинишди. Бироқ начора? Уларни мактовини эшиштган Дароз Жон қўлтиқтаёнини олиб, эшик томон юрди.

— Гурух кундуз соат тўртда кемада хозир бўлсин! — қичкирди сквайр унинг орқасидан.

— Хўп бўлади, сэр! — деди ошиаз.

— Хўш, сквайр, — деди доктор Ливси, — очигини айтсан, сиз танлаган кўп нарсаларни унча маъқулламайман, лекин Жон Сильвер дидимдаги одам экан.

- Ажойиб одам, — деди сквайр.
— Жим ҳозир биз билан бирга кемага боради, шундай эмасми? — қўшиб қўйди доктор.
— Албатта, албатта, — деди сквайр. — Хокинс, шляпангни оливол, ҳозир кемамизни кўргани борамиз.

IX боб

ПОРОХ ВА ҚУРОЛ

«Испанъола» соҳилдан анча йироқда турарди. Унга бориш учун қайнұқа тушиб, бошқа кемалар орасидан ўтишга тўғри келди. Каршимизда кемаларнинг гоҳ тумшуғи, гоҳ қуйруғи қўрниб қолади. Кемаларнинг арконлари қайнимизнинг тагида ғижирлар, бошнимиз устида осилиб турарди. Кема бортнда бизни кўзлари қисиқ, офтобда корайган, қулогига сирға тақсан кекса денгизчи штурман мистер Эрроу кутиб олди. Сквайр билан у жуда яқин, иноқ эди чоғи.

Лекин сквайр капитан билан хеч чиқишолмасди.

Капитан тунд одам эди. Кемадаги ҳамма нарса унинг ғашини келтиради. У нимадан норози эканини бизга тўкиб солишга шошилди. Биз кема бўлмасига тушишимиз биланоқ, бир матрос кириб келди ва шундай деди:

Сэр, капитан Смоллетт сиз билан гаплашмоқчи. Капитаннинг хизматига ҳамиша тайёрман. Айт, бу ёққа кирсин, — деди сквайр.

Капитан ўз элчиси оркасидан келаётган экан. У дархол кема бўлмасига кириб, зшикни ёпди.

— Хўш, қандай гаплар бор, капитан Смоллетт? Ишлар соз бўлса кераг-а? Кема жўнашга тайёрми?

— Гап бундай, сэр, — деди капитан, — сиз билан жанжаллашиб қолиш хавфн бўлса ҳам, очикчасига, дангал гапираман. Менга бу экспедиция ҳам, матросларимиз ҳам, ёрдамчим ҳам ёқмайди. Вассалом. Қисқа, лўнда гап шу.

— Сэр, эхтимол сизга кема ҳам ёқмаса керак? — савол берди сквайр, унинг жуда жаҳли чиққанини фаҳмлади.

— Сэр, кеманинг сафарда сузишини кўрмагунимча унинг ҳақида бир нарса дея олмайман, — деб жавоб қилди капитан, — унча ёмон курилмаганга ўхшайди. Лекин бу ҳақда фикр юритишга хали вакт эрта.

Ундай бўлса, сэр, балки хўжайинингиз ёқмаёттандир сизга? — сўради сквайр.

Шу пайт сухбатга доктор Ливси аралашди.

— Тўхтанглар, — деди у, — тўхтанглар. Бунақада жанжалдан бошқа ҳеч нарса чиқмайди. Капитан бизга анчамунча, айнп вақтда тушуниб олишга камлик қиласидиган даражада оз нарсани гапирди, шундай экан, ундан изоҳ талаб қилишга ҳакким бўлса керак... капитан, экспедициямиз сизга ёқмаганлигини айтдингиз шекилли?

Нега?

— Сэр, кемани манави жентльмен қаёққа деса, ўша ёққа олиб бориш учун таклиф қилишган мени, лекин сафарнинг асл мақсадини айтишмади, — деди капитан, — яхшиямки, ҳеч нарса ҳақида сўрамадим. Бироқ кўп ўтмай сафар мақсадини мендан кўра энг судралган матрос ҳам яхшироқ билишига ишонч хосил қилдим. Менимча, бу яхшиямас. Сизнингча қандай?

— Менимча ҳам шундай, — деди доктор Ливси. Кейин эса, — давом этди капитан, — биз хазина қидиргани кетаётганимизни билиб қолдим. Биласизми, буни кўл остимдаги одамлардан эшитдим. Хазина қидириш — анча қалтис, нозик иш. Умуман хазина қидириш иши билан шуғулланган эмасман, айниқса бу иш маҳфий бўлса, бунақа ишларга ҳеч қанака қизиқшім ҳам йўқ, бироқ мистер Трелони, мени афв этинг-у, сир айтиб қўйилган, айтилганда ҳам тўти қушга айтилган.

Сильвернинг тўти қушигами? — сўради сквайр.

— Йўқ, бу эртак холос. — Уқтирди капитан. — Бу сир ҳеч ким учун сир бўлмай қолди деган сўз. Сиз ўзингиз уринаётган ишнинг қанчалик қийинлигига етарли баҳо бермаётганга ўхшайсиз, сизга ўз кўнглимдагини айтиб қўя қолай: ҳаёт-мамот учун курашишга тўғри келади.

— Сиз мутлоқ ҳақсиз, — деди доктор. — Биз жуда қалтис ишга кўл уряпмиз. Бироқ олдинда бизни кутаётган хавф-хатар ҳақида ўйламаётганимизни айтиб хато қиласидингиз. Жамоамиз сизга ёқмабди. Ҳўш, сизнингча, тажрибали денгиэчиларни етарли ёлламабмизми?

Улар менга ёқмайди, — деди капитан. — Агар очиғини айтадиган бўлсан, жамоани танлашни менга топшириш лозим эди.

— Фикринизга қўшиламан, — жавоб қилди доктор. — Дўстим гурухни сиз билан бирга танлаши керак

эди. Сизни ишонтириб айтаманки, бу янглишув тасоди-фган бўлган. Бу ерда хеч қандай қасдан, ғаразгўйликдан қилинган иш йўқ. Кейин, сизга мистер Эрроу ҳам ёқмайди, шекилли.

— Ёқмайди, сэр. Унинг яхши денгизчи эканлигинга нишонаман. Гурухни жуда бўш қўйиб юборяпти, унда яхши ёрдамчи бўлолмайди. У ўз матрослари билан оғиз бурун ўйиншиб юрибди. Штурман кемада матрослардан ўзини олиб кочиши керак. Улар билан бирга ичкилик-бозлик қиласлиги лозим.

— Уни ичкиликбоз демоқчимисиз? — сўради сквайр.

— Йўқ, сэр, — деди капитан. — Мен факат у гурухни жуда бўш қўйиб юбораётганини айтмоқчиман.

— Энди капитан, — илтимос қилди доктор, — очишини айтинг, биздан нимани истайсиз?

Жентльменлар, ана шу сафарга жўнашга катъий ахд қилдиларингми?

— Катъий, — жавоб қилди сквайр.

— Жуда соз, — деди капитан. — Гарчи ўзим исбот килолмаган нарсаларни гапирган бўлсан-да, сўзларимни сабр-тоқат билан тниглаётган экансизлар, бу ёғига ҳам қулоқ солинглар бўлмаса. Порох ва қуроллар кеманинг олд қисмига қўйилган¹. Вахоланки, кема бўлмангизнинг остида ҳам яхшигина хона бор. Уларни шу ерга қўйса бўлмайдими? Бу биринчиси. Кейин, сизлар тўртта хизматкор олибспз. Менга айтишларича, улардан бирини кеманинг олд қисмига жойлаштиришмокчи бўлишинди. Уларнинг каравотларини кема бўлмаларинг ёнига қўйса бўлмайдими? Бу иккинчиси.

— Учинчиси ҳам борми? — сўради мистер Трелони.

— Бор, деди капитан, — жуда ортиқча вадирашяпти.

— Тўғри, ортиқча вадирашяпти, — маъқуллади доктор.

— Ўз қулоғим билан эшитган нарсани айтиб берай, — давом этди капитан Смоллетт. — Айтишларича, сизда аллақандай оролнинг харитаси бормиш. Харитада хазина қўмилган жойлар хоч аломатлари билан белгилаб қўйилганмиш. Бу орол...

Сўнг капитан оролимизнинг қандай кенглик ва узунликда эканлигини аниқ айтди.

Кеманинг олд қисмига матрослар жойлашиб олганди.

— Мен буни бирорта одамга ҳам айттаппим йўқ! — деди сквайр.

— Лекин бундан ҳар бир матрос хабардор, сэр, — эътиroz билдириди капитан.

— Буни сиз айтиб қўйгансиз, Ливси! — кичкирди сквайр. — Ёки сен, Хокинс...

— Эндиликда ким айтган бўлса ҳам барибир эмасми? — деди доктор.

Ўзинн қанча оқламасин мистер Трелонига доктор ҳам, капитан ҳам ишонмаганини кўрдим. Ўшанда мен ҳам ишонмагандим, чунки у ниҳоятда оғзи бўш одам эди. Эндиликда эса, ўшанда унинг тўғри гапирганини, бизсиз ҳам гурухга оролнинг қаердалиги маълумлигини ўйлаяпман.

— Жентльменлар, бу ҳарита қайси бирингизда сакланишини билмайман, — давом этди капитан. — Бу ҳаритани мендан ҳам, мистер Эрроудан ҳам махфий сакланишини талаб қиласман. Акс холда мени вазифамдан бўшатишларингни сўрайман.

— Тушунаман, — деди доктор. — Биринчидан, ортиқча гапларнинг барҳам тошишини истайсиз. Иккинчидан, кеманинг куйрук кисминда қалъа барпо қилиш, у ерга дўстимнинг хизматкорларини тўплаш, уларнинг кўлига бортдаги ҳамма нороҳ ва қуролларни топширишни истайсиз. Бошқача қилиб айтганда, ғалаён кўтарнилишндан кўркяпсиз.

— Сэр, — деди капитан Смоллетт, — хафа бўлмайман-у, лекин мен айтмаган гапларни мени айтди деб, менга тўнкалишини хоҳламайман. Ғалаён чиқнишга асоси бўлатуриб, деңгиз сафарига чиқишга отланган капитанини оқлаб бўлмайди. Мистер Эрроунинг ҳалоллигига ишончим комил. Матросларнинг кўпчилиги ҳам ҳалол одамлар. Эҳтимол, уларнинг ҳаммаси ҳалолдир. Лекин мен кема ҳавфсизлиги ҳамда ҳар бир кишининг ҳаётни учун жавоб бераман. Кўи ишлар кўнгилдагидай қилинмаётганлигини кўриб турибман. Эҳтиёт чораларини кўришларингни ёки мени ишдан бўшатишларингни илтимос қиласман. Вассалом.

— Капитан Смоллетт, — дея гап бошлади доктор кулиб, — сиз сичқон тукқан тоғ ҳақидаги масалини эшитганимисиз? Мени кечиринг-у, лекин ҳозир ўша масални эслатдингиз. Бошимдаги парик ҳаққи онт ичиб айтаман,

бу кириб келишнингизда биздан қўи нарса талаб қиласиз деб ўйлагандим.

— Доктор, сиз анча сезгир одам кўринасиз, — деди капитан. — Бу ёкка кириб келаётib мени бўшатпашларингни талаб қилмокчи эдим, чунки мистер Трелонининг гаиларимга қулоқ солишинга заррача бўлсни умидим йўқ эди.

— Қулоқ солмас эдим ҳам! — қичқирди сквайр. — Агар Ливси бўлмаганида дарҳол хайдаб юборардим. Бироқ нима бўлса ҳам гаинингизга қулоқ солдим, сиз талаб қилган нарсаларни бажо келтириш учун барча чораларни кўраман. Лекин сиз хакингиздаги фикрим ёмон томонга ўзгарди.

— Ихтиёргиз, сэр, — деди капитан. — Мен ўз бурчимни адо этганлигимни кейинроқ биласиз.

У чиқиб кетди.

Трелони, — деди доктор, — кемага иккита ҳалол одами: капитан Смоллетт ҳамда Жон Сильверни таклиф қилганингизга ишонч хосил қилдим.

Сильвер хусусида фикрингизга кўшиламан, — деди сквайр. — Бироқ анави жирканч ёлғончининг хулқини эркак киши учун, денгизчи учун, борингки, инглиз учун нолойиқ қилиқ деб ҳисоблайман!

Майли, — деди доктор, — кўрамиз.

Биз бандаргоҳга чиққанимизда матрослар аллақачон пороҳ билан қуролларни ташинишмоқда эди. Иш давомида улар «Йо ҳо-ҳо»ни қўйлашарди. Капитан билан мистер Эрроу уларга топшириклар беришмоқда эди.

Бизни янгичасига жойлаштиришгани менга жуда ёқди. Бутун кемали қайта жиҳозлашди. Қўйруқ томонда, ўрта трюмнинг собик орқа қисмида олтита кема бўлмаси тайёрлашди, кема бўлмалар чал борт бўйлаб кетган камбуз¹ ва бакнинг² эҳтиёт йўлаги билан туташарди. Даставвал уларни капитан, мистер Эрроу, Хантер, Жойс, доктор ва сквайр учун ажратишганди. Кейин эса кема бўлмалардан иккитасини Редрут билан менга беришди, мистер Эрроу билан капитан эса кема сахнида, тахта зинали тамбурга³ жойлашишди, унинг икки томони шундай кенгайтирилди-

¹ Камбуз — кема ошхонаси.

² Бак — кеманинг олд қисмидаги баланд жой.

³ Тахта зинали тамбур — трюмга тушадиган зинапоя кирадиган хона.

ки, күнрүк рубкасыга¹ ҳам түшиш мүмкни эди у ердан. Шунга қарамай, бу ер бир оз торрок эди, лекин ҳар ҳолда, унга иккита гамак² сиреди. Ҳатто штурман ҳам бундай жойлашишдан мамнун бўлди. У ҳам гурухга ишонмаган бўлса керак. Ҳархолда бу менинг тахминим, чунки кўп ўтмай ўзингиз ҳам биларсиз, у кемада кўп бўлмади.

Порохларни ташиб, кема бўлмаларимизни жиҳозлар-канимиз астойдил ишладик, ниҳоят соҳилдан қайнада охирги матрослар, улар билан бирга Дароз Жон ҳам келишди.

Ошпаз маймундай чаққон харакат қилиб кемага чиқди. Биз нима билан машғул эканимизни кўрниши биланок қичқирди:

— Ҳой оғайнилар, нима қиляпсизлар?

Порох солинган ёғоч хумларни ташнишимиз, Жон, — деди матрослардан бири.

Оббо, нега энди? — қиҷкирди Дароз. — Унақада эрталабки сув қайтишини бой бериб кўямиз-ку!

Улар менинг буйругимни бажаришпти! — капитан унинг галини бўлди. — Сиз эса, азизим, ошхонага боринг, токи матрослар ўз вактида овқатлансин.

— Хўп бўлади, сэр, — деди ошпаз.

Сўнг пешанасидаги бир тутам сочини сийлаб қўйдида, ошхонага кириб кетди.

Жуда ажойиб шоввоз одам-да, капитан, — деди доктор.

Бўлиши мумкин, сэр — деди капитан Смоллетт. — Ҳой, йигитлар, секинроқ, секинроқ!

У матросларнинг ёнига югурди. Матрослар порохли ёғоч хумни юмалатиб келишарди. Тўсатдан у кеманинг ўрта қисмига ўрнатилган, маҳсус ускуна устида айланадиган, тўққиз фунтли мис замбаракка караб турганимни кўрдин-ю, ўша захоти менга дағдага қилди.

Ҳой, юнга, — бақирди у, — йўқол бу ердан! Ошпазнинг олдига бор, сенга иш топиб беради.

Мен ошхонага чопиб кетаётib, унинг баланд овоз билан докторга:

Кемада, менинг ихтиёrimда эркатойлар бўлишига тоби тоқатим йўқ, — деганини эшитдим.

¹ Рубка — кемани бошқариш учун кема саҳнига ўрнатилган баландлик.

² Гамак — ҳордик чиқариш учун хизмат қиладиган беланчак.

Сизни ишонтириб айтаманки, шу дақиқада сквайринг, «капитан тоқат қилиб бўлмайдиган ёмон одам», деган фикрига кўшилдим, уни ёмон кўриб қолдим.

X боб

САФАР

Югур-югур, кий-чув туни билан давом этди. Буюмларни бир жойдан иккичи жойга ташидик. Қайик дам-бадам соҳилдан сквайринг мистер Блендлига ўхшаган оқ йўл тиловчи дўстларни ташиб турди. «Адмирал Бенбоу»да хам хеч қачон бунчалик кўп ишламаган эдим.

Тонг оқариши олдидаи боцман сурнайини чалиб, гурух лангарни кўтараётганда мен итдай чарчаган эдим.

Бироқ иккى баравар ортиқ чарчаганимда хам кема сахнидан кетмасдим барибири. Мен учун хамма нарса — дона-дона қилиб берилган буйруқлар хам, чинқироқ хуштак товуши хам, кема фонарларининг хира ёруғида кўйиб-иншиб ишлаётган кишилар хам янги ва мароқли эди.

— Хой, Сон гўшти, ашулани бошла! — қичкирди матрослардан бири.

Эскисини! — деб бақирди бошқаси.

— Хўп бўлади, йигитлар, — деди кема сахнида кўлтиқтаёғига суюниб турган Дороз Жон.

Кейин менга жуда таниш бўлган ашулани бошлади:

Ўлик сандигига ўн бешта одам...

Бутун гурух унга жўр бўлди:

Йо-хо-хо, бир шиша ром!

Матрослар сўнгги «хо» дейиниганда чиңир ричагини бараварига босишди.

Кадимий «Адмирал Бенбоу» ёдимга тушиб кетди, гўё матрослар хорига тўсатдан мархум Бонснинг овози кўшилиб кетгандай бўлди.

Кўп ўтмай лангар кўтарилди, кеманинг олд томонига маҳкам боғлаб кўйилди. Ундан сув тома бошлади.

Шимол елканларни шиширди. Ер биздан чекина бошлади. Бизни қуршаб олган кемалар узоқлаша бошлади. Озгина мизгиб олиш учун ўрнимга ётиб ултурмасимдан «Испанъола» Хазиналар Ороли томон йўл олди.

Сафаримизнинг хамма тафсилотларини ёзиб ўтирмайман. Сафаримиз жуда муваффакиятли бўлди. Кема жуда яхши чиқиб қолди, гурух эса тажрибали денгизчилардан иборат эди, капитан ўз ишини жуда цухта биларкан. Лекин Хазиналар Оролига етгуинга кадар эслаб ўтишга арзигулик икки-учта воқеа бўлиб ўтди.

Энг аввало мистер Эрроунинг капитан айтгандан кўра хам ёмонроқ одам эканлиги маълум бўлиб қолди. Матрослар ўртасида хеч қандай обрўси йўқ эди унинг, гашига хеч ким қулоқ хам солмасди. Бироқ бу ҳали ҳолва экан. Йўлга чиққач, икки-уч кундан кейин у кема саҳнида юзлари қизарган, кўзлари хира тортган ҳолда найдо бўлди. Тили оғзида аранг айланарди. Мастикнинг бошқа белгилари хам якқол кўриниб туради. Баъзида уни кема бўлмасига шарманда қилиб хайдашарди. У тез-тез йиқилар ва лат ерди. Куни бўйи ўриидан турмай ётган пайтлари ҳам бўлди. Албатта, у бир-икки кун ҳушёр бўлиб юрар, ўшанда ҳам ўз бурчини зўрға бажаардиди.

Унинг ичкиликни қаердан олишига хеч тушуна олмасдик. Бутун кема шу жумбоқ ҳақида бош қотиради. Биз уни кузатдик, бироқ хеч нарсанни аниқлай олмадик. Ундан бу ҳакда юзма-юз келиб шартта сўраганимизда, у агар маст бўлса, башарамизга бақрайтанича ҳахалаб қуларди, агар ҳушёр бўлса, умри бино бўлиб, оғзиға сувдан бошқа нарсанни олмаганини айтиб, тантанали равишда қасам ичарди.

У штурман сифатида хеч нарсага ярамас, факат қўл остидагиларга ёмон таъсир ўтказмокда эди. Унинг ҳоливой бўлиши равишан бўлиб қолганди. Бўронли, зимистон тунларнинг бирнда унинг кемадан ғойиб бўлганига хеч ким ажабланмади ҳам, қўймади ҳам.

— Бортдан йиқилиб тушган! — деди капитан. — Хўш, жентльменлар, бу ҳодиса уни қишанлаб қўйиш заруратидан ҳолос этди бизни.

Шундай қилиб, штурманнисиз қолдик. Гурухдан бирор кишини шу вазифага кўтаришимиз лозим эди. Боцман Жоб Эндерсонни танладик. Уни илгаригидек боцман деб чакиришар, лекин у штурманнинг вазифасини бажаардиди.

Бу ишда жуда кўи саёҳат қилган, денгизни яхши билган мистер Трелони ҳам анча яраб қолди — ҳаво очик пайтлари у вахтада туради. Иккинчи боцман Израэль Хендс тиришкок, тажрибали кекса денгизчи бўлиб, унга истаган ишни тошириш мумкин эди.

У Дароз Жон Сильвер билан анча қалин эди. Модомики номини тилга оларканмиз, Сильвер хақида хам батафсилроқ хикоя қилишга тұғри келади.

Матрослар уин Сон гүшти деб чакиришарди. Құли холис бүлсии учун у құлтиқтаёғини иш билан бўйнига осиб оларди. Құлтиқтаёк билан деворга суюниб, кеманинг хар бир харакатидан чайкалиб, овқат тағерлаётганида у гүё каттиқ ер устида турганга ўхшарди. Уининг шамолли кунларда кема сахнидаги кенг жойларда ўзи учун тортиб қўйилган арқонни ушлаганича эпчил ва тез харакат қилишини кўриш ундан хам мароқли эди. Матрослар бу арқонларни «Дароз Жоннинг илгаги» дейишарди. У юриб бораётгандан ана шу «илгак»ларни ушлар, тоҳ құлтиқтаёғини ишлатар, тоҳ уни аргамчида судраб юради.

Хархолда илгари у билан бирга сузган матрослар уининг олдинги Жон эмаслигидан афсусланишарди.

— Сон гүштимиз оддий одамлардан эмас, — дерди менга иккинчи боцман. Ёшлигіда у мактаб талабаси бўлган, истаса китобий сўзлар билан хам гаплашаверади. Жуда ботир, довюрак. Дароз Жон олдида шер пашшадай бир нарса эди. Бир куни унга тўрт киши ташланиб колди, Жон бўлса уларнинг каллаларини бир-бирнга уриб, мана бундай қилиб боплади, қўлида курол-пуроли хам пўк эди.

Бутун гуруҳ уни жуда хурмат қилас, хатто буйруғига бўйсунарди. У хар бир киши билан умумий тил тола олар, хар кимнинг кўнглини овлай оларди. У менга анча меҳрибон эди. Жон никоятда озода сақлайдиган камбузга кириб қолганимда хамма вакт хурсанд бўларди. Уининг идишлари доим яркираб турар, чиройли қилиб териб қўйилган бўларди. Бурчакдаги қафас ичидә тўти куши хам бор эди.

— Хокинс, деди менга Сильвер, кириб сухбатлашиб тургин. Бошқалардан кўра сен кирсанг жуда қувонаман, ўғлим. Ўтириб ганимга қулоқ сол. Мана, Капитан Флинт... мен тўти қушимга машҳур қароқчи шарафига Капитан Флинт деб от қўйганман. Капитан Флинт сафаримиз омадли тугашини башорат қиляпти... Шундайми? Капитан тўти қуш одатдан ташқари шошилиб, қуйидаги сўзларни такрорлади:

Пиастрлар! Пиастрлар! Пиастрлар!

Күш бу сўзларни ҳолдан тойгуича ёки Жон қафас устинн чойшаб билан ёпиб қўйгуича айтаверарди.

Бу қушнинг ёши икки юзда бўлса керак, Хокинс, — деди у. — Тўти қушлар узоқ яшайди. Шайтон ўз умрида кўрганидан хам кўпроқ ёмонликни кўргандир мана шу тўти қушим. У Ингленд билан, машхур капитан Ингленд қароқчи билан сузган. У Мадагаскарда, Малабарда¹, Суринамда², Провиденсда³, Порто-Беллода бўлган. У чўкиб кетган Галеонлардан⁴ қандай қилиб юкларни илиб олишганини кўрган. Худди ўша пайтларда «пиастрлар» деб қичкиришни ўрганган. Бунга ажабланмаса хам бўлади: Хокинс, ўша куни уч юз эллик минг пиастрни кўлга киритишганда ўзиям! Бу тўти күш Гоа⁵ якинида Хиндистон вице-киролигга хужум қилингандан хам иштирок этган. Бироқ кўринишдан ёшга ўхшайди. Капитан, сен порох тутунини хидлагансан, тўғрими?

Бошқа галсга⁶ бур! — қичкирди тўти.

Бу менинг энг яхши денгизчим, — деди ошпаз ва чўнтағидан қант олиб, тўтини сийлади.

Тўти күш қафас симларини чўқиди, куракда турмайдиган сўзлар билан сўқинди.

Козонга яқин юрсанг қораси юқар, дейдиларку, — уқтириди Жон. — Бу факир, кўпни кўрган бегуноҳ күш сўқинишни хам қияди-да, лекин нима деганига ўзи тушунмайди. Иложи бўлса, парвардигори оламнинг олдида хам сўқади.

Жон шу сўзларини айтиб, пешанасидаги бир тутам сочини силаб қўйди, шунда уни оламдаги энг олижаноб киши деб билди.

Сквайр билан капитан Смоллетт ўртасидаги муносабат илгаригидай ёмон эди. Сквайр сира тортинаш капитан хақида нафрат билан гапиради. Капитан хеч қачон сквайр билан гаплашмас, сквайр бирор нарсанни сўраганинда эса қиска ва совуқ қилиб кескин жавоб берарди. Исқанжага олинган капитан гурух хақидаги ўзининг фикри хато эканлигини бўйнига олиши керак эди. Кўпчилик матрос-

¹ Малабар — Хиндистоннинг жануби-барбий кироғидаги вилоят.

² Суринам — Жанубий Америкадаги Голландия Гвианаси.

³ Провиденс — Хинд океанидаги орол.

⁴ Галеонлар — испанлар Америкасидан Испанияга олтин ташиган испан кемалари.

⁵ Гоа — Хиндистон ҳудудидаги Португалия мустамлакаси.

⁶ Галс — кема ҳаракати йўналишини шамолга мослаш.

лар жуда яхши ишлар, бутун жамоа ўзини яхши тутарди. Кемага эса капитан ниҳоятда кўнгил қўйиб қолганди.

— Сэр, яхши хотин эрининг гашини иккита қилмаганидай, кема ҳам рулга сўёзсиз бўйсуняпти. Бироқ, — деди у давом этиб, — хали уйга қайтганимизча йўқ, сафаримиз илгаригидай менга хеч ёқмаяпти.

— Сквайр эса бу гапларини эшитиб, унга оркасини ўгириб олар, тумшуғини осмонга кўтариб, кема сахнида у ёқдан-бу ёққа юриб қолар эди.

Хеч қанча вакт ўтмай, — дерди у, — бу одам тоқатимни ток қилади. «Испанъола» мизнинг афзаллитетини тасдикловчи бўронга бардош беришга тўғри келди. Гурухдан жуда мамнун эди, бу бежиз эмасди. Менимча, Нух пайғамбар биринчи бор денгиз сафарига чиқкандан бўён хеч қайси гуруҳда бунчалик эркалатилмагандир. Денгизчилар икки улушдан грог¹ беришлари учун турли хил баҳоналарни излаб топишарди. Сквайр бирорта матроснинг туғилган кунини эшитиб қолгундай бўлса, ўша захоти ҳаммага шудинг ҳадя қилинарди. Бандаргоҳда эса, истаган одам хоҳлаган пайтда олиб есин учун олма тўла ёғоч хум турарди.

— Бундан хеч қандай яхшилик чиқмайди, — деди капитан доктор Ливсига. — Бу уларни бузади, холос. Менга ишонаверинг.

Бироқ олма солинган ёғоч хум, кейин биларсиз, бизга катта хизмат қилди. Факат ана шу ёғоч хум шарофати билан хавф-хатардан огоҳ бўлдик ва хоннлар қўлида ўлиб кетмадик.

Бу воқеа шундай бўлди. Биз аввало оролимиэга олиб борадиган мувофиқ шамол йўлига чиқиб олиш учун пассатга қарши сузаётган эдик, эндилликда эса унга шамол оқими бўйича сузиб борардик, бундан аннекроқ қилиб тушунтиrolмайман. Кечаю кундуз уфқда орол кўриниб колар деган умидда узокларга тикилардик. Ҳисобимизга кўра, оролга етишга бир кеча-кундуздан камроқ вакт қолганди. Ё бугун кечаси, ё кечи билан эртага тушга яқин Хазиналар Оролини кўришимиз лозим эди. Жанубга, жануби-ғарбга томон борардик. Траверсга² бир текис шамол келиб уриларди. Денгиз осойишта эди. «Испанъ-

¹ Грог — арак ёки ромга шакар солиб, кайнок сувга аралаштириб тайёрланган ўткир ичкилик.

² Траверс — кема йўналишига перпендикуляр йўналиш.

ола» олдинга қараб иштилар, тўлкинлар баъзан унинг Буширтигача¹ сатнирди. Хуллас, ҳамма иш жойида эди. Ҳамманинг кайфияти кўтаринки, барча сафарнинг биринчи ярми тамом бўлганига хурсанд эди.

Қўёш ботиб, ишим тугагач, ўз ўрнимга кетаётуб, тўсатдан «бирорта олма емайманни» деб ўйланиб қолдим. Бир зумда кема сахнига югуриб чиқдим. Коровуллар кема тумшуғида оролни кўриш умидида денгизга тикилиб туришарди. Дарға елканининг шамол келиб урилаётган бурчагини кузатганича хуштак чаларди. Ҳаммаёқда осоишишалик, факат борт ортида сув шовилларди, холос.

Ёғоч хумда факат биттагина олма қолибди. Уни олиш учун ёғоч хумнинг ичига тушишга тўғри келди. Ним коронгиликда унинг ичидаги ўтириб, сувнинг шовиллаши, кеманинг бир меъёрда чайқалишининг таъсирида ухлаб қолишимга оз қолди. Тўсатдан кема сахнида ёғоч хумнинг ёнинг кимдир оғир чўқди. Ёғоч хум сал кимирилади: у ёғоч хумга оркаси билан суюнди. Мен энди чиқай деганда, ҳалиги одам гап бошлади. Бу Сильвернинг овози эканлигини танидим, бир оз гапида давом этмагунча мутлақо у ердан чиқмасликка аҳд қилдим. Мен қўрқув ва кизикишдан ўлкам оғизимга тикилиб, дағ-дағ қалтираганча ёғоч хумнинг тагига ётиб олиб қулоқ сола бошладим. Дастлабки сўзлариданоқ кемадаги ҳамма ҳалол одамларнинг хаёти, тақдири менинг кўлимда эканлигинн англадим.

XI боб

ОЛМАДАН БЎШАГАН ЁҒОЧ ХУМДА ЎТИРИБ НИМАЛАРНИ ЭШИТДИМ

— Йўқ мен эмас, — деди Сильвер, — Флинт капитан эди. Мен эса квартиромейстер² бўлганман, чунки оғим ёғоч оёқ эди. Қари Пью кўзидан жудо бўлган жангда мен оғимдан айрилганман. Оғимни бир жарроҳ — олим кесиб ташлади, у коллежда ўқирди, лотинчани сувдай биларди. Барибир дордан кочиб кутулолмади, уни Корсо-Каслда итдай осиб юборишди...

¹ Бушприт — кема тумшуридаги олдинга туртиб чиқиб турган тўсин.

² Квартиромейстер — озиқ-овқат бўйича мудир.

Бошқалар катори қуёш тафтида жизғинаги чиқиб ётди. Шунака! Улар Робертснинг одамлари эди, уларнинг хаммаси ўз кемаларининг номини алмаштирганлари учун ҳалок бўлишди. Бугун кема «Кирол бахти» деб номланса, эртасига бошқача номда бўларди. Биз «Кассандра» номини хеч хам ўзгартирмадик. Кемамиз бизни Ингленд Хиндиштон вице-қиролини талагандан кейин Маблардан эсон-омон уйимизгача олиб келди. Флинтнинг бортидаги конга тўла эски кемаси «Морж» хам ўз номини ўзгартирмади, кемада олтин шу қадар кўп эдики, оғирлигидан кема сув тубига чўкай-чўкай дерди.

— Эх, — матросларимиз ичидаги энг индамасининг завқшавқقا тўла овози эшишилди, — бу Флинт дегани хўп шоввоз экан-да!

— Айтишларича, Дэвис хам ундан қолишмаган, — деди Сильвер. — Лекин хеч қачон у билан бирга сузмаганман. Мен аввал Инглед билан кейин Флинт билан сузганман. Энди бўлса денгизга ўзим чиқдим. Ингленддан тўққиз юз, Флинтдан иккى минг фунт-стерлинг ишлаб олдим. Оддий матрос учун бу ёмон эмас. Гап пул топишда эмас, балки уни саклай билишда... Хозир Ингленднинг одамлари каерда? Билмайман... Флинтнинг одамлари-чи? Уларнинг аксарияти шу ерда, кемада, пудинг текканига хурсанд. Уларнинг кўпи соҳплда гадолардай кун кўрпашарди. Худо хаққи, очликдан ўла ёзишганди. Қари Пью кўзи кўр бўлиб қолгач, шунингдек, номусини хам барбод этгач, гўё парламентдаги лорд сингари йилига бир минг иккى юз фунтдан сарфлай бошлади. У хозир қаерда? Ўлган, ер остида чириб ётибди. Лекин иккп йил муқаддам унинг егани хеч нарсаси йўқ эди. У садака сўрар, ўғирлик қилас, бирвларнинг кекирдагини узарди-ю, барибир қорнини тўйғазолмасди!

— Ана, қарокчи бўлишимнинг оқибати! — деди ёш денгизчи.

— Тентаклик қилма! — деди Сильвер. — Бу гап сенга тегишли эмас: ёш бўлсанг хам эсинг жойида. Сени лакиплатиб бўлмайди! Буни сени дастлаб кўрганимдаёқ пайқаганман, сен билан эркакчасига гаплашавераман.

Тасаввур қила оласизми, бу қари фирибгар менга галирган ширин сўзларини бошқаларга хам галирганини эшишиб қай ахволга тушмадим!

Агар қўлимдан келса, уни ўлдириб қўяқолардим...

Бу орада Сильвер, ўзиннинг галини бирор эшитиб турганидан бехабар, сўзида давом этди.

Омад жентльменларининг¹ тақдирни доим шунақа. Уларнинг ҳәёти оғир, дорга осилиш учун қалтис ишга кўл уради. Уришқоқ хўроллар жанг олдидан боплаб парвариш қилингани каби, роса еб-иншиади. Улар сафарга бир неча юз чақа билан чиқиб, бир неча юз фунт билан қайтиб келишади. Ўлжани ичиб, иулни сарфлаб бўлгач, яна битта кўйлакда дengиз сафарига отланадилар. Бироқ мен бундай килмайман. Мен пулларимни бўлиб-бўлиб, ҳар ҳил банкларга кўяман, лекин шубҳа туғдирмаслик учун хеч қаерга кўирок пул қўймайман. Ёшим элликда, шуни назарда тут. Мана шу сафардан қайтиб хақиқий жентльменлар яшагандай турмуш кечираман... Вакт етди, дейсанми? Хўш, нима бўпти, ҳозиргача ҳам ёмон яшаганим йўқ. Ўзимни хеч қачон хеч нарсадан бебахра қолдирмадим. Жойим юмшоқ, овқатим лаззатли бўлди. Факат дengизда сал кийинроқ бўларди. Ишни нимадан бошлагайман? Сен сингари матросликдан.

Ахир, олдинги пулларингиз эндиликда шамолга соврилади-ку, — деди ёш матрос. — Бу сафардан кейин Бристолда қандай кўринасиз?

— Сенингча, пулларим ҳозир қаерда? — деб сўради Сильвер масхараомуз киёфада.

Бристолдаги банклар ҳамда бошқа жойларда, — деди матрос.

Тўғри, улар ўша ерда эди, — деди ошпаз. — Биз лантар кўтарганимизда ўша ерда эди. Бироқ ҳозир кампирим пулларни у ердан олди. «Кузатув Дурбини» ижрага олиниган участкалари, мижозлари ва жихозлари билан сотиб юборилди, кампирим у ердан жўнаб кетди, мени келишиб олиниган жойда кутиб турди. Бу жой қаердалигини айтиб берардим-у, бироқ уларга ҳам айтмаганим учун бошқалар хафа бўлишади, деб қўркман.

Камишинингизга ишонасизми? — сўради матрос.

Омад жентльменлари, — деди ошпаз, — бир-бирига камдан-кам ишонади. Жуда тўғри қилишади. Бироқ мени алдаш роса кийин. Кимки кекса Жоннинг дорда типирчилаши учун арқон туширадиган бўлса, бу дунёда умри киска бўлади. Бирорлар Пьюдан, бошқалар Флинтдан

¹ Омад жентльменлари — қарокчиларининг лақаби.

күркишарди. Мендан эса Флинтнинг ўзи күркарди. Мендан күркарди хамда фахранарди... Унинг гурухи ўтолов эди. Шайтоннинг ўзи хам у билан очик денгизга сафарга чиқишга юраги дов бермасди. Мени биласан, мактаниб ўтирмайман, мен оқкүнгил, қувиок одамман, лекин квартирмейстер бўлган пайтларимда Флинтнинг кекса қароқчилари менга ювошгина қўйдай қулок солишарди. Эҳ-ха, кекса Жоннинг кемасида интизом шундай қаттиқ эдик!

— Жон ганинг дангали, — эътироф этди матрос, — мана шу сухбатга қадар ишингиз дидимга унча ўтиришмас эди. Энди бўлса, мана менинг қўлим, мен розиман.

— Сен мард, жуда ақлли йигитсан, — деди Сильвер ва унинг узатган қўлини шундай қизғин қисдики, ҳатто мен ўтирган ёғоч хум қимиirlаб кетди. — Сен ҳали кўз кўрмаган, қулок эшитмаган омад жентльмени бўласан! — Бора-бора улар гаплашаётган тилга тушуна бошладим. «Омад жентльменлари» деб улар қароқчиларни айтишарди. Мен ҳалол матросни, эҳтимол, бутун кема бўйича энг ҳалол матросни, ана шу қароқчилар тўдасига авраб жалб қилишдек воқеанинг гувоҳи бўлдим. Кейин Сильвер секингина ҳуштак чалди, ёғоч хум ёнига яна кимдир келиб ўтирди.

— Дик ўзимизники бўлди, — деди Сильвер.

— Унинг ўзимизники бўлишини билардим, — иккинчи боцман Израэль Хендснинг овозини эшитдим. — Дик тентаклардан эмас.

У анчагача тамаки чайнаб ўтирди, кейин тупуриб ташлаб, Дароз Жонга мурожаат қилди:

— Айт-чи, Сон гўшти, маркитант қайигидай ликиллаб юраверамизми? Чакмоқ хаққи онт ичиб айтаман: капитан жуда жонимга тегди! Менга шунча хўжайнинлик қилгани етар энди! Мен капитан бўлмасида яшашни истайман, менга улар еган ноз-неъматлар, улар ичган винолар кепрак.

— Израэль, — деди Сильвер, — бошинг унчалик қиммат эмас, чунки унда мия деган нарса ҳеч қачон бўлмаган. Бирок қулок солишга устасан, чунки узун қулоқсан. Шундай экан, қулок сол: сен илгаригидай гурух жойлашган хонада ухлайсан, мазаси йўқ овқатларни ейсан, итоаткор, одобли бўласан, ўзим айтмагунимча оғзинига

бир томчи ҳам ичимлік олмайсан. Ҳамма ишні менга қўйнб беравер, ўғлим.

— Мен йўқ деялмани? — миниғирлади иккинчи боцман. — Факат қачон деб сўраяпман, холос.

— Қачон? — қігқириди Сильвер. — Хўп, қачонлигинн айтиб қўяколай сенга. Мумкин кадар кечроқ — энди қачонлигини билдингми? Капитан Смоллетт биринчи даражали денгизчи, у бизнинг нафимиз учун кемани бошқариб борялти. Сквайр билан докторда ҳарита бор, бироқ уининг каерга яширилганини билмайман! Сен ҳам билмайсан. Шунинг учун ҳам сквайр билан доктор ҳазинани топсин, уни кемага юклашда бизга ёрдам беришсин. Ана ўшанда қўрамиз. Агар сизга ўхшаган голланд зотларига ишончим комил бўлганида эди, капитан Смоллеттга бизни орқага — ярим йўлгача олиб келишга имкон берардим.

— Ўзимиз ҳам ёмон денгизчиларданмасмиз! — эътиroz билдириди Дик. Ёмон матросларданмасмиз демоқисанда, — Сильвер унинг гапини тузатди. — Руль бошқаришини биламиз. Лекин кема йўналишини ким хисоблайди? Бунақа ишлар қўлидан келадиган хеч ким йўқ орамизда, жентльменлар. Агар ихтиёр менда бўлганида, капитан Смоллетт орқага қайтишда бизни хеч бўлмаса пассатлар эсадиган ергача олиб келиб қўйишига йўл берардим. Ана ўшанда лоақал тўғри сузаётганимизни билган одамларга кунига бир қошиқдан чучук сув бериб ўтирумаган бўлардик. Лекин мен қанака одамлар эканликларингни яхши биламан. Ҳазинани бу ёққа — кемага ташиб бўлишлари биланоқ оролнинг ўзида улар билан хисобкитобни тугаллаш керак. Лекин афсус! Сизлар бўлса тезрок ичкиликка етишиш илинжидасиз. Очигини айтсам, сиздақа одамлар билан орқага қайтишга тўғри келишини ўйласам юрагим эзилиб кетади.

— Ҳой Дароз, ҳаддингдан ошма! — кичқириди Израэль. — Ахир, сен билан хеч ким жанжаллашмаяпти-ку.

— Бекордан-бекорга ҳалокатга учраган озмунча катта кемаларни кўрдимми? Офтобда жиззинаги чиқиб, дорда осилиб турган озмунча азаматларни кўрдимми? — деди Сильвер. Нега шундай бўлди? Чунки ҳаммаси шошилишган, шошилишган, шошилишган... Менга қулоқ солинглар: мен денгизда сузганман, умримда озми-кўпми нарсани кўрганман. Агар сизлар кемани бошқаришни, шамол

билан курашшни эплаганларингда эди, аллақачонлар фойтуналарда ялло қилиб юрардиларинг. Бирок сизларга йўл бўлсин! Сизларни биламан. Ромни тўйиб ичасиз-да, ўзингизни дорда кўрасиз.

— Жон, сенинг капелланга¹ ўхшашилгинингни хамма билади, — Израэль унга эътироуз билдириди. — Бирок кемани сендан кўра дурустрок бошкарганлар ҳам бўлганку, ахпр. Улар вактичорлик қилишини ёқтиришган. Аммо улар ўзларини қўмондон қилиб кўрсатишмаган, маншат қилишган, бошқаларга ҳам ҳалақит беришмаган.

— Тўғри, — деди Сильвер. — Лекин ҳозир улар қани? Пью шундай эди — қашшокликда ўлди. Флинт ҳам шунақа эди — у ҳам ром туфайли Саваннада оламдан ўтди. Тўғри, улар ёқимтой, хушчақчақ одамлар эди... Гал шундаки, ҳозир улар қаерда?

Агар қўлимизга тушишса, — деб сўради Дик, — уларни нима қиласиз?

— Манови одам ҳўб дидимдаги одам-да! — деди ошпаз завқланиб. — Беҳуда нарса ҳақида эмас, ишдан гапиради. Сенингча, уларни нима қилиш керак? Уларни бирорта одам яшамайдиган соҳиля ташлаб кетамизми? Ингленд шундай киларди. Ёки уларнинг ҳаммасини чўчқадай сўйиб ташлаш керакми? Флинт ёки Билли Бонс шундай йўл тутишарди.

Ха, Биллнинг шунақа одати бор эди, — деди Израэль. — «Ўликлар тишламайди» деб айтарди у. Эндиликда унинг ўзи раҳматлик бўлиб кетди, ўз мақолини ўзи тажрибада синааб қўриши мумкин. Ха, Биллнинг бу ишда суяги йўқ эди.

— Тўғри деди Сильвер. — Билли бу ишларда жуда шоввоз эди. Ҳеч кимни жазосиз қолдирмасди. Бирок мен оккўнгил одамман, жентльменман: лекин ишнинг жпддийлигини сезиб турибман. Энг аввало бурчга содик бўлиш керак, йигитлар. Мен уларни ўлдиришга овоз бераман. Умуман, парламент аъзоси бўлиб, зархал кема бўлмаларида юрганимда анави ингичка оёқ стрекулистларнинг монахга ёпишган иблисдай менга ёпирилишини мутлақо истамайман. Мева пишгунга қадар кутиш керак. Пишдими, уни дархол узиш керак.

Жон, — деди боцман, — нақ қаҳрамоннинг ўзгинасисан!

¹ Капелланга — кема руҳонийси.

Бунга кейлирок ишонч хосил киласан, Израэль, — деди Сильвер. — Мен фақат бир нарсаны талаб қыламан: менга сквайр Трелонини қўйин берасизлар. Унинг бузоқникнга ўхшаган калласини ўз қўлим билан узмоқчиман Дик, — деб қўшимча килди у тўсатдан, — барака топгур Дик ўрнингдан туриб битта олма олиб бер, томоним қуруқшаб қолганга ўхшайди.

Қанчалик даҳшатга тушганимни биласизми! Агар қувватим етса, ўрнимдан сакраб туриб, қочиб кетган бўлардим. Лекин юрагим хам, қўл-оёкларим хам менга штоат этмай қўйди. Дик энди ўрниндан тураман деганда Хендсинг овози уни тўхтатди.

— Жон, шу чириған олмани кавшаб нима маза топдинг! Яхшиси бизга ром бера қол.

— Дик, — деди Сильвер, — сенга ишонаман. Ошхонада бир ёғоч хумчани яшириб қўйганман. Ма, калитни ол. Бир кўза қўйиб кел.

Шунчалик кўркувга тушншимга қарамай, миямга ўша пайтда: «ўзини нариги дунёга жўнатган ромни мистер Эрроу ўша ердан оларкан-да!» — деган фикр келди.

Дик кетиши биланоқ Израэль ошпазнинг қулоғига нималарнидир шивирлай бошлади. Икки-учта сўзни эшитиб қолдим, холос, лекин мен учун шунинг ўзи хам кифоя эди.

— Колганлардан хеч ким унамаяпти, — деб шивирлади Израэль.

Демак, кемада садоқатли одамлардан яна бор экан-да!

Дик қайтиб келганида учаласи навбат билан кўзачанин олиб, бирни «бахт учун», бошқаси «кекса Флинт учун» ичди. Сильвер эса хатто қўшик хам айтди:

Ўлжа шамоли-чун, омад шамоли-чун!
Оламда бой ва шод яшаш-чун тун-кун!

Ёғоч хум ичи ёришиб кетди. Осмонга қараб, ой чикканнини кўрдим, у крюйс марс¹ хамда шишиб кетган фок-зейлни² кумушлантирибди. Ҳудди шу пайт вахтадан: Куруқлик! — деган овоз янгради.

¹ Крюйс марс — кема қуйругидаги кузатув майдончаси.

² Фок-зейл — кеманинг биринчи устунидаги қуи тўғри елкан.

XII боб

ХАРБИЙ КЕНГАШ

Кема саҳни оёқ товушларидан гумбурлаб ларзага келди. Одамларнинг кема бўлмаси ва үмумини хоналардан қандай югуриб чиқканини эшитдим. Ёғоч хумдан чиқиб, фок-зейл орқасидан сирғалиб ўтиб, кеманинг қуйруқ томонига бурилдим, кема сахнининг очик жойига чиқиб, Хантер ва доктор Ливси билан биргаликда шамол келиб уриладиган скула¹ томон чопдим.

Бу ерга бутун гурух йиғилган эди. Ой чиққандан кейин туман дарҳол тарқалиб кетди. Узокда, жанубифарб томонда оралнги тахминан икки миль келадиган иккита пастаккина тепаликни, унинг орқасида эса кул ранг туман билан қопланган, улардан баландроқ учинчи тепаликни кўрдик. Учала тениалик ҳам тўғри конуссимон шаклга эга эди.

Мен уларга уйқусираган одамдай тикилардим, чунки хозиргина гувоҳи бўлганим даҳшатдан ўзимга кела олмаган эдим. Кейин капитан Смоллеттнинг буйруқ берган овозини эшитдим. «Испанъола» шамолга анча қияроқ бурилиб, оролдан сал шарқроққа қараб сузиб борарди.

— Йигитлар, — деди капитан берган буйруклари бажо келтирилгандан кейин, — орангизда бу ерни илгари кўрганлардан бирор киши борми?

— Мен кўрганман, сэр, — деди Сильвер. — Мен савдо кемасида ошпаз бўлниб хизмат қилган пайтларимда бу ердан чучук сув олардик.

— Жануб томонда, анови кичкина орол орқасида лангар ташласак куляйроқ бўлса керак? — сўради капитан.

Шундай, сэр. Бу орол Скелет Ороли дейилади. Илгарилари бу ерда қароқчилар тўхтарди, кемамиздаги бир матрос бу ердаги жойларга қароқчилар қўйган ҳамма номларни биларди. Ҳов анави шимолдаги тепалик Фок-устуни деб аталади. Шимолдан жанубгача учта тепалик бор: сэр, улар Фок-устуни, Грот-устуни ҳамда Би-занъустуни деб аталади. Лекин анави туман коплаб ётган Грот-устунини кўпинча Кузатув Дурбини деб атасади, чунки қароқчилар бу ерда туришганда ҳамда кемаларини

¹ Скула — кеманинг олд ёки борт қисмига туташадиган бортнинг кескин муюлиш жойи.

ямаб-ясқаганда у ерга күзатувчи қўйишган. Улар одатда шу ерда кемаларни тузатишган, афв эттайдиз, сэр.

— Менда харита бор, — деди капитан Смоллетт, — қўринг-чи, харитадаги орол шуми?

Харита қўлига текканда Дароз Жоннинг кўзлари чақнаб кетди. Бироқ умидсизлик дархол унинг кўзига туман пардасини торти. Бу биз Билли Бонснинг санднгидан тоиган ўша харнта эмасди, бу номлари кўрсатилган, тепалик ва чуқурликлари белгиланган, лекин учта хоч аломати ва ёзувлари йўқ, аник кўчирма қилинган харита эди. Лекин қаттиқ алам қилишнга қарамай Сильвер ўзини тутди ва сирни фош қилиб қўймади.

— Шу, сэр, — деди у, — худди шунинг ўзи. Жуда чиройли қилиб чизилиди. Харитани бунақа қилиб ким чизганини билсак яхши бўларди... Қарокчилар ўқимаган халқ. Ана, капитан Кид тўхтайдиган жойга хам келдик, матрос ўртоғим бу ерни шундай дерди. Бу ердан жануб томонга қараб анча кучли оқим ўтади. Кейин ғарбий соҳиlldан у шимолга бурилади. Сиз кия бейдевинд¹ билан юриб, тўғри қўлдингиз, сэр, — давом этди у. — Агар кўрфазга кириб, кемани «ёнбошлатмоқчи» бўлсангиз, ундан яхши жойни тола олмайсиз.

— Рахмат, деди капитан Смоллетт. — Менга қачон ёрдам зарур бўлиб қолса, яна сизга мурожаат қиласман. Кетишингиз мумкин.

Жоннинг орол билан таниш эканлигини ошкор қилишдаги совукқонлигини қўриб хайратга тушдим. Тўғрисини айтсам, менга яқинлашнб келаётганини қўриб қўркиб кетдим. Албатта, ёроч хўмда ўтириб, унинг гапларини тинглаганимдан хабарсиз эди. Барибир у ўзининг шафқатсизлиги, иккюзламачилиги, кема гурухи устидан зўр хукмронликка эгалиги билан мени даҳшатга соларди, у елкамга қўлини қўйганида сапчиб тушишимга оз қолди.

— Бу орол ёмои жой эмас, — деди у. — Болалар учун хам яхши жой. Сен бу ерда чўмиласан, дарахтларга чиқасан, ёввойи эчкиларни овлайсан. Ўзинг хам тоғларда эчкидай сакраб-сакраб ўйнайсан. Тўғрисини айтганда, оролга қараб туриб ўзим хам яшариб кетаман, ёроч оёримни хам унутиб юбораман. Ёш бола бўлиш, оёкларингнинг бус-бутун бўлиши қандай яхши! Агар

¹ Бейдевинд — кеманинг тумшуғи билан шамол йўналиши орасида 90 дан кам бурчак ҳосил қилиб сузиш.

оролни айлангани борадиган бўлсанг, дархол қарн Жонга айт, сафар учун сенга егулнк овқат хозирлаб беради.

У елкамга қоқиб қўйди-да, нари кетди.

Капитан Смоллетт, сквайр ва доктор Ливсилар шканцда¹ нималарнидир гаплашишарди. Билганларимни тезрок айтиб беришга ошикардим. Лекин уларнинг сухбатини бўлишдан ҳадискирардим. Мен қандай қилиб гапиришини кўнглимда ишо қилиб атрофда айланиб юрсам, тўсатдан мени доктор Ливси чакириб қолди. У чубуғини пастда қолдирибди, мени ўшани олиб келиш учун юбормоқчи экан, чунки узок вакт чекмай туролмасди.

Мен унга овозимни хеч ким эшитмайдиган даражада яқин келиб шивирладим.

— Доктор, сизлар билан гаплашишим керак. Капитан билан сквайр кема бўлмасига тушишсин, кейин бир нарсанни баҳона қилиб, мени чакирасизлар. Сизларга даҳшатли бир янгиликни гапириб бераман.

Докторнинг юзи сал ўзгарди-ю, лекин дархол яна ўзини ўнглаб олди.

— Раҳмат, Жим, мен билмокчи бўлган нарсаларининг ҳаммаси ўшу, — деди у хозиргина менга қандайдир саволни берган киши бўлиб.

Кейин сквайр билан капитаннинг ёнига қайтди. Улар овозларини баландлатмай, хотиржамлик билан сухбатларини давом эттиришди, хеч қайсилари хайратдан хуштак ҳам чалиб юбормади, бироқ доктор Ливси илтимосимни уларга билдирганини фаҳмладим. Кейин капитан бутун гурӯҳни кема сахнига чакиришини Жоб Эндерсонга буюрди.

— Йигитлар, — деди капитан Смоллетт матросларга мурожаат қилиб, — сизлар билан гаплашиб олмоқчиман. Қаршиңгиздаги қуруқликни кўриб турибесиз. Бу қуруқлик биз ахтариб келаётган орол. Мистер Трелонининг қанчалик сахий киши эканлигини ҳаммамиз биламиз. У мендан «гурӯҳ сафар вактида яхши ишладими» деб сўради. Мен ҳар бир матросининг ўз бурчини сидқидилдан бажарганингини, яхшироқ ишланглар дейишга хожат қолмаганлигини айтдим. Мистер Трелони, мен ҳамда доктор спизларнинг сиҳат-саломатлигингиз, омадингиз юришиб кетиши учун қадаҳ кўтаргани кема бўлмасига кириб кетянимиз, бу

¹ Шканц — гроб-устун билан бизанъ-устун оралиғидаги бўшлиқ.

ерда сизларга ҳам грог беришади, сизлар ҳам бизнинг соғлиғимиз ҳамда омадимиз юришиб кетиши учун ичинглар. Агар менинг фикримни билмоқчи бўлсангиз, сквайр бизларни сийлаш билан катта марҳамат кўрсатяпти. Уни «ура» дея шарафлашни таклиф қиласман.

Ҳамманинг «ура» деб қичқиришининг ҳеч қандай ажабланадиган жойи йўқ эди. Бироқ бу садо шундай самимий, бараварига янградики, шу дамда уларнинг бизни ўлдиришга хозирлик кўришаётганини унудишимга озгинага колди.

Капитан Смоллеттга ура! — бақирди Дароз Жон дастлабки «ура» садолари тиниши биланоқ.

Бу сафар ҳам ҳамма бараварига «ура» деб қичқириди.

Умумий хурсандчиллик роса қизигданда учала жентльмен кема бўлмасига тушиб кетишиди.

Бир оздан кейин Жим Хокинс — яъни каминаларини чақиририб колишиди.

Мен ичкарига кирганимда улар стол атрофида ўтиришарди. Уларнинг олдида бир шиша иснан виноси ва тақсимчада майиз турарди.

Доктор наригини тиззасига қўйганча чекиб ўтиради, бу унинг ғоятда ҳаяжонланганини блидиради. Қуйруқ томондаги иллюминатор очиб қўйилганди, чунки тун анча илик эди. Кеманинг орқа қисмига ой нури тушиб турибди.

— Хўш, Хокинс, деди сквайр. — Бизга бир нарсанн айтмоқчи экансан. Қани, гапир.

— Мен ёғоч ҳумда ўтириб эшигтанларимни қисқача айтиб бердим. Улар гапимни бўлмай, қимир этмай, мендан кўзларини узмай жимгина ўтиришиди.

— Жим, деди доктор Ливси. — Ўтир.

Улар мени ўтқизишиди, бир бордок вино тутишиди, қўлимга майиз беришди, учови ҳам навбат билан, таъзим қилганча менинг соғлигим, баҳт-саодатим ва ботирлиним учун қадаҳ кўтаришиди.

— Капитан, — деди сквайр, чиндан ҳам сиз хақу мен поҳақ эканман. Ўзимпинг эшаклигимни таи олпб, буйрукларингизни кутаман.

— Мен ҳам ўшанақа эшакнинг ўзи эканман, сэр, эътироуз билдириди капитан. — Исён қўтаришга хозирланиб, айнп вақтда ўзини итоатли, намунали тутган жамоани энди кўряпман. Бошқа гурух билан бўлганимда аллақачон

хамма нарсаны найқаган, эхтиёт чораларини күріб қўйган бўлардим. Бирок бу гурух бизга панд бериди.

Капитан, — деди доктор, — сизга Жон Сильвер панд берган.

— Агар у рея¹ осилиб турганида ундан хам ажойиброк одам бўларди, — деди капитан. — Лекин хозирги гапларниңг хаммаси ортиқча. Юқоридаги гаплардан бир хуласага келдим, агар мистер Трелони ижозат берса, баён килиб берардим уни сизларга.

Сиз бу ерда капитансиз, сэр, буйруқ бераверинг! — деди мистер Трелони улуғорлик билан.

— Биринчидан, — деди капитан Смоллетт, — бошлаган ишимизни давом эттираверишимиз лозим, чунки орқага чекиниш учун йўл бекнлган. Агар мен қайтиш ҳақида озгина шаъма қилиб қўйсам, ўша заҳоти тўполои бошлашади. Иккинчидан, хазинани излаб топгунга қадар анчагпна вақтимиз бор. Учинчидан, гурух орасида бизга садокатли кишилар хам қолган. Эртами-кечми бу тўда билан жанг килишга тўғри келади. Уларнинг ниятларидан хабардор эканлигимизни билдирамасликни, улар кутмаган пайтда, фафлатда қолдириб, биринчи бўлиб уларга хужум килишни таклиф этаман. Фикримча, мистер Грелони, хизматкорларингизга тўлиқ ишонишими мумкиндир-а?

Менга ишонгаңдай ишонса бўлади, — деди сквайр.

Улар уч киши, деди капитан. — Биз хам уч киши, Хокимс хам бор — жами етти кишимиз. Гурухда яна кимга умид боғлаш мумкин?

— Сильвернинг ёрдамисп, мистер Трелони ўзи ёллаган кишиларга ишонса бўлар, — деди доктор.

Йўқ, — Трелони. — Ахир, Хендсни хам ўзим ёллаганман, холбуки...

— Мен хам Хондсга ишониш мумкин деб ўйлардим, икрор бўлди капитан.

— Карап-а, яна хаммаси инглиз! — деди сквайр. — Очигини айтсам, сэр, кеманин кулинни кўкка совуриб, портлатиб юборгим келяпти!

— Демак, жентльменлар, — давом этди капитан, — мен таклиф қилмокчи бўлган нарсалар шулар. Қулай пайтни пойлаб, хушёрликни қўлдан бермай турайлик. Бунинг осон эмаслигига ишонаман. Уларга хозирнинг ўзидаёқ

¹ Рей — устундаги кўндаланг устун, унга елканлар боғланади.

хужум қилинса соз бўларди. Лекин гуруҳда кимлар бизга содиқлигини билмай туриб хеч нарса қила олмаймиз. Эҳтиёткорликка риоя қилиш ҳамда кутиш — мен таклиф қиладиган нарса шу.

— Ҳозирги иайтда бизга энг кўп наф келтирадиган Жим бўлиб қолди, — деди доктор. — Матрослар ундан тортинишмайди, Жим эса анча кузатувчан бола.

— Хокинс, сенга батамом ишонаман, — деди сквайр.

Очиғинни айтсан, уларнинг ишончини оқлолмасмиканман, деб жуда қўрқдим. Лекин чиндан ҳам уларнинг хаётини мен саклаб қоладиган вазият вужудга келди.

Йигирма олти одамдан ҳозирча фақат етти кишига умид боғлашимиз мумкин эди. Уша етти кишининг бири мен — ёш бола эдим. Агар катталарни хисоблайдиган бўлсак, ўн тўққизга қарши олти киши эдик, холос.

УЧИНЧИ ҚИСМ

КУРУҚЛИКДАГИ САРГУЗАШТЛАРИМ

XIII боб

КУРУҚЛИКДАГИ САРГУЗАШТЛАРИМ ҚАНДАЙ БОШЛАНДИ

Эрталаб кема сахнига чиққанимда орол күзінің ке-
тагидан бутунлай бошқача бўлиб кўринди. Гарчи шамол
тиңгап бўлса-да, туни билан анча нўйл босган эдик, эн-
дилликда настгина шарқий соҳиљдан ярим миль йироқда
сукунатда турардик. Оролнинг аксарият қисми ўрмон
 билан копланғанди. Бир хилдаги ўзгармас сурранг манза-
рага пастак қўмлоқ соҳил, қарағайга ўхшаган қандайдир
баланд-баланд кўм-кўк дарахтлар рахна солиб турибди.
Бу дарахтлар якка-якка, тўп-тўп бўлиб ўсиб, ўрмондан
хам баландга бўй чўзганди, лекин оролнинг умумий
кўриниши ўзгармас, бир хилда бўлиб, анча файзиз эди.
Ҳар бир тепалик устида ўткир, яланғоч қоялар қаққайиб
турарди. Бу тепаликлар ўзининг ўзгариши ўзгариши
шакли билан мени ҳай-
ратга солди. Кузатув Дурбини бошқа тепаликлардан уч
юз ёки тўрт юз фут баланд бўлиб, кўриниши ғалати
эди: ён бағри қия, чўққиси эса ҳайкал ўрнатадигандай
кесик — ясси эди. Океан «Испаньола»ни қаттиқ чайкатар,
натижада сув шигатларга¹ уриларди. Рострлар² устун-
ларга³ қарслаб тегарди. Руль гоҳ чап томондан, гоҳ
ўиг томондан тарақлаб қуйрукка урилар, бутун кема
ўйинчоқдай иргишлар, қарсллар ва нола чекарди. Мен
бакштагни⁴ маҳкам ушлаб олдим. Кўнглим бехузур бўлиб
кетаётганини сездим. Кўз олдимда ҳамма нарса ҷархпалак
бўлиб айланарди. Кеманинг тўлқинлари узра шитоб би-
лан илгарила боришига кўнигиб қолгандим, бироқ хозир

¹ Шигатлар — сувни ҳайдаш учун кема сахни билан беравар қилиб
бортдан очилган тешиклар.

² Рострлар — кема сахнидаги қайик ва жихозлар учун ёғоч тўшама.

³ Устунлар — Ростларни ушлаб турувчи ёғоч ходалар.

⁴ Бакштаг — устунни қуйруқ томондан маҳкам ушлаб туриш учун
тортилган аркон.

у лаңгар ташлаган, шу билан бирга сув бетида шишадай үрнешлаб айланарди; айникса әрталаб, корним очлигиде бундан бехузур бўлдим.

Менга нима таъсир килган – кеманинг чайқалишими ёки анави қулранг, қайгули ўрмонларми, ёхуд яланточ тошларми, манави тик соҳилга шишкериб урилаётган тўлқинларми – билмайман. Бирок қуёш чараклаб нур сочиб турган, юзлаб денигиз кушларни атрофда чарх уриб чағиллашиб балиқ овлашаётган бўлса-да, табиики, очик денигизда анча сузиб келиб, буларни кўрган хар қандай одам хам хурсанд бўларди, лекин негадир юрагим сикилиб кетди. Шу сабабли дастлабки қарашданоқ, Хазиналар Оролини ёмон кўриб қолдим.

Ўша куни эрталаб иш анча оғир бўлди. Чунки шамол эсмаёттаи эди, шунинг учун қайнұларни пастга тушириб, кичик лангарни уларга солиб уч ёки тўрт миль масофага олиб бориб, кейин кеманин лангар ёрдамида ўша ерга тортиш ва бурунни айланаб ўтиб, Скелет Ороли оркасидаги бўғозга олиб киришга тўғри келди.

Қиладиган хеч қандай ишим бўлмаса-да, менинг қайнұлардан бирига ўтирадим. Қуёш омоңсиз қиздирап, матрослар эса ўзларининг оғир ишларини лаънатлаб тўнғиллашарди. Бизнинг қайнұмизга Эндерсон бошчилик қиларди. Бошқаларни жиловлаш ўрнига унинг ўзи тўнғиллар ва шанғиллаб сўкинарди.

Майли энди, – деди у ва сўкиниб қўйди. – Тез орада хаммасидан кутуламиз.

«Ёмон аломат», – деб ўладим. Шу кунгача одамлар астойдил, берилиб ишлашарди. Лекин оролга кўзлари тушиши биланоқ интизом бўшашиб-қўйди.

Дароз Жон хеч қаёқка жилмай дарғанинг ёнида турар, кеманин бошқаришда унга ёрдамлашарди. У бўғозини беш бармоғидай яхши билар, шу сабабли ўлчаш найтида кўп жойлар харитадагига караганда анча чукур бўлса, заррача хижолат тортмасди.

Бу йўлак океан сувининг кўтарилишидан хосил бўлган, – деди у. – Сув кўтарилиши хар сафар бу ерини белкуракда ковлагандай чукурлаштира борган.

Биз харитада лангар сурати туширилган жойда тўхтадик. Бизни бош оролдан хам, Скелет Оролидан хам учдан бир миль масофа ажратиб турарди. Сувининг туби тишик, қумли эди. Лангаримиз пастга тушаётуб гулдура-

ган садо берди, ўрмондан гурра кўтарилган мингларча күшлар чағиллашиб, чарх урпб, осмонни булатдай қоплаб олди. Лекин бир дакиқадан кейин улар яна шохларга қўнишди, ҳамма ёққа жимлик чўкди.

Бўғоз хар томондан жуда яхши ўраб олинган эди. Ўрмон бўғоз чеккасидан бошланиб кетганди. Соҳил анча текис эди. Узокдаги тепаликлар амфитеатрга ўхшаб тобора баландлаб борарди. Ботқоқлиқдан сизиб чиқсан иккита сой ховуз сингари осойишта бўғозга қуниларди. Сой бўйидаги ўсимликлар қандайдир ўта зааралиги билан кишини ҳайратга соларди. Кемадан на уй, на ёғоч девор кўринарди, дарахтлар уларни бутунлай тўсиб қўйганди, агар ҳарита бўлмаганида ўзимизни бу оролга – у океан тубидан кўтарилгандаи бери – биринчи келган одамлар деб ўйлашимиз мумкин эди.

Қылт этган шабада йўқ, атроф сукунат қўйнида. Соқинликни фақат оролнинг бошқа томонида қояларга урилаётган тўлкин шовиллаши бузиб турарди, холос. Кема атрофидаги ғалати, қўланса хид кўтарилади, бу чириётган барглар ва дарахт таналарининг ачимсик хиди эди. Докторнинг қўлига палағда тухум тушиб қолгандай, ҳавони исказ, афтини бужмайтираётганини қўриб қолдим.

Бу ерда ҳазина бор-йўқлигини билмайман-у, аммо паригим ҳурмати онт иҷниб айтаман, безгак бор, – деди у.

Кайикда мени ташвишлантирган гурухнинг кайфияти кемага қайтаётганимнэдан кейин анча таҳдиидли бўлиб қолганди, матрослар кема сахнида айланиб юришар, нималар хақиладирип ўзаро гаплашишарди. Арзимаган, енгил топширикларни ҳам қовоқларини ўюб эшитишар ва чорночор бажаришарди. Ювош матросларга ҳам норозилик касали юқсан эди, уларни тартибга чакирадиган одамнинг ўзи йўқ эди. Исён етилиб, ҳавф бошимиз устига момақалдирикли булатдай ёпирилиб келарди. Бу ҳавфни фақат биз кема бўлмасида яшаётгандаргина сезганимиз йўқ. Дароз Жон у тўпдан бу тўпга бориб, гоҳ инсофга чакириб, гоҳ ўзи намуна кўрсатиб, тартибни саклашга бор кучи билан уринарди. У хизматга шай, илтифотли бўлиш учун ўлиб-тирилиб ҳаракат қиласарди. У ҳаммага кулиб боқарди. Борди-ю, бирорта буйруқ берилгундай бўлса, қўлтиқтаёнини дўқиллатиб ишга биринчи бўлиб отланар ва:

– Ҳўп бўлади сэр! – деб қичқиради.

Иши қолмаганида эса бошқа одамларнинг бадковоқлигиги сезилмаслиги учун ашула кетидан ашула уларди. Ўша машъум кунда хаммасидан ҳам Дароз Жоннинг хатти-харакати биз учун машъумроқ бўлниб туюлди. Биз кенга-шиш учун кема бўлмасига тўпландик.

— Сэр, — деди капитан, уларга буйруқ берсам бас, бутун гурух бизга ташланади. Сэр, инма бўлаётганин кўриб турибсиз. Ҳар қадамда менга қўполлик қилишяпти. Қўполликка қўполлик қилсан, дабдаламизни чиқариб ташлашади. Борди-ю, қўполликка парво қилмасам, Сильвер бу ерда бир ишкан бўлса керак деб ўйлади, унда бу ўйинда ютказиб қўямиз. Эндиликда факат битта одамга суюнишими мумкин.

Кимга? — сўради сквайр.

Сильверга, сэр, — деди капитан. — У ишни йўлга кўйиншга биздан кам харакат қилаёттани йўк. Бу уларнинг инжиқлиги, агар унга имконият берсак, уларни вақтидан илгари исён кўтармасликка унатади. Жонга дўстларини унатиш учун имкон беришни таклиф қиласман. Матросларни сайр қилиб келгани соҳилга жўнатайлик. Борди-ю, уларнинг ҳаммаси биргаликда кетишса, дархол кеманин эгаллаб оламиз. Мабодо улардан ҳеч ким кетмаса, кема бўлмасига қамалиб олиб, ўзимизни химоя қилишдан бошқа илож қолмайди. Агар соҳилга баъзилари борадиган бўлса, ишонингки, Сильвер уларни қўйдай итоаткор қилиб, кемага қайтариб келади.

Шунга қарор қилдин. Ишончли одамларга ўқланган тўппончалар тарқатдик. Хантер, Жойс ва Редрутларни ўз режамиз билан таништиридик. Улар ҳамма нарсадан хабардор бўлишгач, унча ажабланишмади, берган маълумотларимизни биз куттандан ҳам анча хотиржам эшишиб туришди. Сўнг капитан кема сахнига чиқиб, гурухга му-рожаат қилди:

— Йигитлар! — деди у, — бугун жуда қаттиқ ишладик, ўларча чарчадик. Соҳилда сайр қилиш ҳеч кимга зиён келтирмаса керак. Қайнұллар пастга туширилди. Хоҳлаганлар қайнұда ўтириб, соҳил томонга жўнасин. Кун ботнишига ярим соат қолганда замбаракдан ўқ узиб чақираман.

Бу тейтаклар соҳилга чиқиши биланоқ ҳазинани топиб оламиз, деб ўйлашган бўлса керак. Улардаги бадковоқликдан асар ҳам қолмади. Улар жон-жаҳди би-

лан «ура» деб кічкіришди. Кічкірикнің акс садоси узокдаги тенаплікларда жараплади, чүчіган күшлар яна биз турған жой тенасида чарх уриб айланған башлашды.

Капитан жуда оқилюна йўл тұтди: у жұнатыш ишларига Сильверні қўйиб, ўзи дархол кема сахнидан кетди. Бундан бошка нима хам қила оларди? Мабодо кема сахнида қолганида хам, ўзини ҳеч нарсаны пайқамаётган қилиб кўрсатолмасди барибир.

Бирнасда хаммаси кундай равшан бўлди-қолди. Уларнинг капитаны Сильвер бўлиб, каттагина исёнчилар гурухи унинг измида экан. Соф ниятли матрослар дархол ажралпб қолди, лекин ана шу кемада қолган матрослар еирт тентаклар эди. Эхтимол уларнинг хаммаси бошлиқ томонидан бизга карши қилиб қўйилгандир-у, бирок улар ўта ашаддийлашиб кетишни исташмас. Итоат қилмаслик, тўнғиллаш, ялқовлик бошка-ю, кемани эгаллаб олиб, айбисиз одамларни ўлдириб юборнип бошка. Анча тортишувлардан кейин гурух шундай бўлинди: олти киши кемада қолди, қолган ўн уч киши, шу жумладан Сильвер хам қайиқларга ўтира башлашди.

Худди шу пайтда бирнинчи марта мардона иш қилдим, кейинроқ бу ишим бизни ўлимдан сақлаб қолди. Мен Сильвер ўз карокчиларидан олтитасини бортда қолдириб кетаётган экан, кемани эгаллаб ололмаймиз, модоминки кемада олти киши қоларкан, менинг бу ерда хожатим йўқ деб ўйладим. Шу сабабли қирғокка боришга ахд қилдим. Мен бир зумда бортдан ошиб, якинроқлаги қайиқнинг тумшуғи томонига тушиб олдим. Мен тушган қайиқ дархол жўнаб кетди.

Ҳеч ким менга эътибор бермади, фактат олдиндаги эшкакчи:

Жим, сенмисан? Бошингни энгаштириб ол, — деди.

Бирок бошка қайиқда ўтирган Сильвер бизнинг қайиғимизга дикқат билан тикилди ва қайиқ тумшуғида ўтирган чиндан хам мен эканлигимга ишонч ҳосил қилиш учун мени чакирди. Шунда қайиққа тушганимдан пушаймон бўлдим.

Қайиқлар бир-бирини қувалаб қирғюқ сары илгарплаб кетди. Мен ўтирган қайиқ соҳилга биринчи бўлиб етиб келди. У анча енгил, ундағы эшкакчилар хам кучли, сара чиқиб қолди, биз иккинчи қайиқни ортда қолдириб кетдик. Қайиғимизнинг тумшуғи қирғокқа тегиши биланоқ

дарахт шохини махкам ушлаб олдим ва сохиилга сакраб чикдим, сүнг ўзимни чакалакзорга урдим. Сильвер билан унинг ўртоклари юз мстрча орқада қолиб кетди.

— Жим! Жим! — кичкириди у.

Унинг чақиришига хеч қандай эътибор бермадим. Орқамга қарамай сакраб-сакраб, буталарни синдириб, баланд ўт-ўланлар ичига шўнгийб, то ҳолдан тойғунимга қадар олдинга караб чопдим.

XIV боб

БИРИНЧИ ЗАРБА

Дароз Жондан қочиб кетганимдан хурсанд бўлиб, кўнглим севинчга тўлди, нотаниш жойни қизиқиш билан томоша қила бошладим.

Аввало толлар, қамишлар ва менга нотаниш бўлган қандайдир дараҳтлар ўсиб ётган ботқоқликка дуч келдим. Кейин узунлиги бир миль келадиган, нодир карағайлар ва эмансиюн, лекин япроқлари толникига ўҳшаган ялтироқ, қандайдир буралиб-буралиб қийшиқ ўсган дараҳтлар қад қўтарган серкум очиқ ялангликка чиқдим. Олисда икки чўқкили тоғ кўриниб турибди; ғалати шаклдаги хар иккала чўқки қуёш нурида ярқиради.

Номаълум мамлакатларни текширувчи одамларниң шодлигини биринчи марта хис этдим. Оролда одам яшамасди. Мен билан келган кишилар жуда орқада қолиб кетишганди, ёввойи ҳайвонлару кушлардан бошқа хеч нимани учратмасдим. Аста дараҳтлар оралаб боравердим. Ҳамма ерда менга қандайдир нотаниш ўсимликлар, гуллар учрай бошлади.

Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда илонларга дуч келдим. Улардан бири тошининг орасида ётган экан. У бошини кўтарниб, менга қараб вишиллади. Унинг вишиллаши айланаштган пиддирокнинг овозини эслатарди. Бу ҳаммага маълум ва машҳур бўлган, чакса одамин ўлдирадиган гурза илон эканлиги хаёлимга хам келмабди.

Нихоят эманга ўҳшаган дараҳтлар ўсган қалин чапгалзорга кирдим. Кейинроқ билсан, булар доим яшиаб турувчи эман экан. Улар қўмда худди тикаилли буталар сингарни пастак бўлиб ўсиб ётишарди. Уларнинг шохлари бўғин-бўғин, япроқлари қамиш ёпилган том сингари ғоятда

зич жойлашган эди. Буталари тобора баландга бўй чўзиб, қумлок кияликни қоплаб бориб, қамиш ўсиб ётган кенг ботқоқликка туташиб кетганди. Бўғозга қуйилаётган икки сойдан бири шу ботқоқликни кесиб ўтганди. Ботқоқлик устидан буғ кўтарилар, Кузатув Дурбини гўё жазирама иссикда липиллаб тургандай эди.

Бирдан қамиш шинлдираб кетди. Гариллаганича ёввойи ўрдак учиб чиқди, унинг кетидан яна бири эргашди, хадемай осмонни кичқирганича чарх ураётган қушлар булатти қоплади. Денгизчиларимиздан бирортаси ботқоқликдан келаётган бўлса керак деган ўй дарҳол миямга келди, адашмаган эканман. Кўп ўтмай узоқдан эшитилаётган, тобора якинлашаётган ва баландроқ янграётган овозин эшийтдим.

Мен жуда кўрқиб кетдим, лиз этиб ўзимни хамиша яшиаб турадиган эман чакалакзорига урдим, сичкондай писиб ётдим. Бошқа бир товуш олдингиснга жавоб берди. Кейин яна биринчи овоз эшитилди, мен унн ташдим – бу Сильвернинг товуши эди. У алланималар деб тиннимсиз жаварарди. Ҳамрохи эса баъзи-баъзидагина жавоб қайтарарди. Овоз охангига кўра, улар кўйиб-пишиб, қаҳр билан гаплашишарди, лекин нима дейишаётганини англаёлмадим.

Нихоят уларнинг овози тинди, бир ерга ўтиришди чоғи қушлар секин-аста тинчланиб, яна ботқоқликка кўнди.

Мен бурчимни бажаришдан ўзимни олиб кочаётганимни хис этдим. Тўғриси, аҳмоклик қилиб қароқчилар билан қирғоққа келган эканман, хеч бўлмаса уларнинг нима ҳақида гаплашаётганини билишим ксрак. Бурчим сездирмайгина пложи борича уларга яқинроқ боришни, эгри-буғри, бўғин-бўғин бўлиб ўсган бутазор ичига яшириниб олишни такозо етарди.

Овозларидан бир неча қушнинг безовта бўлиб, ҳамон уларнинг боши узра учиб юришидан ҳар иккала денгизчининг ўтирган жойини аниқ белгилаб олиш мумкин эди.

Секин-секин, лекин тиришқоқлик билан олдинга караб эмакладим. Нихоят бошимни кўтардим. Япроклар орасидан мўралаб, ботқоқ яқинидаги дараҳт остида, майсада турган Жон Сильвер билан бошқа бир денгизчини кўрдим. Улар бир-бирига рўбарў туриб гаплашишарди. Йкковини ҳам қуёш қиздишарди. Сильвер шляпасини

ерга ташлади, унинг катта, лўши, гар-гар терга ботган опиок юзи сухбатдошинга ялинганинамо боқарди.

Оғайни, — деди у, — мен учун олтиндан ҳам қимматсан. Ахир ўзинг ўйла, сени чин юракдан яхши кўрмасам, шунчалик жон куйдирармидим сенга? Фишт колипдан кўчган, ҳеч нимани ўзгартиролмайсан. Сени ўлимдан куткариб қолмоқчиман, щунинг учун ҳам сен билан бирга юрибман. Том, агар матросларимиз сен билан нима хакида гаплашганимиздан хабардор бўлиб қолишса, ўзинг ўйлагин, мени нималар қилишмайди!

Сильвер... — деди денгизчи, унинг юзи қизариб, хирилдок овози таранг тортилган арқондай титраб кетганини сездим, — Сильвер, сен ёш бола эмассан, менимча виждонинг ҳам бўлса керак. Ҳар қалай, сени ҳеч ким товламачи деб ўйламайди. Пулинг ҳам кўп... бошка денгизчиларницидан анча кўп. Бунинг устига қўркоқ ҳам эмассан. Барака топкур, менга тушунтириб бергин, нега сен авави жирканч қаламушлар билан алоқа киласан? Йўқ, улар билан ҳамжихат бўлолмайман. Мен ўлсам ўламанки... ўз бурчимдан юз ўгирмайман...

Тўсатдан эшитилган шовқин унинг гапини бўлди. Ниҳоят битта бўлса-да, ҳалол денгизчини учратдим! Ўша пайтининг ўзида ботқоқлнкнинг нариги томонидан иккинчи бир ҳалол денгизчининг ғазабли, қаттиқ бақиргани эшитилди, кейин яна бақирик ва кишининг юрагини уюштирадиган фарёд эшитилди. Кузатув Дурбинидан янграган акс-садо уни бир неча бор такрорлади. Ботқоқдаги ҳамма кушлар яна кўтарилди, осмонни булатдай қоплади. Гарчи пастга тушаётган кушларнинг қанот қоқиши ва олисда соҳилга урилаётган тўлқинларнинг гулдурашигина бузиб турган сокинлик бошланган бўлса-да, ўлим олдиаги бу фарёд анчагача қулоғимдан нари кетмади. Том инкталган от сингари сесканиб кетди. Лекин Сильвер пинагини ҳам бузмади. У кўлтиқтаёғига суюниб, чақиб олишга шай турган илондай кўзини сухбатдошинга кадаб турди.

Жон! — деди денгизчи унга қўлини чўзинб.

Ол қўлини! — бўкирди Сильвер ва акробатлардай чаққон ва тез ҳаракат қилиб, ўзини бир қадам четга олди.

Хўп, Жон Сильвер, қўлимни тортиб олай, — деди денгизчи. — Лекин тўғрисини айтсам, ифлос виждонинг сени мендан қўркишга мажбур қиляпти. Ёлвораман, тушунтириб бер, у ёқда нима бўлди ўзи?!

Нима бўлди дейсанми? — Сильвер қайтариб сўради. У кулимсиради, бироқ бу кулимсираш хар сафаргидай самимий эмасди, кенг юзидағи кўзлари иғнанинг учидай қисилиб, шиша сингари чакнаб кетди. — Нима бўлди дейсанми? Менимча, бу Алан.

Бечора Том унга ташланди.

Алан! — деди у. — Жойи жаниатда бўлсин! У ҳақиқий денгизчидай ўлди. Сен эса, Жон Сильвер... Сен билан анчадан берн ўрток әдик, энди ўртоқчилигимиз тамом! Майли, итдай ўлиб кетай, бироқ ўз бурчимга риоя қиласман. Аланин сизлар ўлдирдиларинг-ку, а? Кўлларингдан келса менин ҳам ўлдиринглар! Лекин шуни биллингки, сизлардан кўркмайман!

Жасур дengizchi ана шу сўзларни айтди, бурилиб сохил томон кета бошлади. Бироқ у узокка кетолмади: Жон бакирганинча бир кўли билан дараҳт шохини ушлади-да, кўлтиғидан таёнини олиб, унинг орқасидан найза отгандай улоқтириди. Зўр куч билан улоқтирилган қўлтиқтаёқ шувиллаганича учиб бориб, уни билан Том курагининг қоқ ўртасига тегди. Шўрлик Том кўлларини ёзганича таппа қулади.

У оғир ярадор бўлдими-йўқми, билмайман. Таёқ карсиллаб кетганиндан унинг умуртқаси синган бўлса керак. Сильвер унинг ўзига келишига имкон бермади, қўлтиқтаёқсиз, бир оёғида маймундай эпчил харакат қилиб унга ташланди, миқ этмай ётган танасига икки марта сонигача ботириб пичоқ урди. Бута ичиди ўтирган жойимда, қотилинг хар пичоқ урганида оғир нафас олганини эшитиб турдим.

Хеч қачон ҳушимдан кетмагандим, унинг қандай бўлишини ҳам билмасдим. Лекин шу пайт худди туманга чулғангандай бутун олам кўз олдинда айлана бошлади. Сильвер ҳам, қушлар ҳам, Кузатув Дурбини ҳам — ҳамма нарса пилдирав, айланар, иргишларди. Кулокларим остида бир неча хил қўнгироқларнинг жарангига ва узодан келаётган қандайдир товушлар янгради.

Хушимга келганимда қўлтиқтаёқ аблахнинг қўлтиғида, шляниаси эса бошида эди. Унинг каршиисида Том қимирламай ётарди. Лекин қотил унга қиё ҳам бокмай, конга бўялган пичоини бир тутам майса билан тозаларди.

Атрофда ҳамма нарса илгаригидай эди. Қуёш устида туман айланиб юрган ботқоқликни, баланд тоғ ҷўққила-

рини омонсиз киэдиради. Бундан бир неча дақықа илгари күэ олдымда одам ўлдирилганига хеч ишонгим келмасди.

Жон күлини чүнтагига солиб ҳуштак олди-да, бир неча марта чалди. Ҳуштак овози жазирама хавода узок-узокларгача тарапади. Мен, албатта, ҳуштакни шимага чалинганини билмасдим, лекин яна бутун вужудимни вахима куршаб олди. Бу ёкка одамлар келишади. Мени пайқаб қолнишади. Улар аллақачон икки ҳалол дengizчи-ни ўлдиришди, нега энди Том билан Аландан кейин меп ҳам уларнинг курбони бўлмас эканман?

Мен овоз чиқармасликка уриниб, бутазор ичидан эмаклай кетдим. Бутазордан чиқа солиб ўрмонга қараб кочдим. Қочиб кетаётуб, қари қароқчининг ўртоклари билан бир-бирига товуш берәётганлигини эшилдим. Уларнинг овози менда қанот пайдо қилди. Чакалакзор орқада қолди. Хеч қачон бунчалик тез юргумагандим. Йўл танламай, факат қотиллардан узокрокқа кетиш учун ўқдек учиб борардим. Қадам-бақадам мендаги қўрқув кучая бориб, нихоят жуда зўр даҳшатга айланди.

Ахволим жуда почор эди. Замбаракдан ўқ узилганда ҳам кийимига кон сачраган мана шу қароқчилар билан бирга қайинка ўтира олармидим? Менга кўзи тушиши биланок улардан ҳар биттаси мени жаҳаннамга жўнатмайдими, ахир? Ораларида бўлмаслигимнинг ўзи улардан қўрқишим, ҳамма нарсадан хабардорлигимни билдирамайдими? «Ҳаммаси тамом бўлди, — деб ўйладим. — Алвидо «Испаньола»! Сквайр, доктор, капитан, сизларга ҳам алвидо! Мен ё очимдан, ёки қароқчилар пичоғидан ўламан».

Қаёқка кетаётганимни билмай чопиб борардим. Кейин икки чўқкили пастигина тоғ этагига бориб қолдим. Оролнииг бу қисмида хамиша яшнаб турадиган эманлар апча сийрак эди, улар катталиги билан буталарга эмас, балки оддий ўрмон дарахтларига ўхшарди. Онда-сонда уларнинг орасида яккам-дуккам, бўйи эллик-етминш фут¹ келадиган қарағайлар ҳам учраб қоларди. Бу ерда хаво мусаффо ва тоза эди, пастидаги ботқоқ ҳавосига мутлақо ўхшамасди.

Бирок бу ерда мени бошқа бир хавф кутиб турган экан, қўркканимдан юрагим оркага тортиб кетди.

¹ Фут – 30. 48 сантиметрга тенг узунлик ўлчови.

XV бөб

ОРОЛЛИК

Тик ён бағирликдан шағал ёғилди, тошлар шарақашуруқлаганча пастга тушиб, дараҳтлар орасында сакраб-сакраб думалай кетди. Мен бейхтиёр тепага қарадим ва бир сакрашда ўзини қарагай тенаси ортига олган ғалати махлукқа күзим тушди. Бу нима ўзи? Айикми? Одамми? Маймунми? Қандайдир қоп-қора хамда хурпайған бир нарсага күзим тушиб қолғанди холос, күрканимдан тұхтаб қолдим.

Хуллас, хар иккала йўл хам мен учун ёпилған эди. Орқамда котиллар пойлаб туришибди, олдимда эса мана-ви сирли махлук. Менга бу номаълум махлук хавфлироқ күринди. Ҳатто Сильвер хам бу ўрмон махлукі олдиди унча күркінчли эмасди. Мен шартта бурилдим-у, орқамга қарай-қарай, кайыклар турған томонга чопа бошладим.

Махлук эса йўлни айланып ўтиб, мени кувиб етди ва олдимга тушиб олди. Мен жуда толиққан эдим. Лекин ҷарчоқни ҳис этмасам хам, барибири, бунақа эпчил душман билан тез чопишда мусобақалаша олмасдим. Ғалати махлук бир дараҳт ортидан иккинчисига буғудай тез югуради. У гарчи икки букилиб, ерга энгашиб олган бўлсада, хам одамга ўхшаб икки оёклаб чопарди. Тўғри, у чиндан хам одам эди, бунга ҳеч қандай шубҳам қолмади.

Одамхўрлар хакида барча эшитганларим ёдимга тушиб кетди, ёрдамга чақиришга оғиз жуфтладим. Лекин гарчи ёввойи бўлса-да, қаршимда турған одам-ку, деган фикр анча далда берди менга. Шунда Сильвер яна кўз олдимга келиб, вужудимни вахима қамраб олди. Мен душманга қандай чап берсам экан, деб тұхтадим. Кейин бирдан ёнимда тўппончам борлиги эсимга тушиб қолди. Ўзимнинг химоясиз эмаслигимга ишонч хосил қылғанимдан кейин анча ботирлашиб, ороллик томон дадил бостириб боравердим.

Бу сафар у ўзини дараҳт орқасига олди. Тўипа-тўғри бостириб келаётганимни кўриб, беркинган жойидан чиқди ва мен томон бир-икки қадам ташлади. Кейин юраги дов бермай, бир нафас жойида тұхтаб турди-да, орқага тисланди, мени жуда ҳайрон қолдириб, тиз чўқди ва ялниганиамо қўлларини олдинга чўзди.

Мен яна тұхтадим.

Сиз ким бўласиз? – деб сўрадим.

Бен Ганин, – жавоб килди у; унинг овози занглаган қулфники сингари бижилдок, хирки эди. – Шўриешана Бен Ганиман. Уч йилдан бўён бирор одам билан гаплашганим йўқ.

У хам менга ўхшаган оқ танли одам эди, юзи анча истараликкина эди. Фақат териси офтобдан жуда қорайиб кетганди, ҳатто унинг лаблари хам қора эди. Корамтири юзидаги кўзлари чараклаб турарди. У умримда учратганим ҳамма гадолардан хам жулдур кийинмда эди. Унинг кийими эски елкан ва матросча кўйлакнинг парчаларидаи иборат эди. Ҳар қайси лахтак бир-бирига ё мис тугма, ё сим, ё каноп билан уланганди. Бирдан-бир тўзимай бутун қолган нарсаси мис тўқали камари эди, холос.

– Уч йил! – деб хитоб қилдим. – Кема ҳалокатига учраганимидинглар?

– Йўқ, оғайни, деди у. – Мени шу ерга, оролга ташлаб кетишган.

Мен қароқчиларнинг мана шунағанги даҳшатли жазо бериншларини эшиштгандим: айборни бирорта одам оёғи етмаган хилват оролга тушириб, оз-моз ўқдори бериб, якка ўзини ташлаб кетишарди.

– Мана шу оролга уч йил муқаддам ташлаб кетишган менин, давом этди у. – Ўшандан бери эчки гўшти, мева, устрица¹ еб кун кўряиман. Одам қаерга ташланмасини ҳамма жойда яшаш қобилиятига эга бўлади. Эҳ, азизим, чинакам инсонча овқатни қанчалик соғинганимни билсанг эди! Ёнингда бирор бўлак пишлогинг йўқми?

– Йўқ!

– Ана холос, мен бўлсам узун-узун тунларда бир бўлаккина ион устига кўйилган бир парчагина пишлокни туш кўриб чиқаман, холос... Уйғониб кетсам, ишишлок йўқ бўлади.

Агар кемамизга қайтиб бора олсам, – дедим унга, мендан бир калла ишишлок оласиз.

У камзулимни ушлаб тортилар, қўлларимни силар, этигимга мўлтираб тикилар, сўнг бир оз жим колиб, қаршисида одам турганини кўриб, ёш боладай кувонар эди.

У жавобимни эшиштиб, менга аллақандай айёrona қарашиб килди.

¹ Устрица – денгиз* молюскаларининг бир тури.

— Агар ёз кемамга қайта олсам дейсанми? — деб тақрорлади у сўзларимни. — Қайтишингга ким тўскинилик қилияпти?

— Албатта, сиз эмас, — дедим.

— Албатта, мен эмас! — деди у. — Испинг нима оғайни?

— Жим, — дедим мен.

— Жим, Жим... — тақрорлади у хузур қилиб. — Шундай Жим, мени шундай хаёт кечирдимки, айтишга тилим бормайди. Менга қараб туриб онамнинг жуда яхши, художўй хотин бўлганига ишонасанми?

Ишониш қийинроқ, — дедим.

У жуда аломат хотин эди, — деди у. — Мен жуда одобли, тарбияли бўлиб ўсдим, катехизисни¹ ёдан шундай тез тақрорлардимки, бир сўзни иккинчисидан ажратиб бўлмасди. Мендан эса мана щунаقا одам чиқди, Жим. Ҳаммасига ёшлигимда қабристонга танга ташлаш ўйинига борганим сабаб бўлди. Худо ҳакки, ишни танга ўйинидан бошладим-у, ҳаммаси чаппасидан кетди. Онам бунинг оқибати ёмон бўлади деб айтди, айтгани келди. Бу оролга тушиб қолганим ҳар қалай бефойда бўлмади. Бу ерда якка қолиб кўп ўйладим, пушаймон едим. Эндиликда менга аргамчи билан боғлаб ҳам ичкилик ичиролмайсан. Албатта, ҳозир ҳам ичкиликдан юз ўғирмайман, факат номигагина, баҳт-саодат учун бир ангишвонагина ичаман, холос... Мен одам бўламан деб ёз-ўзимга сўз берганман, мана кўрарсан, энди ҳеч адашмайман йўлдан! Энг муҳими, Жим... — у атрофга олазарак бўлиб қараб шивирлаб деди, эндиликда мен жуда бой бўлиб кетдим.

Шу пайт бечоранинг ёлғизлиқда аклдан озганингига тамомила ишонч хосил килдим. Шу ўй юзимда ҳам ёз ифодасини тоиган бўлса керак, у янада кизишиб тақрорлай кетди.

Бой бўлиб кетдим! Ҳа, ха, бой! Менга қара, Жим, сени одам қиласман!

Эҳ, Жим, биринчи бўлиб мени учратганинг учун худога минг қатла шукр қиласан хали! — Тўсатдан унинг юзи оқариб кетди, қўлимни маҳкам қисди ва бармоғимни таҳдид билан бигиз қилди. — Жим, менга тўрисини айтбу кема Флинтники эмасми?

¹ Катехизис — христианларда диний ақидалар савол-жавоб тарзида кисқача баён қилинган китоб.

Миямга ажойиб фикр келди: бу одам бизнинг итти-фоқчимиз бўлиши мумкин. Сўнг унга дархол жавоб қайтардим:

— Йўк, Флинтники эмас. Флинт ўлган. Ҳақиқатни билмоқчи бўлсангиз гап мана бундаи: кемада Флинтнинг бир неча эски ўртоқлари бор, улар биз учун катта баҳтсизлик.

Орангизда бир оёкли чўлок йўқми? — дея қичкириб юбораёзди у нафаси оғзиға тикилиб.

— Сильверми? — сўрадим.

— У ошпазимиз. Ҳалиги тўданинг бошлиғи. У хамон қўлимни ушлаб турар, бу сўзларни эшишиб, қўлимни синдириб юборишига бир баҳя қолди.

— Агар сени Дароз Жон юборган бўлса, — деди у, — мен адойи тамом бўлдим. Лекин ўзинг қаерда турганингингни биласанми?

Мен нима қилишим кераклиги ҳақида дархол бир қарорга келдим, унга ҳамма нарсани — саёҳатимиз, ҳозирги аҳволимиз тўғрисида гапириб бердим. У сўзларимга зўр эътибор билан қулок солди, гапимни тамомлаганимдан кейин бошимни силади.

— Сен ажойиб бола экансан, Жим, — деди у. — Лекин ҳозир ҳаммаларинг курмов билан боғлангансиз. Бен Ганига суюнаверинглар. У сизларни кутқариб қолади, кўрасизлар. Фалокатдан қутқариб қолган кишига сквайрингиз қандай муносабатда бўлади?

Мен унга, сквайр оламда тенги йўқ сахий одам, деб айтдим.

— Майли, майли... Лекин биласанми, — давом этди Бен Ганин, — мен ундан ёкали камзул ёки қоровулликни талаб қилмайман. Йўк, бу билан мени мафтун қилолмайсан! Мен унингиз ҳам ўзимники бўлган пуллардан хеч бўлмаганда минг фунтини менга беришга рози бўлиш-бўлмаслигингни билмоқчиман.

Беришига ишончим комил, — дедим мен. — Ҳамма матрослар хазинадан ўзига тегишли улушни олиши керак.

— Мени уйимга элтиб ҳам қўядими? — сўради у менга синовчан назар ташлаб.

— Албатта! — дедим. — Сквайр — ҳақиқий жентльмен. Бундан ташқари, агар қароқчилардан қутулсак, сиздай тажрибали денгизчининг ёрдами кемада сув билан ҳаводай зарур бўлади.

— Тўғри, — деди у, — демак, чиндан ҳам мени олиб кетасизлар-а?

У енгил нафас олди.

— Энди гапларимга қулоқ сол, — давом этди у. — Флишт хазинани күмганида мей унинг кемасида эдим. У билан бирга яна олтига барваста, бақувват денгизчилар хам бор эди. Улар оролда бир ҳафтача бўлишди, биз эса кўхна «Морж»да кутиб ўтирадик. Бир куни биз томонга келаётган қайнека кўзнимиз тушди, қайнекда эса Флинтнинг ўзи ўтиради, боши кўк рўмол билан боғланган. Қуёш эндиғина чиқиб келаётганди. Ранги докадай оқарнб кеттан, бир ўзи сузнб келарди, қолган олти шериги ўлдирилган ва дафи қилинган эди, шунака. Уларга қандай бас келганини хеч қайсимиш хеч качон билолмадик. У ерда нима бўлган, муштлашишми, пичоқбозлики ё ногаҳоний ўлнимми, билмадик. Унинг якка ўзи олтовига бас келган!.. Ўшанда Билли Бонс штурман, Дароз Жон эса квартиромайстер эди. Улар Флинтдан хазина қаердалигини сўрашди. «Соҳилга бориб қидиринглар, деди у. Лекин момақалдирок хаққи, онт ичиб айтаманки, кема сизларни кутиб ўтирамайди». — Флинт уларга ана ўндан деб жавоб қилди. Уч йил муқаддам мен бошқа бир кемада сузардим, бир куни оролни кўриб қолдик. «Йигитлар, — дедим мен, — Флинт шу ерга хазина кўмган. Қирғонка чиқиб қидирайлик». Қаштанинг жуда жаҳли чиқди. Лекин матрослар мен томон бўлишди. Шундан кейин биз соҳилга чиқдик. Ўн икки кунгача хазинани қидирдик, бирор ҳеч нарса тополмадик. Кундан кунга ўртоқларим менин каттиқроқ хакорат қила бошлишди. Нихоят улар кемага тўйланишди. «Сен эса, Бенжамин Гани, шу ерда қоласан! — дейнишди улар. — Мана сенга мушкет, белкурак ҳамда мисранг. Бенжамин Гани... Шу ерда қолиб, Флинтнинг цулларини қидиравер». Ўшандан бери. Жим, уч йил яшаб, бирор марта одам боласи ейдиган хақиқий таом юзини кўрмадим. Менга бир қара: оддий матросга ўхшаймайми? Йўқ, ўхшамайсиз, дейсанми? Тўғри, хеч вақт ўхшамаганман ҳам.

У менга бир қўзини ғалати қилиб қисдида, қўлимни яхшигина чимдиб олди.

— Жим, сквайрингга у хеч қачон оддий матросга ўхшамаган деб айтгии, — давом этди у. — Унга Бенининг шу ерда, оролда уч йил кечаю кундуз, қишин-ёзин якка ўзи сўппайнб яшаганини айтгии. Баъзида, эҳтимол, ибодат хақида ўйлаганман, баъзида аллақачон оламдан ўтган

бўлса-да, қаріб мункиллааб қолган онамни эслаганман, унга худди шундай деб айт. Лекин албатта кўи вактинн Бен Гани бошқа ишларга сарфлаган. Шу сўзларни айтаётуб уни бундай қўлиб чимчилаб кўй.

У мени яна дўстона чимчилаб кўйди. — Унга шуларни айт, — давом этди у. — Гани ажойиб одам, худди шундай дегин, Гани омад жентльменларига караганда хақиқий жентльменга кўпроқ ишонади, чунки унинг ўзи қачонлардир омад жентльмени бўлган, дегин.

— Хеч нимани тушунмадим, — дедим мен. — Айтгандай, хозир бунинг унчалик ахамияти йўқ, чунки барибир кемага қандай боришни билмайман.

Шунака дегин, деди у, — ишларинг чаток-ку. Майли, менда ўз қўлим билан ясаган қайғим бор. Уни ок коя остига қўйганиман. Бирорта баҳтсиз ходиса рўй бергундай бўлса, коронен туниши биланоқ ўша қайиқда сузиб бораверамиз... Тўхта! — деб қичқирди у тўсатдан. — У ёқда нима бўляпти ўзи?

Худди шу пайт кемадан замбаракнинг гумбурлагани эштилди. Унинг акс-садоси бутун оролга ёйилди. Лекин куёш ботишнга хали икки соатча бор эди.

У ёқда жанг бўляпти! — деб қичқирдим. — Орқамдан юринг! Тезрок юринг!

Ўша заҳотиёқ кўркувларимни унутиб, кема турган томонга югурдим. Ёнимда эса баҳтсиз асир күшдай енгилгина учиб борарди.

Чапроқка! Чапроқка! — дерди у. — Азизим Жим, чапроқка! Дараҳтларга яқинроқ юр! Худди мана шу ерда биринчи марта эчки отганман. Энди эчкилар бу ёққа тушишмайди. Факат тенада, тоғларда сакраб-ўйноклаб юришади, чунки улар Бенжамин Ганидан қўрқишиди. Ие! Ана, қабристонга ҳам келдик. Дўнгликларни кўряпсанми? Мен бу ёққа келиб турадим, баъзида бугун якшашба бўлса керак, деб ибодат ҳам қиласдим. Бу ибодатхонадагидай эмасди-ю, ҳар холда, дабдабали эди. Тўғри, на рухоний, на инжил бор, ёлғиз ўзим эдим...

У югуриб бораркан, жавоб кутмай тинимсиз жаварар, мен эса унга жавоб ҳам қайтаролмасдим. Замбарак отилгандан кейин анчагача сукунат чўқди, сўнг милтиқлардан ўқ узилди.

Яна жимлик. Кейин чорак милча нарида, ўрмон тепасида Британия байроғи хилиниради.

ТҮРТИНЧИ ҚИСМ

ЁФОЧ ДЕВОР

XVI бөб

КЕМА ҚАЙДАЙ ТАРК ЭТИЛДИ

(КЕЙИНГИ ВОҚЕАЛАР ДОКТОР
ТОМОНИДАН БАЁИ ҚИЛИЛДИ)

Икки яримга яқин ёки, дengizchaсига айтганда, кум соат уч марта занг урганда хар иккала қайнұқ «Испаньола»дан сохилга жүнаб кетди. Капитан, сквайр ва мен кема бўлмасида ўтириб олиб нима қилиш лозимлиги ҳакида кенгашдик. Агар озгина шамол эсганида ҳам кемада қолган олтита исёнчига кўққисдан ҳужум қилиб, лангарни кўтариб, дengиз томон кетардик. Лекин шамол йўқ эди. Шу пайт Хантер кириб Жим Хокинс қайнұқка ўтириб, кароқчилар билан қирғоққа кетганини маълум қилди.

Биз, албатта, Жим Хокинсни хоин деб заррача бўлсин хаёлимизга келтирмадик, лекин ундан анча ташвишландик. У билан бирга кетган матросларнинг шунчалик зардаси қайнаган эдики, тўғрисини айтганда, Жимни яна кўриш умидимиз йўққа чиққанди. Биз кема саҳнига шошилдик. Тахта ёриклирдан елим қайнаб чиқмоқда эди. Атрофни ботқоқликдан чиққан бадбўй ҳид тутиб кетганидан кўнглим айний бошлади. Бу лаънати бўғоз безгак билан иҷбуруқининг уяси эди. Олтита аблах эса елкан тагида — бакда қовоғини солиб ўтиришарди. Қайклар қирғоқда қандайдир сойнинг куйнилиш жойи яқинида турар, хар бирида биттадан матрос ўтиради. Улардан бири ҳуштак чалиб «Лиллибуллера»ни¹ қуиларди.

Кутишга ортиқ тоқат қолмади, Хантер икковимиз қайнұқда тинчилнікка боришга аҳд қилдик.

Қайклар кеманинг ўнг томонида турарди. Хантер билан тўппа-тўғри ҳаритада ёғоч девор белгиланган жойга қараб жўнадик. Қайкларни пойлаб ўтирган матрослар бизни кўриб типирчилаб қолишли. «Лиллибуллера» тинди. Нима қилиш лозимлигини хал қилиш учун

¹ *Лиллибуллера* — инглизча ҳазил қўшиқ.

икковининг бир-бири билан тортишаётганини кўрдик. Борди-ю улар Сильверга маълум қилишганда, эҳтимол ҳамма иш бутунлай бошқача издан кетган бўларди. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам уларга қайнокларни ташлаб кетмаслик буюрилган бўлса керак. Улар жимгина яна жойларига ўтиришди, уларнинг бири яна хуштак билан «Лиллибуллера»ни чала бошлиди.

Қирғоз бу жойда сал эгилиб чоғроқкини бурун хосил қилибди, қирғозқа етгунга қадар душманларимиздан бизни пана қилиш учун қайнокни жўрттага бурун томонга бурдим. Сохилга чиққач, аёвсиз киздираётган қуёшдан бошимни саклаш учун шляям остига ипак рўмолчамини қўйиб, кучим борича югурдим. Иккала қўлимда ҳам биттадан ўқланган тўппонча бор эди.

Юз қадамча ҳам чопмаган эдимки ёғоч деворга дуч келдим. Пастаккина бир тепаликнинг деярли чўққисида мусаффо булоқ қайнаб турибди. Худди шу ернинг ўзида, булоқни атрофлатиб ходалардан баландгина уй тикланибди. Унинг ичига қирқ киши бемалол сиғади. Ана шу бинонинг деворларида милтиқлардан отиш учун шинаклар ҳам бор эди. Ёғоч уйнинг атрофи кенггина, тозаланган майдон бўлиб, у бирорта ҳам эшигги, бирор очик-ёрик жойи бўлмаган, баландлиги олти фут келадиган ёғоч девор билан қуршалган эди. Уни синдириш ҳам, ёғоч уйда ўтириб олган кишинлардан яшириниши ҳам анча қийин эди. Ёғоч уйга кириб олганлар эса хужум қилганларни какликдай пакқа-пакқа отиб ташлайвериши мумкни эди. Агарда яхши соқчиларни кўпроқ озиқ-овқат билан бу ерга қўйилса, бутун бир полкнинг хужумини ҳам кайтара олади.

Ҳаммадан ҳам ариқчадан оқаётган сувга хурсанд бўлдим. «Испаньола»нинг кема бўлмаси ҳам ёмон эмас: у ерда кўпгина қурол, ўқ-дорилар, озиқ-овқат, ажойиб винилар бор, лекин сув йўқ. Мен шу ҳақда ўйлаб турсам, тўсатдан аллакимнинг ўлим талвасасидаги даҳшатли фарёди эшитилди. Ўлим билан энди юзлашаётганим йўқ — мен герцог Кемберледский¹ кўшинида хизмат қилганман, Фонтенуа² яқинида ярадор бўлганман — бироқ бу фарёд юра-

¹ Герцог Кемберледский — XVIII аср ўрталарида яшаган инглиз саркардаси.

² Фонтенуа якнида (1745 й.). Бельгияда бўлган жангда инглиз кўшилари француздардан енгилган.

гимни эзид юборди. «Жим Хокинс ҳалок бўлди», – деб ўйладим.

Эски солдат, айниқса доктор бўлишнинг хикмати катта. Бизнинг ишимизда бир дакиқани ҳам қўлдан бой бермаслик лозим. Мен ҳамма нарсанни тарозига солдимда, зудлик билан қирғоқка қайтиб келдим ва қайиқقا сакрадим.

Бахтимга Хантер ажойиб эшкакчи чиқиб қолди. Биз бўғоздан тез суза кетдик. Мана қайиқ кема ёнига етиб борди, мен яна кемага чиқдим. Дўстларим қаттиқ ҳаяжонга тушишди. Сквайр қоғоздай оқариб кетганди, – зап яхши одам-да! – ўзи туфайли қандай кўргилкларга дучор бўлишимиз ҳақида бош котириб ўтирган экан. Бакда ўтирган матрослардан бирни ҳам оқариб кетган, изтиробга тушган эди.

– Манави одам, – деди капитан Смоллетт матрос томонга ишора қилиб, – ҳали талончилнекка қўникмаган экан. Доктор, у фарёдин эшитди-ю, ҳушидан кетишига озгина қолди. Ҳадемай у ўзнимизники бўлиб қолади.

Мен капитанга ўз режаларимни гапириб бердим, уни биргаликда мухокама қилдик. Кекса Редрутнинг қўлига учтами-тўртта ўқланган мушкет ва ўзини химоя қилиши учун тўшак бериб, уни бак билан кема бўлинмаси оралиғидаги йўлакка қўйдик. Хантер қайиқни қуйрукқа олиб келди, биз Жойс билан биргаликда унга порох, мушкет, қок нои, чўчқа гўштларини юклай бошладик. Кейин унга бир ёғоч хум коњъяқ билан дори-дармон солинган кутини ҳам ортдик.

Бу орада сквайр билан капитан кема саҳнига чиқишиди. Капитан иккинчи боцманин – кемада колдирилган матросларининг бошлигини чақирди.

– Мистер Хендс, – деди у, – биз икки кишимиз, иккенимизда ҳам бир жуфтдан тўнпонча бор. Қайсиларнинг бирорта сигнال берадиган бўлсангиз отиласиз. Қароқчилар эсанкираб қолнишди. Кейин ўзаро шивирлашиб олишиб, ўзларини йўлакка уришди, бизга орқа томондан хужум қилишмокчи бўлнишди, лекин тор йўлакда мушкет ушлаб турган Редрутга дуч келишиб, дархол орқага қайтишди. Кема саҳнидаги дарчадан кимнингдир калласи қўринди.

– Настта туш, итвачча! – қичқирди капитан.

Калла қўздан ёйиб бўлди. Ўлгудай қўркиб кетган олти қароқчи бир бурчакка яширинишиди ва улари чиқмай қолди.

Жойс иккимиз тўғри келган нарсани қайиқка итқита-вердик. Кейин куйрук томондаги порт¹ оркали қайиқقا тушдик-да, кучимизнинг борича эшкак эшиб, шитоб билан қирғоққа сузиб кетдик.

Иккинчи марта келаётганимиз бояги иккала соқчини анча безовта қилди. «Лиллибуллера» яна тинди. Биз то бурунни айланиб ўтиб, уларни кўздан йўқотиб улгурмаси-миздан, соқчиларнинг биро ўз қайинини ташлаб, оролнинг ичкарисига қараб югуриб кетди. Мен шундан фойдаланиб уларнинг қайинини яксон қилмоқчи ҳам бўлдим-у, лекин Сильвер ўз тўдаси билан шу якин ўртада бўлса керак, кўп нарсани истаб, ҳамма нарсадан маҳрум бўлмайлик, деб кўркдим.

Биз ҳалиги жойга келиб тўхтадик, юкларни истеҳкомга ташиб бошладик. Оғир юкларни кўтариб, ўқ-дори, озиқ-овқатларни кўрғонгача олиб бордик ва ёғоч девордан ошириб ташладик. Уларни қўриқлашга Жойсни қолдирдик. У ёлғиз қолди, лекин унинг курол-яроғлари анча эди. Хантер билан қайиқ ёнига қайтдик ва яна юк орқаладик. Шундай қилиб, тин олмай ишлаб, ниҳоят юкни ташиб бўлдик. Жойс билан Хантер истеҳкомда колишиди, мен эса бор кучимни ишга солиб, «Испанъола»га қайтдим.

Биз қайиқни яна юкка тўлғазмокчи бўлдик. Бу жуда хавфли, кўринишдан тентакликка ўхшаб кетса-да, аммо бир қадар ўйлаб қилинаётган иш эди. Албатта, улар бизга қараганда кўпчилик эди, лекин биз яхши қуролланган эдик. Қирғоққа кетганларнинг ҳеч қайсида мушкет йўқ эди, тўппонча ўки етадиган масофага яқинлашиб келгунларича эса камида олти кишини отиб ташлашим мумкин.

Сквайр мени қўйруқ томондаги ойна олдида кутиб туради. Мени кўриб жуда дадилланиб, севиниб кетди. Мен итқитган арқоннинг учини ушлаб, қайиқни тортиди, биз қайиқка яна чўчқа гўшти, порох, қоқ нонларни юклай бошладик. Кейин мен, сквайр, Редрут ва капитан учун биттадан мушкет билан биттадан қилич ҳам олдик. Қолгаи қуроллар ва порохларни сувга ташладик. Бўғознинг чуқурлиги икки ярим саржин бўлиб, қуёш нурида қумлок сув тубида ётган пўлат қуроллар ярқираб қўриниб туради.

¹ Порт – бортдаги дарчага ўхшаш туйнук.

Сув кўтарилиб, кема лангар атрофида айлана бошлади. Соҳилдаги қайик яқинидаги бир-бирини чакираётган одамлар овози эштилди. Гарчи шарқ томондаги Жойс билан Хантерни хеч ким сезмаган бўлса-да, биз барибир шошилишга аҳд қилдик.

Редрут йўлакдаги постини ташлаб, қайикка сакради. Капитан Смоллеттни олиш учун қайиқни кеманинг бошқа томондаги бортига олиб ўтдик.

— Ҳой йигитлар, — қаттиқ бакирди у, — мени эшитяп-сизларми?

Бакдан хеч ким жавоб килмади.

— Сенга мурожаат қиляпман, Абрахам Грей.

Жимлик.

— Грей, — овозини баландлатиб давом этди мистер Смоллетт, — мен кемани ташлаб кетяпман, сенга ўз капитанинг орқасидан эргашишни буюраман. Сенинг яхши одам эканлигингни биламан, бошқалар хам ўзларини ёмон қилиб кўрсатсалар-да, аслида унчалик эмаслар. Қўлимда соатим бор. Бизга қўшилишинг учун ўттиз секунд вакт бераман.

Орага яна жимлик чўқди.

— Келавер, дўстим, — давом этди капитан, — бизни вактни бехуда ўтказишга мажбур килма. Ахир, хар бир секунд имиллаш мен хамда миави жентльменлар учун ўлум хавфини туғдиради.

Унсиз олишув бошланди, мушт овозлари эштилди, кема сахнига Абрахам Грей сакраб чиқди. Унинг юзи пичоқ билан тилинганди эди. У капитаннинг хузурига эгаси хуштак чалиб чакирган итдай чопиб келди.

— Мен сизлар билан, сэр, — деди у.

Улар иккovi қайикка сакрашди-ю, биз жўнаб кетдик.

Кема тарқ этилди. Бироқ ёғоч девор ёнига етганимизча йўқ эди хали.

XVII боб

ҚАЙИҚДА СЎНГТИ МАРТА КЎЧИШ (ДОКТОР ҲИКОЯСИНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ)

Бу сўнгти — бешинчи кўчиш олдингилари сингари муваффакиятли тугамади. Биринчидан, қайиқчамизнинг юки жуда оғир эди. Девдай-девдай беш эркак, улардан Трело-

ин, Редрут ва капитанинг бўйлари олти футдан юқори бўлиб, хазилакам юк эмасди. Бунинг устига порох, чўчқа гўшти, қоп тўла кок нон. Қайғимизнинг қўйруғидаги планширнинг¹ сув ялаётганига ажабланмаса ҳам бўларди. Қайғимизга гоҳ-гоҳ сув ҳам кириб кетаётганди. Юз ярд юришга ултурмасимииздан шимим ҳамда камзулімнинг орқа этаги шалаббо бўлди.

Капитан билаларни юкларни қайтадан жойлаштиришга мажбур қилди, сўнг қайғимиз тўғриланди.

Барибир, қайғимиз афдарилиб кетмаслиги учун қатникроқ нафас олгани ҳам кўркардик.

Иккинчидан, сув қайтиши билан ғарбга қараб, кейин эса жанубга – эрталаб кемамиз кирган очик денигизга чиқадиган бўғоз томонга буриладиган кучли оқим хосил бўлди. Юки оғир қайғимизни сув қайтишининг кичкинагина тўлқини ҳам афдариб юбориши мумкин эди. Шуниси ёмон бўлдики, оқим бизни бошқа томонга сурнб кетар, бурун орқасидаги илгари мен тўхтаган жойга яқинлашишга имкон бермасди. Агар оқимни енга олмаганимизда, дакиқа сайин қароқчилар келиб қолиши мүмкин бўлган, иккита қайш турган ерга бориб колардик.

– Ёғоч девор томон буришга курбим етмаяпти, сэр, – дедим капитанга. Мен рулда ўтирадим, чарчашиб нималигини билмаган капитан билан Редрут эса эш-как эшишарди. – Оқим бизни суриб кетяпти. Эшкакка оғирлигимизни солсак бўлмасмикан?

Оғирлигимизни солсак, бизни сув босади, – деди капитан. – Барака топкур, бир уриниб кўрининг, рулни оқимга карши тўғриланг. Сэр, илтимос, уриниб кўрининг...

Қайиқининг тумшуғини тўғри бурчак бўйича кўзланган манзил томонга тўйипа-тўғри, шарққа бурмагунимча сув бизни суриб кетаверди.

Бунакада хеч қачон қирғокка чиколмаймиз, – дедим.

– Қай тарафга қараб бурмайлик, оқим суриб кетаверганидан кейин «сэр, қандай бўлмасин зарур йўналишга қараб сузишимиз лозим», – деди капитан.

– Биз оқим бўйлаб юкоридан боришимиз керак. Сэр, агар оқим бизни ёғоч девордан шамол эсадиган томонга суриб кетса – давом этди у, – қаерда тўхташимиз номаълум бўлиб колади, бунинг устига қароқчилар қайғи ҳам

¹ Планшир – бортнинг юқори четидаги таҳтача.

хужум қилиб қолиши мүмкін. Агар мана шу йұналышда кетаверсак, ҳадемай оқим сусаяди, үшанда хотиржамлик билан кирғоққа бораверамиз.

— Оқим бир оз камаіди, сәр, — деди қайнқыннің олд томонида ўтирган матрос Грей. — Сал-пал кирғоқ томонга бурнш мүмкін.

— Раҳмат, азизим, — гүё орамизда хеч қандай англышылмовчилік бўлмагандай миннатдорчилпк билдиридим унга. Ҳаммамиз гүё у аввалдан биз билан ҳамжихат бўлган-у, унинг билан шундай муносабатда бўлишни индамай шартлашиб олгандай эдик.

Тўсатдан капитан ўзгарган товуш билан:

— Замбарак! — деб қолди.

— Мен бу ҳакда ўйлаб кўйгандим, — дедим истехкомизни замбаракдан ўққа тутилишини назарда тутиб. — Улар хеч қачон замбаракни кирғоққа олиб келолмайди. Олиб келганда ҳам ўрмонга тикилиб қолади.

— Йўқ, сиз кеманинг қўйруғига қаранг, — деди капитан.

Шошилишда тўккиз фунтли замбаракни бутунлай унугтан эканмиз. Беш ярамас замбарак атрофида куймаланишар, унинг «камзули»ни ечишарди. Замбарак ўраб кўйилган эски, мой босган филофни шундай деб аташарди. Мен кемада замбарак порохи ва ўкини қолдирганимизни эсладим, қарокчилар уларни омбордан олиши жуда осон, болта билан кулфни бир-икки марта туширилса бас.

— Израэль Флинтнинг тўпчиси бўлган, — деди Грей хириллаб.

Мен қайиқни тўппа-тўғри кирғоққа бурдим. Жуда секин юраётган бўлсак ҳам, энди оқимни бемалол енгайтган эдик. Қайик рульга жуда яхши бўйсунмокда эди. Лекин аксига олиб, у чиройли нишон бўлиб «Испаньола»га ёни билан туриб қолди.

Мен мош еган хўроздай қип-қизил, аблах Израэль Хендснинг кема сахнида замбарак ўкини гулдуратиб юматлиб келаётганинн кўрдим ҳам, эшиздим ҳам.

— Орамизда дуруст мерган ким? — сўради капитан.

— Шубҳасиз, мистер Трелони, — дедим мен.

— Мистер Трелони, қарокчилардан бирини отиб ташланг. Иложи бўлса Хендсни, — деди капитан.

Трелони жуда совукқон эди. У мушкетининг пилигини кўздан кечирди. Секинроқ, сәр, — қичқирди капитан.

тан, — қайиқни ағдариб юборманг тағин! Қолганлар тай-
ёр бўлиб туринглар, ўқ узилиши биланок мувозанатни
саклашга нитилинг.

Сквайр мушкетни кўтарди, эшкакчилар эшкак эшиш-
ни тўхтатишди, биз мувозанатни саклаш учун бортга
яқин силжидик, иш силлик кўчди, қайиқка бир томчи
ҳам сув кирмади. Бу орада қароқчилар замбаракни бу-
ришди, тўп оғзи ёнида уни ўқлаш учун қўлида темир
хивич ушлаб турган Хенде нишонга жуда тўғри туриб
колди. Лекин омадимиз юришмади. Трелони ўқ узган
пайтда Хенде пастга энгашди, ўқ унинг тепасидан ви-
зиллаб ўтиб матрослардан бирига тегди. Ярадор бақириб
юборди, унинг бақириғига факат кемадагиларгина эмас,
балки қирғондаги қўплаб овозлар ҳам жўр бўлиб жавоб
берди. Ўша ёкка караб, ўрмондан қайиқлар томон чопиб
келаётган қароқчиларни кўрдим.

— Сэр, улар хозир жўнашади, — дедим.

— Тезроқ хайданглар! — қичкирди капитан. — Қайиқни
чўқтирамизми-йўқми, хозир бунинг аҳамияти йўқ. Агар
кирғонка етиб боролмасак ҳаммаси барбод бўлади.

— Сэр, факат битта қайиқ жўнади, — дедим. — Бошқа
қайиқнинг гурухи, эҳтимол, соҳил бўйлаб йўлимини ке-
сиш учун юргурган бўлса керак.

Улар анчагина югурнишади, — эътиroz билдири капитан. — Денгизчилар қуруқлнкда ўзини унча кўрсата
олмайди. Улардан эмас, замбаракдан қўрқаяпман. Эҳ,
малъунлар! Замбарагим бехато уради. Сквайр, пиллик ён-
ганда бизни огохлантириб қўйинг, қайиқни бошқа ёкка
буриб юборамиз.

Юки оғир бўлишига қарамай қайнфимиз эндилик-
да жуда тез борар, ичига сув ҳам тушмасди. Эшкак-
ларни яна ўттиз-кирқ марта эшсак, дараҳт ёнидаги
сув қайтишидан қолган кумлок қирғонка яқинлашиб
қолардик. Қароқчиларнинг қайиғидан энди қўрқмаса ҳам
бўлаверарди: бурун уларни тўсиб қўйганди.

Боягиниа бизнинг сузишимизга тўскинилик килган сув
қайтиши энди душманларимизнинг бизни қувлашига хала-
қит бермоқда эди. Бизга факат замбарак таҳдид қиласарди.

— Хозир озгина тўхтаб, яна биттаси отилса яхши
бўларди-да, — деди капитан.

Замбарак отилиши кундай равшан эди. Гарчи ўртоқ-
лари тирик бўлса-да, — қароқчилар ярадорга караб ҳам

кўйишмасди, унинг четрокка суринингга уринаётганини кўрдик.

— Тайёр! — кичқирди сквайр.

Тўхта! — деди капитан акс-садодай.

У билан Редрут эшқакларни куч билан тескарисига эша бошлишди, натижада күйруқ сувга ботди. Худди шу пайт боя Жим эшишган замбарак овози гумбурлади, сквайр узган ўқ овози унгача етиб бормади. Тўп ўқининг каерга келиб тушганини пайқай олмадик. Бахтсизлигинизга сабабчи бўлган нарса бошимиз устидан шувиллаб учиб ўтган тўп ўқининг шамоли деб ўйладим.

Нима бўлса хам, тўп отнлгандан кейин қайғимизнинг қўйруғи сувга ботиб, аста-секин чўка бошлади. Сувнинг туби саёз, уч футча келарди. Биз капитан билан эсон-омон бир-биримизга рўпара бўлиб сувда тик туриб қолдик. Колганлар эса боши билан сувга шўнғишиди ва пишқириб, сув сачратиб бошларини кўтаришиди.

Очиғини айтганда, осонгина кутулдик, хамма соғсаломат қолди, қирғокқа тезгила етиб олдик. Лекин юкларимиз сув тагида қолди, энг ёмони шу бўлдики, бешта мушкетдан иккитасигина қуруқ қолганди, холос; сувга тушаётуб мушкетимни бенхтиёр бошим узра кўтариб олган эдим, тажрибали капитан мушкетнинг затворини тепага қилиб тақиб олгани учун унга хам сув тегмай қолганди. Колган учта қурол қайик билан бирга сувга ўйнғанди.

Ўрмондан, яқингишдан одамларнинг товуши эшигилмокда эди. Бизни ёғоч девордан кесиб қўйишларни мумкин эди. Бундан ташқари, бир тўда қароқчилар ҳужум қилиб қолса, Хантер билан Жойс бардош бера оладими-йўқми, деб шубҳаланардик. Хантер қатъни, пишиқ одам бўлсада, Жойсдан хавфсиардик; у илтифотли, хушмуомала хизматкор бўлиб, кийим тозалагич билан уст-бошин тозалашга жуда омил, аммо урушишга бутунилай ноқобил эди.

Биз ўқ-дори хамда озиқ-овқатларимизнинг ярмі юклланган қайғимизни ташлаб, зўр ташвишга тушганимизча, сув кечиб сохилга етиб бордик.

XVIII боб

ЖАНГ БОШЛАНГАН ДАСТЛАБКИ КУННИНГ ТУГАШИ (ДОКТОР ХИКОЯСИНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ)

Биз ўзимизни ёғоч девордан ажратиб турган ўрмон оралаб жон-жаҳдимиз билан югурдик, вакт ўтган сари карокчиларнинг овози тобора яқинлашарди. Қўл ўтмай уларнинг оёқ дупурини, шох-шаббаларнинг қирсиллаб синганини эшитдик. Улар чакалакзор орасидан ўтиб келишарди.

Мен қаттиқ жанг қилишимизни сезиб қолдим, қурулимни кўздан кечирдим.

Капитан, — дедим мен, — Трелони бехато отади, бироқ унинг қуроли хўл. Ўзингизникини унга берсангиз-чи.

Улар қуролларини алмаштиришди, илгаригидек хотиржам ва совуккон Трелони унинг ўқланган-ўқланмаганини кўриш учун бир дам тўхтади. Шу пайт Грейнинг қуролсиз эканлигини кўриб қолдим, унга қиличимни бердим. Унинг қўлига туфлаб, кошларини чимириб, зўр куч билан қилич силтаб, ҳавони шувиллатиб кесганини кўриб завкланиб кетдик. Унинг ҳар бир қилич силташи яқин иттифоқчимизнинг охириги томчи кони колгунча жанг қилишидан далолат бериб турарди.

Яна қирқ кадамча чопиб бориб, ўрмон чеккасига етиб олдик ва ўзимизни ёғоч девор олдида кўрдик. Биз жануб томондан, деворнинг ўртасига яқин ердан чиқкан эдик. Худди шу пайтнинг ўзида еттита қарокчи боцман Жон Эндерсон бошчилигида бакириб-чакириб ёғоч деворнинг жануби-ғарб бурчаги томонидаги ўрмондан чиқиб келишди.

Улар ховлиққанича тўхтаб қолишли. Биз сквайр билан уларнинг ўзларига келишига йўл қўймай ўқ уздиқ. Истехкомда ўтирган Хантер билан Жойс ҳам отишиди. Тўртала ўқ бараварига узилди ва бекорга кетмади, душманлардан бири йиқилди, колганлари шоша-пиша дараҳтлар орқасига яширинишди.

Куролларни яна ўқлагач, ёғоч деворни паналаб қулаган душманни кўргани бордик. У тил тортмай ўлган, ўқ унинг юрагига теккан эди. Муваффакият бизни рухлантириб юборди. Лекин шу пайт буталар орасидан тўппонча қарсиллаб отилди, ўқ кулоғим тагидан хуштак

чалиб ўтди, бечора Том Редрут гандираклади, бор бўни билан ерга йиқилди. Сквайр икковимиз буталарга қараб ўқ уздиқ. Лекин таваккал қилиб отганимиз учун ўклар бекорга кетди. Куролларни яна ўқлаб, бечора Том ёнига чопдик.

Капитан билан Грей унинг у ёқ-бу ёғини кўришаётган эди. Мен кўзимнинг қирни ташлаб, ундан умид йўқлигини билдим.

Узган ўкларимиз қарокчиларни чекинишга мажбур қилган бўлса керак, шу сабабли хеч нарса халал бермай кекса овчини ёғоч девор оркали истеҳкомимизга киритиб олишга муваффак бўлдик.

Шўрлик кекса ўртоғимиз! У хеч нарсадан ажабланмади, хеч нарсадан шикоят қилмади, хеч нарсадан қўрқмади, ҳатто саёхатимиз бошланганидан то уни жон бераётганда уйга олиб киргуннинизгача хеч нарсадан зорланмади. У троялик сингари кемада йўлакни қаҳрамонларча кўриклади. У ҳамма буйруқларни индамай, итоаткорлик билан ҳалол бажарди. У биздан йигирма ёш катта эди. Энди бўлса бу индамас, садоқатли хизматкор кўз олдинизда жон бермоқда.

Сквайр унинг ёнига тиз чўкиб, қўлларини ўпиб, ёш боладай йиғлади.

Мен ўлајиманми, доктор? — сўради у.

Шундай, дўстим, — дедим.

Ўлимим олдидан уларга яна бир ўқ узиб колсан яхши бўларди-да.

Том, — деди сквайр, — мени афв этганлигинги айтгин.

— Ўз хўжасини афв етиш ёки афв этмаслик, сэр, менга ярашадими? — сўради хизматкор. — Бўлганича бўлар. Омин!

— Сэр, бу урф-одатимиз, — деб қўшимча килди кечирим сўрагандай, сўнг кўп ўтмай жон берди.

Бу орада капитан ёнидан (унинг ғалати бир тарзда кўкраги дўйпайиб, чўнтаклари қаппайиб кетганини кўргандим) хар хил нарсаларни британ байроғини, нижил, бир ўрам аргамчи, перо, сиёҳ, кема журнали ва бир неча фунт тамакини чиқарди. У узун, йўнилган қарағай ёғоч излаб топди, Хантернинг ёрдамида уни бурчакка, уй антеннасига ўрнатди. Кейин томга чиқиб, ҳалиги ёғочга Британия байроғини ўрнатиб, юқорига кўтарди. Бу унга

анча таскин берган бўлса керак. Кейин пастга тушиб, дунёда бундан бошқа иш йўқдай ташнб келтирган ю克拉римизни кўздан кечириб санай бошлади. Лекин гоҳ-гоҳ Томга ҳам қараб қўярди. Том жон бергандан кейин эса, бошқа байроқни олиб, унинг устига ёпиб қўйди.

Бунчалик куйинманг, сэр, — деди капитан сквайрнинг қўлини қисиб. — У ўз бурчини бажараётib ўлди. Капитан ҳамда ўз хўжайнини олдидаги бурчини бажараётганда ўлдирилган киши такдири учун қўрқмаслик керак. Мен илохиёт бобида кучли эмасман, лекин бу ишга унчалик алоқаси йўқ.

Кейин у мени четга олиб бориб:

— Доктор Ливси, сквайр иккевингиз бизга ёрдамга юбориладиган кема неча хафтадан кейин келади, деб ўйлайсиз? — деб сўради.

Бу анча чўзиладиган иш эканлигини айтдим. Бунга хафталар, ойлар керак. Агар августнинг охиригача етиб бормасак, Блендли бизга ёрдамга кема юборади. Бундан олдин ҳам, кейин ҳам эмас.

Кеманинг бу ерда қачон бўлишини хисоблаб олаверинг, — дедим. Лекин сэр, — деди капитан бошини қашиб, — ундан бўладиган бўлса, гарчи омадимиз юришса ҳам, барибир қийналиб қоламиз.

Нега? — деб сўрадим.

Сэр, иккинчи марта олиб келаётган юнимизнинг чўкиб кетганлиги анча афсусланарли, — деди капитан. — Ўқдоримиз етарли, лекин озуқамиз оз. Жуда оз. Битта нонхўрдан қутулганимизга ачинмасак ҳам бўлади.

Шундай дея у устига байрок ёпиб қўйилган марҳумни кўрсатди. Шу пайт ёғоч уй томи устидан ўкирнш ва ҳуштак билан тўп ўқи учиб ўтди. У биздан анча йирокка, қаергадир ўрмонга бориб тушди.

Эҳ-ха! — деди капитан. — Бомбардимон-ку! Уларнинг порохи унча кўп ҳам эмасди-ку! Иккинчи мўлжал сал дурустрок бўлди. Тўп ўқи ёғоч девордан ошиб ўтиб, уй якинидаги кумни тўзинтиб юборди.

Капитан, деди сквайр, — ёғоч уй кемадан кўрнимайди. Улар байроғимизни мўлжалга олишаётган бўлса керак. Унн туширсак, дуруст бўлармикан-а?

Байрокни туширайлик дейсизми? — капитаннинг жахли чикди. — Йўқ, сэр. Ким туширса тушираверсин, лекин мени туширмайман.

Хаммамиз унинг фикрига кўшилдик. Магур деңгизчилик удуми жаиг пайтида байрок туширишга йўл кўймайди. Бундан ташқари, бу эиг яхши сиёсат ҳам эди, чунки даҳшатли тўйни отишлар бизга қўрқинчли эмаслигини душманларга кўрсатишни истардик.

Улар қош қорайгунча бизни замбаракдан ўкка тутишли. Бир ўқ бошимиз устидан учиб ўтди, биттаси ёвоч девор олдига тушиб, учинчиси уйимиз олдидағи кумни тўзитиб юборди. Лекин карокчилар мўлжални юкорирок олишга мажбур бўлди: тўп ўқи тезлиги йўқолиб қумга кўмилиб қолмоқда эди. Ўқ сапчиб кетишидан кўрқмасдик. Гарчи бир ўқ уйимизнинг томи ва полини тешган бўлса ҳам кўп ўтмай отишмага кўнигиб қолдик ҳамда парвонанинг чирсиллашига қандай қарасак, унга ҳам шундай муносабатда бўла бошладик.

Бунинг яхши томони ҳам бор, — деди қашитан. — Эҳтимол, ўрмонда, бизга яқинроқ жойда карокчилар бўймаса керак. Сув қайтиши кучаниб, озиқ-овқатларимиз юзага чиқиб ҳам қолгандир. Ҳой, чўкиб кетган чўчка гўштларини олиб келишга талабгорлар борми?

Грей билан Хантер ҳаммадан олдин шай эканликларини айтишиди. Улар яхнингина қуролланиб, девордан ошишиди. Лекин чўчка гўштлари уларга тегмади. Қарокчилар биз куттгаидан ҳам ботирроқ чиқиб қолишибди. Балки улар Израэль Хендснинг замбарагига кўпроқ ишонишгандир.

Бешта қароқчи чўкиб кетган қайнитимиздаги озиқ-овқатларни сув бетида хафсала билан ушлаб, яқинроқда турган қайнікка ташиб боришмокда эди. Қайніқда ўтирганлар ҳалеб эшкак эшишига мажбур эдилар, чунки қайнікни оким сурниб кетаётганди. Сильвер қайнік кўйругунида туриб олиб буйруқ бераёттанди. Уларнинг ҳаммаси ўзларининг қандайдир маҳфий омборларидан олинигай мушкетлар билан қуролланган эди.

Қашитан ходага ўтириб олиб, кема журналига қуидагиларини ёза бошлади: «Александр Смоллетт, — қашитан, Дэвид Ливси — кема врачи, Абрахам Грей — дурадгор ёрдамчиси, Жон Трелони — кема эгаси, Жон Хантер ва Ричард Жойс — кема эгасининг хизматкорлари ва ҳамшахарлари — ўз бурчига содик қолганлар мана шуларгина, холос. Улар ўни кундан кўпга етмайдиган озиқ-овқатни ўзлари билан олиб, бугун соҳијла кўнишди ва Хашнадар Оролидаги истехком устига Британия байроини

тикишди. Кема эгасининг хизматкори ва ҳамشاҳари Том Редрут кароқчилар томонидан ўлдирилди. Жеймс Хокинис, юнга...»

Мен бечора Жим Хокинис тақдирни ҳакида ўйланиб колдим.

Тўсатдан ўрмон томондан кимнингдир овози эшигиди.

— Бизни кимдир чакирияпти, — деди соқчиликда турган Хантер.

Бирорнинг:

Доктор! Сквайр! Каиттан! Ҳой Хантер, сенмисан? — деган овозини эшигидик.

Мен эшикка отилдим ва Жим Хокинисни кўрдим. У соғ-саломат ёғоч деворимиздан ошиб тушмоқда эди.

XIX боб

ИСТЕХКОМДАГИ ГАРИЗОН (ЯНА ЖИМ ХОКИНС ҲИКОЯ ҚИЛАДИ)

Бен Гани британ байроғини кўриши биланоқ тұхтади, кўлимдан маҳкам ушлаб, ерга ўтирди.

— Хўш, деди у, — шубҳасиз, дўстларинг ўша ерда.

Исёнчилардир, — дедим.

— Ҳеч қачон — деди у. Омад жентльменларидан бошқа ҳеч ким бўлмайдиган бу оролда, мана шу овлоқ жойда Сильвер қон-кора кароқчилар байроғини кўтарган бўларди. Менга ишонавер. Бу ишларни яхши тушунаман. Дўстларинг ўша ёқда, бу тўғри. Орада жанг бўлиб, улар енгган бўлса керак. Эндиликда улар соҳилда, эски ёғоч деворнинг нарёғида. Ёғоч деворни Флинт қурдирган. Бунга анча йил бўлди. Хўп мияли одам бўлганди, бу Флинт! Уни факат ром енгишин мумкин эди. Сильвердан бошқа ҳеч кимдан кўрқмасди. Очигини айтганда, Сильвердан кўркарди.

— Майли, — дедим, модомники ўзимизникилар ёғоч деворнинг нарёғида бўлса, ўша ёққа бориш керак.

— Тўхта, — эътироз билдириди Бен Гани. Тўхта. Сен ажойиб бола экансан-у, факат боласан холосда. Бен Гани эса анча алёр. Бен Гани алданмайди. Ҳеч қандай ичимлик билан менн у ёқка мафтун қилолмайсан... Ҳакикий

жентльменингни ўзим кўришим керак, у менга хақиқий ваъдаснин берсин. Сен гапларимни унудиги кўйма. Унга шундай деб айтгин, фақат шахсан танишгандагина ишонч бўлиши мумкин. Кейин унинг қўлини чимчилаб қўй. Шундай деркан, у учинчи марта мени маънодор килиб чимчилаб қўйди.

— Качон Бен Гани керак бўлса, уни қаердан топишни биласан, Жим. Бугун топган жойингдан. Унинг олдига борадиган одам ҳам қўлида бирорта оқ нарсани ушлаб олиши керак, фақат ўзин ёлғиз борсин. Унга худди шуидай деб айтгин. «Бен Ганинг, дегин, бунга ўз важ сабаби бор».

— Яхши, — дедим. — Сизни тушунганга ўхшайман. Сиз инманидир таклиф қилмоқчисиз, шу важдан сквайр ёки доктор билан қўришишингиз керак. Сизни бугун мен топган жойда қўриш мумкин. Ҳаммаси щуми?

Кайси соатларда мени топиш мумкнлигинн нега сўрамайсан? Мен туш пайтидан соат олтигача қабул қиляпман.

— Яхши, яхши, — дедим. — Энди кетсам бўлаверадими? Эсингдан чинкариб қўймайсанми? — деб сўради хавотирланиб. — Унга «шахсан танишгандагина», «бунга ўз важ-сабаби бор» деган гапларни айтгин. Мен у билан эркакчасига гаплашаман. Энди кетишинг мумкин, Жим, деди у аввалгидаи қўлимни маҳкам ушлаб, — менга кара, Жим, Сильверни қўриб қолсанг унга Бен Ганин хоинлик қилиб тутиб бермансанми? Сенни ёввойи отнинг думига боғлаб судрашса ҳам айтмайсанми? Жим, кароқчилар соҳилга чиқиша, айтган гапларингдан қайтмайсанми?

Замбаракдан гумбурлаб отилган ўқ сухбатимизни бўлиб юборди. Ўқ дарахтлар орасидан учиб бориб, биз турган ва сухбатлашаётган жойдан юз ярд нарирокка, кумга тушди. Икковимиз иккى томонга қараб қочдик.

Орол бир соатча отишмадан ларзага келди, тун ўқларни ўрмон ичидан учиб, йўлидаги ҳамма нарсани яксон қилди. Мен гоҳ у ер, гоҳ бу ерга яшириндим, ўқлар тўғри устимга келиб тушаётгандай туюлаверди. Бора-бора яна олдинги ботирлигим қайтди.

Лекин дам ўтмай тўўп ўки тушиб турган ёғоч девор олдига боришга журъат қилолмадим. Шарқ томондан айланиб ўтиб, ниҳоят шундоққина соҳилда ўсиб ётган дарахтлар олдига етиб келдим.

Күёш эндигина ботган, дengiz шабадаси ўрмон сари fир-ғир эсар, кўрфаздаги кул ранг сувни мавжланти-пар эди. Сув қайтиши кенг қумли саёзликни яланғочлаб қўйганди. Кундузги жазирамадан кейин хаво салқинлашиб қолганидан юпун камзулимда анча совук қотдим.

«Испанъола» хамон лангарда турарди. Лекин унинг устида «Хушчақчақ Роджер» – калла суяги тасвириланган қароқчилар байроғи хилпираб турарди. Бортда қизил шуъла чақнади, оролга замбаракнинг сўнгти гулдураган овози таралди. Гумбур-гумбур тинди.

Мен бутазор ичида ётиб, хужумдан кейинги югур-югурни кузатдим. Соҳилда, ёғоч деворнинг рўпарасида бир неча киши болта билан ниманидир пачоқламокда эди. Кейин билсан, улар қайнитилимизни яксон қилишган экан. Узоқда, сой қўйиладиган жойда, дарахтлар орасида гулхан ёнди. Гулхан билан кема орасида қайик бўзчининг мокисидай катнаб турди. Эрталаб қовоқ-лунжи осилиб юрган матрослар эндилликда эшкак эшиб бақиришар, ёш болалардай кулишар эди. Овозларидан бундай хурсандчилик ром туфайли бўлаётганини сездим.

Нихоят ёғоч девор томон боришга аҳд қилдим. Мен ундан анча йироқда, бизнинг кўрфазимизга шарқ томондан туташган ва сув қайтганда Скелет Оролигача чўзилиб борадиган настгина қум босган ерда эдим. Ўрнимдан туриб настак-настак буталар орасида ғалати, оқ тусдаги каттагина кояга кўзим тушди. Бу Бен Гани айтган ўша оқ қоя бўлса керак деган ўй миямга келди, менга қайик керак бўлиб қолса, энди уни қаердан топишни биламан. Мен ёғоч деворнинг орқа томонидаги, дengиздан узоқдаги чеккаси кўрингунга қадар ўрмон ёқалаб боравердим. Бизникилар мени зўр хурсандчилик билан кутиб олишди.

Мен уларга ўз саргузашларимни айтиб бердим, сўнг атрофга назар ташладим. Уйнинг томи, деворлари, поли ҳам йўнилмаган қарағай ходалардан эди. Пол бъязи жойларда қумдан бир-бир ярим фут юқори эди. Кираверишда пешайвон бўлиб, том тагидан булоқ оқарди. Булоқ сувни ғалати кўринишга эга бўлган сунъий ҳовузга қўйиларди. Ҳовуз кеманинг катта чўян қозони бўлиб, туби тешилган, капитаннинг айтишича, «ватерлиниясиға қадар» қумга қўмилган эди. Уй бўм-бўш эди. Фақат бир бурчакда олов атрофга чиқиб кетмаслиги учун ичига сават шаклидаги темир панжара қўйилган тош ўчок турарди.

Ёғоч деворни қуршаб олғаш тепалик ёш бағындағи хамма дараҳтлар қурилиш учун кесиб олишганди. У ердаги түңкалар каттагаша дараҳтзорнинг нобуд бўлганини кўрсатиб турибди. Ершинг юкори катламиши дараҳтлар кесиб олишгандан кейин ёмғир ювиб кетган, соғ қумини очиб қўйған эди. Факат булок суви оқаётган жойдагина, қирққулоқ ҳамда пасттина буталар ўсиб турарди. Ёғоч деворнинг нарёғидан қалиш, баланд ўрмоц бошланарди. Бу айтишларига кўра, химояга ҳалакит беради. Ўрмон қуруқлик томонда қарагай, олдинда – бўғоз тарафда эса қарагай билан доим яшиаб турувчи эманлардан иборат эди.

Мен боягини айтган муздаккина оқшомги шабада кўйолғина қилиб тикланган бишога урилар, полга тишмисиз қумдан ёмғир ёғдиради. Қум кўзимизга кипар, тишларимиз орасида нижирлар, овқатимизга тушар, булокнинг тубида қайнаётган қозондаги ёрма сингари раксга тушиб ўйнарди. Уйнинг мўриси йўқ бўлиб, тутун шифтдаги бурчак туйнукдан чиқиб кетарди. Тутун тепага йўл топгунга қадар кўзимизни ёшлантириб уй ичида бир айланиб оларди.

Янги ўртоғимиз Грей юзини боғлаб ўтиради – қароқчилар унинг юзига пичоқ тортишибди. Кекса Том Редрут эса ханузгача дафи қилинмай, таёқдай қотиб, Британия байроби ёпилган холда девор ёнида ётарди.

Агар қўл қовуштириб ўтираверсак, қўп ўтмай, кайфијатимиз ёмонлашиб кетарди. Лекин капитан Смоллетт хаммамизга яраша иш топиб бера олди. У бизни ўз хузурига чақириб, иккита вахтага ажратди. Бирига доктор, Грей, мен, бошқасига сквайр, Хантеп, Жойс кирди. Кун бўйи каттиқ чарчагандик, шунга қарамай капитан икки кишини ўрмонига ўтинга юборди. Икки кишига Редрут учун қабр қазишни буюрди. Доктор ошпаз бўлди, мени эшик олдига сокчи қилиб қўйишибди, капитанининг ўзи эса, у тўпдан бу тўпга бориб, ҳаммага далда берар, ёрдамлашарди.

Гоҳ-гоҳ доктор соғ ҳаводан нафас олиш, ёшланиб кетган кўзларига дам бериш ҳамда мен билан бир-иккни оғиз гаплашиш учун эшик олдига келарди.

Бу Смоллетт дегани, – деди у бир гал, – мендан ўлса ўлиги ортиқ. Мен шунчалик таш оляпманки, демак у айтганимча бор. Жим.

Бошқа сафар аввал индамай турди, кейин ўгирилиб, юзимга диққат билан бокди.

— Аnavи Бен Ганига ишонса бўладими? — деб сўради у.
— Билмайман, сэр, — деб жавоб қилдим. — Унинг соғлиғи жойидалигига унча ишонмайман.
— Демак, ақли жойида эмас, — деди доктор. — Агар кинши одам оёғи етмаган оролда уч йил тирноғини сўриб юрган бўлса, уннинг мияси сенини билан менинидай бўлолмайди-да. Иносон зоти шулақа ўзи. У пишлокни орзу қиласди дедингми?

— Ха, сэр, — дедим.

— Майли. Жим, деди у. — Кара, мазахўрак бўлиш нақадар фойдали. Сен тамакидоннимин кўргандирсан, лекин бирор марта бўлсин ундан тамакни олиб хидлаганимни кўрмагансан. Тамакидонимда тамакни эмас, бир парча парmezan итальян пишлоги бор. Ана шу пишлокни Бен Ганига берамиш!

Кечки овқат олдидан кекса Томни қумга дағи қилдик, кейин шамолда озгина бошяланг турдик.

Ўрмондан анчагина ўтин олиб келишса ҳам капитан норози бўлди.

Эртага сизларни дурустрок ишлашга мажбур қиласман.

Кечки овқат олдидан дудланган чўчка гўшти еб, бир бордоқдан қайноккина грог ичишиб, капитан, сквайр ва доктор кенгашгани нарирокқа кетишиди.

Чамамда улариниг миясига дурустрок бир фикр келмади шекилли. Озиқ-овқатларимиз шу қадар оз эдикни, кема ёрдамга келгунга қадар очдан ўлишимиз муқаррар эди. Битта йўл қолган эди. У ҳам бўлса, иложи бориҷа карокчиларни кўпроқ ўлдириш, то улар кора байроқларини туширгунча ёки «Испанъола»да очиқ дегизга чиқиб кетгунларига қадар ўлдириш керак эди. Ўн тўқиз қарокчидан ўн беш кишин қолди. иккитаси ярадор, замбарак ёнида ўқ тегмаган бўлса ҳам оғир ярадор. Қулай фурсат келиши биланоқ отишнимиз керак. Одамларимизни жуда эҳтиётлашимиз, ром ҳамда иклим сингари иттифоқдошларимиз борлигини унутмаслигимиз лозим.

Ром аллақачон ўз ишини бошлади: бизни карокчилардан ярим миль масофа ажратиб турарди, ярим тунга қадар ашула ва қийқириқларин эшитдик. Доктор эса, париги ҳаққи онт ичиб, ҳадемай иклим ҳам ўз ишини бошлашини айтарди. Чунки қарокчиларнинг қароргоҳи ботқоқка яқин, уларда хеч қанақа дори-дармон йўқ, бир хафтадан

кейин уларнинг ярмидан кўпи безгакка дучор бўлади, дерди.

— Демак, — деди доктор, — агар улар бизни йўқ кила олмасалар хам, оролни тарқ этиб, кемага қайтганларидан бехад хурсанд бўладилар. Уларнинг кемаси бор, улар истаган пайтда ўз касблари — денгиз кароқчилиги билан шуғулланишлари мумкин.

— Бу мен қўлдан бой бераётган биринчи кема, — деди капитан Смоллетт. Мен ўлгудай чарчадим. Кўзимга уйқу илашгунча, анчагача у ёқдан бу ёққа ағдарилиб ётдим, лекин кейин донг қотиб ухлаб қолибман.

Шовкин ва бақириқлардан уйғониб кетганимда ҳамма аллақачон уйғонган, нонушта қилиб бўлган, ўтиналарни ташиб қўйишган эди.

— Оқ байроқ! — деди кимдири.

Ўша захоти бироннинг ажабланган оҳангда:

— Сильвернинг ўзи келяпти! — дегани эшилди.

Мен ўрнимдан сакраб турдим, кўзларимни ишқалаганча, девордаги шинак томон чондим.

XX боб

СИЛЬВЕР — ЭЛЧИ

Чиндан хам ёғоч девор ёнига икки киши келди. Улардан бири оқ латтани силкитар, бошқаси — Сильвернинг ўзгинаси унинг ёнида пинагини бузмай турарди.

Хали эрта эди. Бунақа аёзли сахарни кўрмагандим. Совук сүякларимгача ўтиб бораарди. Осмон тиник, мусаффо дараҳтларнинг учи чиқиб келаётган куёш нурида қизарар, бироқ паст, Сильвер ўз хамрохи билан турган жойи эса хали коронги эди. Уларнинг оёғи остида оқ туман — боткоқдан кўтарилган буғ айланарди. Бу оролнинг касофати ана шу тунги аёз билан туман, холос. Орол хам, безгакнинг кони, расво бир жой эди.

Ҳамма жой-жойинга! — деди капитан. — Бахс бойлашаман, улар яна қандайдир найранг ишлатишмоқчи. — Кейин қароқчиларга қичқирди: — Ким келяпти? Тўхта, бўлмаса отиб ташлаймиз!

Оқ байроқ! — деб бакирди Сильвер.

Капитан эшик олдига чиқди, хоннона ўқ хавф туғдир-маслиги учун ўзини панага олди. Биз томонга ўгирилиб, буйруқ берди:

Доктор отряди – шинаклар ёнига сокчиллик! Доктор Ливси, илтимос, шимолий деворни эгалланг. Жим шаркий, Грей фарбий деворни эгалласин. Бошка вахта мушкетларни ўқласин. Тезрок! Ҳушёр бўлинглар!

Кейин яна қароқчиларга мурожаат қилди.

– Оқ байроғингиз билан биздан нимани талаб қилмокчисиз? – деди у.

Бу сафар Сильвер эмас, бошка қароқчи жавоб берди.

– Сэр, капитан Сильвер ҳузурингизга кўтарилиб, сиз билан битим тузмоқчи! – деб қичкнрди у.

– Капитан Сильвер? Бунақа одамни танимайман. Ким у? – сўради канитан.

Кейин наст овозда:

– Ана холос! Аллақачон капитан бўлиб олибди-ку! Мартабаси тез ошибди! – деб қўшиб қўйди.

Унга Дароз Жоннинг ўзи жавоб қилди:

– Сэр, бу мен, Сиз қочиб қолганингиздан кейин бебаҳт йигитларимиз мени капитанликка сайлашди, сэр, – «қочиб қолга» сўзини алоҳида чертиб айтди. – Биз сизга яна итоат қилишга тайёрмиз, лекин маълум шартлар билан, яъни биз билан битим тузишга розилик билдирангиз бас. Унгача эса, капитан Смоллетт мени бу ердан эсон-омон қўйиб юборишга ҳамда ёғоч девордан йироқлашмагунимча отишма бошламасликка сўз берасиз.

– Менинг сиз билан гаплашишга тоб-тоқатим йўқ, – деди капитан Смоллетт. Борди-ю, мен билан гаплашиш истагингиз бўлса бу ёққа киринг. Агар бирорта шумликни ўйлаган бўлсангиз унда ўзингиздан кўринг.

– Шуниси ҳам етарли, капитан! – деди Дароз Жон хурсанд бўлиб. Битта гапингизнинг ўзи етарли. Биламан, сиз жентльменсиз, капитан, гапларингизга тўлиқ ишонса бўлади.

Биз оқ байроқ ушлаган одамнинг Сильверни қайтаришга уришганини кўрдик. Бунинг хеч қандай ажабланадиган жойи йўқ эди, чунки канитан у билан анча илтифотсиз гаплашган эди. Лекин Сильвер шеригига кулиб қўя қолди, ҳавф ҳақидаги фикр ярашмаган нарса дегандай унинг елкасига қоқиб қўйди. У ёғоч деворга яқинлашди, аввало девордан кўлтиктаёғини ташлади, кейин тез ва чаққонлик билан ўзи ҳам ошиб тушди.

Эътироф қилишим керакки, бўлиб ўтаетган ходисага шу қадар бериллиб кетибманки, ҳатто соқчилигимни ҳам

унутаёзиман. Мен шарқнй шинакдаги қоровуллнгимни ташлаб, эшик олдида қўлнни тиззасига қўйиб, қадимиий темир қозонда қайнаётган, қумлари ўйинга тушаётган сувга тикилиб ўтирган капитаннинг орқасида турадим. У хотиржамлик билан: «Орқамдан юринглар, қизу йигитлар» куйинни хуштакка солиб чаларди.

Теналик этагидан кўтарилиш Сильвер учун анча овири бўлди. У қўлтиқтаёни билан сочиувчи қумлар ва каттакатта тўнгаклар орасида саёз жойга ўтириб колган кема сингари ночор эди. Лекин у бутун йўлни индамай, мардонавор босиб ўтди, капитаннинг рўнарасида тўхтаб, унга котириб ҳарбнй эхтиром кўрсатди. У эгнига энг яхши кийимлари — тиззасигача тушган, узун, талайгина мис тугмалари бор мовий кафтанини, бошига теграсига ингичка тўр тикилган шляпасини гарданига суриб кийиб олган эди.

Мана, етиб ҳам келдингиз, азизим, — деди капитан бошини кўтариб. — Ўтиринг.

Мени ичкарига киритсангиз, капитан, — деди Дароз Жон аянчли овозда. — Бунақа аёзли тонгда, сэр, хеч кимнинг қумда ўтиргиси келмайди.

Сильвер, — деди капитан, — агар ҳалол одам бўлиб қолишин истаганингизда хозир камбузда ўтирган бўларднгиз. Айб ўзингизда. Башарти кема ошпази бўлиб қолсангиз унда сизга яхши муомала қиласман, борди-ю капитан Сильвер, исёнчи, қароқчи бўлиб қолсангиз — унда мендан дордан бошқа ҳеч нарсани кутманг.

Майли, майли, капитан, — деди ошпаз қумга ўтираётуб. — Лекин кейинрок ўрнимдан туришимда қўлингизни беришга мажбур бўласиз... Яхшигина ўнашиб олибсизларку! Э, Жиммисан! Салом, Жим... Доктор, ассалому алайкум! Агар таъбир жоиз бўлса, баҳтли онладай ҳаммаларинг бир жойга тўйланибсиз...

Максадга кўчинг, азизим, — капитан унинг гапини бўлди. — Нима учун келганингизни айтинг.

Ҳак гап, капитан Смоллетт, — деди Сильвер, — Энг аввало максад. Эътироф килишим керак, кечаси ажойиб қилик кўрсатибсиз. Сизлардан кимдир ганшиугни ишлатишни билар экан. Одамларимдан баъзилари, борингки ҳаммаси бу шудаи ҳайратга тушди. Эҳтимол, факат шу важдангина бу ерга битим тузгани келгандирман. Лекин онт ичиб айтаманки, бу ишни иккинчи марта

такрорламайсизлар! Биз хамма ёққа соқчилар қўяминз, ром беришни камайтирамиз. Сиз бизларни ўлгудай маст деб ўйлагандирсиз? Ишонинг, менинг унча кайфим йўқ эди, лекин итдай чарчагандим. Агар сал эртароқ уйғониб қолганимда эди, мендан кочиб кутулолмасдиларинг. Мен унинг олдига чопиб борганимда, у хали тирик эди.

Давом этинг, — деди капитан Смоллетт совуқконлик билан.

Сильвер айтган гапларнинг ҳаммаси капитан учун муаммо эди, лекин у сирши бой бермади. Мен эса, эътироф қилишим керак, бир нарсага аклим етди. Бен Ганнинг охирги сўзлари ёдимга тушди. Улар маст-аласт бўлиб, гулхан атрофида юмалашиб ётишганида у қарокчилар қароргоҳига кечаси борган. Душманларимиэдан фақат ўн тўрттасининг тирик қолгани хақидаги фикр мени анча севинтириди.

Гап бундай, деди Сильвер. — Биз хазинани толмоқчимиз, топамиз ҳам. Сизлар эса, ўз жонларингизни қутқариб қолмоқчисиз, бунга тўлиқ ҳақларингиз бор. Ахир, қўлингизда харита бор, шундай эмасми?

— Бўлиши мумкин, — деди капитан.

Унинг сизларда эканлигини сўзсиз биламан, — давом этди Дароз Жон. — Нега мен билан бу қадар совуқ гаплашяпсиз? Бу сизга наф келтирмайди. Бизга харитангиз керак, вассалом, шахсан сизга эса заррача бўлсин ёмонликни раво кўрмайман...

Бас, азизим, — капитан унинг сўзини бўлди. — Биз ҳам анойиллардан эмасмиз. Ниятингиз бизга беш қўлдай маълум. Лекин бу бизни заррача бўлсин чўчитолмайди, чунки қўлингиз анча қисқалик қилиб қолди.

Капитан унга бамайлихотир тикилганча чубугига тамаки боса бошлади. Агарда Эйб Грей... — деб гап бошлади Сильвер.

Тўхтаиг! — қичкирди мистер Смоллетт. — Грей менга ҳеч нарса деганий йўқ, мен ҳам ундан ҳеч нимани сўраганим йўқ. Ундан каттароғини айтаман: сизни ҳам, уни ҳам, мана шу лаънати оролни ҳам жон-жон деб кулини кўкка совурадим! Сизнинг тўдангиҳи хақидаги ўйим ана шуниака, азизим.

Бундай ғазабга миниш Сильверни тинчлантиргандай бўлди. У аччиқлана бошлади-ю, лекин ўзини босди.

Ихтиёрнгиз, — деди у. — Кўнглингизнинг кўчасига каранг, мен монеълик килмайман... Чубук чекмоқчига ўхшайсиз, капитан. Агар изн берсангиз, мен хам чекиб олай.

Сильвер чубугига тамаки тўлдириб, уни тутатди. Иккала эркак анчагача жим ўтириши, гоҳ бир-бирининг юзига тикилишар, гоҳ ўпкаларини тўлдириб тутун тортишар, гоҳ туфлаш учун олдинга этилишарди. Театрдаги томоша сингари уларнинг бу ўтиришига тикилиш жуда завқли эди.

— Шартларимиз шундай, — деди ниҳоят Сильвер. — Хазинани топиб олишимиз учун харитани бизга берасизлар, шўрлик денгизчиларимизга ўқ узмайсизлар, улар ухлаб ётганда миясинни мажакламайсизлар. Ана шунга рози бўлсаларинг, сизларга иккита йўл кўрсатамиз. Биринчи йўл: хазинани юклаб бўлганимиздан кейин кемага қайтишингизга йўл берамиз, чин сўз бериб айтаманки, сизларни бирорта соҳилга бешикаст ташлаб кетаман. Агарда биринчи йўл ёқмаса, матросларим анчадан бери сизларга тиш қайраб юришибди, шу важдан сизни шу ерда, оролда қолдириб кетамиз — бу иккинчи йўл. Озиқовқатларни баравар бўлашиб оламиз, йўлда учраган биринчи кемани сизларга ёрдамга юборишга ваъда бераман. Ана шу шартларни қабул килишни маслаҳат бераман. Бундай дурустрок шарт бўлмаса керак сизлар учун. Ишонаманки, шу пайт у овозини кўтарди, — уйдаги одамларингиз гапларимни эшитаётгандир, чунки бир кишига айтганим билан ҳаммангизга тегишли гаи бу.

Капитан Смоллетт ўрнидан турди, чубуғпдаги кулни чал қўли кафтига қоқди.

— Шу холосми? — сўради у.

— Яшин хаққи онт ичиб айтаман, бу охирги сўзим, — деди Жон. — Агар рад этсангиз, менинг ўрнимга куролларимиз гапиради.

Жуда соз, — деди капитан. Энди менга кулоқ солинг. Агарда ҳаммангиз қуролсиз, битта-биттадан ёлғиз келсангиз, ҳаммангизни кишанлаб, Англияга олиб бориб, одил суд қўлига топшириш мажбуриятини оламан. Борди-ю, келмасангиз, шуни билиб қўйингки, мени Александр Смоллетт дейдилар, манави байроқ остида туриб онт ичаманки, ҳаммангизни асфаласофилинга жўнатаман. Хазинани тополмайсиз. Кемада суза олмайсиз, чунки кемани

бошқарышни хеч қайсингиз билмайсиз. Жанг қилишга ҳам унча мохир әмассиз: ёлғыз Грейнинг ўзига бештандыз хужум қилдингиз, барибир у сизлардан қутулиб кетди. Капитан Сильвер, сиз саёз жойга ўтириб қолгансиз, ҳали-бери у ердан силжиёлмайсиз. Бу сиз мендан эши-таётган охирги ширин сўзлар. Янаги учрашувимизда куррагингизни тагига қараб ўқ узаман. Қани, туёғингизни шикиллатинг, азизим! Тезроқ!

Сильвернинг кўзлари ғазабдан чакнаб кетди. У чубу-ридаги чўғни қоқиб ташлади.

— Кўлингизни беринг, ўрнимдан туриб олай! — деб қичкирди у.

— Бермайман, — деди капитан.

— Ким менга кўлини беради? — бўкирди Сильвер.

Хеч ким жойидан жилмади. Сильвер бўралаб сўкинганича пешайвон олдига судралиб келди, уни ушлаганидан кейингина ўрнидан турди. У булоққа тупурди.

— Мен учун анови тупугим билан тенгсиз! — бакирди у. — Бир соатдан кейин бу алмисоқдан қолган истеҳко-мингизни ёғочли хумдаги ром сингари қайнатиб юбораман. Кулаверинглар, лаънатилар, кулаверинглар! Бир соатдан кейин бошқачасига куласизлар. Тирик қолганларинг эса, ўлганларга ҳавас қиласди!

У яна сўкиниб, кум устида қаловлаганича кетаверди. Девордан ошишга тўрт марта интилди, лекин ҳар гал йикиласверди. Нихоят оқ байроқли одам уни тортиб олди, улар бир зўмда дарахтлар орасида кўздан ўйиб бўлишиди.

XXI боб

ХУЖУМ

Сильвер ўйиб бўлиши биланоқ ундан кўзини узмай турган капитан орқасига ўгирилиб, факат Грейгина ўз жойинда турганини кўрди. Капитаннинг аччиқланганини биринчи марта кўрдик.

— Жой-жойингизга! — бўкирди у.

Биз шинаклар ёнига отилдик.

Грей, — деди у, — номингни кема журналига ёзиб қўяман. Сен ўз бурчингни чинакам денигизчидай бажардинг... Мистер Трелони, мени ҳайратга солдингиз, сэр!.. Доктор, сиз ҳарбий мундирда юрган эдингиз-ку! Ўз бурчин-

гизни Фонтенуа даврида ҳам шундай ўтаган бўлсангиз, тўшагингиздан тушмаганингиз ҳам маъкул эди.

Доктор шинак олдида ўз соқчилигини бошлаган, бошқалар мушкетларни ўқламоқда эди. Ҳаммамиз изза бўлдик – уятга қолдик.

Капитан индамай бизни кузатарди. Сўнг яна гап бошлади.

Дўстлар, – деди у, – мен Сильверни бортдан замбарак отгандай кутиб олдим. Мен жўрттага унинг қитигига тегдим. Унинг гапига кўра, яна бир соатдан кейин хужумга дучор бўламиз. Уларнинг биздан кўплигини биласиз, лекин биз истехком ичидамиз. Бундан бир дақика илгари бизда интизом бор деб айта олардим. Агарда енгишни истасангиз, уларни енга олишимизга шубҳа қўлмайман.

Кейин у навбат билан ҳар биримизнинг ёнимизга келиб, бу сафар ҳамма иш жойида эканлигини айтди.

Ёғоч уйнинг шарқ ҳамда гарб томондаги энсиз деворларида иккитадан шинак бор эди, холос. Эшик ўрнатилган жануб томонида ҳам иккита эди. Шимол томондаги деворда бешта шинак бор эди. Бизда етти кишига йигирмата мушкет тўғри келарди. Ҳар бир томоннинг ўрталиғига ўтинларни саржин килиб тахлаб қўйгандик. Ҳар бир тахловни стол деб атадик. Истехком химоячилари шошилиб қолмаслиги учун ҳар бир столга тўрттадан мушкет қўйгандик. Мушкетлар ўртасига қиличлар қўйилди.

– Ўтни ўчиринг, – деди капитан. – Ҳаво исиб қолди, тутун факат кўзни ачиштирияпти, холос.

Мистер Трелони ўчоқнинг темир панжарасини ташқарига олиб чиқди, чўёларни қум устига сочиб юборди.

Хокинс ҳали нонушта қилгани йўқ... Хокинс, нонуштангни олгинда, жойингга обориб туширавер, – деб давом этди капитан Смоллетт. – Тезроқ бўл дўстим, бўлмаса нонуштасиз қоласан... Хантер, ҳаммага трог таркат.

Биз ўз ишимиз билан овора бўлиб турарканмиз, капитан химоя режасини охиригача ўйлаб қўйди.

– Доктор, эшикни сизга топширамиз, деди у. – Кўзқулоқ бўлиб турасиз, лекин олдинга чиқиб, ўзингизни кўрсатманг. Ичкарида туриб отаверинг... Хантер, сен шаркий деворни эгаллайсан. Жойис, дўстим, сен гарбий деворни ол. Мистер Трелони, сиз мохир мергансиз, Грей билан икковингиз энг узун, бешта шинакли шимолий деворни оласиз. Бу энг хатарли томон. Агар улар шу

ергача чониб келиб, шинаклардан бизни ўкка тутадиган бўлсалар, ишимиз чатоқлашади... Хокинс икковимиз эса хеч балога арзимайдиган ўқчилармиз. Биз мушкетларни ўқлаб, хаммаларига ёрдамлашиб турамиз.

Капитан хақ эди. Қуёш дараҳтларнинг тенасидан мўралаши биланоқ кун исиб, туман тарқади. Кўп ўтмай кум товонларимизни куйдира бошлади, уйнинг ходаларни орасида эриган мум кўриниди. Биз камзулларимизни тирсаккача шимариб олдик. Иссик ва хаяжондан қизиб кетган хар қайсимиз ўз жойимизда шай бўлиб турардик.

Шу ахволда бир соат ўтди.

— Эҳ шайтон! — деди капитан. — Жуда зерикиб кетяпти-ку, одам. — Грей, бирорта қўшикни чалсанг-чи, хуштакка солиб.

Худди шу дамда бизга қарши хужумга тайёргарлик кўрилаётгани равшан бўлиб қолди.

— Сўрашга ижозат беринг, сэр, — деди Жойс: — бирортасини кўриб қолсанм отишм керакми?

— Албатта! — деб кичқирди капитан.

— Раҳмат, сэр, — деди Жойс аввалгида хотиржамлик ва ширинсуханлик билан.

Хеч қандай ҳодиса бўлмади-ю, лекин Жойснинг саволи бизни сергаклантириб қўйди. Ўқчилар мушкетларни шай қилиб туришар, капитан эса лабларини қимтиб, пешанасини тириштирганча, уй ўртасида тикка турарди. Бирдан Жойс мушкетини шинакдан чикарди-ю, ўқ узди. У узган ўқнинг овози тинмай туриб, чор атрофдан биз томонга кетма-кет ўқ ёғила бошлади. Бир неча ўқ ёғоч деворнинг ходаларига келиб урилди. Лекин бирорта хам ўқ ичкарига ўтмади, тутун тарқалгандан кейин ёғоч де-вор атрофидағи ўрмон аввалгида тинч ва осойишта эди. Бирорта япроқ хам кимирлаб қўймади. Буталар орасидан бирорта хам мушкетининг оғзи яркираб қўринмади. Душмайларимиз ерга кириб кетгандай гумдон бўлишганди.

— Бирортасига тегиза олдингми? — сўради капитал.

— Йўқ, сэр, — деди Жойс. — Тегиза олмаган бўлсанм керак, сэр.

— Тўғри галираётганингнинг ўзи ҳам яхши, — ғўлдиради канитан Смоллетт. Хокинс, унинг мушкетини ўқлаб бер... Доктор, чамангизда сиз томонингизда қанча ўқ узилди?

Бунга аник жавоб беришім мүмкін, — деди доктор Ливсі: — учта ўқ узилди. Учта ўт чақнаганнің күрдім — иккітаси ёнма-ён, биттаси орқароқда, ғарб томонда.

— Учта! — тақорлади капитан. — Мистер Трелони, сиз томонда қанча?

— Лекин бунга жавоб бериш қийин зди. Шимолдан күп ўқ узилганды. Сквайр — жамш еттіта. Грей эса саккызы ёки түккізета ўқ узилди деб ишонтириди. Шарқ ва Ғарб томондан фақат биттадан, холос. Демак, ҳужумни шимол томондан кутиш мүмкін, башқа томонлардан фақат дикқатни өзгөттеш үчүн отылған. Бирок капитан Смоллетт буйруғини ўзгартируды.

— Агар қароқчилар ёғоч девордан ошиб ўта олсалар, деди у, — ҳимоя килимәёттән истаган шинакин әгаллаб олиб, бизни ўз истеккомимизда каламушдай отиб ташлашады.

Лекин мuloхаза юритишга вактимиз оз зди. Шимол томонда түсатдаң кучли хайқирик янграды, унча катта бўлмаган қароқчилар тўдаси ўрмондан чиқиб, ёғоч девор томон отылди. Худди шу иайт яна ҳар томондан бизга ўқ уза бошлашди. Очик эшикдан киргаң ўқ докториниг мушкетини начақлаб ташлади. Ҳужум қилувчилар ёғоч девордан маймуналардай оша бошлашди. Сквайр билан Грей тинмай ўқ узишарди. Учта қароқчининг бири ичкарига, иккитаси ташкарига кулади. Лекин улардан бири ярадор бўлмай кўрқиб кетган экан, ўша захоти ўрнидан турди-да, ўзини ўрмоинга урди.

Иккитаси ерда ётарди, бири кочиб кетди, тўрттаси эсон-омон ёғоч девордан ошиб тушди. Етти ёки саккыз нафар қароқчи, ҳар қайсиси бир неча мушкет билан куролланиб олган бўлса керак, бутазорда ўтириб олиб, ўйнимизни ўққа тутишарди. Лекин бу ўқ узишлар бизга кеч қандай зарар келтирмаётганди.

Ёғоч девордан ошиб ўтиб ичкарига кириб олган тўрт қароқчи бақириб-чақириб уй томони чонишди. Ўрмонда ўтирганлар хам уларни рухлантириш учун бақиришди. Ўқчиларимиз тинимеиз отишар, лекин шу кадар шошилишардикли, айтидан бирор марта хам мўлжалга тегиза олишмади. Зум ўтмай тўрттала қароқчи теналикка чиқиб, бизга ҳужум бошлашди. Ўртадаги шинакда боцман Жоб Эндерсонининг боши кўринди.

— Ур уларни! Ур! — деб бўкирарди у.

Худди шу пайт бошқа бир қарокчи Хантер мушкетининг милидан ушлаб тортдп, сўнг шинакдан Хантерни қўндок билан шундаи туширдики, бечора ҳушсиз бўлиб ерга йиқилди. Бу орада учинчи қарокчи уй атрофидан бешикаст чопиб ўтиб, тўсатдан эшик олдида пайдо бўлди, килич билан докторга ташланди.

Шу пайтгача душманларимиз кай ахволда бўлса, биз ҳам шу ахволга тушиб қолгандик. Ҳозиргина инстирмадан химоясиз қарокчиларга ўқ отардик, энди бўлса хеч нарсанинг ортига яширинолмай душман билан қўл жангига тушишимиз керак эди. Уйнинг ичи порох тутунига тўлиб кетди, лекин у бизга қўл келди: тутун пардаси шарофати билан тирик қолдик. Қулоғим бақириқ, инграш ҳамда тўнионча овозларидан фувилларди.

— Ҳамлага, қўл жангига, олға! Қиличлар ишга солинсин! — қичкирди капитан.

Мен ўтиши тахлови устидаги қилични олдпм. Яна кимдир қилич олаётуб бармоғимнинг бўғинини кесиб олди, лекин мен оғрикни ҳам сезмадим. Мен ўзимни эшикка, қуёш нури томонга урдим. Кимлигини билмайман, орқадан яна биттаси чикди. Доктор рўпарамда ўзига ҳужум қиласан қарокчини тепаликдан пастга караб қувиб борарди. Докторнинг бир ҳамла билан унинг қўлидаги куролни уриб туширганини, юзига қилич согганини кўрдим.

Уй атрофига! Уй атрофига! — қичкирди капитан.

Умумий ғулғула, шовкин-суронга қарамай унинг овоздидаги ўзгаришни сездим. Гурухга беихтиёр бўйсунган холда шаркка бурилдим, қиличини кўтарганимча уй бурчагини айланиб ўтдим-у, Эндерсон билан юзма-юз келиб қолдим. У бўкирди, қўлидаги қилич қуёш нурида чараклаб, бошим узра камалак чизди. Мен қўрқишга ҳам улгуролмай қолдим. Зарбага чап бериб, юмшоқ қум томон чекиндим, қияликдан бошим билан пастга думладим.

Ҳужум пайтида, эшикдан югуриб чиккан пайтимда, бошқа қарокчилар бизни тугатиш учун аллақачон ёғоч девордан ошиб тушишмоқда эди. Тунги қизил қалпок кийган қарокчилардан бири қиличини тишлиганича пастга сакраш учун оғини девордан оширди. Теналикдан пастга қулаш шу қадар тез бўлдики, ўрнимдан турганимда ҳам ҳамма нарса боягидек эди: қизил қалпокли қарокчи ўша

холатда турар, бошқасининг эса боши ёғоч девордан энди кўрпимокда эди. Хархолда бир зумлик жанг тугаганди, биз ғалаба қилгандик.

Оркамдан югуриб чиқкан Грэй басавлат боцмани иккинчи бор хамла қилишига йўл қўймай, турган жойида қулатди. Иккинчи қароқчи уй ичига қараб ўқ узаман деб турганда шинакдан отиб ташланди. У қўлидаги тутиб турган тўппончасини чангллаганича қум устида жон аччиғида фужанак бўлиб ётарди. Учинчисини, юкорида айтганимдай, доктор ўлдирди. Девордан ошиб тушган тўртта қароқчининг биттаси тирик қолди. У қўлидаги қиличини жанг майдонига ташлаб, даҳшатдан жои талвасисига тушиб, қочиб қолиш учун ёғоч деворга тирмашди, лекин хар гал йиқилиб тушаверди.

— Отинглар! Уйдан туриб отинглар! — қичкирди доктор. — Пистирмадагилар, барака топинглар!

Бироқ унинг гаплари жавобсиз қолди. Ҳеч ким отмади. Ҳужум қилувчиларниң энг сўнгтиси эсон-омон ёғоч девордан ошиб, бошқалари билан бирга ўрмонга яшириди. Бир дақиқадан кейин, беш кишини ҳисобга олмаганда, ҳужум қилувчилардан ҳеч ким қолмади: улардан тўрттаси истехком ичиди, биттаси ташқарида ётарди. Доктор, Грэй ва мен ёғоч уйнинг ийғон ходаларн химоясида мушкетларимиз ёнига чопиб келдик. Порох тутуни таркалди, ғалаба биз учун қанчалик қимматга тушганини дархол пайқадик. Ҳантер ўз шинаги ённда хушсиз ётарди. Жойс миясидан ўқ еб, абадий уйқуга кетибди. Сквайр капитанни суяб турарди, иккаласининг ҳам юзи докадай оппоқ эди.

Капитан ярадор! — деди мистер Трелони.

— Ҳаммаси қочиб кетдими? — сўради мистер Смоллетт.

— Уддасидан чикканларниң ҳаммаси қочди, — деди доктор. — Лекин бештаси ҳеч қачон қоча олмайди!

— Бештаси! — қичкирди капитан. — Ёмон эмас. Улардан бештаси сафдан чиқибди. Биздан учтаси. — Демак, эндиликда тўрталамиз тўққизтага карши. Бу олдингидек, етти киши ўн тўққиз¹ қароқчига қарши курашгандан кўра яхши-да.

¹ Аслида қароқчилардан саккиз киши тирик колгай экан, чунки кема бортида мистер Трелони томонидан отиб ташланган киши ўша куни кечкурун ўлган. Лекин буни анча кечроқ билдик, албатта (муаллиф эслатмаси).

БЕШИНЧИ ҚИСМ

ДЕИГИЗДАГИ САРГУЗАШТЛАРИМ

XXII боб

ДЕИГИЗДАГИ САРГУЗАШТЛАРИМ

ҚАНДАЙ БОШЛАНДИ

Кароқчилар қайтиб келишмади. Ўрмондан уларнинг бирортаси хам ўқ узмади. «Улар бугунлик улушни олишди», – деди капитан. Биз бамайлихотир ярадорларнинг ярасини боғлашимиз, тушлик овқат хозирлашимиз мумкин эди. Бу гал сквайр билан мен ошпазлик килдик. Хавфли бўлишига қарамай овқатни ташкарида пиширишни афзал кўрдик, лекин у ерга хам ярадорларимизнинг вахимали инграшлари эшитилиб турарди.

Жангда жафо чеккан саккиз кишининг факат учтаси тирнк қолган эди. Булар шинак ёнида отилган қароқчи, Хантер ва капитан Смоллетт эди. Қароқчи билан Хантердан умид йўқ эди. Қароқчи кўп ўтмай операция пайтида ўлиб қолди; Хантер эса қанча уринмайлик ортиқ хушига келмади. У кун бўйи қовоқхонамизга қўнган кекса қароқчига ўхшаб хириллаб ётди. Лекин Хантернинг қовурғаси синган, йиқилаётганида пешанаси пачақланган бўлниб, у эртаси куни тун пайтида инграмасдан, хушига келмасдан жон берди.

Капитаннинг яраси қаттиқ азоб берса-да, унча хавфли эмасди. Ҳеч қаери қаттиқ жароҳатланмаганди. Биринчи бўлиб капитанга Жоб ўқ узганди, бу ўқ унинг курагини тешиб ўтиб, у ерини озгина ялаган эди. Иккинчи ўқ унинг қоқ курагига тегиб, пайига зарар етказганди.

Доктор: «капитан албатта тузалиб кетади, лекин у бир неча ҳафта мобайнида юрмаслиги, қўлини қимиirlатмаслиги, кўп гапирмаслиги керак», деб уқтиради.

Бармоғимининг бехосдан кесилган жойи ҳеч гап эмас экан. Доктор Ливси унга малҳам ёпиштириди-да, эркалатиб қулоғимдан тортқилаб қўйди.

Тушлик овқатдаи кейин сквайр билан доктор кенгашшиш учун капитаннинг ёнига ўтиришди. Кенгаш тезда тамом бўлди. Доктор шляпаси ва тўппончасини олди, киличини белига боғлади, харитани чўнтағига солди, ел-

касига мушкетини осиб, ёюч деворнинг шимол томонидан ошди-да, чакалакзор ичига кириб кетди.

Грей иккенинг оқсоқолларимиз нима ҳақда гаплашаётганларни эшитмаслик учун уйнинг нарғи бурчагида ўтирадик. Грей докторнинг ғалати хатти-харакатидан хайратта тушиб, оғзидағи чубугини олди-ю, уни яна оғзига солниши унуды.

— Бу нимаси! — деди у. — Доктор Ливси ақлдан озмагаимни ишқилиб?

— Ундай эмасдиров, — дедим. — У ҳаммамнездан кейиннек ақлдан озади.

— Шундай бўлса керак, — деди Грей. — Агар унинг ақли жойида бўлса, демак мен тентак эканман.

— Докторнинг бирорта режаси бордир, — деб тушунтиридим унга. — Менимча, у Бен Гани билан учрашгани кетди.

Кейинча бу фикрим тўғри бўлиб чиқди.

Бу орада уй ичи чидағ бўлмас даражада исиб кетди. Чошгоҳги жазирама ховлидаги күмни кизитиб юборди, шу пайт миямга bemaza бир фикр келиб қолди. Соя-салқин жойлардан кетаётган, қушларнинг сайрашинин эшитаётган, қарағай муми хидини исқаб бораётган докторга хавасим келиб кетди, чунки мен шу пайтда бу лаънати хумдонда қовурилаётган, кўнлакларим қайнок мумга ёпишаётган эди, бу ердаги ҳамма нарса ишон қони билан бўялган, ҳамма ёқда жасадлар думалаб ётарди.

Қалъамиз уйғотган жирканч ҳис даҳшат сингари бекнёс эди.

Мен полни, идиш-товоқларни ювдим, дақиқа сайни бу ердан каттиқроқ жирканга бошладим, докторга эса хавасим орта борди. Ниҳоят ўзимни қоқ нон тўла қоп ёнида кўрдим. Мени ҳеч ким кўрмади. Кошишга ҳозирлик кўра бошладим, камзулнмнинг ҳар иккала чўнтагини қоқ нон билан тўлғаздим.

Мени тентак деб айтишингиз мумкин. Мен жуда ахмоқона харакат қилиб, ўта қалтис иш тутаётган эдим, лекин қўлимдан келган барча эҳтиёткорликни кўрдим. Машави қоқ нон ҳеч бўлмагандан икки кун очлиқдан саклайди.

Кейин иккита тўппонча олдим. Ўқ ва порохлар ёнимда бўлгани учун ўзимни яхши қуроллангандай ҳис қилдим.

Аслида режам унчалик ёмон эмасди. Мен кўрфазимиизни очик денигиздан ажратиб турган қумлок тилга бориб,

кеча кечқурун күрганим оқ қояни тоғмоқчи, Бен Ганн ўз қайинин ўша ерга яширган-яширмаганини күрмокчи эдим. Назаримда бу арзигулик иш эди. Лекин мени бу ердан күйиб юбормасликларини сўёсиз билардим, шу важдан қочмоқчи бўлдим. Албаттга, бу ўз ниятларимни амалга оширишнинг аҳмоқона йўли эди, бора-бора ниятим хам чиппакка чикди. Мен қулай фурсат келишини кута бошладим.

Кўн ўтмай қочиш учун қулай фурсат юзага келди. Сквайр билан Грэй капитаннинг ярасини боғлай бошлиди. Йўл очик эди. Мен ёроч девордан ошиб, бутазор ичига шўнгидим. То менинг йўқлигимни сезиб қолгунларига қадар жуда узоқка кетиб қолгандим, ҳар қанча чақирганларида хам эшитмасдим.

Иккинчи ножӯя қилиғим биринчисидан хам ўтиб тушди, чунки истеҳкомда соғ одамлардан фақат икки киши қолганди.

Бироқ биринчиси сингари буниси хам кейинрок қарокчилардан халос бўлишимизга ёрдам берди.

Мен тўғри оролнинг шарқий соҳилига қараб жўнадим, чунки мени кемадагилар кўриб қолмаслиги учун тиллинг дengizga қараган томонидан боришини истамасдим. Қуёш хали ботмаган бўлса-да, кун оға бошлаганди. Ўрмондан борарканман, фақат олд томонда тўлқинларнинг тинимсиз гувиллашигина эмас, балки шоҳ-шаббаларнинг чувиллашию, баргларнинг шивири хам эшитилиб турарди қулоғимга. Бу эса бугун дengиздан эсадиган шабаданинг одатдагидан хам кучлироқ бўлишидан дарак берарди. Яна бир неча қадам юриб, ўрмон четига чиқдим. Каршимда уфққача чўзилган, қуёш нурида ярқираган дengиз ястаниб ётарди, соҳилга урилган тўлқинлар қайнар, кўпикланарди.

Хазиналар Ороли ёнида дengизнинг осойишта турганини бирор марта хам кўрмадим. Хатто қуёш чараклаб чиққан хаво турғун кунларда хам улкан тўлқинлар келиб, зарб билан кирғоққа уриларди. Оролда тўлқин гулдуросидан қочиб қутуладиган бирорта хам жой бўлмаса керак.

Сайр қилишдан роҳатланиб, кирғоқ бўйлаб кетдим. Ниҳоят жануб томонга керагича ичкари кирдим деган ўйда қуюқ буталарни пана қилиб, астагина юқорига, тил тенасига эмаклаб чинка бошладим.

Орқамда – денгиз, олдимда – кўрфаз. Денгиз шамоли ҳам ўз шиддатидан хоригандай тинчиди. Унинг ўрнини ўзи билан қуюқ туманни ҳайдаб келган, жанубдан ҳамда жануби-шарқдан эсгаи енгил, илик ҳаво оқимлари эгаллади. Скелет Ороли химоя қилиб турган бўғоз суви ҳам дастлабки кун кўрганимиздай кўроғшин тусли, кул ранг эди. «Испанъола» устуни учидан то ватер йўналишигача, шалинайнб қолган қора байроби билан бирга, сувда ойнадагидай равшан кўрининб турарди.

Кема ёнидаги қайнекка кўзим тушди. Қуйрукда Сильвер ўтиради. Уни истаган масофадан таний оламан. У кема борти орқали ўзига энгасиб турган иккита қароқчи билан сухбатлашарди. Улардан бирининг бошида қизил калпок бор эди. У якиндагина ёғоч девордан ошган ўша аблаҳ эди. Улар чакчақлашар, кулишарди, лекин орамиздаги масофа бир милча бўлгани учун уларнинг ганини эшига олмадим. Қулоғимга даҳшатли, инсоннига ўхшамаган товуш етиб келди. Олдинига кўркиб кетдим, лекин кейинроқ капитан Флинтнинг – тўти қушининг овози эканини англадим. Шу тоңда Сильвернинг қўлидаги олачипор қушни аник кўргандай бўлдим ҳатто.

Қайнек кемадан узоқлашиб, киреоқ томон йўл олди, қизил калпоқли киши эса шериклари билан кема бўлмасига тушиб кетди.

Күёш Кузатув Дурбинни орқасига яширинди, туман қалинлашди, қоронги тушди. Бугун қайнекни топадиган бўлсам, фурсатни бой бермаслигим лозимлигини фахмладим.

Оқ коя буталар орасидан яққол кўриниб турарди, лекин у анча йироқда, тил бўйлаб борилганда тахминан саккиздан бир миль нарида эди, унга етиб боргунимча анча вакт ўтди. Кўпинча буталар орасида эмаклаб бордим. Қўлим билан коянинг ғадир-будир сиртларини найпаслай бошлаган пайтимда аллақачон қоронги тушган эди. Унинг остида кўм-кўк тўсин билан копланган чоғроқни сойлик бор эди. Бу сойликни кум тепалар, тиззамдан аранг келадиган пастаккина буталар тўсиб турарди. Сойликининг энг настқам жойида эчки терисидан ясалган чодирни кўрдим. Англияда бунга ўхшаш чодирларни лўлилар ўзлари билан кўтариб юришади.

Мен сойликка тушиб, чодирнинг бир четини кўтардим ҳамда у ердан Бен Ганининг қайнекини топиб олдим. Бу қайнек барча ясама қайнеклар ичида энг қўлболаси эди.

Бен қатпік дараҳтдан бошини туташтириб, ўртаснни әгіб қийшиқ ром ясаган, унга жунини ичкарига қилиб әчки терисини тикиб қўйған әди. Қайык мана шундан иборат әди, холос. Бу қайнининг одамни қандай кўтаришини билмайман, чунки мен аранг сиғдим унга. Қайнүк ичінда пастаккина ўринидік, оёқ тирайдиган тиргак, иккі куракли эшкак бор экан.

Қадим замонларда британияликлар фойдаланган тўкима балиқчилик қайнукларини илгарн кўрмагандим. Лекин кейинроқ бунака қайнукларни яхши билиб олдим. Бен Ганининг қайнғини дурустроқ тасаввур қилишингиз учун унинг энг ибтидоий, энг беўхшов қайнуклардан бири эканлигини айтмоқчиман. Аммо шунга қарамай, унинг қадимий қайнуклардан афзал томонлари ҳам бор әди: у жуда енгил бўлиб, бир жойдан иккинчи жойга кўтариб бориш осон әди.

Қайнүкни топиб олгандан кейин мени блокгаузга қайтиб боради, деб ўйларсиз. Бироқ бу орада миямда яна бир янги режа пайдо бўлди. Ўз режамдан шу қадар мамнун әдимки, хеч қанақа капитан Смоллетт ундан мени воз кечтира олмасди. Мен тун корониғилгидан фойдаланиб, «Испанъола»га сузиб бориб, лангар арқонини кесиб юбормоқчи бўлдим. Майли, оким кемани қирғоққа, истаган жойга улоқтириб ташласин. Бугун эрталаб зарбага учраган қароқчиларнинг лангарни кўтариб, денгиз томонга жўнаб қолишиларига ишончим комил әди. Вақт борида бунга тўскилийлик қилиш керак. Кемадаги сокчилар ихтиёрида бирорта ҳам қайнүк қолмаган бир пайтда бу иштани хеч қандай хавф-хатарсиз амалга оширса бўларди.

Бутунлай корони түшишини кутиб қум устига ўтиредим-да, қок нонни ғажий бошладим. Мен амалга оширмоқчи бўлган иш учун бундан ҳам қулайроқ тунни тасаввур қилиш қийин әди. Кундузги сўнгти нурлар сўнгандан Хазиналар Оролини зимистон корониғиллик чулғади. Нихоят қайнүкни елкамга кўтариб сойликдан чиқдим, коқила-коқила сув томон юрдим, зимистон корониғилликда иккитагина шуъла кўринди: шуълаларнинг бири қирғоқда, боткоқликда ёқилган гулхан бўлиб, унинг атрофида қароқчилар ичқиликбозлик қилишаёттанди; иккинчи шуъла, аслида менга кўринаётган тумшуғи мен томонга қараб турган кеманинг қуйруқ ёқдаги ойнасидан тушаёт-

ган чироф ёруғын эди. Туман орасидан факат ёруғликка ўхшаган доғгина қўзга ташланарди.

Сув қайта бошлаганди, бу орада сув билан соҳил ўрталарида кенггина хўл кум йўлак яланоҷланиб қолибди. Орқага қайтаётган сувга етгунга қадар бир неча марта тўпифимгача лойга ботдим. Сувни бир оз кечиб бориб, чақконлик билан қаникни сув юзасига қўйдим.

XXIII боб

СУВ ҚАЙТИШИ ОҒУШИДА

Қайик, ўзим ўйлагандек, бўйи ҳам, оғирлиги ҳам менга ўхшаган одамга жуда мос экан, қайик жуда енгил эди, дам у томонга, дам бу томонга қараб илгарилаб кетарди, бунинг устига ёндори ҳам қинғир-қийшик эди, шунинг учун ҳам уни бошқаришнинг ҳеч имкони бўлмади. Ҳар кўйга солиб кўрмай, чандон уринмай чир-чир айланаверарди. Кейинрок Бен Ганинг ўзи эътироф қилишича, бу қайикда «унинг қилиғига аича кўниккан» одамгина суза олар экан.

Шубҳасиз, мен қайикнинг «қилиқ»ларига кўникишга улгурмаган эдим. У менга зарур бўлмаган томонга бурилиб кетаверарди. Ҳадеганда у қирғоқ томонга бурилиб қоларди, сув камайиши бўлмаганида кема олдига ҳеч қачон боролмасдим. Бахтимга, сув қайтиши қайиғимни суриб кетди. У мени тўппа-тўғри «Испанъола» томон олиб бораарди.

Аввало атрофимдаги зимиstonдан ҳам қорарок доғни пайқадим. Кейин кемани, унинг устунларини кўрдим. Бир зумдан кейин эса (чунки қанча йирокқа сусзам, сув қайтиши мени шунчалик тез суриб бораарди) ўзимни лангар арқони олдида кўрдим ва уни маҳкам ушлаб олдим. Лангар арқони камон ипидай таранглашган, кема зўр бериб арқонни узиб кетишга интиларди. Унинг остида қайтаётган сув тоғ селидай қайнар, шовқин соларди. Агар арқонга салғина пичоқ урсам бас, оқим «Испанъола» ни олдига солиб қувиб кетади.

Таранг тортилган арқонга дархол пичоқ соладнган бўлсам, у мени от тепгандай улоқтириб ташлашига ўз вактида ақлим етиб қолди. Үнда қайик ағдарилиб, ўзим сув тубига кетаман. Мен тўхтаб, кута бошладим. Агар

кулай фурсат келиб қолмаганида, әхтимол, ўз ниятимдан қайтган бўлардим. Лекин жануби-шарқдан, кейин жанубдан эслан енгил шабада тун бошланиши билан бора-бора жануби-ғарбий шамолга айланди. Тўсатдан эслан қаттиқ шамол «Испанъола»ни оқимга қарши суріб юборди. Бахтимга арқон салқиланиб, уни ушлаб турган қўлим сувга ботди.

Бир зумни ҳам бежудага ўтказмаслик лозимлигини билиб, буклама пичоғимни чиқардим, уни тишим билан очиб, бирин-кетин арқон толаларни кеса бошладим. Иккитагина тола қолганда арқон яна тортилди, шунда кейинги шамол эпкинини кута бошладим.

Кема бўлмасидан аллақачондан бери баланд овозлар эштилмоқда эди. Лекин очиғини айтсан, ўз ишим билан қаттиқ банд бўлганимдан уларга ҳеч қандай эътибор бермадим. Энди бўлса нима қилишимни билмай, уларнинг гапига қулоқ сола бошладим.

Бир вақтлар Флинтнинг қўлида тўпчи бўлган ўша Израэль Хенденснинг, иккинчи боцманинг овозини танидим. Иккинчи овоз, ўзубҳасиз халиги қизил қалпоқли қарокчиники эди. Икковининг овозидан ўларча маст эканликлари ва яна ичишаётгани сезилиб турарди. Улардан бири мастилик билан бақирганича қўйруқ деразасини очиб, сувга ниманидир улоқтириди, бу бўшаган шиша бўлса керак. Аммо улар факатгина ичмай, балки бўғилиб жанжаллашишарди ҳам. Ҳакорат сўзлари ёмғирдай ёғилар, назаримда иш муштлашувга борадигандай эди. Бироқ овозлар ҳам, жанжал ҳам тинди; кейин, бир неча дақиқадан сўнг жанжал янгидан бошланди.

Қирғоқда, дараҳтлар орасида ёнаётган гулханни кўрдим. У ёқда кимдир қадими, зерикарли, бир хил охангдаги матросча қўшиқни айтар, ҳар бир сатрнинг охирини увиллаш билан тугалларди. Сафаримиз вақтида бу қўшиқни кўп эшитгандим. Қўшиқ шу қадар узун эдикни, бирорта қўшиқчи ҳам уни охиригача қўйлашга қурби етмас, сабри тугагунча куйлайверарди. Ўша қўшиқнинг бир неча сатри ёдимда қолган:

Етмиш беш ўғлон қайтмади уйга.
Барчаси-барчаси дengiz каърида.

Бу ғамгии қўшиқ бугун эрталаб анчагина ўртоқларидан айрилган қарокчиларни қамраб олган қайғуга жуда мос

деб ўйладим. Бирок кўп ўтмай бу денгиз кароқчилариннинг ўзлари сузаётган денгиз сингарн тошбағир эканликларини ўз кўзим билан кўриб ишондим.

Нихоят навбатдаги шамол эпкни бостириб келди. Кема коронғилникда яна мен томон силжиди. Арқон яна салқиганини сездим, бир силтов билан сўнгти толаларни кесиб юбордим.

Шамол қайнұчамга ҳеч қандай таъсир қилмади, түсатдан ўзимни «Испанъола» борти ёнида кўрдим. Кема ўз ўки атрофида оқим кучи билан аста-секни бурила бошлади.

Хар дамда қайнұчам ағдарилишинн кутнб, кучим борича эшкак эша бошладим. Лекин мен ундан ҳеч нари кетолмасдим, кеманинг олд томонидан қўйруғигача астагина ҳаракат қиласдим. Нихоят у узоклаша бошлади, ана энди бу жағфли қўшиғичилникдан кутуларканман деб ўйладим. Лекин шу пайт қўлимга қуйруқ томонида осилиб турган кесилган арқоннинг учи кириб қолди. Ўша заҳоти унн махкам ушлаб олдим.

Нега бундаі қилганимни ўзим ҳам билмайман. Эҳтимол, ўйламасдан қилгандирман. Бирок арқон қўлимга киргач, унинг махкам боғланғанини билдим, синчковлигим тутиб кетиб, кема бўлмасининг думалоқ деразасидан ичкарига қарашга аҳд қилдим.

Арқонни қўздан кечириб, тепага кўтарилдим. Бу менга катта хавф туғдиради, чунки қайнұчча истаган найда тўнталишиб кетиши мумкни эди. Тикка туриб, кема бўлмасининг бир кисмини ҳамда шифтини кўрдим.

Бу орада кема билан унинг ҳамрохи қайнұчча оқим бўйлаб тез ҳаракат қила бошлади. Биз кирюқдаги гулхан билан бараварлашдик. Кема дентизчилар тили билан айтганда «тилга кирди», яъни тўлқинларин шовқин билан кеса бошлади, то деразадан ичкарига қарамагунча соқчиликка қолдирилган кароқчиларининг нега айюханиос кўтартмаганлигини тушуна олмадим. Ҳамма нарсани тушуниш учун ичкарига бир марта қараб қўйиншнинг ўзи кифоя эди. Мен эса, чиндан ҳам остимда ўйноклаётган қайнұч устида турганча кема бўлмаси ичига бир мартағина назар ташлашим мумкни эди. Карасам Хендс билан унинг ўртоғи бир-бирининг ёқасидан олиб, ўлгудек муштлашишарди.

Мен ўриндиққа ўтиридим. Йўқса, яна бир зумдан кейин қайнұччанинг тўнталиши турган гап эди. Кўз олдимда ҳамон тутаб ёнаётган лампа нурида юзи қизариб, кўзи

конга түлган қарокчилар турардн. Мен қоронилицка янада ўрганиш учун кўзларимни юмдим.

Охири йўқ қўшиқ тугаб, гулхан атрофида базм қилаётган қарокчилар менга таниш ашуланни бошлишди:

Ўлик сандигига ўн бешта одам.
Йо-хо-хо, бир шиша ром!
Қадаҳ ол, ўлимга бошлар шайтон ҳам,
Йо-хо-хо, бир шиша ром!

Хозир ром билан шайтон «Испанъола» кема бўлмасида қизик хангомалар кўрсатиши хақида ўйлаб турарканман, ногаҳоний каттиқ силкинишдан ҳайратга тушдим. Қайиқчам ёнбошга оғиб, бирдан йўлини ўзгартирдн. Оқим тезлиги ҳайрон қоларли даражада ошди.

Кўзимни очдим, атрофимда майда тўлкинлар нурсиз ялтираб, тарам-тарам бўлиб кўпикланар, шовкин соларди. Оқим мени бир неча ярд нарига улоктиргандай эди. Коронилицка кема устунлари зўрга кўринардн. Ҳа, тикилганим сайин оқим кемани жанубга томон сурпб кетаёттанига кўпроқ ишонч ҳосил қила бошлидим.

Ортимга қарадим. Кўркувдан юрагим тарс ёрилиб кеттандай бўлди. Чунки қарокчилар гулхани орқа томонимда ёниб турарди. Демак, оқим бирданнга ўнг томонга бурилибди-да, баланд кемани ҳам, ўйноклаётган қайиқчамни ҳам суриб кетибди. Кучли оқим тобора каттиқ шовиллаб, баланд-баланд тўлкинлар ҳосил қилиб, бизни тор бўғоз орқали деңгизга судраб бормоқда эди.

Тўсатдан кема бир марта, каминда йигирма градус бурилди, худди шу пайт олдин бир марта, кейин яна бошқа бировнинг бақирган товушини эшитдим. Зинада оёклар дунури эшитилди, мастрлар мушглашишини бас килганлигини англадим. Фалокат уларни сергаклантириб қўйганди.

Мен кичкина қайиқчамнинг тубига ётиб олдим-у, ўзимни тақдирнинг кўлига топширдим. Бўғоздан чиқиб, дунёнинг барча ташвишларидан дархол ҳалос қиласидиган омоисиз тўлкинлар кучогига тушамиз. Ўлимдан кўрқмасдим-у, лекин кимирламай ўлимни кутиб ётиш анча азоб эди.

Ана шу ахволда бир неча соат ётдим. Тўлкинлар мени қайиқ билан итқитар, устимга сув сачратар эди. Ҳар бир янгидан урилган тўлкин мукаррар ўлимнинг ўзи эди. Лекин бора-бора хоринлик мендан устун чиқди.

Ахволимнинг тахликали бўлишига қарамай уйқуга толдим. Ухлаб қолганимда эса тушимга туғилган жойларим хамда кўхна «Адмирал Бенбоу» кирибди.

XXIV боб

ҚАЙИҚЧАДА

Уйғонганимда кун ёришиб қолганди. Оқим мени Хазиналар Оролининг жануби-гарб сохили бўйлаб олиб кетаётганини билдим. Куёш чиқиби, лекин уни Кузатув Дурбинининг дентизга томон тушиб келган, чиқиб бўлмас тизма коялари тўсиб турарди.

Буксир Калласи хамда Бизань-устуни тепалиги ён томонимда эди. Тепалик яп-яланғоч, қоп-қора эди. Каллани эса баландлиги кирк-эллик фут келадиган коя тошлар ва ағдарилиб ётган коялар куршаб олган эди. Мен турган жойдан оролгача чорак миль келарди. Эшкакни олиб, қирғок томон сузмокчи бўлдим.

Бирок тезда бу фикримдан қайтишга мажбур бўлдим. Ағдарилиб ётган коялар орасида тўлқинлар қутурар ва ўкирар эди. Қудратли тўлқинлар бирин-кетин қувалалишиб, сув ва кўпик сачратиб, шовқин солиб кўкка сапчирди. Қирғокка яқинлашиб, ё ана шу тўлқинлар орасида ҳалок бўлишимни, ё чиқиб бўлмайдиган кояларга чиқишга беҳуда уринишими англадим.

Лекин мени қўркитаётган нарса факат шугина эмасди. Стол сингари сип-силлик коялар устида кандайдир улкан, силлик маҳлуқлар, аллақандай баҳайбат моллюскалар юришарди. Баъзан улар шалоплатиб сувга сакрашар ва шўнғиб кетишарди. Улар бир гала эди. Улар итга ўхшаб хурав, уларнинг овози қоя тошларга бориб урилар ва акс-садо бўлиб қайтарди.

Кейинроқ улар жуда хам ювош дентиз арслонлари эканлигини билдим. Бироқ уларнинг кўриниши вахимали, сохил эса чиқиб бўлмас, қирғок тўлқинлари кояларга қутуриб урилар эди, шу важдан орол томонга сузишдан хафсалам пир бўлди. Ана шундай хавф-хатарлар билан юзма-юз учрашгандан кўра очик дентизда очликдан ўлганим афзалроқ эди.

Бу орада халос бўлишим учун бошқа бир имконият туғилди. Буксир Калласининг шимол томонида сув

қайтишида сал-сарық қумлок саёзлик очилиб
Ундан сал шимолроқда эса бошқа бир бурун – харита-
мизда Ўрмон буруни деган ном билан белгиланган бурун
хам бор эди. Бурун то сувгача улкан, күм-күк қарагайлар
билан қонланган эди.

Сильвернинг, Хазиналар Оролининг ғарбий кирғози
бўйлаб шимолга караб юрадиган оқим бор, деган гали-
ни хотирладим. Буксир Калласидан ўтиб, ортиқча куч
сарфламай, кўзимга анча файзли бўлиб кўринган Ўрмон
бурунинг яқинлашишга аҳд қилдим.

Денгиз мавжланиб туради. Жануб томондан менинг
оқим бўйлаб сузишимга ёрдам бераётган мулоийим шаба-
да эсарди. Тўлқинлар бир меъёрда кўтариilar ва настга
тушарди.

Агар шамол кучлирок эсганда аллақачон чўкиб
кетган бўлардим. Лекин бир текис шамолда хам мит-
ти қайнұчанинг илгарила бораётганини кўриб хайрон
колади киши. Қайнұчанинг тубида ётиб олиб, атрофга
назар ташлаб борарканман, бошим узра кўкка сапчиган
улкан мовий тўлқинларга бир неча марта кўзим туш-
ди. Мана, ҳозир устимга шовилла бушади, деб юра-
гим ҳанриқиб кетарди ҳар гал... Лекин қайнұчам тўлқин
келганда бирор итқитиб юборгандек енгилгина ўйноклаб,
тўлқин елкасига миниб олар, кейин ҳудди күш сингари
силлиқкина яна настга тушарди.

Бора-бора дадиллашиб, хатто эшкак эшишга хам
журъат қила бошладим. Аммо мувозанат сал ўзгарса
қайнұчамининг йўналишига ёмон таъсир қиласди. Оз-
гина кимирлаб қўйгандим, қайнұчам силлиқ кетишини
ўзгартириб, шитоб билан тўлқин устидан ўзини гирдобга
урди, менинг эса бошим айланиб кетди. Қайнұчча сув
сачратиб, тумшуғи билан бошқа бир тўлқинга урилди.

Кўркқанимдан юрагим ёрилиб кетаёзди, жиққа хўл
бўлиб яна қайнұчча тубига ётиб олдим. Назаримда
қайнұчча шу ондаёқ ўзини ўнглаб олиб, яна илгаригидек
эҳтиёткорлик билан тўлқинлар оралаб олға олиб кетаёт-
гандай бўлди мени.

Менга эшкак эшиш мумкин эмаслиги аён бўлди.
Бирор кирғозка қандай қилиб чиқаман?

Мен кўркдим-у, аммо ўзимни йўқотиб қўймадим. Ав-
вало матросча шалкам билан аста-секин қайнұдаги сувни
олиб ташлай бошладим, кейин қайнұчанинг тўлқинлар

узра нега бунчалик енгилгина сузib бораётганини тушу-
нишга уринидим. Қирғок ёки кема борти ёнидан атрофга
таралаётган улкан, теп-текис, сип-силилк түлкин тоғлари
асында нотекис, кирралы чүккілары, тик ён бағирлари
водийларга туташган тоғ тиизмаларига ўхшарди. Қайықчам
эса, усталик билан чап беріб, доим тик ён бағир ва
чүккілардан қочиб, оралиқдаги водийларни танларди.

«Жуда соз, — деб ўйладим, — энг мухими жимгина
ётиб, мувозанатни бузмаслык керак экан. Лекин баъсан
текис жойлар келиб колганида қирғокқа яқынлашиш учун
оғзина эшкак эшса ҳам бўларкан».

Худди шундай қилдим. Жуда ноқулай вазиятда, ён-
бошлаб ётганимча баъсан эшкак эшиб, қайықчани орол
томон йўналтирадим.

Бу жуда зерикарли, сусткаш иш эди, лекин шундай
бўлса-да, баъзи ютукларни кўлга киритдим. Аммо Ўрмон
буруни билан бараварлашганда, гарчи қирғок мендан бир
неча юз ярд нарида бўлса ҳам, унинг ёнидан тез ўтиб
кетишимни пайқаб қолдим. Мен кўм-кўк, баланд дараҳт-
ларнинг учини кўриб туардим. Улар шабадада тебра-
карди. Кейинги келадиган бурундан ўтиб кетмаслигимга
ишончим комил эди.

Вакт ўтиб борарди, мени эса ташналик азоблай бош-
лади. Қуёш чараклаб туар, унинг нурлари денгиз
тўлқинларида жилва қиласади. Юзимдаги денгиз сувлари
курий бошлади, хатто лабларим юпқа туз қатлами билан
қопланди. Томоғим куриб, бошим оғрирди. Дараҳтлар
шундоқ, яқингишнада эдики, гўё мени имлаб чақпаратди
дэнг! Бироқ оқим мени бурун ёнидан тез олиб ўтиб кет-
ди. Очик денгизга чикиб қолишим ҳамма режаларимни
ўзгартириб юборди.

Рўпарамда, ярим миљ, эхтимол ундан ҳам оз ма-
софада ҳамма елканлари қаппайиб сузib бораётган
«Испанъола»га кўзим тушди. Мени кўриб қолиб, ке-
мага чиқариб олишади, бу аник. Ташналик шунчалик
кйнардики, кемани учратганимга хурсанд бўлишни
ҳам, замга ботишни ҳам билмасдим. Лекин узоқ ўйлаб
ўтирамадим, чунки мен зўр таажжубда қолдим. «Испанъо-
ла» гrott¹ ҳамда иккита кливер² билан келарди. Хаддан
ташқари чиройли, қордек оппоқ елканлари қуёш нурида

¹ Гrott — гrott устундаги пастки елкан.

² Кливер — фок-устун олдидағи учбұрчак елкан.

кўзни камаштиради. Дастреб кўрганимда унинг хамма елканлари қаппайган эди. У шимоли-фарб томонга борарди. Мен кемадагиларни оролдан айланаб ўтиб, олдинги тўхтаган жойларига бормоқчилар шекилли деб ўйладим. Кейин кема тобора фарбга бурила бошлади, шунда мени кўриб қолиши, хозир кемага олишади деган фикр миямга келди. Тўсатдан у тўппа-тўғри шамолга қарши бурилди. шалвираган елканлари билан ночор тўхтади.

«Вой айкполвонлар-эй! — дедим ўз-ўзимга. — Ўлардай ичишганга ўжшайди!

Мана шунақа кема бошқаришгани учун капитан Смоллетт уларни доим боплаб сўкарди-да!

Бу орада кема галсдан-галсга¹ ўтиб, бир айланди-да, бир-икки дақиқача тўғри сузиб бориб, яна тумшуғи билан шамолга қарши туриб қолди ва яна тўхтади. Бу хол бир неча марта тақрорланди. «Испаньола» гоҳ шимолга, гоҳ жанубга, гоҳ шаркка, гоҳ фарбга томон елканларини шапиллатиб сузар ва тағин илгариги йўналишига тушиб қоларди. Кемани ҳеч ким бошқармаётгани менга маълум бўлди. Одамлар қаёкка кетди экан?

Улар ё қаттиқ маст, ё кемани ташлаб кетишган. Агар унга чиқсан, балки кемани ўз капитанига қайтариб бера оларман.

Оқим кема билан қайнұчани бир хил тезликда сурар, лекин кема галсни тез-тез ўзгартирап, тез-тез тўхтар, умуман жойидан жилмасди. Агар қайнұчада ўтириб, эшкак эшсан уни шубҳасиз қувиб етардим. Тўсатдан менда кемани қувиб етиш фикри туғилди. Янги саргузаштлар иштиёқи камраб олди вужудимни, чучук сув хақидаги фикр эса бу ахмоқона аҳдимни икки хисса кучайтириб юборди.

Үрнимдан турдим, ўша захоти бошимдан-оёғимгача тўлқин сапчиди. Лекин энди бу мени чўчитолмади. Мен ўтириб олдим, бутун кучимни йиғиб, аста эшкак эша бошладим. Мен ҳеч ким бошқармаётгандан «Испаньола»нинг орқасидан қувишга тушдим. Бир марта тўлқин мени шундай улоқтириди, юрагим кинидан чиқиб кетаёзди. Мен тўхтаб, қайнұчадаги сувни деңгизга тўка бошладим. Лекин кўп ўтмай қайнұчанинг қилиғига тушуниб олдим, уни ўйноклаётгандан тўлқинлар орасидан аста юргиза бошладим,

¹ Галс — кеманинг шамол эсишига нисбатан йўналиши.

шундан кейин ахён-ахёnda кўпик ва сув зарралари юзинга уриладнган бўлди.

Мен билан кема оралиғидаги масофа тез кискара борди. Кема айланадиганда ярқираган мис румпелни¹ кўрдим. Кема саҳнида тирик жондан асар хам йўқ. Қарокчилар қочиб кетган бўлсалар керак. Кошишмаган бўлишса умумий хонада «ўчиб» ётишгандир. Уларни қамаб қўяманда, кемани нима қилсан қиласавераман.

Нихоят ишим ўнгидан келди: шамол бир оз тинди. «Испанъола» оқимга бўйсуниб, ўз ўқи атрофида айланадиганда бўшлади. Унинг куйруғига кўзим тушди. Кема бўлмасининг тўғарак деразаси очик эди. Гарчи аллақачон кун ёришиб кетган бўлса-да, стол устида ёниб турган чироқни кўрдим. Грот байроқ сингари осилиб қолибди. Кема оқим бўйича ҳаракат қилаётгани учун юришини сенилатди. Ундан анча ортда қолиб кетгаидим, мана энди қаттиқроқ ҳаракат қилиб, уни қувиб ётишим мумкин эди.

Шамол яна елканларни шиширганда кемадан юз ярдача узокроқда эдим. У чап галсга бурилди ва тўлқинлар устидан қалдирғоч сингари ела кетди.

Аввалига алам қилди, кейин хурсанд бўлдим. Кема доира ясад менга томон кела бошлади.

Ана, ўртадаги масофанинг ярмини, учдан бирини, кейин тўртдан учини босиб ўтди. Унинг форштевени² остида тўлқинларнинг кўникланганини кўриб турадим. Митти қайиқчам олдида у улкан тоғ бўлиб кўринди.

Тўсатдан мени катта хавф кутаётганини фахмлаб қолдим. Ўйлаб ўтиришга вақтим йўқ эди. Кутулишга уриниб кўриш керак эди. Кеманинг тумшуғи катта бир тўлқинни кесиб ўтганда мен ундан бериги тўлқин устиди эдим. Буширит боини устига келиб қолганди. Шунда ўрнимдан салчиб турдим-у, баландга сакрадим, қайиқча сувга чўкиб кетди. Кўлим билан утлегарни³ ушлаб қолдим, оёғим штаг⁴ билан брас⁵ оралиғига тушиб қолди. Даҳшатдан дамимни ичимга ютиб, арконларга осилиб қолдим. Енгилгина силкиниш кема қайиқчамни чўқтириб

¹ Румпель – рулни бошкарадиган ричаг.

² Форштевень – килнинг давоми, кеманинг олд томонидаги учи.

³ Утлегар – бушпритнинг давоми.

⁴ Штаг – устунни ушлаб турадиган аркон.

⁵ Брас – елкан боғланадиган кўндаланг ёючни буриш учун хизмат қиласадиган аркон.

юборганиндан дарак берди, эндиликда «Испаньола»дан хеч қаёққа кета олмасдим.

XXV боб

«ХУШЧАҚЧАҚ РОДЖЕР»НИ ТУШИРАМАН

Буширнітта чиқиб олишим биланоқ чайқалаётган клипер түп овозига ўхшаган товуш билан қарсилаганича қаппайды ва бошқа галсга бурилди. Кема тағигача силкиниб кетди. Бирок бир зум ўтмай, гарчи қолган елканлар қаппайиб турған бўлса-да, кливер яна қарсиллади ва шалвираб қолди.

Ногаҳоний силкинишдан сувга қулашимга бир баҳя қолди. Вақтни ўтказмай бушприт бўйича ўрмаладим ва бошим билан кема бўлмасига йиқилдим. Мен ўзимни бакининг шамол уриладиган томонида кўрдим. Грот кеманинг бир қисмини мендан яшириб турарди. Бирорта ҳам тирик жон кўринмасди. Исён бошланган кундан бери ювилмаган кема сахнини ифлос оёқ излари босиб кетган эди. Учи синган бўш шиша у ёқдан-бу ёкка думаларди.

Тўсатдан «Испаньола»ни яна шамол сурисб кетди. Орқа томонимда кливерлар қаттиқ қарсиллади. Руль бурилиб, кема силкинди. Шу пайтнинг ўзида грот-гик¹ бир томонга сурилди, шкот² устунга тегиб инжирлади, шу пайт кеманинг қўйруғига кўзим тушди.

Иккала қарокчи ҳам қўйруқда әкан. «Кизил қалипоқ» кимирламай осмонга қараб ётарди. Унинг қўллари мажақланганидан иккى томонга чўзилган, тишлари тиржайиб турарди. Израэль Хендс калласини кўкрагига осилтириб, фальшбортда³ ўтиради. Қўллари шалвираб осилиб қолган, офтобда қорайганига қарамай, юзлари доқадай оқарив кетганди.

Кема жаҳли чиққан отдаи тикка турди. Елканлар галсдан галсга ўтиб шишиди, гиклар шу қадар зўр куч билан харакат қилдики, устунн аянчли инжирлай бошлади. Гоҳ-гоҳ кема тумшуғи тўлқинларни ёриб ўтар, шунда

¹ Гик – елканнинг куни четини тортиб боғланадиган горизонтал ёюч.

² Шкот – елканнинг куйя учини бошқарадиган аркон.

³ Фаъшборт – кема бўлмасидан юкорида бортнинг давом этган қисми.

майдында сүв зарралари булуттадай фальшборт устидан ошиб ўтарди. Ҳозиргина чўкиб кетган қўлбола ўйиоқи қайнікчам жиҳозланган бу катта кемага караганда тўлқинларни осонгина бартараф қиласарди.

Кема ҳар сплкнингданда қизил қалпокли кароқчи сапчиб тушарди. Бирок менин кўрқувга солган нарса шуки, унинг юз инфодаси ўзгармас — ҳамон аввалгида тиржайиб ётарди. Ҳендык эса, ҳар силканини тобора кўйрук томонга силжиб борарди. У секин-секин бортгача сурпилиб борди, унинг оёклари кема четидан пастга осилиб қолди. Мен унинг бир қулоғини ҳамда жингалак чекка соқолини кўриб қолдим, холос.

Худди шу пайт уларнинг ёнидаги кема сахни тахталари қонга бўялганини кўрдим, улар масти ҳолда олишганда бир-бирига тир суккан бўлса керак, деб ўйладим.

Кема озгина муддатга тўхтаганида бирдан Израэль Ҳендык охистагина инграб, аввалги жойига сурилди. Нихоятда ҷарчаганлик аломати бўлган бу аянчли нола, унинг пастки жағларининг осилиб тушганлиги юрагимда бир зум шафкат хиссини туғдириди. Бирок олма солинган ёроқ ҳумда ўтириб эшитган сухбатини эсладим-у, бу шафкат хисси дархол йўқолди.

Мен грот-устунни ёнига келдим.

— Мана, яна кемадаман, мистер Ҳендык, — дедим ис-техзо билан.

У бошини аранг кўтарди, у шу кадар масти эдики, мени кўриб ажабланмади ҳам. У факат:

— Бренди!¹ дея олди, холос.

Вақтни ўтказиш мумкин эмаслигини тушундим. Кема сахнини тўсиб турган гроттик остидан сирганиб ўтиб, зинаноядан кема бўлмаснига қараб чопдим.

У ердаги ағдар-тўнтарни тасаввур қилиш қийин. Ҳамма кутиларнинг кулфи синдирилганди. Қароқчилар харита қидиришган бўлсалар керак. Пол усти қароқчилар иччиликбозлил қилган ўша ботқоқликдан этигига олиб келган лой билан чапланганди. Оқ бўёқ билан бўялган ҳамда олтин ранг нақш билан оро берилган панжараларда ифлос бармоқларнинг изи қолганди. Ўнларча бўшаган шишалар ҳар кема силкнингдан шакир-шуқурлаганича у бурчакдан-бу бурчакка думаларди. Докторнинг тиббиётта оид китоб-

¹ Бренди — англия ароғи.

ларидаң бири стол устида очык ётибди. Ушинг ярмидан күпрок варағи нұқ әди: әхтимол, тамаки чекиши учун ширип олингандыр. Ана шундай ағдар-тұнтар орасыда хираги на чирок аввалғидаі чирспиллаб ёнарды.

Тагхонага түшдім. Ёғоч хұмлар құрингасы; олам-жахон бүшаган шишалар полда думалаб ётарды. Қарокчилар исен бошланғандан бүең бирор күн хүшер бўлишмаганини фахмладым.

У ёқ-бу ёқни титкилаб, Хендсга бир шиша ичилмай қолган бренди топдым. Үзим учун озгина қоқ нон, қуруқ мева, бир сиқим майиз хамда бир бўлак пишлок олдим.

Кема сақнига чиққач, буларнишг ҳаммасини боцман ололмаслыгы учун ундан нарироққа — руль ёнига қўйдим.

Мен анкеркадан¹ тўйиб сув ичдим, шундай кейингина Хендсга шишани узатдим. У ичимликнинг ярмини ичгандан кейнингина шишадан оғзини узди.

Момақалдирок ҳаққи онт ичиб айтаманки, — деди у, менга худди шу нарса керак әди. Мен бурчакка ўтириб олиб овқатлана бошладим.

Оғир яраланднингизми? — деб сўрадим ундан.

Доктор шу ерда бўлганида дархол тузалиб кетардим, — деди у қандайдир хириллаган овозда. — Лекин кўриб турибсан, омадим юришмаяпти... Манави қаламуш ўлиб қолди, деб кўшимча қилди у қизил қалпоқлига томон ишора қилиб. Яхши деңгизчи эмасди... Сен қаёқдан келиб қолдинг ўзи?

Мистер Хендс, мана шу кемага қўмондонлик қилгани келдим, дедим. — Бундан бүён навбатдаги кўрсатма бўлмагунча менин ўз капитанингиз деб хисоблайверинг.

У менга хўмрайиб каради, лекин ҳеч нарса демади. Ушинг юзларига сал кон югурди, бирок у касалга ўхшар, кема ҳар силкингандан ёнбошинга оғиб кетарди.

Бирок, — деб давом этдим, менга манави байрок ёқмаяпти, мистер Хендс. Рухсат берсангиз, уни тушариб қўярдим. Бундан кўра кема байроқсиз бўлгани дуруст.

Мен устун ёнига югуриб бордим, гикдан ўзимни четта олиб, зарур аркоши тордим, лаънати қора байроқни тушариб, бортдан ошириб деңгизга улоқтирдим.

— Эй худо, қиролни ўз паноҳиңда сақла! Йўқолсин капитан Сильвер! — деб қичкирдим шапкамни силкитиб.

¹ Анкерка — сув куйилган ёғоч хұмча.

У бошинин күттармай мени диккат билан кузатди, юзларида айёrona ифода жилва қилди.

— Мен — ўйлайманки... — деди у ниҳоят, — мен ўйлайманки, капитан Хокинс, кирюкка күнсак эътироz билдиrmassiz. Келинг, шу ҳақда гаплашайлик.

— Майли, — дедим, — бажонидил, мистер Хендс. Давом этинг. Мен яна овқатим ёнига қайтиб келиб, иштаха билан тушира бошладим.

Манави одам... — деб гап бошлади у жасад томонга аранг ишора қилиб, — уни О'Брайен дейишарди... ирландиялик... Биз у билан елканларни қўйиб, кўрфазга қайтмоқчи бўлдик. Лекин у ўлиб қолди, трюм ичига кириб қолган қўланса сувдай сасиб ётибди. Кемани энди ким бошқаар экан, билмайман. Менинг кўрсатмаларимсиз кемани эплай олмайсан. Менга қара, менга тишга босгулик ва томоқни хўллайдиган бирон нима бер, жароҳатимни шарф ёки рўмол билан боғлаб кўй, бу хизматинг эвазига кемани қандай бошқаришни кўрсатаман. Розимисан?

— Шуни яхши биллингки, — дедим, капитан Кидд тўхтаган жойга қайтиб бормоқчи эмасман. Мен кемани Шимолий тўхташ жойига олиб бормоқчиман, у ерда кирюкка яқинлашиш қулайрок.

— Бўити! — деди у. — Наҳотки шунчалик тентак бўлсам? Наҳотки шуни тушунмасам? Мен ишни бой берганлигимни, омад сеники эканлигини жуда яхши тушуниб турибман. Хўш? Шимолий тўхташ жойига бормоқчимисан? Марҳамат. Мен нима ҳам кила олардим. Момақалдирик хаққи онт ичинб айтаман, ўзим осиладиган дор тагигача ҳам кемани бошқариб боришингга ёрдам бераман.

Назаримда унинг гапларнда жон борга ўхшади. Биз битим туздик. Уч дақиқадан кейин эса, «Испаньола» Хазиналар Ороли соҳилини ёқалаб, мувофиқ шамолда илгарилаб кетди. Мен сув кўтарилгунга кадар Шимолий тўхташ жойига кириб олиш учун Шимолий бурунни тушгача айланиб ўтишга умид боғлаган эдим. Ана ўшанда ҳеч қандай хатарсиз «Испаньола»ни кирюкка якни олиб бориб, сув пасайишини кутамиш, сўнг кирюкка чиқамиз.

Мен румпелни маҳкамлаб, пастга тушдим, ўзимнинг сандиқчамни тоидим, ундан онам совға килган юшшок шойи рўмолчани олдим. Хендс менинг кўмагимда ана шу рўмолча билан биқининдаги силқиб турган конни, чуқургина жароҳатини боғлади. У озгина овқат еб, бир-

икки қултум бренді ичгач сал тетикланды, түғри ўтириб олди, әнди у қаттықроқ ҳамда аникроқ галира бошлады, бутунлай бошқа одам бўлиб қолди.

Майин шабада эсарди. Кема қушдай учиб боряпти. Сохил линиллаб ўтарди. Ҳар дақиқада уннинг кўриниши ўзгариб турди. Оролнинг баланд қисмни оркада қолди. Биз пакана қарағайлар ўсган, настак қумлок сохил ёқалаб борардик. Бу ҳам тамом бўлди. Биз қоялн тена-лпкни — оролнинг энг шимолий қисмини айланиб ўтдик.

Кемани бошқарни ёқиб қолди менга. Ҳаво мусаффо, қуёш чараклаб турибди, сўлим қирғокларни кўриб кўз қувонарди. Овқатим, ичимлик сувим етарли эди, истехкомдан кочиб кетганим учун ортиқ виждоним азобланмасди, чунки катта ғалабани қўлга киритгандим. Агар боцманинг кўзн бежо ўйнамаганида ҳамма нарсадан мамнун бўлардим. У мени истехзо билан муттасил қузатар, вакти-вакти билан уннинг юзида ғалати кулги пайдо бўлиб қоларди. Бу кулгига аллақандай ожизлик, азобукубат маъноси бор бўлиб, у чолларнинг ғамгин кулгинини эслатарди. Шу билан бирга бу кулгига аллақандай захарханда, хониллик аломати ҳам бор эди. Мен тинмай ишлардим, у эса тиржаяр, мендан сира кўзини узмасди.

XXVI боб

ИЗРАЭЛЬ ХЕНДС

Бизга ёқишга иштилгандай жанубдан эсаётган шамол ғарбдан бошлади. Биз хеч қандай қийинчиликсиз оролнинг шимоли-шарқ томондаги этагини Шимолий тўхташ жойига киргунга қадар айланиб ўтдик. Бироқ сув кўтарилини бошланмасдан бурун кўрфазга киргани кўрқидик, чунки лангарнимиз йўқ эди. Кутиш лозим эди. Боцман менга кемани дрейфга қандай кўйишни ўргатди, ҳадемай катта мувафаққиятларни қўлга киритдим. Кейин иккаламиз жимгина ўтириб овқатлана бошладик.

— Капитан, — деди у ниҳоят ҳамон ўша ёқимсиз табассум билан, — бу ерда қадрдан дўстим О'Брайен дума-лаб ётибди. Уни сувга ташлаб юбормайсанми? Мен унчалик нижиқ одам эмасман. Уни нариги дунёга жўнатганим учун виждоним азобланмайди ҳам. Лекин менимча у кемамизнинг хуснини бузиб турибди. Сенингча қандай?

Кучим етмайды. Бундан ташкари, бунака иш күнглигимга хуш келмайды. Менимча, ётаверсин, — дедим.

— «Испаньола» мунча хам шүр пешона кема экан, Жим! — давом этди у күзинни кисиб. — Бу «Испаньола»да канчадан-канча одам ўлди. Бристолни ташлаб чикқанимдан бери шүрлик дөңгизчилардан канчаси халок бўлди! Бунака омадсиз сафарни хеч қачон кўрмаганман. Мана, О'Брайен хам ўлди. Ростдан ўлган бўлса керак, а? Мен оми одамман, сен ўқиши-ёзишин биласан. Менга очиқласига айт-чи; ўлилкликчи қолаверадими, ё вақти келиб тирнлайдими?

— Мистер Хендс, сиз танани ўлдиришингиз мумкин, аммо рухни ўлдиролмайсиз, арвохи учиб юради, — дедим. — Шуни биллингки, О'Брайен тирик, у нариги дунёдан бизни кузатиб туриби.

— Эх! — деди у. — Накадар ачинарли! Демак, вақтни бехудага ўтказган эканман. Айтмолчи, арвоҳ унча катта зиён етказолмаса керак. Мен арвоҳдан қўркмайман, Жим. Менга қара, кема бўлмасига тушиб, менга халиги... оббо, жин ургур, нима кераклигини ёдимдан чиқариб қўйдим... Ҳа, менга бир шинша вино келтир, Жим. Манави бренди менга кучлилик қиляпти.

Боцманинг талмовсираши шубҳамини оширди, очигини айтсан, унга аракдан кўра вино кўпроқ ёкишига ишонмадим. Бу бир баҳона, холос. Мақсади аник: у кема сахнидан кетишимини истаяти. Лекин бу унга нима учун керак? У кўзларини олиб қочаётир. Нукул атрофга аланглайди: гоҳ осмонга, гоҳ О'Брайеннинг мурдасига тикилади. У ҳадеб тиржаяди, хатто айёрлигини ичига сиёдиролмаёттанинг учини хам чиқариб қўяди. Унинг бирорта шумликни ўйлаёттанини гўдак хам тушунарди. Лекин ўзимин хеч нарса билмаганга, хеч нарсадан шубҳа қилмаганга солдим.

Виноми? — деб сўрадим. — Жуда соз. Қанақасидан, оқиданми ё кизилиданми?

Барибир, ошнам, — деди у. — Ишқилиб, кўпроқ ва кучлироқ бўлса бас.

Хўп... Сизга портвейн келтираман, мистер Хендс. Лекин уни қидириб толиш керак-да. Мен кавушимни иложи борича қаттик шапиллатиб пастга тушдим. Кейин уни ечдим-да, шарла чиқармай эҳтиёт йўлакдан гурух ётадиган хонага кирдим, у ердан зина орқали тепага

күтарилдим ва олд томондаги зинали хонадан аста бошимни чиқардим. Уни кузатаётганимни Хендең хеч қачон хаёлига хам келтирмасди. Унинг дикқатини ўзимга тортмаслик учун ҳамма чораларни кўрдим. Биринчі қараашдаёқ энг ҳунук шубҳаларим хақ эканлигига ишондим.

У кўзғалиб, гарчи оёғидаги жароҳати қаттиқ оғриса хам ҳар қимирилаганда астагина инграб, кема сахни бўйлаб анча илдам эмаклаб кетди. Ярим дақиқа ичидаги аркони чамбарак қилиб ўраб қўйилган жойдаги сув оқизиладиган тарнов олдига келди, у ердан узун бир пичоқни, тўғрироғи сопигача конга беланганд қалтарок ханжарни олди. У пастки жағини чўччайтириб, ханжарнинг у ёқ-бу ёғини кўздан кечирди, дамини текшириб кўрди, сўнг дарров қўйнига солди-ю, яна фальшборт ёнидаги эски жойига эмаклаб борди.

Шундай қилиб, ўзимни қизиқтирган нарсаларни билиб олдим. Израэль харакат қила олади, у қуролланган. Модомики у мени кема сахнидан хайдашга уриндими, демак мен унинг қурбони бўламан. Менниг ўлимимдан кейин у нима қилмоқчи? Шимолий тўхташ жойидан бутун орол оркали ботқоқликдаги қарокчилар қароргохига борадими ёки ўртоқларини ёрдамга чақириб, замбарак отадими, буни билмас эдим, албатта.

Хендеңга ҳар иккаламизнинг манфаатимиз тўғри келадиган соҳадагина ишониш имумкин: ҳар иккаламиз кеманинин хеч бир қийинчиликсиз, тахликасиз олиб чиқиб кетиши мумкин бўлган жойга олиб боришни истардик. Ҳали-ҳозирча бу иш бажарилмаган экан, хеч нарса хаётимга таҳдид қилмайди. Шуларни ўйларканман, фурсатни хам бой бермадим: астагина кема бўлмасига қайтиб кирдим, кавушимни кийнб, бир шиша винони олдимда, кема сахнига келдим.

Хендең мен кетаётганимда қандаи вазиятда ётган бўлса, ҳозир хам шундай ҳолатда ётарди. Кўзлари жуда хам оқиз ва ёруғ нурга тоб беролмайдигандай қиснлган эди. У менга қаради, одатдаги қўл ҳаракати билан шиша бўғзидаги тиқинни чиқарди-да, ҳар сафаргида:

— Сенинг саломатлигингга! — деб бир кўтаришда шиншани бўшатди.

Кейин бир оз тин олиб, чўнтағидан бир пилта чайнайдиган тамаки чиқарди, ундан бир бўлак кесиб беришимни илтимос қилди.

Барака топкур, озгина кесгин, — деди у, — ўзимнинг пичоғим ҳам, қувватим ҳам йўқ. Эх, Жим, Жим, мен бутунлай хароб бўлдим! Бир бўлак кесиб бергин. Бу умримда энг охирги марта чайнайдиган улушим бўлади. Кўнига бормайман. Тезда у дунёга йўл оламан...

Хўп, — дедим. Кесиб бераман. Лекин сизнинг ўрнингизда бўлсам... ўзимни ёмон, ночор хис этсан, ўлимим олдидан тавба қилгаи бўлардим.

Тавба дейсанми? — сўради у. — Нимага?

Қанақасига? — Нимага? — дедим. — Нимага тавба қилишингизни билмайсизми? Бутун умрингизда гуноҳ, ёлғон, қон ичиди яшадингиз. Ана, оғингиз тагида боягина ўзингиз ўлдирган одам ётибди. Сиз бўлса нимага тавба қиласман деб сўраб ўтирибсиз-а! Шунинг учун тавба қилинг, мистер Хенкс!

Мен ортиқча қизишиб кетдим, чунки мен шу топда унинг қўйнига яширган қонли ханжари, мени ўлдириш нияти борлиги ҳакида ўйлардим. У винони жуда қўп ичиб юборгани учун менга одатдан ташкари дабдабали қилиб жавоб қайтарди.

Ўттиз йилдан бери деңгизларда сузаман, — деди у. Яхши-ёмонни, деңгиз осойишталигини ҳамда довулни, тўклигу очликни кўрдим, кўрганларимнинг хисоби йўқ, лекин шунга ишонгники, яхшилик кишига заррача бўлсин наф келтирганини кўрмаганман. Дастлаб ким пичок урса, ўша ҳақ. Ўлклар тишламайди. Бор диним, эътиқодим шу. Омин!. Менга қара, — деди тўсатдан бутунлай бошқача оҳангда, — етар сафсата сотиш. Сув анча юкори кўтарилди. Агар гапимга қулоқ солсанг, капитан Хокинс, сен билан иккаламиз кемани кўрфазга эсон-омон киритамиз.

Чиндан ҳам икки милдан ортиқрок йўл босишимиз лозим эди. Лекин сузиш анча қийин бўлди. Шимолий тўхташ жойинга кириш йўли тор, саёз бўлиши билан бирга эгри-буғри ҳам эди. Бутун эътиборимиз ҳамда маҳоратимиз кўл келди. Мен фаросатли изжочи, Хенкс эса тенги йўқ командир чиқиб қолдик. Биз ҳамма саёз жойларни жуда эпчиллик билан айланиб ўтар, мохирлик билан чап берар эдикки, кўрганларнинг хаваси келгундай эди.

Иккала бурундан ўтишимиз биланоқ чор атрофимизни қуруқлик қуршаб олди. Шимолий тўхташ жойининг

сохиллари Жанубий тұхташ жойындағи сингари куюқ үрмөн билан қопланғанды. Лекин күрфаззинг ўзи анча узун, торрок эди, түеріроғи күрфаздан күра дарёниңг қүйилиш жойындағи күироқ үхшаб кетарды. Рұнарамизда, күрфаззинг жанубий бир чеккасындағи ҳалокатта учраган кеманиң ярим чирик тағ қисмнандағи күзимиз түшди. Бу уч устуили катта кема эди. Бу ерда жуда узок турғанлигидан хамма ёғашын сув ўтлары босиб кеттеган эди. Кеманиң бўлмасида эса гуллари яшнаб турған бутазор пайдо бўлибди. Бу манзара қайгули бўлса-да, күрфаззинг кемага панагоҳликка ярокли эканлигини кўрсатиб турарди.

— Қара, — деди Хенде, — хов ана, кирғоққа яқинлашиб бориш учун қулай жой. Топ-тоза, силлик қумлок, ҳеч қачон ҳеч қанақа тўлкин бўлмайди, атроф үрмөн, анави кемадаги гуллар худди боғда ўсгандай.

— Кирғоққа яқин борсак, кема саёз жойга ўтириб қолмайдими? — деб сўрадим.

— Кемани саёзликдан кутқариб олиш осон, — деди у. — Сув қайтганда ўша қирғоққа арқон торт, уни энг катта қарағайлардан бирига айлантириб ўтказ-да, орқага қайтиб, учини чиғирнікка ўра. Кейин сув кутарилниши кут. Сув кутарилгач, бутун жамоага бараварига арқонни ушлаб куч билан тортишни буюр. Шунда кема сув парисидай саёзликдан ўзи чиқиб келаверади. Энди, ўғлим, ҳушёр бўл. Саёзликка етиб қолдик, кема тўпса-тўри ўша ёққа қараб бораётпир. Озгина ўнгроққа... яхши... тўрига... ўнгроққа... оз-моз чапга... тўрига... тўрига!..

У буйруқ берар, мен бўлсан буйруқни шошилинч равища аниқ бажаардим. Тўсатдан у:

— Шамолга тўрила, ошиажон! — деб кичкирди.

Мен кучимнинг борича рулга ёпишдим. «Исианъола» кескин бурнилб, настак дарахтлар билан қопланған қирғоққа шитоб билан яқинлашиб келди.

Мен бу манёврларга берилиб кетиб, боцманин зийраклик билан кузатиш ииятимни бутунлай унугиб қўйибман. Мени факат бир нарса: кема тагининг кумга тегиши қизиктиради. Менга қандай хавф таҳдид қилаёттанини эсдан чиқарибман-у, ўнг фальшборт орқали эгилиб, кема тумшуғи остида сувининг қандай кўпикланаётганини томоша килиб ётибман. Тасодифан кўнглимга ғулгула тушиб, орқага қарамаганимда ҳеч қандай курашсиз ҳалок бўларканман. Эҳтимол, бирор шарпани сезгандирман ёки

кўзимнинг кири билан харакат қилаётган сояни кўриб колгандирман, эҳтимол, менда мушукларники сингари инстинкт уйюнгандир. Бурилиб қааркаиман Хендсга кўзим тушиб колди. Ўнг қўлида ханжар, аллақачон менга яқинлашиб колибди.

Кўз кўзга тушди, иккаламиз хам қаттиқ бакириб юбордик. Мен қўркканимдан бакирдим, у қутурган буқадек ғазаб билан бўкирди ва менга ташланди. Мен кеманинг олд томонига қочдим, қўлимдаги румпелни қўйиб юбордим, у дарҳол кўтарилиб кетди. Ана шу румпель менинг ўлимдан сақлаб колди: у Хендснинг кўкрагига бориб тегди, Хендс йикилди.

Хендс то ўрнидан тургунча, у мени қисиб борган бурчакдан кочнб қолдим. Энди бутун кема сахни менинг ихтиёrimда эди, унга хар қанча бўлсин чап бера олардим. Грот-устун олдида тўхтадим, чўнтағимдан тўппонча чиқариб, мўлжаллаб туриб тепкини босдим. Хендс тўғри менга караб келарди. Тенки чиқиллади-ю, тўппонча отилмади. Порохи намикіб қолганига ўхшанди. Бепарволигим учун ўз-ўзимни сўқдим. Нега энди тўппончани қайтадан ўқлаб олмадим? Ахир, вақт етиб ортарди-ку! Шундай қилганимда кассоб олдида титраб турган қўйдаі начор ахволда қолмасдим.

Ярадорлигига қарамай Хендс киши хайрон қоладиган даражада чакқон харакат қиласарди. Унинг ок оралаган соchlари қутуриш ва зўриқишдан қизариб кетган юзига тушиб турарди. Иккинчи тўппончамни олишга вақтим йўқ эди. Унисининг хам биринчисига ўхшаб намикіб қолганига ишончим комил эди. Бир нарса равшан эди, мен тўғридан-тўғри чекинмасдан, Хендсга чап берпшим керак, бўлмаса мени хозиргина кеманинг куйрувига қисиб қўйганидай, тумшук томонга хам қисиб қўйиши мумкин. Агар бунга эриша олса, қонга белангтан ханжарни сопигача танамга суқиши турган гап. Ҳийлагина йўғон грот-устунни қучоқлаганча ўзимни четта олишга шайланниб турдим.

Хендс менинг чап бермоқчи эканлигимни кўриб тўхтади. Бир неча сония ё ўнгдан, ё чапдан ташланадигандай сохта харакат қилди. Мен хам гоҳ ўнг, гоҳ сўл томонга сал-пал бурилнб, тикилиб турардим. Бу кураш уйдалигимда Қора Тепа кўрфазидаги қоялар ораснда бир неча марта ўйнаган ўйинимга ўхшарди. Лекин ўйин пайтида

юрагим бунчалпк вахимали тепмаган эди. Хархолда бу ўйин биқини қаттиқ яраланган кекса денгизчига қараганда бола учун анча осон эди. Мен бир оз дадилланиб, бу ўйин нима билан тугаркин, деб бош котира бошладим. «Албатта, — деб ўйладим, — анча вақттача осонгина қочиб қутулишим мумкин, лекин эртами-кечми у мени барибир ўлдиради».

Бир-бириմизга мана шундай рўнарама-рўнара турганимизда тўсатдан «Испаньола» қумга бориб урилди. Кема қаттиқ силкинишдаи чап ёнбошга қийшайди. Кема саҳни кирк беш градус бурчак ҳосил қилиб қийшайиб қолди, тарновдан шовиллаб сув кирди-ю, фальшборт ёнида кема саҳнида каттагина ҳалқоб ҳосил қилди.

Иккаламиз ҳам мувозанатни йўқотиб, бир-бириմизни қучоклагундай бўлиб тарнов томон думалаб кетдик. Ҳамон кўлларини ёзиб ётган кизил калпокли жасад ҳам биз томонга думалади. Бошим боцманинг оёғига шундай қаттиқ урилдики, ҳатто тишларим ғижирлаб кетди. Бироқ лат ейишимга қарамай олдинроқ ўрнимдан туриб олдим. Жасад Хендснинг устига тушган эди. Кеманинг тўсатдан қийшайиб кетиши бундан буён кема саҳнида югуришга имкон бермасди. Қутулишнинг бошқа бир усулини топиш керак эди. Ҳа, бирор дақиқани ҳам бой бермаслик лозим, чунки рақибим хозир менга ташланади. Бизань-устуннинг аркони бошим устида осилиб турарди. Мен унга осилиб, тепага тирмашдим, то салингта¹ чиқиб ўтирганумчча дам олмадим.

Тез харакат қилишим мени қутқариб қолди: тагимда оёғимдан ярим футча настда ҳанжар ялтиради.

Муваффакиятсизликдан фигони чиқкан Израэль Хендс настда хайратдан оғзини катта очиб қараб турарди.

Мен бир оз нафасимни ростлаб олдим. Вақтни ўтказмай, тўппончамни қайта ўқладим. Кейин ишончлироқ бўлиши учун иккинчисини ҳам ўқладим.

Ночор ахволда қолган Хендс мени ғазаб билан кузатди. У ахволи анча ёмонлашганини тушуни бошлади. Бир оз ўйлаб тургач, арқонга тирмашди, ҳанжарини тишлага-нича, иҳраб-сиҳраб, ярадор оёғини осилтириб, аста тепага кўтарила бошлади. У бизни ажратиб турган масофанинг учдан бирига чиққунча тўппончаларни ўқлаб бўлдим.

¹ Салинг — икки кисмдан иборат устуннинг устки хариси.

Шундан кейин иккала қўлимга биттадан тўппонча ушлаб олиб, у билан гаплаша бошладим.

Яна бир қадам кўтарнлсангиз, мистер Хенс, — дедим, — миянгизнинг қатиини чиқараман! Ўзингизга маълум, ўликлар тишламайди, — деб қўшиб қўйдим масхара қилиб.

У дархол тўхтади. Юзига қараб, қандайдир шумликни ўйлаёттанини англадим. Лекин у шу қадар оғир ва секин ўйлардики, хавфдан қутулиб олганимдан севиниб, шараклаб кулиб юбордим. Нихоят у тупугини ютина-ютина гап бошлади. Унинг юзида хали ҳам тўлиқ эсан-кираш ифодаси бор эди. У ганиришга халақит берастган ханжарни оғзидан олди, лекин жойидан жилмади.

Жим, — деди у, — мен ҳам, сен ҳам ортиқча ножёя харакат қилиб қўйдик. Иккаламиз сулҳ тузишимиз керак. Анави силкиниш бўлмаганида сени аллақачон тинчтган бўлардим. Лекин ҳеч қачон омадим юришмади, ҳеч қачон! Мендай кекса дентгизчи нима ҳам қила оларди, кема юнгасига ён беришимига тўғри келади.

Мен унинг гапларидан хузур қилиб, девор устига чиқиб олган хўроздай кеккайиб, хурсанд кулардим, тўсатдан у қўлини силтади. Нимадир ҳавода ўқдай шувиллади. Мен зарбани ва қаттиқ оғриқни хис қилдим. Елкам устунга міхлаб қўйилганди. Тасодифаним ёки қаттиқ оғриқданми — билмайман, ўйлабми ё беихтиёрмш, — иккала тепкини ҳам босиб юбордим. Тўппончаларим отилди-ю, қўлимдан тушиб кетди. Лекин тўппончаларимнинг ўзигина тушмаганди: боцман бўкирганича, арқонни қўйиб юборди-ю, боши билан тўғри сувга шалоплаб тушди.

XXVII боб

«ПЛАСТРЛАР»

Кема шу қадар қийшайган эдик, унинг устунлари сув устида ёнбошлаб турарди. Мен салингда худди қўндокда ўтиргандек ўтирадим, остимда эса кўрфаз. Хенс мен-чалик юқорига чикмагани туфайли кема сахнига якинрок эди, шунинг учун мен билан фальшборт оралнгидан сувга кулаганди. У конли қўпик хосил қилиб бир марта сув юзасига чиқди, сўнг бутуилай чўкиб кетди. Сув тинчлангандан кейин унн кўрдим. У кема соясида, топ-

тоза қум устида ётарди. Иккита балиқча унинг жасади устидан ўтиб кетди. Баъзан сувнинг харакатга келишидан у қимирлаётгандай, ўрнидан туришга уринаётгандай кўринарди. Лекин у икки томонлама ўлганди: хам ўқ еганди, хам ичи сувга тўлганди. У мени ўлдиrmокчи бўлган жойда ўзи балиқларга ем бўлди.

Кўиглим айниб, бошим айланамётганини, қўрқаётганини сездим. Курагим ва қўкрагимга қайшоқ қон оқиб тушарди. Елкамни устунга михлаб қўйған ханжар мени қизиган темирдай куидирарди. Лекин оғриқдан қўрқаётганим ўйқ, бунақа оғриқка фарёд чекмай чидайман, салингдан боцманинг жасади ётган зилол сувга тушиб кетармиқайман, деб кўркардим.

Мен иккала қўлим билан салингга шундай маҳкам тармасиб олдимки, бармоқларим оғриб кетди. Таҳдид солиб турган хавфни қўрмаслик учун кўзларимни чирт юмдим. Секин-аста миям равшанлашди, юрагим бир текис ура бошлади, аигча дадилландим.

Авалло ханжарин олиб ташлашга уриндим. Бироқ у устунга анча чуқур санчилганни ёки асабим жуда бузилиб кетганни, ханжарин хеч чиқариб бўлмади. Вужудимни титрок босди. Шуниси қизиқки, мана шу титрок менга ёрдам берди. Ханжар бир қават теримни тешиб ўтган эди холос, титрок бошланганда тери узилиб кетди. Олдингидан қўпроқ қон кета бошлади, лекин мен холос бўлган эдим. Бироқ камзулим билан кўйлагим ҳамон устунга михланганича турарди.

Бир силкнииб, бутунлай озод бўлдим. Кема саҳнига ўнг бортдаги аркондан қайтиб тушдим. Ҳозиргина Израэль тушиб кетган аркондан настга тушишга хеч қандай куч менин мажбур қилолмасди.

Мен кема бўлмасига тушиб, ярамни боғлашга уриниб кўрдим. Чунки у каттиқ азоб бермоқда эди. Қон тинмаётганди. Лекин яра чуқур, хавфли эмасди, қўлимни бемалол қимирлата олардим. Атрофга назар ташладим. Эндиликда кема якка ўзимга карашли эди, мен энг охирги саёҳатчи — О'Брайеннинг жасадидан қандай қутулиш мумкинлиги ҳакида ўйлай бошладим.

Уиниг фальшбортнинг олдига думалаб кетганини айтган эдим. Уша жойда у қўрқинчли, бесўнақай қўйирчоқка ўхшаб ётарди. Тирик одамдай келадиган, лекин тириклик нишоналаридан маҳрум бўлган улкан қўйирчоқ. Уин бир

ёкли қилиціш мен учун унча кийин эмасди – фожиалы саргузаштларны мобайнида ўлукларни күрәвериб этим ўлыб бўлганди, улардан хеч кўркмасдим. Уни ғўла солинган қопии кўтаргандай, белидан олдим-у, бир силтаб бортдан ошириб ташладим. У сувга шалоплаб тушди. Қизил қалпоқ бошидан учиб кетиб, сув бетида суза бошлади. Жасад тушганда кўтарилилган лойка тингач, О'Брайен билан Израэлни яққол кўрдим. Улар ёнма-ён ётишарди. Сув харакатга келиб, уларни қимириллатарди. О'Брайен ёш бўлишига қарамай тепакал эди. У тепакал бошини ўз қотилининг тиззасига кўйниб ётарди. Тез сузар балиқчалар хар икковининг устидан у ёқдан-бу ёққа ўтиб туришарди.

Мен кемада ёлғиз қолдим. Ҳозиргина сув қайта бошлади. Қуёш ботишга ошиқаётгани учун гарбий кирғоқдаги қарағайларнинг сояси кўрфазни кесиб, кема сахнингча етиб келганди. Кечки денгиз шабадаси турди, гарчи шарқдан кўрфазни икки чўққили тепалик тўсиб турган бўлса-да, аргамчилар ғувиллаб, елканлар эса чайқалиб чапак чала бошлади.

Шунда кема хавф остида эканлигини пайқадим. Кливерларни дарҳол йигиштириб, кема сахнинг туширдим. Лекин гrottин тушириш анча қийин бўлди. Кема ёнбошлаганда тик бортдан ошиб тушган, елканнинг икки-уч фути сувга ботиб турадп. Бу хавфли ахволни юзага келтирди. Вазифа шу қадар қийин эдики, хеч қайсан ишга кўл уришга журъат қиломасдим. Нихоят пичоғимни олиб фалларий¹ кесиб ташладим. Гафель² шигиллаб пастга тушди, осилиб қолган елканнинг катта «корни» сув бетида суза бошлади. Қанча уринмайин нирални³ хеч нарса қиломадим. Бунга кучим етмасди. Нима ҳам қилардим, «Исланъола»ни ўз холига ташлаб қўйганлардан бириманку.

Бу орада кўрфазни коронилик босди. Қуёшнинг сўнгги нурлари ўрмон ичидаги ялангликлардан оша кеманинг елканларида қиролларнинг шохона либосидаги қимматбахо тошлар сингари яраклай бошлади. Ҳаво аста совий бошлади. Сув қайтиши туфайли кема ёнинга баттар ёнбошлади.

¹ *Фал* – елканларни кўтаришда ёрдам берадиган аркон.

² *Гафель* – юкори елканнинг чети маҳкамланадиган хари.

³ *Нирал* – елканларни тушириш учун хизмат қиласидиган аркон.

Кеманинг олд томонига бориб, пастга қарадим. Кема тумшуғининг таги жуда саёз эди, шундай бўлса хам эҳтиётдан иккала қўлим билан арқонни ушлаб, бортдан аста ошиб тушдим. Сув белгимгача зўрға етди. Кум зич, тўлқинлар ўйиб ташлаган бўлиб, қирғоққа дадил юриб чикдим. «Испанъола»ни ёнбошлаб ётган кўйи, елканлари сувда чайқалиб ётган ҳолда ташлаб кетавердим. Қуёш ботди, қарағайлар орасида шамол гувиллади.

Шундай қилиб, денгиздаги саргузаштлар битди. Битганда хам чинакам омад билан тамомланди: кема қарокчилар қўлидан тортиб олини, биз ҳозироқ унда очик океанга чиқишимиз мумкин. Мен тезроқ ўйимизга, қалъамизга қайтишни, ўз қаҳрамонликларимни айтиб, мактанишини орзу килардим. Эҳтимол, рухсатсиз кетганим учун бир оз койишар, лекин «Испанъола»ни қўлга кириттганим ҳаммасини ювиб юборади, ҳатто капитан Смоллетт хам довюраклигимни тан олиши керак.

Ана шундай ўйларга берилиб, қайфим чор бўлиб йўлга тушдим, ўзим ўйлагандай дўстларим менин кутаётган ёғоч девор томон жўнадим. Капитан Кидд кўрфазига қўйиладиган анхорларнинг энг шарқдагиси, икки бошли тепаликдан бошланишини яхши эслайман. Мен чапга, ўша тепалик томонга бурилдим, анхорнинг энг тор жойидан ўтишини мўлжалладим. Ўрмон анча сиғрак эди.

Кияликтан бориб, кўп ўтмай тепалик четини айланиб анхордан кечиб ўтдим.

Бу ер худди Бен Гани учратган жойим эди. Мен атрофга хушёр бокиб, эҳтиётлик билан кета бошладим. Бутунлай коронги тушди. Тепаликнинг иккита чўққиси ўртасидаги оралиқдан ўтиб, осмонда линиллаб турган гулхан шуъласини кўрдим. Мен Ганини гулханда ўзига кечки овқат пиширияти деб ўйладим, унинг эҳтиётсизлигига ичинчидан ажабландим. Башарти, бу шуъланни мен кўраётган эканман, уни ботқоқликдаги қароргоҳидан туриб Сильтвер хам кўриши мумкин-ку, ахир.

Тун коронилиги тобора қуюклашарди. Мен йўлни аранг тона бошладим. Орқамдаги икки бошли тепалик ҳамда ўнгдаги Кузатув Дурбини менга ягона чегара устуни бўлиб хизмат қилди, лекин улар хам корониликда тобора йўқолиб борарди. Унда-бунда юлдузлар хирагина милтилларди. Коронигда бутага қокилиб кетиб, кум ўрасига йиқилиб тушардим.

Түсатдан атроф сал ёришгандай бўлди. Осмонга карадим. Нурсиз шуъла Кузатув Дурбини чўққисини ёритиб турарди. Пастда, зич дарахтлар орасида кумушга ўшаган катта бир нарсанни кўрдим, дархол ой чикканини англадим.

Юриш анча енгиллаши, мен қадамимни тезлатдим. Баъзан югурдим хам – тезроқ ёғоч деворга етиб боришга ошиқардим-да, ахир. Лекин қалъамизни қуршаб олган чакалакзорга етганда эҳтиёткорлик хакида ўйлаб колдим ва секинрок юра бошладим. Борди-ю, дўстларим мени душман фахмлаб, отиб юборнишса, саргузаштларим анча кайгули тугалланган бўларди.

Ой тобора юқорига кўтарилади. Ўрмоннинг яланг жойлари ой нурида чўмиларди. Лекин рўпарамада – дарахтлар орасида ой нурига ўхшамаган бошқа шуълани хам кўриб қолдим. У хароратли, қин-қизил бўлиб, баъзан эса қорайинкираб хам қоларди. Бу туваётган хамда кул босаётган гулхан бўлса керак.

Оббо, у ёқда яна нима бало бор экан?

Нихоят ўрмоннинг чеккасига хам етиб бордим. Ёғоч деворининг ғарбий қисмини ой ёритиб турарди. Бутун девор хамда уй коронғилик кўйнида эди, баъзи жойларга нурдан узун йўл тушган эди. Ўйнинг орқасида катта гулхан ёнарди. Унинг қин-қизил ёрқин шуъласи ойнинг мулојим хамда оппок нуридан ажралиб турарди. Ҳаммаёк жимжит, зоф ҳам кўринмайди. Фақат дарахт шохларида шамол ўйнарди.

Мен хам ажабланиб, хам кўркиб юришдан тўхтадим. Биз хеч қачон катта гулхан ёқмагандик. Каштанинг буйруғига биноан ўтинин тежардик. Мен бу ерда йўқлигимда дўстларимга бир нарса бўлмадимикан, деб хавфспрай бошладим.

Мен соя панасида истеъкомнинг шарқ томондаги чеккасига бордим, энг коронғи жойда ёғоч девордан ошдим.

Шовқин кўтарилемаслиги учун тўрт оёқлаб уй томонга овоз чикармай эмаклай кетдим. Тўсатдан эркни нафас ола бошладим. Хурракка тоби-тоқатим йўқ: хуррак отадиган одамлар шу килини билан мени азблайди. Лекин бу сафар дўстларимнинг баланд хамда бир меъёрдаги хурраги қулоғимга мусиқадай эшитилди. Кечаси соқчинишг шавқ билан: «Ҳамма иш жойида!» – деб қичқириши кишига қандаи таскин берса, бу хуррак хам кўнглимни худди шундай тинчиди.

Менга бир нарса равшан бўлиб қолди: улар ҳеч қандай сокчисиз ухлашаётнр. Агар менинг ўринмда бу ерга ҳозир Сильвер ўз тўдаси билан билдириб кирса борми, улардан бирортаси тонг юзини кўрмасди. Капитаннинг ярадорлнги туфайли шундай бўлгандир деб ўйладим. Дўстларим бирор кимсанни сокчиликка қўя олмаган бир пайтда уларни ташлаб кетганим учун ўз-ўзинни яна бир марта койидим.

Мен эшикка яқинлашиб, ичкарига қарадим. Ичкари шунчалик коронғи эдики, ҳеч нарсани қўра олмадим. Хурракдан ташқари күшининг қанот қокишигами, тўқиллатишигами ўхшаган қандайдир ғалати товушни эшилдим. Қўлимни олдинга чўзиб, уйга кирдим. «Эски жойимга ётаман, — деб ўйладим кулимсираб, — эрталаб уларнинг ажабланган юзларига қараб роса куламан».

Кимнингдир оёғига қоқилиб кетдим. Ухлаёттан киши ёнбошинга ағдарилди, бир ингради-ю, лекин уйғонмади.

Шу пайт коронғиликдан: «Пиастрлар! Пиастрлар! Пиастрлар! Пиастрлар!» — деган ногаҳоний қаттиқ қічқирик янгради. Бу товуш худди бураб кўйилган соатдай бир хил оҳангда аинча давом этди.

Бу Сильвернинг зангори тўти қуши — капитан Флинт эди. Ҳали ўша қанот қоқиб, тумшуғи билан хода иўстложини чўқиётган экан. Уларни ҳар қандай сокчидан ҳам яхширок қўриқлаётган, ўзининг жонга тегувчи бир хил овози билан менинг келганимни маълум қилган шу эканда!

Яширинишга вақтим йўқ эди. Тўти қүшининг кескин, жарангдор қичқириғидан ухлаётганлар уйғониб, салчиб туриб кетишли. Мен Сильвернинг овозини эшилдим. У сўкиниб бақнрди.

— Ким келяпти?

Мен кочмоқчи бўлдим, лекин кимгадир урилиб кетдим. Бирини итариб юбориб, иккинчисининг қўлига тушдим. У мени маҳкам ушлаб олди.

— Қани, Дик, машъалани келтир-чи, — деди Сильвер. Қароқчилардан бири уйдан югуриб чиқиб кетди, сўнг ёниб турган машъала билан қайтиб кирди.

ОЛТИНЧИ ҚИСМ

КАПИТАН СИЛЬВЕР

XXVIII бөб

ДУШМАНЛАР ҚАРОРГОХИДА

Машъаланинг кизғиши нури уй ичини ёритди ва хавотирли ҳадиксирашларимни тасдиқлади. Қароқчилар блокгаузни ҳамда ҳамма нарсаларимизни эгаллаб олишибди. Конъяк тўла ёроч хум ҳам, чўчқа гўшти ҳам, қок нон солинган қоп ҳам олдинги жойида турарди. Даҳшат ичра атрофга алангларканман, бирорта ҳам асирни кўрмадим. Дўстларимнинг ҳаммаси ҳалок бўлганга ўхшайди. Аламдан юрагим эзилиб кетди. Нега энди улар билан бирга ҳалок бўлмадим!

Фақат олтита қароқчи тирик қолганди, уларнинг ҳаммаси қаршимда турнишарди. Уларнинг бештаси кайфдан боши гаранг, юзлари шишган ва қизарган уйқусираган ҳолда сапчиб ўрниларидан туришди. Олтинчиси тирсагини ерга тираб сал кўтарилди. У ўликдай оқариб кеттанди. Боши қонга беланган латта билан ўралган. Демак, у яраланган, яқингинада жароҳатланган. Ҳужум пайтида қароқчилардан бирига ўқ узгандик, унинг ўрмонда кўздан фойиб бўлганини эсладим. Эҳтимол, бу ўша қароқчиидир.

Тўти қуш Дароз Жоннинг елкасига ўтириб олиб тумшүғи билан патларнни тозаларди. Сильвернинг юзи илгаригига қараганда қаҳрлироқ кўринарди. Унинг эгнида бизнинг ҳузуримизга музокаралар олиб бориш учун кийиб келган тоза кафтани, лекин хозир кафтанга лой сачраган, тиканли буталар титиб юборган эди.

— Эҳ-ха, — деди у, — Жим Хокинс-ку, оббо азамат-эй! Бизни йўқлаб кирибсанда-а? Киравер, киравер, кадрдон дўстимнинг келишидан бехад хурсандман.

У ароқ тўла ёроч хум устида ўтириб, чубуғига тамаки соларди.

— Чўғдан бергин-чи, Дик, — илтимос қилди у. Чубуғини тутатиб давом этди: — Раҳмат, дўстим. Машъалани жойига қўйишинг мумкин. Сизлар эса, жентльменлар, ёта-веринглар, тортииманлар. Мистер Хокинс ҳузурида

түдайиб туришнинг шарт эмас. Худо ҳакки, бу бизларни афв этади! Шундай қилиб, Жим, шу ердаман дегин, — у чубуғини тортиб давом этди. — Кекса, бечора Жон учун қандай хурсандчиллик бу! Мен бир кўргандаёқ эпчил бола эканлигинги билгандим, лекин эндиликда кўриб турибманки, ҳакиқий қаҳрамоннинг ўзи экансан.

Унга жавобан бир оғиз ҳам ган айтмадим. Улар мени девор ёнига тикка турғизиб қўйиши, Сильвернинг юзинга иложи борича хотиржамлик билан қарашга ҳаракат қилиб, қаддимни воз тутиб турардим. Лекин қалбимда алам ва қанғу жўш урадни.

Сильвер шошилмай икки марта чубуғини тортди, сўиг яна гап бошлади.

— Модомини, бизнискига меҳмон бўлиб келибсан, Жим, — деди у, — кўнглимда бор гапни сенга тўкиб-соламан. Сени ҳамиша яхши кўрардим, чунки аклли боласан. Сенга қараб туриб, ўзимнинг ўспиринлик пайтларимни эслайман, мен ҳам сенга ўхшаб чиройликни бола эдим. Мен доимо биз томонга ўтишнингни, ҳазинадан ўз улушнингни олниб, бадавлат жентльменлардаи роҳат-фароғатда умр ўтказишинингни истардим. Мана энди, ўелим, ўз оёғинг билан кириб келдинг. Капитан Смоллетт яхши денгизчи, буни ҳар вақт тан олганман, бирок у интизом масаласида жуда қаттиққўл. Энг аввало бурч дейди у, ҳақ гапни айтади. Сен бўлса ундан қочиб кетдинг, ўз капитанингни ташлаб кетдинг. Ҳатто доктор ҳам сендан норози. У сени «Кўрнамак абллаҳ», деб айтди. Хуллас, ўз одамларинг олдинга қайтишинг мумкин эмас, улар сени кабул килишни истамайдилар. Агар учнинчи бир гурухнингни тузмасанг, капитан Сильверга қўшилишга тўғри келади.

Хўш, бу ҳам ёмон эмас: демак, дўстларим тирик. Гарчи Сильвернинг қочоқлигим учун улар мендан аччиқланганни ҳакидаги гапига ишонишга тайёр бўлсам-да, жуда севи ниб кетдим.

— Сен бизнинг ҳукмимиизда эканлигинги гапирмай қўя қолай, — гапида давом этди Сильвер, — буни ўзинг кўриб турибсан. Оқилона хулосалар чиқаришни ёқтираман. Мен пўписадан хеч қачон наф кўрмаганман. Агар бизда хизмат килиш сенга ёқса, сафимиизда кўнгилли бўлиб қолавер. Борди-ю ёқмаса, Жим, сен очик-ошкора йўқ деб қўя кол. Бемалол айтавер, хеч кўрқма. Кўрдингми, сен билан хеч бир муғамбирлик ишлатмай, очикчасига гаплашяйман.

— Жавоб қайтаришмни хохлайсны? — деб сүрадим овозим титраб.

Унинг масхараомуз ганларидан ўлим хиди келаётгандай туюлди назаримда. Юзларим ловиллаб ёнар, юрагим шиддат билан тепарди.

— Хеч ким сени мажбур қылмайди, дўстим, — деди Сильвер. — Яхшигина ўйлаб ол. Қаёқка ҳам шошилардик: сен билан бирга бўлган кишин хеч зерикмайди.

— Майли, — дедим бир оз дадилланиб, — агар қайси томонга ўтишимни билмокчи бўлсанглар, бу ерда нима бўлаётганини менга тушунтириб беринглар. Сизлар бу ерга қандаи келиб қолдинглар-у, меннинг дўстларим қаерда?

— Бу ерда нима бўляпти дейсанми? — деди кароқчилардан бири ўқрайиб. — Бу ерда нималар бўлаётганини тушунтириб берсалар ўзим ҳам йўқ демасдим.

— Сендан сўрамагандан кейин унингни ўчири! — Сильвер жаҳл билан унинг сўзини бўлди ва аввалги мулоийимлиги билан менга юзланди, — Мистер Хокинс, кеча эрталаб доктор Ливси оқ байроқ кўтарниб ҳузуримизга келди. «Капитан Сильвер, сиз саёзликда қолдингиз, — деди у, — кема кетиб қолди. Биз ром ичиб, ашула айтиб ўтирганимизда кемашинг йўқолганидан бехабар қолибмиз. Буни инкор этмайман. Биздан хеч ким кемага қарамабди. Соҳилга югуриб бордик, момақалдириқ хаққи онт ичамки, кемамиз йўқ эди. Турган ўрнимизда ҳушдан кетиб ниқилишмизга сал қолди. «Хўш, — деди доктор, — келинглар, битим тузайлик». Биз — мен билан у — битим туздик, мана сизларнинг бор буд-шудларингизни, ароқларнингизни, қалъангизни, жуда узокни ўйлаб кесган ўтинингизни, бутун бошлиқ қайфингизни, хуллас, ҳамма-ҳаммасини эгаллаб олдик. Улар бу ерни ташлаб кетишиди. Ҳозир қаердаликларини эса билмайман.

У яна хотиржамлик билан тамаки тутунини ичига тортди.

— Агар, мени ҳам битимга қўшишгандир, деб ўйласанг, — деди у, — докторнинг охириги сўзлари шу бўлди: «Неча киши қолдиларинг?» — деб сўрадим. «Тўрт киши, — деди у. — Тўрт киши, ундан биттаси ярадор. Анави лаънати боланинг қаердалигини билмайман, билишни ҳам хохламайман, — деди у, — уни эсга олишдан жирканамиз. Унинг айтган гаплари шу.

— Шу холосми? — деб сўрадим.

— Билишинг лозим бўлган нарсаларнинг ҳаммаси шу, ўғлим, — деди Сильвер.

— Энди бирор томонни танлашим керакми?

— Ҳа, танлашнинг керак. — деди Сильвер.

— Бўлти, — дедим. — Мен унчалик ахмоқ эмасман, нима қилишини биламан. Нима қилсаларнинг қилаверинглар, менга барибир. Сизлар билан ош-қатик бўлганидан бўён ўлимнинг юзига тик қарайдиган бўлинб қолдим. Лекин олдин сизларга баъзи нарсаларни айтиб бермокчиман, — деб давом этдим тобора каттиқроқ хаяжонланиб. — Ахволингиз чатоқ: кемани, хазинани қўлдан чиқардинглар, ўз одамларнгдан айрилдинглар. Ишингиз ўнгмайди. Буларнинг ҳаммасига ким айбдор эканини билинши истасанглар, билиб қўйинглар — мен айборман буларга. Оролга яқинлашётган куни кечаси олма солинган ёғоч хўмда ўтириб, Жон сизнинг, сенинг ҳам Дик Жонсон, хозир денгиз қаърнда ётган, Хендснинг ҳам ҳаммаларнинг айтган гапларни эшитганман. Эшитганларимни оқизмай-томизмай ўша захоти айтиб бердим. Кеманинг лангар арконини ҳам мен кесганман, бортда қолган одамларнгни ҳам мен ўлдирганман, хеч қачон сизлар топа олмайдиган яширин жойга олиб бориб қўйган ҳам мен бўламан. Мен эмас, сизлар лакиллаб қолавердинглар. Сизлардан пашшадан қўрқанчалик ҳам қўрқмайман. Мени ўлдиришингиз ҳам, шафқат қилишингиз ҳам мумкин, бу ихтиёрингиз. Бир-икки оғиз галираман, шу билан бас. Агар менга шафқат қилсанглар, ўтмишдаги ходисаларни бутунлай унутаман, кароқчиликларнинг учун суд қилишаётганда, сизларни сиртмоқдан қутқариб қолишга уриниб кўраман. Энди гап сизларда қолди. Менинг ўлимим сизга хеч қандай наф келтирмайди. Агар мени тирик қолдирсанглар, дорга осилмай қолишинглар учун ҳаракат қиласман.

Мен жим қолдим. Мен энтикардим. Улардан хеч бирининг ҳатто жойидан ҳам қимирлаб қўймаганилиги менин ажаблантириди. Улар менга қўйдай ювош тикилиб туришарди. Улардан жавоб кутмай сўзимда давом этдим:

— Мистер Сильвер, чамамда бу ердаги энг яхши одам сиз экансиз. Агар ҳалок бўлиб кетсан докторга шармандаларча ўлмаганимни айтиб қўйинг.

— Буни назарда тутаман, — деди Сильвер. Бу гапни шундай бир оҳангда айтдикни, мени масхара қиляптими

ёки менинг жасурлигим кўнглига ёқдими, буни тушуна олмадим.

— Шуни унумтманги... — деб қичқирди офтобдан қораниб кетган Морган исмли кекса денгизчи, бу Бристоль портида Дароз Жоннинг майхонасида кўрганим ўша одам эди, — шуни унумтманги, ўшанда бу Қора Тозини таниб қолган.

— Бу хамир учидан натир, — қўшимча қилди Сильвер. — Момақалдироқ ҳакки онт ичиб айтаман, Билли Бонснинг сандигидан харитани олган хам шу бола. Нихоят Жим Хокинс қўлимизга тушди!

— Қорик билан қонини олиш керак! — деб қичқирди Морган ва сўклиди. Сўнг пичоини чиқариб, йингирма яшар йигитчадай чакқонлик билан дик этиб ўридан турди.

— Ўтир жойингга! — қичқирди Сильвер. Том Морган, ўзинг кимсан? Бу ерда ўзингни капитанман деб ўйлаисан шекилли? Онт ичиб айтаманки, сени итоат этишга ўргатиб кўяман. Гапимин иккита қилиб қўр-чи! Кейни, ўттиз йил ичида кимки йўлимдағов бўлган бўлса, у реяга осилган, ё баликларга ем бўлиш учун бортдан улоктирилган. Шундай! Шуни яхши уқиб ол. Том Морган: мен билан сози чиқицмаган одамларнинг бирортаси хам хаётда тирик қолмаган.

Том тилини тишлаб қолди, лекин бошқаларн тўнрнлашда давом этди.

— Том хақ галини айтяпти, — деди биттаси.

— Мендан ҳамма командирлар маминун бўлишган, — деб қўшимча қилди бошқаси, — Жон Сильвер, дор номи билан онт ичиб айтаман, мени лақиллатишингга йўл қўймайман!

— Жентльменлар, қайси бирларнинг мен билан куч синашмоқчисизлар? — деб бўкирди Сильвер.

У ёғоч хум устида ўтирган ерида олдинга интилди. Унинг ўйт қўлида туваётган чубук бор эди.

— Хўш, сизларга нима керак ўзи? Очиқ айтаверинглар. Ёки тилдан колдиларингми? Ким истаса чиқсанин, мен кутяпман. Аллакандай қаланги-қасанги ароқхўр курка йўлимда кўндаланг бўлиши учун шунча йил яшаганим йўқ. Удумимизни яхши биласизлар. Ўзингизни омад жентльменлари деб биласизлар. Хўш, нима бўлди, чиқинглар, мана тайёрман. Кимнинг ҳадди сирса ханжарини чиқарсин, мен гарчи қўлтиқтаёқда бўлсан хам

чубуғимнинг чўғи сўнмасдан туриб унинг ичак-чавағи қанақа рангдалигини кўриб қўяйин!

Ҳеч ким жойидан силжимади. Ҳеч ким бир оғиз ҳам гап қайтармади.

— Ҳамиша шунақасизлар, — деб давом этди Сильвер чубуғини оғзига солиб. Чакана эмассиз, азаматлар! Жангда унча довюраклик қилолмайсиз. Ёки оддий инсонча гапни тушунишни истамайсизларми? Бу ерда мен қанитланман, ўзларинг сайлагансизлар. Мен қашитанларингман, чунки аклим сизларни кидан анча ортиқ. Сизлар омад жентльменлари сингари мен билан жанг қилишини хоҳламаяисизлар. Шундай экан, менга қулоқ солинглар! Бу бола менга ёқади. Бундай яхши болани хеч қачон учратмаганман. Сизга ўхшаган қаламушларга қараганда бу эркак кишига иккى баравар кўпроқ ўхшайди. Шунн уқиб олинглар: кимки унга тегадиган бўлса, мен билан куч синашиши керак.

Ўртага узок жимлик чўқди.

Мен қадамимни ростлаб девор ёнида турадим. Юрагим ҳамон болға сингари дукиллаб урас, лекин тирик колишимга умид ҳам туғилганди. Сильвер қўлини ҷалиштирганича деворга сўяниб ўтиради. У чубуғини сўрас, ҳудди черковда ўтиргандай, бамайлихотир эди. Фақат кўзлари сергак бокарди. У кони қайнаган гурухига сездирмай назар ташлаб туради. Қароқчилар уйнинг бурчагига кетишиди ва шивирлаша бошлишиди. Уларнинг шивири қулоғимга дарё шовкини каби эшитилди. Баъзан улар орқага ўгирилиб қўйишар, шунда машъаланинг қизғиши нурн уларнинг хаяжонли юзларига тушарди. Лекин улар менга эмас, Сильверга қарашар эди.

— Бирор гап айтмоқчига ўхшайсизлар-а? — деди Сильвер ва анча узокка тупурди. — Майли, ганипринглар, қулоғим сизда.

— Кечирасиз, сэр, — деб гап бошлади қароқчилардан бири. — Таомилимишни қўинича бузяисиз. Лекин шундай удум ҳам борки, уни ҳатто сиз ҳам буза олмайсиз. Гурух норози, лекин айтишга изн берасиз, бу гурухнинг бошка ҳар қандай гурух сингари ўз хукуқлари бор. Тўпланиб, гаплашиб олишга хаққимиз бор. Кечирасиз, сэр, ҳар қалай қанитанимизсиз-у, лекин хукуқимдан фойдаланиб, кенгашиб олишга бораман.

Бу ўттиз беш ёшлардаги, новча, күзлари серрайган матрос Сильверга одоб билан честь берди-да, бемалол эшик томон юрди ва кўздан йўқолди. Колганлар хам унинг орқасидан чиқишидни. Уларнинг хар бири Сильверга честь берар, ўзини оқлаш учун нималарни дир мингирлаб кўйишарди.

— Таомнлнимиз шуни буюради, — деди бири.

— Матрослар Йиғинига, — деди Морган.

Биз Сильвер иккаламиз ёниб турган машъала ёнида ёлғиз қолдик.

Ошпаз дархол оғзидан чубурини олди.

— Менга қара, Жим Хокинс, — деди аранг эшитиладиган шивирлаш билан, — хаётинг кил устида турибди, энг хунуги, кийноғи хам бор. Улар мени амалимдан тушшришмокчи. Сени қанчалик химоя қилганимни кўрдинг. Аввалига сени химоя қилгим келмади, лекин бир-икки оғиз гаи айтдигиг-у, ўз режаларимни ўзгартириб юбордим. Омадим юришмаганидан, менга таҳдид килаётган дор хақидаги ўйдан бўғилиб турган эдим. Гапларингни эшитиб, ўз-ўзимга шундай дедим: Жон Хокинснн химоя кил, у хам сени химоя қиласди. Сен унинг охирги умидисан, Жон, у эса момакалдироқ ҳаққи, сенинг охирги умидинг! Ёрдамга ёрдам билан жавоб бериш керак деган қарорга келдим. Иш судга бориб тақаладиган бўлса, сен ўз гувоҳингни кутқариб қоласан, у эса сени.

Мен гап нимада эканлнггини аранг уқа бошладим.

— Биз ютқиздик демокчисиз-да, а? — деб сўрадим.

— Шайтон номи билан қасам ичаман, шундай! — деди у. — Модомикн кема йўқ экан, демак, бизни дор кутади. Мен жуда ўжарман, Жим Хокинс, лекин кўрфазда кема йўқлигини кўриб, холимиз вой эканлигини фахмладим. Аиавилар кенгашаверсин, хаммаси мияси йўқ қўркоқлар. Мен ўз жоннини кутқариб қолишга уринаман. Лекин кулоқ сол, Жим, хизматга — хизмат-а: сен Дароз Жонни сиртмоқдан кутқариб қоласан.

Мен хайратда қолдим. Кекса қароқчи, атамандай одам кимга умид боғлаб ўтирибди!

— Кўлимдан келганининг хаммасини қиласан, — дедим.

— Демак, келишдик! — деди у. — Сен енгилгина қутулдинг, мен хам, онт ичиб айтаманки, халос бўлишдан умидим бор.

У ўтин олдида ёниб турган машъала ёнига судралиб борди-да, чубурини яна тутатди.

— Мени тушунгинг, Жим, — гапида давом этди у жойига қайтиб келгач, — ўзимга яраша каллам бор, сквайр томонга ўтишга аҳд қилдим. Биламан, кемани бирорта бехатар жойга яшириб қўйгансан. Буни қанақасига қилганингни билмайман-у, лекин кемага шикаст етмаганига ишончим комил. Хендс билан О'Брайен ахмоқ чиқишиди. Уларга хеч қачон ишонмагандим ҳам. Шунни билиб қўй, сендан хеч нарсани сўрамайман, бошқаларнинг ҳам савол беришига йўл қўймайман. Хатарли ўйин қоидасини биламан, мен мағлуб бўлдим. Сен эса, шундай ёш, шундай ботир йигитсанки, агар қўлни-қўлга бериб иш қилсак, кўп нарсага эга бўламиш.

У тунука кружкага ёғоч хумдан конъяк қўйди.

— Ичгинг борми, оғайнин сўради у.

Мен рад этдим.

— Мен озгина ичаман, Жим, — деди у. — Олдинда анча ташвишлар бор, ўзимни бир оз ростлаб олай. Айтмоқчи, ташвишлар ҳакида. Азизим Жим, нега энди доктор бу харитани менга бериб қўйди.

Мен астойдил хайратда қолдим, буни кўриб у бошқа савол беришни фойдасиз деб билди.

— Шунака, у менга харитани берди... Бир гап бор бунда шубҳасиз. Ҳа, Жим, яхшиликками ё ёмонликками, ишқилиб бир сир бор бунда.

У яна конъяқдан ҳўплади, муқаррар фалокатни кутаётган одамдай хумкалласини сарак-сарак қилиб, тебратиб қўйди.

XXIX боб

ЯНА ҚОРА БЕЛГИ

Кароқчиларнинг кенгаши анчага чўзилди, сўнг улардан бирни истеҳкомга қайтиб келди, масхара қилаётгандай Сильверга честь берди-да, машъяланни олишга рухсат сўради. Сильвер розилик билдириди, элчи иккаламизни коронгилика ёлғиз қолдириди.

— Бўрон яқинлашяпти, Жим, — деди Сильвер.

У менга ўз улфатидай муюмала қила бошлади. Мен яқинроқдаги шинак олдига бориб, ташқарига қарадим.

Гулхан ўчай деб қолибди. У хеч қандай ёруғ бермаяпти; фитначиларга машъала шу важдан зарур бўлган экан. Улар уй билан ёюч девор ўрталигидаги тепалик этагида вуж бўлиб туришарди. Улардан бири машъалани ушлаб турибди. Бошқаси ўртада тиз чўкиб турарди. Унинг қўлида пичок, яланюочланган пичок гоҳ ой нурида, гоҳ машъала шуъласида яраклаб кетарди. Қолганлари шерниклари нима қилаётганини қўраётгандай сал эгилишган. Унинг қўлида қандайдир бир китоб пайдо бўлди. Мен қароқчига ярашмайдиган бу нарса унинг қўлига қандай тушганини ўйлашга ултурмасимдан у тиз чўккан жойидан турди-ю, ҳаммалари уй томон йўл олишиди.

— Келишянти, — дедим.

Мен бояги жойимга бориб турдим. Ўз обрўйимни туширмаслик учун қароқчиларнинг ўзларини кузаттанимни пайқамасликларини истардим.

— Бош устига, дўстим, келишаверсин! — деди Сильвер хурсанд бўлиб. — Уларни боплаб кутиб олганим бўлсин. Эшик очилди, бешта қароқчи остонаяда бир-бирини олдинга итарганча иккиланиб туриб қолишиди.

Бошқа бир пайтда сайланган одамнинг ўнг қўлини олдинга чўзиб, муштумпни маҳкам туғиб, ҳар қадамда тўхтаб, қўрқа-писа яқинлашаётганини қўриш анча кизик бўларди.

— Яқинроқ келавер, оғайни, деди Сильвер, — қўрқма, еб қўймайман. Удумимизни биламан. Элчига тегмайман.

Бу гаплардан дадилланган қароқчи қадамини тезлатди, Сильвернинг қўлига алланимани тутқазди-ю, шошилганича ўртоқлари ёнига қайтди.

• Ошпаз қўлидаги нарсага қаради.

— Қора белги! Ўзим ўйлагандек, — деди у. — Кофозни каердан олдиларинг? Бу нима ўзи? Эҳ, бадбахтлар! Инжилдан йиртиб олибсизлар-ку! Бу қилмишларнинг учун гунохга ботдиларинг! Инжилдан буни қайси ахмоқ қиркиб олди?

— Қўрдиларингми! — деди Морган. — Мен нима деган эдим? Бундан хеч қанака яхши иш чиқмайди.

— Мана энди дордан қочиб кутуолмайсанлар, — деб давом этди Сильвер. — Инжилни қайси ахмоқдан олдиларинг?

— Дикдан, — деди кимдир.

— Дикдан? Қани Дик, худога илтижо қнл, — деди Сильвер, — чунки масаланг ҳал бўлибди. Ҳақ гапни айт-япман. Худо урсин, тамом бўлдинг!

Кўзи сарик, бесёнақай йигит гапга аралашди.

— Ганни чўзма, Жон Сильвер, — деди у. — Кенгашга тўйланган гурухда омад жентльменларининг удуми буюрганидек сенга қора белги юборишга аҳд қилди. Таомилимиз буюргандек, орқасини ағдаринб, унда нима ёзилганини ўқи. Ана ўшанда сал бошкачарок сайраб қоласан.

— Раҳмат, Жорж, деди Сильвер. — Сен ишнинг кўзини биладиган одамсан, одатларимизни ҳам ёдан биласан. Бу ерда нима деб ёзилибди? Аха! «Амалдан туширилади». Шунақа гап денг! Дастватнииг чиройлилигини қаранг-а! Китобдаги босмача ҳарфнинг ўзи-я. Жорж, бу сенинг хатингми? Сен гурухдаги энг олди одамсан. Агар сени капитан қилиб сайлашса заррача ҳам ажабланмайман. Барака топгур, машъалани узатиб юбор, чубугимни ҳеч тутатиб ололмаяпман.

— Ҳаддингдан ошма! — деди Жорж. — Гурухнинг бoshини айлантирма. Гаинингта қулоқ солса, сен унақа, сен бунақадан бошқа гап йўқ, ҳархолда ёғоч хумнинг устидан туш. Сен энди капитанимиз эмассан. Ёғоч хумдан туш, кейин сайловимизга ҳалакит берма!

— Удумимизни чиндан ҳам биларсан деб ўйловдим, — нафрат билан эътиroz билдириди Сильвер. — Озгина сабр қиласан, чунки ҳали-хозирча капитанларнингман. Аввало менга айб қўйсаларинг ҳам жавобларимни эшитишларинг лозим. Унгача сиз берган кора белгининг котган нончалик қиммати йўқ. Кўрамиз, бунинг охири нима бўларкни.

— Кўрқма, одатимизни бузмаймиз, — деди Жорж. — Ҳалол иш қилишни истаймиз. Сенга қўядиган айбларимиз шулар. Биринчидан, ҳамма ишни барбод қилдинг. Бунга эътиroz билдиришга юрагинг дов бермайди. Иккинчидан, бу ерда душманларимиз тузоқقا тушганига қарамай, уларнинг кутулиб кетишига йўл қўйиб бердинг. Улар нимага кетишли ўзи? Билмайман. Лекин қандайдир сабабдан кеттилари келиб қолгали аник. Учинчидан, уларни таъқиб қилишни ман этдинг. Сени беш бармоқдай яхши биламиз, Жон Сильвер. Сен мунофиқлик қиляпсан, бир ўқ билан икки күённи урмоқчисан. Тўртинчидан, манави болани химоя қилдинг.

— Хаммаси шуми? — сўради Сильвер пинагини бузмай.

Шунинг ўзи кифоя, — деди Жорж. — Сенинг анковлинг касофатига дорга осилиб, офтобда жизгинак бўладиган бўлдик.

— Энди тўрттала кўйган айбларингга берган жавобимга қулок солинглар. Мен бир бошдан жавоб бераман. Хамма ишни барбод қилдинг деб айтдиларингми? Лекин мен нимани хоҳлашимни билардиларинг-ку. Агар менинг гапимга киргланларингда хозир соғ-саломат «Испанъола»да ўтирган бўлардиларинг, олтиналар эса трюмда ётарди! Ким ғов бўлди йўлимга? Мени, қонуний капитанларингни шошилтирган, ишга соглан ким? Оролга келган биринчи куннимиздаёқ менга кора белги юборган ким, мана шу шайтон ўйинини бошлаган ким? Жуда чиройли ўйин — бу ноғорага сизлар билан бирга мен хам ўйнаяпман. Лондон дорида осилиб турганлар хам ана шунака хурмача киликлар килишган. Буларни ким бошлади ўзи? Эндерсон, Хендс хамда сен Жорж Мерри. Ана шу бузғунчилардан фақат, сен тирик қолдинг. Яна сендай одам юэзизлик қилиб капитан бўлиб олмокчисан-а! Бутун бир тўдани хароб килган одам-а! Йўқ бундан ҳеч нарса чиқмайди!

Сильвер жим бўлди. Жоржнинг хамда бошқаларнинг юзига қараб, унинг сўzlари изсиз қолмаганини пайқадим.

— Бу биринчи пункт! — деди Сильвер терлаган пеша-насини артиб. Онт ичиб айтаманки, сизлар билан гаплашсам кўнглим айнийди. Ақлингиз хам, хотирангиз хам йўқ. Оналаринг сизларни денгиз сафарларига кўйиб юборганига ҳайронман! Денгизга-я! Хали сизлар омад жентльменларимисизлар? Рўмол ўраб олганларинг минг марта яхши...

— Сўкинишни бас кил, — деди Морган. — Кўйилган бошқа айбларга хам жавоб бер.

— Ҳа-а, бошқаларнiga деб! — қичқирди Жон. — Бошқалари хам анча дуруст. Ишимиз хароблигини айтдиларинг. Онт ичиб айтаманки, қанчалик хароблигини ўзларинг хам билмайсанлар! Биз дорга шунчалик яқинлашиб қолдикки, бўйнимни сиртмоқда увишиб колаётгандай хис этяпман. Ўзимизни шундай кўряпман: кўлимизга темир кишан урилган, дорда осилиб турибмиз, тепамизда қарғалар чарх уришмоқда. Сув кўтарилган пайтда денгизчилар кўлини бигиз қилиб бизни кўрсатишяпти. «Бу ким?» — деб сўра-

япти биттаси. «Бу Жон Сильвер. Уни яхшн билардим», – деб жавоб қиляпти бошқаси. Дорга осилганларни шамол тебратяпти, занжирларни шараклатяпти. Жорж Мерри, Хендс, Эндерсон ҳамда бошқа ахмоқларнинг ка-софатига хар биримизни ана шундай кўргиликлар кутяпти! Ундан кейин эса жинн урсни, сизларни тўртинчи пункт – мановн бола қизиқтираётир. Ахир, у гаровдаги одам, тушунасизми, йўқми? Нахотки гаровдаги одамни ўлдириб қўйсак? Эҳтимол у охирги умидимиздир. Шу гўдакни ўлдирдимизми? Йўқ, азизларим, уни ўлдирмайман. Айтмокчи, учичи пунктга ҳали жавоб берганим йўқ. Жуда соз, мархамат, жавоб бераман. Докторнинг, доктор бўлганда ҳам коллежни битирган докторнинг хар куни келиб кетишларини қадрламас экансиз-да? Жон, ўқ еган пешананг учун докторнинг ҳожати йўқ экан-да? Сен-чи, хой Жорж Мерри, ҳар олти соатда сени безгак тутяпти, кўзларинг лимондай сарғайиб кетган, докторнинг даволашини истамайсанми? Эҳтимол, ҳадемай бу ерга ёрдам учун иккинчи кеманинг етиб келишини ҳам билмассиз? Лекин тез кунда келиб қолади. Ана ўшанда сизларга гаровдаги одам керак бўлади. Энди иккинчи пункт: сизлар мени улар билан битим тузишда айблаяпсизлар. Ахир, битим тузгин деб ўзларинг тиз чўкиб ялиндиларингми? Оёқларимни ўпдиларинг, юракларинг чиқиб кетди, очдан ўлишдан қўрқдиларинг. Лекин булар хеч гап эмас. Мана бунга қараларинг – шуни деб битим тузганман!

У ерга бир варак қорозин ташлади. Қоғозни дарров танидим. Бу қачонлардир Билли Бонснинг сандигидан ўзим олган, сап-сариқ қоғозга чизплган, учта қизил хоч белгиси бор ўша харита эди.

Уни доктор нима учун Сильверга берганини хеч ақлимга сирдира олмадим.

Хаританинг кўриниши мендан ҳам қароқчиларни кучлироқ хайратга солди. Улар харитага сичқонга ташланган мушукдай ташланишди. Улар хақорат, бақириқ, болаларча шараклаб кулиш билан харитани бир-бирининг қўлидан юлқиб олишарди. Гўё улар олтин тангаларни қўллари билан ушлаётгангина эмас, балки хазинанинг ҳаммасини кемада олиб кетаётган одамларга ўхшашарди.

– Тўғри, – деди бири, – бу Флинтнинг имзоси, шубҳага ўрин йўқ. Д.Ф. пастрофида эса курмов. У доимо шунаقا имзо чекарди.

— Бу-ку яхши, — деди Жорж, — кемамиз бўлмаса хазинани қандай килиб олиб кетамиз?

Сильвер қўли билан деворни ушлаб, сапчиб ўрнидан турди.

— Сени охирги марта огохлантираман, Жорж! — қичкирди у. — Яна бир оғиз гапирсанг, сен билан муштлашаман. Қандай қилиб дейсанми? Қанакалигини мен қаёдан билай? Буни сен, сенинг кўмагингда кемамни қўлдан чикариб юборган бошқа одамлар айтиши керак. Лекин кераги йўқ, сендан бамаъни ган кутмайман хам — сенда акл нима қилсин. Бироқ одоб билан гапиришга мажбурсан, бўлмаса хушмуомалалик нималигини ўргатиб қўяман!

— Тўғри! — деди кекса Морган.

— Бўлмасам-чи! Албатта, тўғрида! — деб гапни илиб кетди кема ошпази. — Сен кемамизни қўлдан чиқардинг. Мен бўлсам сизларга хазинани топиб бердим. Қайси биримиз эътиборлироқ? Бироқ онт ичіб айтаманки, ортиқ капитан бўлишни истамайман. Кимни хоҳласаларинг, ўшани сайлайверинглар. Менга шуниси хам етарли!

— Сильверни сайлаймиз! — деб бақирди ҳамма. — Сон гўшти қийматгача! Сон гўшти капитанликка!

— Энди ашуларапинг шу бўлибди-да! — қичкирди ошпаз, — Жорж, азиз дўстим, янаги сафарги бўладиган ҳодисагача кутиб турасан-да. Кек сакламаслигим баҳтинг. Кўнглим юмшоқ. Манови кора белгини нима қиламиз, оғайнилар? Эндиликда унинг кераги бўлмай колди. Дик ўз жонига зомин бўлди, инжилни ҳаром қилди, ҳаммаси беҳудага.

— Эҳтимол, у қасамёд қилишга яна яраб қолар? — сўради Дик. Уни ўзи йўл қўйган куфрлиги анча ташвишга солиб қўйган эди.

Варағи кирқилган инжилми? — даҳшатга тушиб сўради Сильвер. — Мутлақо! Унда ашула китобидаги чалик хам илоҳийлик колмади.

— Ҳар холда, ҳар эҳтимолга қарши уни саклаган маъқул, — деди Дик.

— Манавини эса, Жим, эсадаликка олиб қўй, — деди Сильвер менга кора белгини берәтиб.

Унинг катталиги тангадай келарди. Бир томони оппоқ — Дик инжилшинг энг охирги варагини кирқкан эди — бошқа томонида Анокалипсисдан иккита оят бор эди. Мен ундаги «итлар ва қотиллар» деган иккита сўз-

ни эслайман. Текст ёзилган томонга қоракуя суртилган бўлиб, у бармоқларимни корайтириб кўйди. Тоза томонида кўмир билан «Амалдан туширилди» деган сўз ёзилганди.

Ўша қора белги ҳозир олдимда турибди, лекин кўмир билан ёзилган ёзувдан тиршоқ билан таталангана ўхшаган излар қолган.

Бу туннинг воқеаси ана шундай тугалланди. Биз ром ичиб ухлашга ётдик. Сильвер, ҳушёр турмаса ўлдиражагини айтиб, Меридан ўч олиб, уни соқчиликка кўйди.

Мен анчагача ухломадим. Мен ўзим ўлдирган одам, ҳозирги ҳавфли ахволим, энг аввало Сильвер олиб бораётган таҳликали ўйин ҳакида ўйлардим, чунки у бир қўли билаи қароқчилар тўдасини ушлаб турар, бошқаси билан ўзининг хеч нарсага арзимайдиган ҳаётини сақлаб қолиш учун ҳар қаиака рёёбга чикадиган ва чикмайдиган воситаларга тармашарди. У тинчтича ухлар ва қаттиқ ҳуррак отарди. Барibir, Жонга караб туриб, уни қандай ҳавф-хатар куршаб олганини ҳамда қанчалик шармаидали ўлим кутаётганини ўйлаб, унга ачиниб, раҳмим келди.

XXX боб

ЛАФЗ

— Ҳой гаризон, туинглар! Доктор келяпти! — ўрмоннинг чеккасидан эшилган бу аниқ, баланд овоз мени, тўғрироғи ҳаммамизни уйғотиб юборди, ҳатто эшик олдида мудраб ўтирган сокчи ҳам сакраб ўрнидан турди.

Чиндан ҳам бу доктор эди. Унииг овозини эшитиб севишиб кетдим, лекин севиичимга мендаги хижолат ҳамда уялиш туйғуси аралашиб кетди. Мен ўзимнинг итоатсизлигим, ўртоқларимдан ўғринча қочиб кетганлигимни эсладим. Бу қандай оқибатга олиб келди? Истаган найтда мени ўлдиришлари мумкин бўлган қароқчилар қўлида асир бўлишга. Докторнинг юзига қараашдан уялардим. Доктор анча эрта турган бўлса керак, чунки борлиқ энди ёриша бошлаганди. Мен шинак олдига бориб қарадим. У пастда турарди. Бир вактлар тиззасидан пастда туман ўралашиб, истеҳжом олдида Сильвер ҳам турганди.

Салом доктор! — деди Сильвер кўзларини роса уқалаб ҳамда юзига табассум ёйилиб. — Анча эрта турибсиз!

Маколда айтилгандай, эрта турган қүш кўп донлади... Жорж, кўзингни очсангчи ўғлим, докторнинг кемага ўтиб олишига ёрдамлашиб юбор... Ишлар жойида, доктор! Беморларингиз хушчакчак, тетик!

У тепалик устида қўлтиқтаёққа таяниб, бир қўли билан деворни ушлаб турган кўйин ана шундай хазилкашлик киласди, овози ҳам, килиғи ҳам, қулиши ҳам бутунлай илгариги Жонники эди.

— Сизга атаган хушхабаримиз бор, сэр, — давом этди у. — Ёшгина бир меҳмон, хе-хе! Янги ҳамхона, сэр, ҳамхона бўлганда ҳам жуда зўр! Худо ҳаққи, донг қотиб ухлаяпти. Тун бўйи Жон билан ёнма-ён ухлади.

Доктор Ливси бу орада ёғоч девордан ўтиб, ошпазга яқинлаши.

— Наҳотки Жим? — деб сўраганида овози титраб кетганини сездим.

— Худди ўзгинаси, — деди Сильвер.

Доктор бирдан тўхтаб колди. Гўё ўрнидан қимирлашга курби етмаётгандай эди.

— Майли, деди у нихоят. — Олдин иш, кейин хурсандчилик. Шунака мақолларинг бор эди шекилли. Аввал bemорларни кўрайлик.

Доктор уйга кирди, менга совуқкина бош қимирлатиб қўйиб, bemорлари билан банд бўлди. Бу маккор одамлар орасида ўзининг хаёти қил устида туришига қарамай у ўзини хотиржам, эркин тутарди. У гўё ўзини осойишта инглиз оиласига касал қўришга таклиф килингандай, bemорлар билан чакчақлашарди. Докторнинг қароқчиларга қилган муомаласи уларга кучли таъсир қиласди. Қароқчилар ораларида ҳеч гап ўтмагандай, гўё у илгаригидай кема врачи-ю, ўзлари куйди-пишди, садоқатли матрослардай муомала қилишарди.

— Анча дурустсан, дўстим, — деди у боғлиқ одамга. — Сенинг ўрнингда бошқа одам бўлганида тоб беролмасди. Калланг чўян қозондай мустахкам экан... Аҳволинг қалай, Жорж? Ие бутунлай сарғайиб кетибсанку! Сенинг жигаринг нософ. Дори ичдингми? Айтингларчи, бу дори ичдими?

— Бўлмасам-чи, сэр, бўлмасам-чи! Ичди, сэр, — деди Морган.

— Исёнчилар врачи, тўғрироғи турма врачи бўлганимдан бери, — деди доктор самимий табассум билан, — сизлар-

ни кирол Георг қўлига, худо уни ўз паноҳида сақласин, дорга осиш учун эсон-омон топширишни ўз бурчим деб биламан.

Карокчилар бир-бирлариға қарашиб, докторнинг хазилини аранг ҳазм килишди.

— Дик ўзини жуда нохуш сезяпти, сэр, — деди улардан бири.

— Нохуш? — сўради доктор. — Кани, Дик, бу ёққа келиб, тилингни кўрсат-чи. О, у ўзини нохуш сезганига заррача бўлсин ачинмайман! Бунақа тил билан французларни хам қўркитиб юбориш мумкин. Бунда хам безгак бошланибди.

— Муқаддас инжилни йиртганларнинг бошига ана шунака кўргилик тушади, — деди Морган.

— Эшак мия одамларнинг бошига хам тушиши мумкин, — деб эътироz билдири доктор. — Заарали ҳавони тозасидан, куруқ тупрокни заҳарли, жиркаич ботқоқдан ажратолмаганлар бошига хам тушади. Фикримча, ҳаммаларинг безгак юқтириб олгансизлар, ундан кутулгунча анча вақт ўтади. Ботқоқни кароргоҳ қилганларингни караплар-а! Сильвер, худо ҳаққи, мени жуда хайрон қолдирдингиз! Сиз бошқаларга ўхшаган унчалик ахмоқ эмассиз-ку, лекин кўл остингиздаги одамларнинг соғлигини қандай саклаш борасида заррача бўлсин тушунчангиз йўқ. Жуда соз, — деди доктор беморларни кўриб бўлгач, сўнг бир неча тибиётга оид маслаҳатларни берди. Улар докторнинг гапларига қарокчиларга ўхшаб эмас, балки моддий ёрдам уюштирувчи мактаб талабалари сингари жон қулоғини бериб тинглашди. — Бугунга етарли. Энди, агар ижозат берсаларинг, манави йигитча билан гаплашиб олсан. — Доктор мен томонга бепарвогина ишора қилди.

Жорж Мерри эшик олдида турар, афтини бужмайтириб, қандайдир аччик дориворни ичарди. Докторнинг илтимосини эшитгач, унинг разабдан юzlари қизариб кетди, унга бурилиб:

— Асло! — деб қичкирди.

Сўнг куракда турмайдиган сўз билан сўкинди.

Сильвер ёғоч хумни шапиллатиб урди.

— Жим бўл! — деб бўкирди у ва кутурган арслондай атрофга қаради. — Доктор, — давом этди у назокат билан, — Жим билан гаплашишингизга ишончим комил эди, чунки бу болани яхши қўришингизни билардим. Биз сиз-

дан бағоят миннатдормиз, сизга қанчалик пішонч билди-раётганимизни күриб турибсиз, дориларингизни арокдай ичиб юборяпмиз. Мен хозир түғрилайман... Хокинс, менга чин жентльменлик сўзини бера оласанми, — чунки, ота-оналаринг гарчи факир кишилар бўлса-да, сен жентльменсан, — хеч қаёқка қочиб кетмайсанми?

Мен бажонидил ваъда бердим.

— Ундей бўлса, доктор, — деди Сильвер, ёғоч девордан ошинг. Нариги томонга ўтганингиздан кейин Жимни пастга олиб бораман. Сиз у томонда, Жим эса бу томонда туради, лекин бу юракдан отамлашиб сұхбат қуришларингга халал бермайди. Яхши боринг, сэр! Сквайр билан капитан Смоллеттга салом айтинг.

Доктор чиқиши билан Сильвердан кўркиб турган қарокчиларнинг ғазаби юзага депсиди. Улар Сильверни мунофикалик, ўзини яхши халос килиб, бошқаларни балога гирифтор этишда айблашди. Хуллас, қарокчилар унинг ниятини фахмлашган эди. Унинг бу сафар ҳам сувдан қуруқ чиқишига ишонмаган эдим. Лекин Жон уларнинг ҳаммасидан икки баравар акллироқ эди. Сильвернинг кечаги ғалабаси улар устидан зўр ҳукмронликни таъминлаган эди. У қарокчиларни аҳмоқдан олиб, аҳмоққа солди, мен сұхбатлашмасам доктор билан мұомала қилиб бўлмаслигини айтди, харитани уларнинг тумшуғига тақаркан, наҳотки ҳазинани қидириш мүмкун бўлган бир кунда битимни бузсаларинг, деб койиди.

— Йўқ, момақалдироқ ҳаққи онт ичаман! — қичкирди у. — Шундай кун келадики, уларни роса лакиллатамиз, лекин унгача гарчи этигини ром билан тозалашимга тўғри келса-да, анови докторга хушомад қилавераман!

У гулхан ёкишга буйруқ берди, қўлтиқтаёрини олиб, қўлинини елкамга кўйди, қарокчиларни бутунлай саросимага солиб, пастликка қараб кетди. Қарокчиларга унинг далилларигина эмас, балки қаттиқ туриши ҳам таъсир қилган эди.

— Шошилма дўстим, шошилмай юр, — деди у менга. — Икковимиэнинг шошилаётганимизни кўришса, бара-варига бизга ташланишади.

Кумлок қияликдан доктор бизни ёғоч девор оркасида кутиб турган жойга аста-секин тушиб бордик. Сильвер тўхтади.

— Доктор, гарчи капитанлик мартабамдан ажралышмга сал қолган бўлса-да, уни ўлимдан куткариб қолганинг ўзи айтиб берсин, — деди у. — Эҳ, доктор, киши ўз қайнини ҳалокат сари олиб бораётганда, ўлим билан ўйнашаётганда, оз бўлса-да, яхши гап эшитишни хоҳлади! Шуни унутманги, гап менинг хаётим устидагина эмас, балки манови боланинг ҳаёти устида ҳам бораётир. Доктор, сиздан ёлвориб сўрайман, менга раҳмингиз келсин, озгина бўлса-да умид учкунидан мени баҳраманд қилинг!

Хозир ўтрокларидан узоклашиб, блокгаузга орқасини ўғириб тураркан, Сильвер бутунлай бошқа бир одам бўлиб қолганди. Юзидаги ранги қочиб, овози титради. Туси ўликникига ўхшаб кеттанди.

— Наҳотки қўрқаётган бўлсангиз, Жон? — деб сўради доктор Ливси.

— Доктор, мен қўрқоқ эмасман, йўқ, зиғирча ҳам қўрқоқ эмасман, — у бармоғининг учини кўрсатди, — лекин очиғини айтганда, дорни ўйласам аъзойн баданим титраб-қақшайди. Сиз ҳалол, ростгўй одамсиз. Сиздан яхшироқ одамни умримда учратмаганман. Сиз қилган яхшилигимни унутмайсиз, айтмоқчи, ёмонлигимни ҳам эсдан чиқармайсиз. Мен четроққа бориб тураман, Жим икковингизни ёлғиз қолдирман. Буни ҳам хизматимга тиркаб қўясиз, шундайми?

— Шундай қилиб, Жим, — деди доктор ғамгин оҳангда, — сен шу ердасан. Арпа эксанг, арпа оласан бўтам. Сени койишга оғзим бормайди. Факат бир нарсани айттай: агар капитан Смоллетт соғ бўлганда биздан қочишга журъят қиломасдинг. Сен бехаёларча иш тутдинг, у ярадор ётганида, сени куч билан ушлаб қололмайдиган пайтда қочиб қолдинг.

Шуни эътироф қилишим керакки, бу гапларни эшитгач йиглаб юбордим.

— Доктор, — деб ёлвордим, — барака топинг, мени сўкманг! Ўзимни ўзим роса сўкканман. Ҳаётим қил устида турибди. Агар Сильвер ёнимни олмаганда хозир нариғи дунёда бўлардим. Доктор, ўлимдан эмас, қийноқдан қўрқаман, холос. Борди-ю, улар мени қийнай бошлашса...

— Жим... — доктор гапимни бўлди, овози сал ўзгарди. — Жим бунга йўл қўймайман. Девордан ошиб туш, қочамиз.

— Доктор, — дедим, — ваъда бериб қўйдим-ку.

— Биламан, биламан! — деди у. — Нима ҳам қила олардинг, Жим! Бу гуноҳни ўз бўйнимга оламан. Сени бу ерга химоясиз ташлаб кетолмайман-ку. Сакра бу ёкка! Сакрасанг бўлди — сен озодсан. Оҳулар сингари чопиб кетаверамиз.

— Йўқ, — дедим. — Ахир, ўзингиз ҳам шундай йўл тутмайсиз-ку. На сиз, на сквайр, на капитан лафзингиздан қайтмайсиз. Демак, мен ҳам қайтмайман. Сильвер менга ишонди. Унга чин сўз бердим. Лекин доктор, гапимни охиригача эшитганингиз йўқ. Бордн-ю, улар менни қийнай бошлашса, бардош беролмай кемани қаерга яширганимни айтиб қўяман. Доктор, омадим юрншиб, уларнинг кемасини олиб кетишга муваффак бўлдим. У хозир Шимолий тўхташ жойининг жанубий сохилида турибди. Сув кўтарилганда тўлкинлар устига чиқади, сув кайтганида саёзга ўтиради.

— Кема! — деб хитоб қилди доктор.

Мен нима ходиса бўлганини иккι оғиз гап билан айтиб бердим унга. У гапларимни индамай эшитди.

— Бу тақдир, — деди у гашим тугагач. — Ҳар сафар сен бизни мұқаррар ҳалокатдан сақлаб қоляпсан. Шундай экан, нахотки пичоқ тиғидан ўлишининг бизни йўл қўяди деб ўйласанг? Бу бизга қилган шунча хизматинга кўрнамаклик бўлади-ку. Сен фитнани фош кплдинг. Сен Бен Гани тоидинг. Агар юз йил яшасанг ҳам бўндан ортиқ яхши ишни кнлолмайсан. Бу Бен Гани дегани — бай-бай-бай! Айтмоқчи, Бен Гани хақида... Сильвер! — кичқирди у. — Сильвер, сизга маслаҳат бермоқчиман, — ошпаз яқинлашганда у гапида давом этди: — ҳазнани кидиришга унча шошилманглар.

— Сэр, мен бу ишни орқага суришга танамда жоним борича ҳаракат қиласман, — деди Сильвер. — Лекин онт ичиб айтаманки, ҳазина қидириш билан ўзимнинг ҳамда манови бечора боланинг ҳаётини сақлаб қоламан.

— Майли, Сильвер, — деди доктор, — ундаи бўлса қидираверинг. Лекин сизга битта маслаҳат бермоқчиман: қидираётганингизда кичқирикларга эътибор беринг.

— Сэр, — деди Сильвер, — менга жуда кўп ёки жуда оз нарса айтдингиз. Нима керак ўзи сизга? Нега қальянни ташлаб кетдингиз? Нега манови харитани менга бердингиз? Мен бунга тушунмадим, тушунмайман ҳам. Шунга

қарамай, гарчи мени заррача бўлсин умидвор қиладиган нарса айтмаган бўлсангизда, хамма талабларингизни кўркўона бажардим. Энди бўлса яна янги сирлар... Агар гап шимадалнгини очик-ойдин айтишни истамасангиз, очиғини айтинг-қўйнинг, мен ҳам қўлни ювиб, қўлтиқка урай.

— Йўқ, — деди доктор ўйчан, — бу ишлардан сизн хабардор қилишга ҳакким йўқ. Бу менинг сирим эмас, Сильвер. Бўлмаса, паригим ҳурмати онт ичиб айтаманки, ҳаммасидан хабардор қилардим сизни. Сизга бундан ортиқ бир оғизгина гап айтсам, капитан роса таъзиримни беради. Ҳар холда, Сильвер, сизни умидвор қиладиган бир нарсани айтаман: агар мана шу бўри уясидан иккови-миз соғ-саломат чиқиб кетсак, агар бунинг учун қасамдан қайтиш бўлмаса, сизни дордан қуткариб қолишга ҳаракат қиласман.

Сильвернинг юзи бирлан чараклаб кетди.

— Туқсан онам ҳам мени сизчалик юната олмаганди! — деди у.

— Бу сизга айтадиган гапнинг биринчиси, — деди доктор. — Йккинчиси ҳам бор: манови болани доим ённингизда олиб юринг, ёрдам керак бўлса, мени чакиринг. Сизларни ҳалос қилишга интиламан, ўшанда гапимнинг бежиз эмаслигини кўрасиз... Хайр, Жим.

Доктор Ливси девор оралигидан қўлимни қисди, Сильверга бош ирғади, сўнг шахдам қадам ташлаб ўрмон томонга кетди.

XXXI боб

ХАЗИНАНИ ҚИДИРИШ.

ФЛИНТНИНГ КЎРСАТКИЧ МИЛИ

— Жим, — деди Сильвер ёлғиз қолганимизда, — мен сенинг ҳаётингни саклаб колдим, сен — менинни. Буни хеч қачон унутмайман. Доктор сени олиб кетмоқчи бўлиб авраганини кўрдим. Нима деб жавоб берганингни эшитмадим-у, аммо рад жавоби берганингни кўриб турдим. Жим, бу яхшилигнингни унутмайман. Истехкомга ҳужум қилгандан бери бугун биринчи марта мен учун умид учқунн чакнади. Бу ҳам сен туфайли. Жим, хазина қидиришга кўр-кўронга қўл уряпмиш, бу менга ёқмайди.

Лекин биз бир-биrimizغا сұнамыз, қандай килицілік бўлса хам ўз хаётимизни сақлаб қоламыз.

Гулхан ёнида куймаланаётган қароқчилардан бири бизга ионушта тайёр деб бақирди. Биз олов якинига, кум устига ўтириб, қовурилган чўчқа гўшти ея бошладик. Қароқчилар шунчалик катта гулхан ёқишган эдик, унда бутун бир новносни пиширса хам бўларди. Ҳадемай гулхан ловиллаб ёна бошлади, унга чўчинкираб шамол эсаётган томондан яқинлашдик. Қароқчилар озиқ-овқатларни хам исроф қилишарди: улар пиширган чўчқа гўшти керагидан уч баравар кўп эди. Улардан бири аҳмоқона тиржайиб, чала еган гўштни оловга ташлади, гулхан бу фалати ёқилғини ямлаб, янада равшанроқ ловиллади.

Эртанги кунига бунчалик бепарво қаровчи одамларни умримда кўрмаганман. Улар хамма ишни кўл учиди қилишар, озиқ-овқатни орқа-кетига қарамай истеъмол қилишар, сокчилликда тикка туриб ухлашарди. Умуман, улар қисқа муддатли шижаотга кодир бўлиб, узок муддатли ҳарбий жангларга уқувлари йўқ эди.

Хатто четроқда ўз тўти қуши билан ўтирган Сильвер хам уларнинг исрофгарчиликка йўл кўйишини тергамас эди. Бу нарса мени ҳайронликка солар, чунки унинг анча эҳтиёткор, ўйлаб иш қиласидиган одам эканлигини яхши билардим.

— Шундай, оғайнилар, — деди у, сиз учун бош қотирадиган Соң гўштини орангизда бўлиши бахтингиз. Зарур нарсани билиб олдим. Кема уларнинг кўлида. Уни қаерга яширишганини хозирча билмайман. Лекин хазинани кўлга киритганимизда оролни тинтиб чиқамиз, кемани кўлга оламиз. Ҳархолда кайинимиз борлиги билан улардан кучлимиз.

У жизиллаб турган чўчқа гўштини туширас экан, ана шу гапларни айтди. Жон уларнинг қалбидан умид турдиар, обрўсини тиклар, шу билан бирга, назаримда, ўз-ўзига далда берарди.

— Гаровдаги одамимиз эса, — деб давом этди, — ўзи яхши кўрган одам билан охириги марта учрашди. У билан қылган сухбатидан ўзимга зарур нарсаларни билиб олдим, бунинг учун ундан миннаторман. Лекин энди тамом. Хазинани қидиргани чиққанимизда уни аркон билан ўзимга боғлаб оламан — у биз учун олтиндан хам қиммат, уни соғ-саломат саклашимиз лозим, кези келганда аскотиб

колади. Кема хам, хазина хам қўлмизга киргандা, шоду хуррамлик билан дengизга йўл олганимизда, худди ана ўшандагина мистер Хокинс билан яхшилаб гаплашамиз, у хизматига яраша насибасини олади.

Улар севиниб кетишиди, бу ажабланарли ҳол эмасди.

Мен бўлсан қаттиқ фамга ботиб, рухим тушиб кетди. Агар Сильвернинг хозир баён қилган режаси амалга ошириладиган бўлса, бу икки юзламачи хонн бир дақиқа хам иккнланиб турмайди. У шубҳасиз иккита фронтда иш олиб боряпти, Сильвер биз таклиф қилган сиртмоқдан халос бўлиш хақидаги кичкина умиддан қароқчилик эркинлиги хамда бойлигини афзал кўради.

Борди-ю вазият Сильверни докторга берган сўзининг устидан чиқишига мажбур қиладиган бўлса хам, барибир бизга ўлим хавфи таҳдид қиласди. Унинг ўртоқларидағи шубҳа исталган пайтда ишончга айланиши мумкин. Ана унда бу чўлоқ одам хам, ёш бола мен хам бешта сўлоқмон матросдан ўзимизни химоя қилишимиз зарур.

Бу икки ёклама хавф устига дўстларимнинг ҳанузгача сир бўлиб қолаётган ҳаракатларини қўшиг-а. Нега харитани беришиди? Докторнинг Сильверга: «Хазина қидираётганингизда кичкириқларга эътибор беринг» дегани нимаси? Ноңуштанинг мен учун татимаганидан, хазинани излагани чиқкан қароқчилар орқасидан кўнглим ғаш холда сургалиб борганимдан ажабланмаса хам бўлади.

Биз анча ғалати кўринишга эга эдик – хамма кир-чир матросча кийимда, мендан бошқа хамма тиши-тириғигача куролланган. Сильвер эса бир мушкетни орқасига, иккинчисини олдига осиб олган эди. Белида килич. Кенг этакли кафтанинг ҳар бир чўнтағига биттадан тўпионча солиб олганди. Бунинг устига унинг елкасида тўти қуш хам бўлиб, у дengизчиликка онд турли сўзларни поймапой қилиб тинмай кичкиради. Белимга аркон боғлаб кўйишиди, мен ошпазнинг орқасидан аста-секин боравердим. У арқоннинг учини gox бўш қўли билан ушлаб, gox бақувват тишлиари билан тишлиаб борарди. Менинг худди ўргатилган айқдай этаклаб боришарди.

Ҳар бир одам бирор нарса: баъзилари белкурак ва мисранг (қароқчилар аввало «Испаньола»дан шу асборларни кирюқка туширишган эди), бошқалари чўчқа гўшти, коқ нон, тушлик учун ароқ кўтариб олишганди. Ҳамма озиқ-овқатларни чиндан хам бизнинг омборимиз-

дан олишганини, кече кечқурун Сильвер ҳак гапни айтганини тушундим. Агар Сильвер доктор билан қандайдир битимни тузмаганда кеманин йўқотган қароқчилар овланган қушлар билан овқатланишга ҳамда қурук сув ичишга мажбур бўлишарди. Бироқ уларнинг сув билан унча иши йўқ эди, денгизчилар ўзи ов қилишга нўонқ. Овқатники, жамғармаган одамлар эрта кунда порохни жамғарармиди. Нима бўлса ҳам йўлга тушдик, ҳаттоқи ўрида ётгани ўзи учун анча фойдали бўлган боши боғлиқ қароқчи ҳам бирга кетди. Биз қайиқлар кутиб турган соҳилга биринкетин судралиб етиб келдик. Қайиқлар ҳам ҳамиша мастилааст юрадиган қароқчиларнинг бепарволигидан далолат бериб турарди: иккала қайиқ ҳам ифлос бўлиб, биттасининг ўринидиги синган эди. Яна қайиқларнинг биридан ажралиб қолмаслик учун иккаласига ўтиришга қарор қилишди. Иккита гурухга бўлиниб, нихоят кирвоқдан жўнаб кетдик.

Йўлда харита ҳақида баҳслашув бошланди. Қизил хоч аломати анча катта бўлиб, жойни аник кўрсатишга хизмат қилолмасди. Хаританинг орқа томонидаги уқтиришлар анча қиска, равшан эмасди. Агар китобхоннинг хотирида бўлса унда тубандагилар ёзилган эди:

«Кузатув Дурбинни елкасидаги баланд дарахт, йўналиши шимолга, шимолдан эса шимолтишарқقا.

Скелет Оролидан шарқи-жануб, кейин яна шарқقا бурилинади.

Ўн фут».

Демак, энг аввало баланд дарахтни топиш керак. Рўпарамиздаги кема тўхтайдиган жой баландлиги икки уч юз фут келадиган, шимол томонда Кузатув Дурбинининг жанубий этаги билан туташадиган яssi тоғликка бориб тақаларди, жанубдан Бизань-устун деб номланган қояли тепалик ўтарди. Яssi тоғликда ҳам баланд, ҳам пастак қарагайлар ўсганди. У ер-бу ерда бошқаларидан қирк-эллик фут баландлаб кетган битта-иккита қарагай кўкка бўй чўзиб турарди. Капитан Флинт булардан қайсисини баланд деб айтганини ўша ерга еттачгина компас ёрдамида аниклаш мумкин эди.

Шунга қарамай, ҳали ярим йўлни сузуб ўтмасимиизданоқ, ҳар ким ўзича бирор дарахтни танлаб олган эди. Факат Дароз Жон елкасини қисар ҳамда ўша жойга етиб боргунча сабр қилишини маслаҳат берарди. Сильвернинг

күрсатмаснга биноан күчнізни аядик. Эшкак эшнішга унча зёр бермадик хамда узок сұзғандан кейин Кузатув Дурбинининг ўрмон билан қопланған этагидан оқиб тушаётган иккінчи анхор қуиладиган жойда кирғоққа чиқдик. У ердан чапга бурилиб, ясси тоғлиқка чиқа бошладик.

Аввалига бизнинг илгарнлашимиз, ернинг ботқоқ бўлиши, қалин ботқоқлик ўсимликларн туфайлиң қийинлашди. Лекин бора-бора ёнбағир тиклашиб, тошлок жой бошланди. Унда баланд, лекин сийрак ўсимликлар учарди. Биз оролнинг энг гўзал қисмига яқинлашардик. Ўт-ўлан ўрнини ер бағирлаб бўй таратаётган, гуллаб турган бутазор эгаллади. Кўм-кўк мускат ёнғони ўсан чакалакзорнинг гоҳ у, гоҳ бу ерида атрофга соя ташлаб, баланд адл, тўқ кизил карагайлар саф тортиб турарди. Мускатнинг хиди игна баргли дараҳтлар хиди билан аралашиб кетди. Ҳаво мусаффо эди. Куёш чараклаб нур сочар, енгил шабада юзларимизни сийпаларди.

Қароқчилар елпигич шаклида боришар, ўзаро чақчақлашишарди.

Ўртада, ҳаммадан орқада, аргамчиде мени судраб Сильвер борарди. Сершагал кияликтан кўтарилиш унинг учун анча машаққат эди. Мен уни бир неча марта ушлаб колдим, бўлмаса у коқилиб, тепаликдан пастга юмалаб кетиши турган гап эди.

Шу ахволда ярим милга яқин йўл юриб, тепаликка чиқиб олдик, тўсатдан ҳаммадаи чапроқда кетаётган қароқчи қўрқанидан қаттиқ додлаб юборди. У тинмай бақиради, ҳамма ўша томонга чопди.

— У хазинани топди деб ўйлайсизларми? — деди кекса Морган ёнимиздан югуриб ўтаётib. — Йўқ, йўқ, ҳали у дараҳтга етиб борганимиз йўқ...

Тўғри, у хазинани топмаганди. Баланд қарагай тагида одам скелети ётарди. Чирмашиб ўсан ўт-ўлан баъзи майда суюкларни ўрнидан силжитиб, уни қоплаб олган эди. Скелетнинг баъзи жойларида чириб биттан кийим колдиқлари хам сақланиб колган эди. Орамизда қўркувдан бадани жимирлаб кетмаган бирорта хам одам колмаган бўлса керак, деб ўладим.

— Бу дengизчи, — деди бошқалардан сал ботиррок бўлган Жорж Мерри ва чириган кийим колдиқларини дикқат билан кўздан кечирди. — Кийими дегизчиларники.

— Албатта денгизчи-да, — деди Сильвер. — Ўйлашимча, бу ерда епископни учратарман деб ўйламагандирсан. Лекин бу сүяклар нега ғалати ётибди.

Чиндан ҳам скелет ғайритабиий холда ётарди.

Ғалати тасодиф бўйича (бу ерда уни чўкилаган кушлар ёки уни ҳар томондан қоплаб олган аста-секин ўсуви кўкатлар айборникин) у камон ўки сингари тўғри чўэнлиб ётарди. Унинг оёклари бир томонга, сувга сакрашга шай турган сузувчиники сингари, боши узра кўтарган қўли қарама-қарши томонга узатилган эди.

— Э бўлди, эди тушуна бошладим, — деди Сильвер. — Бу компас. Худди шундай! Ана, Скелет Оролининг чўққилари тиш сингари арра-арра бўлиб турибди. Бу ўлик қаёни кўрсатаётганини компас билан текшириб кўринглар.

Текширишди, ўлик чиндан ҳам Скелет Оролини кўрсатиб ётарди. Компас ҳам худди ўша шарки-жануб ва яна шарқ йўналишини кўрсатиб туради.

— Худди шундай бўлса керак деб ўйловдим-а! — деди ошпаз. — Бу кўрсаткич йўналиши. Демак, анови ёқда Темир Қозик юлдузи, анови томонда эса ялтиллаган долларлар! Момақалдироқ ҳаққи онт ичиб айтаманки, Флинтни ўйласам баданларим музлаб кетади. Бу унинг энг яхши кўрган ҳазилларидан бири. У бу ерда олтига ўртоғи билан қолган, ҳаммасини ўлдирган. Ўлдирилганларнинг биридан ўзига компас ясаган... Сүяклари бузук, пеша-насида қизғиш соchlар. Э, бу Аллардайс-ку, худо урсин, ўша! Том Морган, Аллардайс эсингдами?

— Бўлмасам-чи, — деди Морган, — албатта эсимда. У мендан карз эди, бундан ташқари оролга жўнаётгандан пичоримни ҳам олганди!

— Демак, пичоқ шу ерда, бирор жойда бўлса керак, — деди бошқа бир қароқчи, — Флинтнинг матрослар чўнтагини ковладиган одати йўқ эди. Кушлар ҳам... Ахир, улар пичоқни олиб кетолмайди-ку!

— Жин ургур, гапинг ҳак! — хитоб қилди Сильвер.

— Лекин бу ерда хеч нарса йўқ, — деди Мерри ерни дикқат билан пайпаслаб. — Бирорта чақа ёки, масалан, тамакидон қолсаям гўргайди. Буларнинг ҳаммаси менга шубҳали туюляпти.

— Тўғри, Тўғри! — деди Сильвер. — Бу ерда иш сал бошқачарок. Шундай, азиз дўстларим, лекин, борди-ю

Флинт тирик бўлганда бу ерларда сайд қилиб юргаган бўлардик. Биз олти кишиимиз, улар ҳам олтида эди, эндиликда эса улардан факат суюклар қолган.

— Йўқ, хотиржам бўл, у ўлган: унинг мурдасини ўз кўзим билан кўрганман, — деди Морган. — Билли мени ўлик ёнига етаклаб борган. Унинг кўзлари бақрайиб ётарди.

— Албатта ўлган, — деб тасдиклади боши боғлиқ карокчи. — Борди-ю, ўлгандан кейин ҳам ер юзида дайиб юрадиган одам бўлса, у албатта Флинт бўлади. У жуда кийналиб ўлган!

— Тўғри, у жуда расво бўлиб ўлган, — деди бошқаси. — Гоҳ қутуриб кетар, гоҳ ром талаб қилас, гоҳ овонини баланд қилиб «Улик сандигига ўн бешта одам» деб ашула айтишга тушиб кетарди. «Ўн бешта одам»дан бошқа ашулани у ҳеч качон айтмаган. Очигини айтсам, ўшандан бери шу кўшикни ёқтирумайман. Ўшанда хаво жуда иссик эди. Дераза очиб кўйилганди. Флинт туни билан ашула айтиб чиқди, ашула жон бериш чоғидаги хириллашга уланиб кетди.

— Олға, олға! — деди Сильвер. — Булар энди валаклаб ўтириш! У ўлган, ер юзида арвоҳ бўлиб югуриб юргани ҳам йўқ. Борди-ю, хатто у қабридан чиқсан бўлганида ҳам, арвоҳ кечаси кўринади-ку, ҳозир кўриб турибсиз, куппа-кундузи... Марҳум тўврисида гапиришнинг хожати йўқ, бизни дублонлар кутялти.

Яна йўлда давом этдик. Лекин қуёш ҳамма ёкка баравар нур сочаётган бўлса ҳам карокчилар турли томонга югуриб кетишмади, бир-бирини узоқдан чақиришмади. Улар ёнма-ён боришар, бир-бири билан паст овозда гаплашишарди: ўлган қарокчи уларнинг юрагига ана шундай даҳшат соганди.

XXXII боб

ХАЗИНАНИ ҚИДИРИШИ. ЎРМОНДАН ЭШТИЛГАИ ТОВУШ

Тўда озгина бўлса-да, бу даҳшатнинг бўшашибувчи таъсиридан, қисман Сильверга ҳамда касал қарокчиларга дам бериш учун ясси тоғнинг чўққисида тўхтади.

Ясси тоғлик ғарб томонга караб сал пастлаб борар эди, шу сабабли биз ўтирган жойдан жар икки томон

хам кўзга ташланиб турарди. Олдинда, дараҳтларнинг оркасида қирғоққа урилган тўлқинлар кўпигига ботган ўрмонли бурунни кўрдик. Орқада факат бўғоз хамда Скелет Оролигина эмас, шунингдек, тил ва шарқий текислик ортида очик дengиз хам кўриниб турарди. Олдимизда эса сийрак қарабайлар билан копланган, баъзи жойларида чуқур жарликлари бор Кузатув Дурбини осмонга бўй чўзганди.

Сукунатни узокдан эшитаётган, қирғоққа урилаётган тўлқинлар овози хамда хашаротларнинг чириллаши бузарди. Одам зоти кўринмайди. Денгизда бирорта хам елкандан ном-нишон йўқ. Ёлғизлик туйфуси атрофнинг беспоёнилиги билан яна кучаярди.

Сильвер дам олиш пайтида компас бўйича ўлчов ўтказиб олди.

— Бу ерда учта баланд дараҳт бор, — деди у. — Ҳам маси хам Скелет Оролидан тўғри чизик бўйлаб жойлашган. «Кузатув Дурбинининг елкаси» манови ўпирилган жой бўлса керак. Энди хазинани ёш бола хам топа олади. Менимча, олдин овкатланиб олсак ёмон бўлмасди.

— Менинг унча иштаҳам йўқ, — деб тўнғиллади Морган. — Флінтни эсладим-у, иштаҳам фиппа бўғилди-кўйди.

— Шундай ўғлим, унинг ўлгани баҳтинг, — деди Сильвер.

— Унинг афти хам иблиснинг башарасига ўҳшарди, — деди учинчи қароқчи сескаиб. — Туси ўликникига ўҳшаган кўм-кўк эди.

— Бу ромдан, — кўшиб қўйди Мерри. — Кўм-кўк! Кўм-кўк бўлмай илож қанча! Ромдан кўкариб кетасан киши, бу тўғри.

Скелетнинг кўриниши хамда Флінтни эслаш бу одамларга шунчалик таъсир қилган эдикни, улар тобора паст овозда гаплашар, никоят бу овоз шивирлашга айланниб, ўрмон сукунатини хам буза олмай қолди. Бирдан яқинроқдаги чакалакзор ичиди кимдир ингичка, ўткир ҳамда чирқироқ овоз билан ҳаммага маълум ва машҳур бўлган ашулани бошлиб юборди:

Ўлик сандигига ўн бешта одам,
Йо-хо-хо, бир шиша ром!

Қароқчиларни ўлим даҳшати қоплаб олди. Олтоворнинг хам юзи кўркувдан кўкариб кетди. Баъзилар сап-

чиб ўрнидан турди, бошқалари титраб-қақшаб бир-бирига ёпишди. Морган ўзини таппа ерга отиб, илондай ўрмалай бошлади,

— Бу Флинт! — хитоб қилди Мерри.

Ашула қандаи кескин бошланган бўлса шундай узилди, гёё ашулачининг оғзини бирор маҳкам беркитиб олганга ўхшарди. Кун қўёшли, очик эди, куйлаётган кишининг овози кескин, жарангдор эди, ўз ҳамроҳларимнинг нимага кўрқканларини сира тушуна олмадим.

— Олга! — деди Сильвер кўкариб кетган лабларини аранг қимирлатиб. Бунакада хеч иш чиқара олмаймиз. Албатга, бу жуда кизиқ, лекин у ёқда ким ўйхлик килаётганини билмайман, аммо ишончим комилки, у тирик одам эмас, у мархум.

Шундай деркан, олдинги ботирлиги қайтган, юзига сал-пал кизил юргурганди. Бошқалар ҳам унинг сўзлари таъсирида дадилланишди, ўзларига келишгандай бўлишди. Тўсатдан яна ўша овоз янгради. Лекин у энди ашула айтмас, қаерданdir узок бир жойдан бақираётганга ўхшарди, унинг бақириги тушуниб бўлмайдиган акс-садо бўлиб, Кузатув Дурбинининг даралари бўйлаб аста тараларди.

— Дарби Мак-Гроу! — деб чакиради у. — Дарби Мак-Гроу!

У тўхтовсиз шу сўзларни анчагача такрорларди, кейин куракда турмайдиган хақоратли сўзни айтди-да: — Дарби, менга ром бер! — деб чинқирди.

Қарокчилар турган жойларида хайкалдай котиб колдилар, кўрқканларидан кўзлари косасидан чиқиб кетаётганди. Овоз аллақачон тинганди-ю, лекин улар ҳамон анқайиб туришар ва унсиз олдинга тикилишарди.

— Масала равшан, — деди улардан бири. — Кочиш кепрак.

— Бу унинг ўлаётгандаги охириги сўзлари, — деб ингради Морган. — Ўлими олдидағи охириги сўзлари.

Дик ёнидан инжилни чиқариб, астойдил бериллиб чўкина бошлади. У денгиз сафарига чиқиш ва қарокчи бўлишдан олдин тақвodor оиласда тарбияланган эди.

Факат Сильвер бўш келмади. Кўркувдан унинг тишлари тақиrlади-ю, бирор чекиниш хақидаги гапни мутлақо эшитгиси келмасди.

— Бу оролда биздан бошқа хеч ким Дарби хақида ҳатто эшитмаган ҳам, деди у ўзини йўқотиб. — Биздан бошқа

хеч ким... Кейин ўзини кўлга олиб кичқирди: — Менга қаранглар! Мен бу ерга хазина топгани келганман, шунинг учун менин ҳеч ким: на иисон, на шайтон тўхтата олади. Тирик пайтда хам Флинтдан кўркмаганман, жин урсин уни, ўлтидан хам кўркмайман. Чорак миль нарида етти юз минг фунт стерлинг ётибди. Нахотки қандайдир башараси кўм-кўк ароқхўрдан, бунинг устига ўлик одамдан қўрқиб, шунча пулни ташлаб, оркасига қочадиган бирор омад жентльмени топилса.

Лекин унинг сўзлари қароқчиларни дадиллантира олмади. Аксинча, Сильвернинг арвохга, ҳурматсизлик кўрсатиши уларнинг қалбидаги даҳшатни кучайтирди, холос.

— Жим бўл, Жон! — деди Мерри. — Арвохга тил текиза кўрма.

Бошқаларнинг даҳшатдан шу қадар ўтакаларни ёрилган эдикни, ҳатто бир оғиз гап гапиришга ҳам мажоллари қолмаганди. Ҳатто тумтарақай бўлиб қочиб қолишга ҳам юракларни дов бермасди. Даҳшат уларни бир-бирларининг пинжига киргудай бўлиб, Сильверга яқинлашишга мажбур қилган эди, чунки у бошқаларга караганда ботирроқ эди. У маълум даражада қўркувдан ҳалос бўлиб олган эди.

— Сизнингча бу арвохми? Эҳтимол, шундайдир, — деди у. — Лекин мен бошқа бир нарсага ҳайрон бўляйман. Биз акс-садони аниқ эшилдиқ. Айтинглар-чи, арвохнинг сояси борлигини бирортангиз кўрганмисиз ё эшилганмисиз? Модомики сояси йўқ экан, демак, акс-садоси ҳам бўлмайди. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас.

Бунақа далиллар мени қаноатлантира олмади. Лекин ҳурофотга берилган одамларга нима таъсир қилишини олдиндан айтиб бера олмайсиз ҳеч қафон.

Жорж Меррининг енгил тортиши мени анча ажаблантириди.

— Бу тўғри, — деди у. — Хўп мияли одамсан-да, Жон! Азиз дўстларим, иш жойида! Сизлар йўналишини нотўғри олгансиз. Албатта, овоз Флинтникига ўхшаброк кетади. Лекин ҳар қалай бу бошқа одамникига ўхшайди. Бу овоз кўпроқ...

— Шайтон ҳакки онт ичиб айтаманки, бу Бен Ганинг овози! — деб бўкирди Сильвер. Тўппа-тўғри! — деди Морган ётган жойидан қўзғалиб, тиззаларкан. — Бу Бен Ганинг овози!

— Буннинг нима фарқи бор? — деб сўради Дик. — Бен Ганн ҳам марҳум, Флинт ҳам.

Лекин кексароқ матрослар унинг танбехидан ижирганиб қўйишиди.

— Бен Ганига тупураман! — деб бақирди Морган. — У ўликми ё тирикми, барибир эмасми?

Бу одамларнинг дархол ўзига келиши ҳамда юзларига яна қизил югуришини кўриш жуда қизиқ эди. Бир неча дақиқадан кейин ҳеч нарса бўлмагандай бир-бирлари билан чакчаклаша бошлишди ҳамда факат ҳалиги ғалати овоз эшитиляптими, йўқми, деб қулоқ солиб қўйишарди. Лекин атроф жимжит эди. Улар елкага асбоб-ускуналарни олиб, яна йўлга тушишди. Энг олдинда Сильвернинг компасини ушлаганича Мерри борарди. У тўғри айтган эди: Бен Ганн ўликми ё тирикми, барибир ундан ҳеч ким қўрқмасди.

Факат ёлғиз Дик боягидай инжилни ушлаб олганча, атрофга олазарак бокиб борарди. Бирок унга ҳеч ким ачинмасди. Сильвер унинг хурофотга берилганидан ҳатто кула бошлади ҳам.

— Сенга айтдим-ку, инжилни ҳаром қилдинг деб. Наҳотки, арвоҳ кўлда ушлаб қасам ичиб бўлмайдиган инжилдан қўрқади деб ўйласанг? Бўлмасам-чи! Чўнта-гингни ушла! — Сўнг сал тўхтаб, Дикнинг тумшуғи олдида бармоғини кирсиллатди.

Бирок Дикн гап билан юпатиб бўлмасди. Тез орада у қаттиқ қасалга чалинганини англадим. Иситма, чарчаш ҳамда қўрқув туфайли бошланган безгак, доктор Ливси олдиндан айтганидай тез авжга мина бошлади.

Яssi тор тепасида дарахтлар сийрак бўлгани учун юриш осонлашди. Энди пастга туша бошлаган эдик, чунки илгари айтганимдай яssi тоғлиқ томонга йўл пасайиб борарди. Катта ва кичик қарағайларнинг оралиғи катта масофани ташкил қиласди. Ҳатто мускат ёнғоги ҳамда азалий қалин ўсган жойларда ҳам бот-бот жуда кенг, қуёш тафтида куйинб, қовжираб ётган ялангликлар учраб турарди. Биз шимоли-ғарб томон йўл олиб, Кузатув Дурбинни елкасига яқинлашиб борардик. Пастда эса яқингинада мени қайикчада иргитган ҳамда чирпирак қилиб айлантирган кенггила ғарбий кўрфаз ястанганди.

Биз яқинлашган дастлабки баланд дараҳт комиас билан текширилганды излаёттан дараҳтимиз эмаслиги аён бўлди. Иккинчиси ҳам шундай бўлиб чиқди. Учинчи дараҳт чакалакзор узра икки юз фут кўтарилиб турарди. Бу танаси қизғиш тусли, бир неча қулочга сифмайдиган жуда катта дараҳт эди. Унинг соясида бутун бир взвод марш ўтказса ҳам бўлаверарди. Бу қарагай шубхасиз узокдан — денгизнинг шарқ томонидан ҳам, ғарб томонидан ҳам кўриниб турарди, уни харитада денгизчилар учун бир белги сифатида белгилаб кўйилса ҳам бўларди.

Бирок ҳамроҳларимни қарагайнинг улканлиги ҳаяжонга солмаганди: дараҳт остига етти юз минг фунт стерлинг кўмиб кўйилганлиги ҳакидаги тўлқинлантирувчи хаёл уларнинг вужудини камраб олганди. Пул ҳакидаги ўй улардаги қўркувни тумандай тарқатиб юборди. Кўзлар чақнади, қадамлар дадил, илдам бўлиб қолди.

Улар факат бир нарса тўғрисида — ўзларини кутаётган бойлик ҳакида, бойлик келтирадиган беташвиш, дабдабали, исрофгарчиликка тўла ҳаёт ҳакида ўлашарди.

Сильвер қўлтиқтаёғида сакрай-сакрай судралиб борарди. Унинг бурун катаклари керилиб кетганли. Пашибалар унинг қизишиб, терлаб кетган юзига кўнгандан тентаклардай сўқинарди. У менга еб кўйгудай нафрат билан тикилар, арқонни силтаб тортарди. У ўз ниятларини ортиқ яширолмай қолганди. Мен бу ифодани унинг юзидан китобдагидай ўқиб турардим. Нихоят ўзи орзу қилган олтинга етишишга икки қадам қолганда у ҳамма нарсани — ўз ваъдаларини ҳам, докторнинг огохлантиришларини ҳам унутиб қўйганди. У хазинани албатта кўлга киритиш, кечаси «Ҳисанъола»ни топиш, кейин ҳаммамизни гумдон қилиб, океанга жўнаб қолиш умидида эди.

Ана шу ташвишли ўйлардан изтиробга тушиб, қароқчилар орқасидан аранг улгуриб борардим, тошларга қоқилардим. Шунда Сильвер арқонни силтар, менга қонхўрона ўқрайиб қўярди. Дик энг орқада дуо ўқиб, сўқиниб келарди. Унинг безгаги қучайгандан-қучайиб борарди. Бундан ўзимни янада бахтсиз хис қилардим. Бунинг устига кўз олдимда қачонлардир шу ерда юз берган фожиа беихтиёр гавдаланди. Кўзимга томоги йиртилгудай бўлиб ашула айтаётган ҳамда ром талаб қилаётган, Саваннада ўлган, юзи кўкариб кетган қароқчи кўриниб кетди.

У шу ерда ўз қўли билан олтита одамни ўлдирганлиги мени даҳшатга солди. Мана шу осойишта чакалакзор қачонлардир ўлим олдидағи фарёд овозларига тўлгани. Назаримда омадсиз одамларнинг инграши ва иолаларини эшитаётгандай бўлдим.

Биз чакалакзордан чиқдик.

— Оркамдан юринглар, оғайнилар! — кичкирди Мерри.

Олдинда кетаётганлар югуриб кетишиди.

Улар ўн ярдча югуриб бориб, бирдан тўхтаб қолишиди. Каттик бақириқ эшитилди. Сильвер қўлтиқтаёғида қутур-гандай чопиб борди. Бир зум ўтмай биз ҳам тўсатдан тўхтадик. Каршимизда чамаси анчагина олдин ковланган катта ўра намоён бўлди, чунки унинг четлари нураб тушган, тубида кўкатлар ўсган эди. Ўра ичиде белкуракнинг сопини, кути тахталарини кўрдик. Тахталарнинг бирига қиздирилган темир билан «Морж» деган ёзув куйдириб ёзилганди. У Флинтга қарашли кеманинг номи эди.

Кимдир биздан олдинроқ ҳазинани топиб олгани ва етти юз минг фунт стерлингни ўғирлаб кетгани кундай равшан бўлиб қолди.

XXXIII боб

БОШЛИҚНИНГ ТАСЛИМ БЎЛИШИ

Дунё яралганидан бери улкан умидлар бир зумда бунчалик ер билан яксон бўлмагандир. Олтита қароқчи лолу ҳайрон бўлиб туришарди. Энг аввал Сильвер ўзига келди. У мана шу пулларга бутун қалби билан интилган эди, лекин бир зумда ҳамма нарса йўққа чиқди. Бироқ у калласини йўқотиб кўймади, ўзини қўлга олди, бошқалар ўз бошига қандай кулфат тушганини билиб олишга улгурмай туриб ўзининг келгусидаги хатти-харакати режаларини ўзгартиришга улгурди.

— Жим, — шивирлади у, — мановини ушла, доим шай бўлиб тур.

Сўнг қўлимга қўшофиз тўппончасини берди.

Ўша пайтнинг ўзида хотиржамлик билан шимол томонга юра бошлади, натижада ўра биз билан бешта қароқчининг ўртасида қолди. Сильвер менга қаради:

«Ахвол мушкул» дегандай бош ирради, мен унинг фикрига тўлиқ қўшилмагандим. Эндиликда унинг нигохи яна мулойимлашди. Бунақа мунофиқлик менинг ғашимни келтирди. Мен ўзимни тўхтата олмай шивирладим.

— Сиз яна ўзингизни киларга хиёнат қилдингиз.

Лекин у жавоб беришга улгурмади. Қарокчилар бакириб, сўкиниб ўрага ташланишди, тахталарни хар томонга улоқтириб, тупрокни қўллари билан ковлай бошлишди. Морган битта олтин танга топиб олди. Бу гинея эди. Танга бир зумда қўлдан-қўлга ўтди.

— Икки гинея! — деб бўкирди Мерри тангани Сильверга узатаётib. — Етти юэ минг фунт стерлинг пулинг шуми? Битим тузишга суюгинг йўқ шекилли? Ҳой қовок бош, сенингча, хар нарса ҳам қўлингдан келаверади-да, а?

— Йигитлар, ковлайверинглар, ковлайверинглар, — деди Сильвер совуқ истехзо билан. — Икки-уч дона ерёнроқ топиб олсаларинг ажаб эмас. Уни чўчқалар жуда күш кўради. Икки-уч ёнроқ! — деб бўкирди Мерри кутуриб. — Оғайнилар, унинг нима деганини эшитдингизми? Мен сизга айтсам, у ҳамма нарсани олдиндан билган. Афтига қаранглар, нияти «манаман» деб турибди.

— Эх, Мерри! — деди Сильвер. — Сен яна капитан бўлиб олмоқчисан шекилли. Кўриб турибман, сен анча тиришқоқ йигит чиқиб қолдинг.

Бу сафар ҳамма Мерри томонида эди. Қарокчилар бизга еб қўйгудай тикилиб, ўрадан чиқа бошлишди. Бахтимизга уларнинг ҳаммаси чукурнинг нариги томонида эди.

Биз иккаламиз ана шундай беш кишига юзма-юз бўлиб турардик, ўртамиизда эса ўра бор эди. Томонлар биринчн бўлиб зарба беришга ботиолмасди. Сильвер қимирламай турарди. У қўлтиқтаёғига суюнганича ракибларига хотиржамлик, совуққонлик билан бокарди. У чиндан ҳам кўркмас, жасур одам эди.

Нихоят Мерри гап билан ўз томонидагиларни рухлантиришга аҳд қилди.

— Оғайнилар, — деди у, — қаранг, булар бор-йўғи иккита: бири — бизни бу ёқка ҳалокатга маҳкум қилиш учун олиб келган кекса чўлок, бошқаси аллақачонлардан бери юрагини юлиб олишга шай бўлиб юрганим бир итвачча. Энди бўлса...

У құлини құтарди, ўз отрядини хужумга үңдашга тайёрланиб овозити балаңдлатди. Тұсатдаи чакалакзор ичидан учта мушкеттінг: пақ! пақ! пақ! – этиб отилгани әшитилди. Мерри калласи биләп ўрага қулади. Пешанаси боғылқ қиши ҳам бир-икки шилдираб айланди-ю, шериги ёнига йиқилди. Колган учтаси жуфтакни ростлаб қочиб қолди.

Дароз Жон ўша заҳотиёқ ўрадан чиқишига уринаётган Меррига құштап түшпоичасидан ўқ узди. Мерри жон берәетиб ўз қотили юзига тикилиб қолди.

Жорж, – деди Сильвер, – энди орамиз очиқ бўлган бўлса керак.

Мускат ёнғоғи ўсган чакалакдан чиқиб келаётгани доктор, Грей ва Бен Гашларни кўрдик. Уларнинг мушкетидан тутуп чиқиб турарди.

– Олға! – қичкирди доктор. – Тезрок қимираңглар, йигитлар! Уларнинг қайиқ томонга борадиган йўлини кесиб қўйишимиз керак.

Биз қўкрагимиз баравар ўсган буталар орасидан югуриб кетдик.

Сильвер биздан орқада қолмаслик учун роса ҳолдан тойди. У ўз қўлтиқтаёни шундай ишга солдики, қўқрак мускуллари узилиб кетаётганига ўхшарди. Докторнинг ганига қараганда соғлом одам ҳам буниака ишга бардош беролмас экан. Кияликкача чопиб борганимизда у биздан ўттиз ярда ортда қолиб кетган, роса ҳолдан тойгаи эди.

– Доктор, – қичкирди у, – караңг! Шошилишинг хожати йўқ!

Дарҳакиқат, хеч қаёққа шошилмаса ҳам бўларди. Биз ялангликка чиқиб, соғ колган қароқчиларнинг Биззанустуни тепалиги томон чопиб кетаётганини кўрдик. Шундай килиб, биз кочоклар билан қайиклар ўртасида турардик, бемалол дам олсак ҳам бўлаверарди. Дароз Жон юзиңдаги терни артгаңча, шошилмай бизга яқиилашди.

– Чиш қўнглимдан ташаккур изҳор қиласаң, доктор, – деди у. – Икковимизни қутқаргани жуда вактида етиб келдингиз-да... Ие, бу сенмисан, Бен Гани? – деб қўшиб қўйди. Азаматлигинги кўриб турибман.

– Шундай, Бен Гашман, деди собиқ қароқчи Сильвер олдида илонбалиқдай буралиб. – Ахволларингиз қалай,

мистер Сильвер? — сўради анчадан кейин — ёмон бўлмаса керак, чамамда?

— Эҳ, Бен, Бен, — деди Сильвер, — жуда боплаб ҳазил қилдинг-да!

Доктор Грейни қароқчилар ташлаб қочган чўкични олиб келишга юборди. Қияликдан қайиқларимиз томон шошилмай етиб келгунимизча доктор кейинги кунларда нималар бўлганини қисқача хикоя қилиб берди. Сильвер ҳар бир сўзни жон қулоғи билан тингларди. Ярим ақлдан озган дарвиш Бен Ганн хикояининг асл қаҳрамони эди.

Докторнинг гапига қараганда, Бен оролда ёлғиз дарбадар кезиб юрганида скелетни ҳам, нулларни ҳам топган. Скелетни шилган ҳам, пулларни ердан қазиб олган ҳам Бен экан, ўранинг тубида кўрганимиз белкурак сонн ҳам уники экан. У баланд қарағай остидаги ҳамма олтини оролнинг шимоли-шарқ қисмидаги икки бошли тоғдаги борга елкасида кўтариб ташибди. Кўй кунлик қатновни талаб қилган бу машаққатли иш «Испанъола»нинг оролга етиб келишидан икки ой илгари тамом бўлган экан.

Буларнинг ҳаммасини доктор у билан бўлган дастлабки учрашувда, қароқчилар қальъамизга ҳужум қилган куни билиб олган экан. Эртасига эрталаб кеманинг йўқолганини кўриб, доктор Сильвернинг ҳузурига борган, эндиликда ҳеч қандай қиммати қолмаган харитани берган, қалъани ҳам барча озик-овқат жамғармалари билан қўшиб топширган, чунки Бен Ганинг горида тузланган эчки гўшти сероб экан, буларнинг ҳаммасини Бен Ганн ўз қўлни билан тайёрлаган экан. Шу туфайли дўстларим ҳеч қандай хавф-хатарга йўлиқмай қалъадан икки бошли тоқقا, безгакка тўлиб ётган ботқоқдан йироққа кўчиш ҳамда у ерда ҳазинани қўриқлаш имконига эга бўлишибди.

— Азизим, Жим, — деди доктор, — бинзниг кўчишимиз холингни танг килишини олдиндан билган эдим, мен ниҳоятда ачинган бўлсам-да, лекин аввало ўз бурчини ҳалол ўтаётган одамлар хакида ўйлашим керак эди. Хуллас, ўзинг айбдорсан, чунки орамизда йўқ эднинг.

Ўша куни эрталаб у мени қароқчилар асирилигига кўриб, ҳазинанинг йўқолганинги аламини мендан олишларини тушуниб қолибди. Шунинг учун сквайрни капитанига қолдириб, ўзи билан Грэй ҳамда Бен Ганиларни олиб, тўппа-тўғри катта қарағай томонга орол орқали

кесиң чикибди. Отрядимизнинг илгарироқ етиб келганини кўриб, Бенинг оёклари чакқои бўлганлиги учун уни олдинга жўнатган. У собик ўртоқларининг хурофотга муккасидан кетганидан фойдаланиб, уларни роса қўркитган. Грей билан доктор хазина қидиувчилардан олдин етиб келиб, қарағайдан сал нарирокка яшнриниб олишган.

— Хокинснинг мен билан бирга бўлгани қандай яхши бўлибди-я! — деди Сильвер. — У бўлмаганида, доктор, анати лаънатилар абжамимни чиқариб ташлашганида ҳам парвойингизга келмас экан-да.

— Бўлмасам-чи! — деди доктор Ливси кулиб.

Бу орада қайиқларимиз ёнига етиб келдик. Улардан бирини доктор ўша заҳоти қарокчиларининг қўлига тушмаслик учун чўкич билан пачоқлаб ташлади, бошқасига ҳаммамиз ўтириб, оролни ёқалаб Шимолий тўхташ жойига томон йўл олдик.

Саккиз-тўққиз миль сузуб боришга тўғри келди. Сильвер ўларча чарчаганига қарамай бошқалар билан бирга эшкак эшишга ўтириди. Биз бўғоздан чиқиб, ўзимизни очиқ денгизда кўрдик. Денгизда шамол йўқ эди. Биз оролнинг сувга кириб турган жануби-шарқ қисмини, бундан тўрт кун илгари «Испаньола» айланаб ўтган жойлардан кезиб чиқдик.

Икки бошли тоғ ёнидан сузуб ўтаётуб, Бен Ганифорининг қорайнб турган оғзини, уннинг олдида мушкетига суюниб ўтирган кишини кўрдик. Бу сквайр эди. Биз рўмолчамизни унга силкитдик, уч марта «ура» деб қичкирдик. Сильвер ҳаммадан ҳам баландрок қичкирди.

Яна уч миль сузуб, Шимолий тўхташ жойига кирдик ҳамда «Испаньола»ни кўрдик. У сувда сузуб юрар ва шамолда айланарди. Сув кўтарилини уни саёзликдан сурнб юборибди. Борди-ю, ўша куни шамол бўлса ёки Жанубий тўхташ жойидагидек кучли оқим бу ерда ҳам хуруж қилса, кемадан бутунлай ажralган бўлардик. Ҳеч бўлмаганда уннинг қолдикларини топардик. Бироқ баҳтимизга, гrottинг йиртилганини хисобга олмаганда, кема бут-бутун эди. Биз сувнинг бир ярим саржин келадиган чукур жойига эҳтиёт лангарни ташладик. Кейин қайикда Бен Ганинг хазина сақланадиган хилваттоҳига қисқа йўл, «Маст» кўрфази орқали йўл олдик. У ерда

қайиқдан тушиб қолдик. Гренни эса «Испаньола»ни құриқлашга жүнатдик.

Нишаб қияликдан ғор томон құтарилдик. Тепада бизні сквайр кутиб олди.

Менга зёр мөхрибонлик күрсатди. Қочоклигім хақида бир оғиз ҳам индамади — мақтамади ҳам, койимади ҳам. Бирок Сильвер унга назокат билан честь берганида ғазабдан қызарып кетди.

— Жон Сильвер, деди у, сиз разнл, абрах, алдоқчисиз! Үтакетган алдамчисиз, сэр! Мени бир амаллаб, сизни таъкиб қылмасликка күндериши. Мен таъкиб қылмайман, деб ваъда бердим. Лекин ўлниклар, сэр, бўйнингизда тегирмон тошидай осилиб турибди...

— Чин юракдан миннатдорман, сэр, — деб Дароз Жон яна ҳарбийча эхтиром күрсатди.

— Миннатдорлик билдиримай қўя қолинг! — деб кичкирди сквайр. — Сиз туфайли ўз бурчимни бузаман. Мендан нарирок юринг!

Биз ғор пичига кирдик. У кенг, ҳавоси ҳам тоза эди. Ер остидан булоқ отилиб чикар, атрофи кирқулоклар ўстган чоғроқкина кўлга қуиларди. Ер қумли эди. Ичкаридаги бурчакда тоғ бўлиб ётган олтин тангалар ҳамда ём билар ялтираб турарди.

Бу — Флинтнинг хазинаси эди, шуни деб узок, толиктирувчи йўлни сузиб ўтдик, шуни деб «Испаньола» экипажидан ўн етти киши ўлди. Бу бойликни тўплаш учун қанчадан-қанча азоб-укубат чекилиб, қон тўкилмади! Қанчадан-қанча донг таратган кемалар чўқтирилмади, жасур одамлар азобланмади. Қанчадан-қанча одамларининг кўзини бойлаб, тахта устидан юргизишга мажбур қилишмади! Замбараклардан озмунча ўқ узилмади, қанчадан-қанча ёлғон, шафқатсизлик юз бермади! Ана шу даҳшатли ёвузликларда қатнашган, эндиликда шу бойликдан ўз улшини олишга астойдил интилаётганлардан оролда яна учкиши — Сильвер, кекса Морган ҳамда Бенлар бор.

— Киравер, Жим, — деди канитан. — Сен ўз назарингда ёмон бола бўлмасанг керак, лекин бундан кейин сени сафарга бирга олиб чиқмасликка ваъда бераман, чунки сен эркаторлар тоифасидан экансан: кўнглингнинг кўчасига қараб иш тутар экансан... Ие, бу сенми, Жон Сильвер? Қандай шамоллар учирди?

— Ўз бурчимни адо этиш учун қайтиб келдим, сэр, —
деди Сильвер.

— А! — деди капитан.

Бошқа лом-мим демади.

Ўша куни дўстларим даврасида шундай ҳузур қилиб овқатландимки, асти қўяверасиз! «Испанъола»дан олиб келинган қадимий вино билан Бен Ганинг тузланган эчки гўштлари жуда тотли туюлди! Ҳеч қачон бизчалик хурсанд, баҳтиёр одамлар бўлмагандиров. Сильвер хамманинг орқасида, чирокдан анча йирокда ўтирар, лекин овқатни иштаҳа билан туширар, бирор нарсанни дастурхонга узатиш бўлса, сакраб ўриидан туар, ҳазилларимизга биз билан бирга кулишарди — хуллас, у яна сафаримизнинг дастлабки пайтидаги меҳрибон, хушмуомала, хизматга шай ошпазга айланиб қолганди.

XXXIV боб

ХОТИМА

Эртаси куни эрталаб ишга тушиб кетдик. Қирғоқкача бир миль келарди. Олтинларимизни соҳилга олиб боришимиз, у ердан қайикда «Испанъола»га ташишимиз керак эди. Бу оз миндордаги одамлар учун анча оғир иш эди. Ҳанузгача оролда дайдиб юрган кароқчилар бизни унча ташвишлантирмасди. Чўккига битта соқчи қўйилса кифоя эди, шу важдан уларнинг тўсатдан хужум қилишидан қўрқмасдик. Бундан ташқари, уларнинг анча вактгача олишувга тоблари бўлмаса керак, деб ўйлардик.

Биз тинимсиз ишладик. Грей билан Бен Гани олтинларни қайикда кемага, қолганлар уни қирғоққа ташишарди. Иккита олтин ёмбини арқонга боғлаб, елкамизга осиб олардик, чунки бир одам иккита ёмбидан ортигини кўтара олмасди. Юк кўтаришга кучим етмагани учун мени форда қолдириб, кок нондан бўшаган қопларга пулларни солишини буюришди.

Бу ерда хам худди Билли Бонснинг сандигидагидаи турлича зарб қилинган тангалар бор эди, лекин буларнинг тури талайгина эди. Уларни хилларга ажратиш ёқиб қолди менга. Инглиз, француз, испан, португал тангала-

ри, гинея ва луидорлар, дублон ва қўш гинеялар, муадор ва цехинлар каби тангаларда кейинги юз йил ичидага ўтган барча Европа қиролларининг суратлари бор эди. Бир боғлам аргамчига ҳам, ўргимчак уясига ҳам ўхшамаган суратлар туширилган думалоқ, тўрт бурчак, осиб юриш учун ўртасидан тешилган қадимий шарқ тангалари ҳам бор эди. Бу тўпламда жаҳоннинг ҳамма пуллари жамланган эди. Буларни хиллаб саралайвериб, елкаларим зиркираб, бармокларим оғриб кетди.

Кун кетидан кун ўтаверди, ишимизнинг эса охири кўринмасди. Ҳар куни кечкурун бир уюм ҳазинани кемага жўнатардик, юрда ундан кўпроқ уюм коларди. Шу муддат ичидаги соғ қолган қароқчилар ҳакида хеч нарса эшитмадик.

Нихоят, агар янглишмасам, учнинчи куни кечкурун доктор билан чўккига кўтарилиганимизда пастдан, зимистонлик қаъридан шабада бизгача, бақирикка ҳам, ашулаға ҳам ўхшамаган овозни олиб келди. Дурустроқ эшита олмадик.

— Ҳудо, ўзинг кечир, бу қароқчилар, — деди доктор.

— Ҳаммаси маст, сэр, — Сильвернинг овози эшитилди ортимдан.

Биз совук муносабатда бўлишимизга қарамай Сильвер тўлиқ эркинликка эга эди, у яна биз билан имтиёзга эга бўлган дўст хизматкордай, ошина-оғайнилардай муносабатда бўла бошлади. Ўзига нисбатан ҳамманинг нафрат билан бокишига қарамай, у ҳамма билан доим хушмуомалада бўларди. Лекин ҳамма итга қандай муносабатда бўлса, унга ҳам худди шундай карашаётганди. Факат мен билан Бен Гани унга дурустроқ муносабатда эдик. Бен Гани ханузгача собик квартирмайстеридан сал чўчириди, мен эса, бошка одамларга қараганда унинг ҳакида ёмонроқ фикрда бўлсан ҳам (чунки унинг менга яна хиёнат қилмоқчи бўлганини унупотолмайман) мени ўлимдан куткариб қолганидан миннатдор эдим. Доктор Сильвернинг галига кескин жавоб килди.

— Эҳтимол, улар касалдир, алаҳисираётгандир...

— Тўғри, сэр, — деди Сильвер, — лекин бу сиз билан менга барибири.

— Мистер Сильвер, сизни самимий, олижаноб киши деб хисоблашимни даъво қилолмассиз, — деди доктор

киноя билан. Туйғуларим сизга ғалати туюлишини биламан. Лекин улардан бирортасининг касаллигига ёки алаҳсираёттанига ишончим комил бўлса, хаётимни хавф остида қолдириб бўлса ҳам ўз врачлик ёрдамимни кўрсатиш учун уларнинг ёнига кетган бўлардим.

— Кечирасиз сэр, унда сиз катта хатога йўл қўйгаи бўлардингиз, — эътиroz билдириди Сильвер. — Азиз умрингизни ҳазон килардингиз, вассалом. Мен эндиликда сизнинг томонингиздаман, отрядимиз сиздай одамдан маҳрум бўлнб қолишини жон-танимдан истамайман. Сиздан жуда миннатдорман. Бу одамлар ҳеч қачон ўз сўзининг устидан чиқолмайдилар. Бунинг устига улар сизнинг гапларингизга ҳам ишонишмайди.

— Лекин сиз ваъдага яхши вафо қиласиз, — деди доктор. — Бунга яқиндагина ишонч ҳосил қилдик.

Учала қароқчи ҳақида бошқа ҳеч нарса билмадик.

Факат бир марта мушкетдан узилган ўқ овози қулоғимизга чалинди; улар ов қилаётган бўлса керак, деб ўйладик. Ўзаро кенгаш ўтказиб олдик, уларни ўзимиз билан бирга олиб кетмасликка, оролда қолдирингга қарор қилдик. Бен Ганн бундай қарордан жуда севиниб кетди. Грэй ҳам буни маъқуллади. Биз уларга жуда кўп пороҳ ва ўқ-дори, анчагина тузланган эчки гўшти, озгина дорндармон ва бошқа зарур нарсалар, асбоб-ускуналар, кийим-кечак, эҳтиёт елкан, бир неча ярд аркон, докторнинг маҳсус истаги бўйинча кўпгина тамаки қолдирдик.

Оролда қиладиган бошқа ишимиз қолмаганди. Кемага олтин, чучук сув, ҳар эҳтимолга қарши эчки гўштидан ҳам юклаб қўйилганди. Ниҳоят лангарни кўтариб, Шимолий тўхташ жойидан чиқдик. Тепамизда қароқчилардан қальъамизни химоя қилганимизда тиккан ўша байроғимиз хилпиради.

Шу пайт қароқчилар бизни илгари ўйлаганимиздан кўра анча дикқат билан қузатишгани маълум бўлиб қолди, чунки бўюздан сузиб чиққач, оролнинг жанубий чеккаснга яқинлашганимизда уларнинг учовини ҳам кўрдик: улар қумлок тилда тиз чўкиб, бизга ялинганларча қўлларини чўзиб туришарди. Уларни одам яшамайдиган оролда қолдириш анча оғир бўлса-да, лекин бошқа иложимиз ўйқ эди. Борди-ю, уларни кемага олсак, янгидан исён кўтаришармиди, билмадик! Бироқ ўз ватанида

дордан бошқа нарса кутмаётган одамларни олиб кетиши хам инсофизилек эди. Доктор уларни чақырди, уларга порох, озиқ-овқат қолдирғанимизни маълум қилди, буларни қаердан топиш мумкинлигини тушунтириди. Лекин улар бизни номларимиз билан чақириб, уларга раҳм-шафқат қилишимизни, ёлғизликда қолдириб, ўлим чангалига ташлаб кетмаслигимизни ялиниб сўрай бошладилар.

Охирида, кеманинг илгарилаб кетаётганини кўриб, улардан бири, қайсинаси эканлигини билмайман, даҳшатли бақирғанча, ўрнидан сапчиб турди, мушкетини олдида, ўқ узди. Ўқ Сильвернинг боши узра хуштак чалиб ўтиб, гротни тешди.

Биз эҳтиёткорлик қилиб, фальшборт ортига яширинидик. Нана ортидан мўралаб қарашга журъат этганимда тилда қароқчилар қўринмасди, хатто тилнинг ўзи хам кўздан фойиб бўлганди. Тушга якин мени бехад хурсанд қилиб, Хазиналар Оролининг энг юқори чўққиси хам кўздан йўқолди.

Биз шу қадар озчилик эдикки, керагидан ортиқ ишлашга тўғри келарди. Капитан кема куйруғида, тўшакда ётган холда буйруклар берарди. Анча тузалиб қолган бўлса-да, унга ҳозирча осойишталик керак эди. Биз янги матросларни ёллаш мақсадида Испан Америкасининг энг якиндаги портига йўл олдик: уларнинг ёрдамисиз уйимизга етиб ололмасдик. Шамол тез-тез ўзгариб турар, кемани тўғри йўлдан буриб юборарди; бундан ташқари, икки марта омонсиз довулга дуч келдик, то Америкага етгунча роса кийналдик.

Ёпик, ҳушманзара кўрфазга лангар ташлаганимизда қўёш ботаётган эди. Бизни негрлар, мулатлар, Мексика хиндулари тушган қайнұлар куршаб олди, улар мева-чева, сабзавот сотишар, сувга ташланган хар бир тангани олиб чиқишига шай туришарди. Уларнинг меҳр ёғилиб турган юzlари (асосан қора танлиларнинг), мазали тропик мевалар, энг муҳими, шахарда чараклаб ёниб турган чироклар – буларнинг хаммаси кишига завқ бағишлар, тунд, конга беланган Хазиналар Оролига ўхшамасди! Доктор билан сквайр кечани шахарда ўтказмоқчи бўлишди. Улар мени ўзлари билан ола кетишиди. Соҳилда инглиз ҳарбий кемасининг капитани билан учрашдик хамда

унинг кемасига бордик. Биз у ерда вақтни жуда кўнгилли ўтказиб, сахар пайтида «Испанъола»га қайтиб келдик.

Кема саҳнида ёлғиз Бен Гани турарди, биз кемага киришимиз биланок тавба-тазарру қилиб, энг ғалати қўл харакатлари билан оғир гуноҳ қилиб қўйгани учун ўзини айблай бошлади. Маълум бўлишича, Сильвер кочиб кетиби. Бен унинг қайикка ўтиришига ёрдам берганини эътироф этди, чунки, «Мана шу бир оёқли шайтон кемада экан», ҳаммамиз хавф-хатар остида бўлишимиз тайинлигига ишончи комил эканини айтди. Бироқ кема ошпази икки қўлини бурнига тикиб кетавермабди. У ўрта деворни билдирамай тешпби, шубҳасиз, келажакдаги дарбадарликлари учун асқотиб коладиган нул тўла халтани — ёки тўрт юз гинеяни ўмариб кетиби. Ундан шунчалик осон қутулганимиздан ўзимиз хам мамнун бўлдик.

Гапни чўзиб ўтирмасдан айтсан, кемага бир неча янги матросларни ёллаб, Бристолга соғ-саломат етиб келдик.

«Испанъола» мистер Блендли бизга иккинчи кемани ёрдамга юборсамми-йўқми деб ўйлаб турган бир пайтда қайтиб борди. Бутун экинаждан уйга фақат беш киши қайтиб келганди. Колганларга нисбатан: «Қадаҳ ол, ўлимга бошлар шайтон, хам», деб башорат қилиб айтилған ашулага жуда мос тушди. Хуллас, «Испанъола» қароқчилар:

Етмиш беш ўғлон қайтмади уйга—
Барчаси-барчаси денгиз қаърида,—

деб кўйлаган ўша кемадан баҳтлироқ чиқиб қолди.

Ҳар биримиз ҳазинадан ўзимизга тегишли улушни олдик. Баъзилар бойликтан оқилона фойдаланди, бошқалар, аксинча, ишнинг кўзини билмай, ўз завқ-шавкига берилиб, қайфу сафога сарфлади. Канитан Смоллетт денгиз хизматини ташлади. Грэй ўз пулларини саклаб қолиш билан бирга дархол муваффакиятга эришиш учун денгизчиликни астойдил ўргана бошлади. Эндиликда у штурман, ажойиб, яхши жихозланган кемага шерикчиликка эгалик қиласди. Бен Ганига келсак, у ўзига тегишли минг фунт стерлингни олиб, ҳаммасини уч ҳафта ичиди, аниқроғи ўн тўққиз кунда совурди, йигирманчи куни ҳузуримизга гадо қиёфасида кириб келди. Сквайр Бени ўзи жуда кўрқкан ишга — боғ коровуллигига тайинлади. У ҳозир хам тирик, қишлоқ бо-

лалари билан goх дўстлашиб, goх урушиб юради, якшанба хамда байрам кунлари черков хорида куйлади.

Сильвер хақида бошка хеч нарса билолмадик. Бир оёкли манфур денгизчи бутунлай унуглилди. Эҳтимол, у қора танини хотинини топиб олгандир, бирор ерда ўша хотини ва Капитан Флинт билан роҳат-фароғатда умр кечи-раётгандир. Шундай деб ўйлаймиз, чунки ўлгандан кейин унинг нариги дунёдаги хаёти яхши бўлишига хеч кандай умид йўқ. Хазинанинг қолган қисми — кумуш ём билар билан қурол-аслаҳалар ҳанузгача марҳум Флинт кўмган жойда ётнбди менимча, ётса ётаверсин. Эндиликда мени у лаънати оролга хеч нарса жалб қила олмайди. Ҳозиргача тунлари тушимга кирроқларга келиб урилаётган кучли тўлқинлар киради, ўрнимдан сапчиб туриб кетаман, шунда Капитан Флинтнинг хириллаган овоз билан:

— Пиастрлар! Пиастрлар! Пиастрлар! — деб такрорлаши эшитилаётгандай бўлади.

МУНДАРИЖА

Сүзбоши	3
---------------	---

Биринчи қисм

КЕКСА ДЕНГИЗ ҚАРОҚЧИСИ

I боб. Кекса мохир денгизчи «Адмирал Бенбоу» көвокхонасида	6
II боб. Қора Този келиб кетди	12
III боб. Қора белги	19
IV боб. Матрос сандығы	25
V боб. Күрнинг ўлыми	31
VI боб. Капитаннинг қоғозлари	36

Иккинчи қисм

КЕМА ОШПАЗИ

VII боб. Бристолга кетялпман	43
VIII боб. «Кузатув Дурбини» майхонасида	48
IX боб. Порох ва қурол	54
X боб. Сафар	60
XI боб. Олмадан бўшаган ёғоч хұмда ўтириб нималарни эшиздим ..	65
XII боб. Ҳарбий кенгаш	72

Үчинчи қисм

ҚУРУКЛИКДАГИ САРГУЗАШТЛАРИМ

XIII боб. Қурукликдаги саргузаштларим қандай бошланди	78
XIV боб. Биринчи зарба	83
XV боб. Ороллик	88

Тўртинчи қисм

ЁФОЧ ДЕВОР

XVI боб. Кема қандай тарк этилди (Кейинги воқеалар доктор томонидан баён қилинади)	94
XVII боб. Қайикда сўнгги марта кўчиш (Доктор ҳикоясини давом эттиради)	98
XVIII боб. Жанг бошланган дастлабки куннинг тугаши (Доктор ҳикоясини давом эттиради)	103
XIX боб. Истехкомдаги гарнizon (Яна Жим Хокинг ҳикоя қилади)	107
XX боб. Сильвер – элчи	112
XXI боб. Ҳужум	117

Бешинчи қисм

ДЕНГИЗДАГИ САРГУЗАШТЛАРИМ

XXII боб. Денгиздаги саргузаштларим қандай бошланды.....	123
XXIII боб. Сув қайтиши оғушида	128
XXIV боб. Қайикчада	132
XXV боб. «Хушчакчак Роджер»ни тушираман	137
XXVI боб. Израэль Хендс	141
XXVII боб. «Пиастрлар»	148

Олтинчи қисм

КАПИТАН СИЛЬВЕР

XXVIII боб. Душманлар қароргоҳида	154
XXIX боб. Яна кора белги	161
XXX боб. Лафз	167
XXXI боб. Ҳазинани қидириш. Флинтнинг күрсаткыч мили	173
XXXII боб. Ҳазинани қидириш. Ўрмондан эшитилган товуш	179
XXXIII боб. Бошликтар таслим бўлиши	185
XXXIV боб. Хотима	191

Адабий-бадиий нашр

Роберт СТИВЕНСОН

ХАЗИНАЛАР ОРОЛИ

Роман

Муҳаррир *A. Саъдулла*

Бадиий муҳаррир *Ҳ. Мехмонов*

Рассом *В. Валиев*

Техник муҳаррирлар *Т. Харитонова, Д. Габдрахманова*

Мусаххих *Ш. Орипова*

Компьютерда тайёрловчи *Ф. Тугушева*

Нашриёт лицензияси АI № 158, 14.08.09.

Босишига рухсат этилди 11.01.2013. Бичими 84×108^{1/32}.
Офсет қоюзи. «Virtec Peterburg» гарнитурасида оғсет
усулида босилди. Шартли б.т. 10,5. Нашр т. 11,13.

Адади 3000 нұсха. Буюртма № 12-359.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий күчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

C91 · Стивенсон, Роберт

Хазиналар ороли: роман / Р. Стивенсон. — Тошкент: O'zbekiston, 2012. — 200 б.

ISBN 978-9943-01-875-4

Таникли инглиз ёзувчиси Роберт Луис Стивенсоннинг ушбу китобида «Адмирал Бенбоу» қовокхонасидағи воқеалар, Жим Хоккинс исмли болакайниң хасты, униш скваїр Трслони ва доктор Ливси билан биргаликда сирли Хазиналар оролига саёкат қылгани, у ердаги бойликларни қандай топғапликлари, қарокчилар тұдаси билан мардонавор жаңг қылғапликлари ва бошқа гаройиб саргузаштлар хакида хикоя килинади.

Роберт Стивенсоннинг ушбу асари болаларга бағишлаб ёзилған бўлса-да, асарий катта ёшдагилар ҳам қизиқиб ўқидилар. Китобдаги воқеалар шундай қизиқарли баён этилганки, ёзувчи томонидаш маҳорат билан тасвирланған маизаралар сизни ўзига жалб қилмай қолмайди. Асаддаги воқеалар ниҳоятда содда ва равон услугуда баён этилганилиги туфайли ўкувчими беихтиёр саргузаштлар иштирокчисига айлантириб қўяди.

УДК: 821.512.133-3

ББК 84(4Ингл)